




ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 3/2006




2700

QARSHI, QARSHI, QASHQADARYO...



ҲОЗИРИЙЛАР



“...Сиз айтаётган кимсалар — ҳозирийлар, — дейди ҳамсуҳбатим. — Бугуннинг, бир кунгинанинг одамлари”. “Ҳозирийлар”? — дейман ажабланиб. — Шундай сўз бор эканми?” “Бўлмаса — бўлар. Луғатга кирмаган гап кўп-ку. Шу куннинг, ҳозирнинг бандалари, йўқ, бандиларини “ҳозирий” демай нима дейсиз?”

Одамзод кечаги кунини эслаши, кўмсаши, у билан фахрланиши мумкин, аммо ўтмиши учун яшамайди. Бунинг иложи йўқ. Бесамар ҳам.

“Пайғамбар ҳам бугунини кўрибди”, “Дам шу дамдир, ўзга дами дам дема”, “Бугунингни кўриб турсанг-чи, эртага бир гап бўлар” деган нақллар фоний умрнинг барча фаслларига бирдай дахлдор қатъий ақида ёки ҳикмат эмас, анчайин бир мавриди гап, холос. Лекин атрофга назар солинг-а: охиратни-ку қўятурайлик, оқибатини, ҳатто эртасини ҳам паққос унутиб, яккаш айни шу ўтаётган куни, дами, дақиқасининг қулига айланиб қолганлар қанча!

Эртанги савол-жавобдан кўрқса, андиша қилса, одам одамни хўрлармиди, одам одамга фириб бериб, риё қўллармиди, ўткинчи дунё матоҳига инсонлик шаънини алмаштирармиди?!

Бир думалаб бойваччага айланган мардум яқин биродарини, ночорроқ ҳамсоясини оёқ учида кўрсатади! Омади чолиб бирор мансабни эгаллаган бошқаси ўзини дунёнинг дўкайи чоғлаб, кечагина бир майизни бўлиб еган ҳамдамига осмони фалақдан келиб муомала қилади! Нега бундай? Негаки, бугуннинг эгаси, бугуннинг хўжайини — у! Эртанги кундан кўрқмайди. Эртанги кун ҳам ўзимники деб ўйлайди. (У кимники бўлишини қайдан билибсан, эй осий банда?!)

Сирасини айтганда, бундай “кунбайчи”лар ҳамма замонда бўлган. Аммо бугун роса урчиб кетгани сабаби нима? Умумфаровонлик ҳақидаги кечаги чўпчакларга ишонадиган одам қолдими бугун? Улимликка дея тийинлаб йиққан жамғармаси бир кунда сомондек совурилган бечоранинг аҳволини тасаввур қилинг! Бозор шароитининг асосий филдираги деганимиз бизнес эса толе милидек беқарор: ё чикка, ё пукка. Гардкамига-да. Боз устига — мактаб кўрмасдан ҳам биппа-бинойи кун кечириш мумкин экан, қаранг! Келажак кафолати — беш йиллик таҳсил шаходатномасига гоҳо олғирлик “таланти” тиркалмаса, мудоога эришиш қийин. Айрим дин пешволари ҳам оқибату охират ташвишлари қолиб, бу дунёнинг бошқа ўйинларига берилиб кетди... Хуллас, жамиятдаги ўтиш даврига хос бундай синовлар баъзи “тоши енгил”роқ кимсаларни гангитиб, бир куннинг асирига айлантириб қўйгани бор гап; бугуннинг гаштини сур, эртага — худо пошшо!

Аждодлар эртасини, яъни бугунги кунни ўйламаганида — сизу биз дунёга келармидик; бугдой бошоқ тортармиди, оғоч мева тугармиди, юрт кўриб турганимиздек кўркам, ободон бўлармиди...

Эртага ҳам кун бор. Эртага ҳам, Худо хоҳласа, тонг отажак, бобо Кўёш юз кўрсатажак. Унга тик қарамоқ-ку мушкулдир, бир-бировимизнинг юзимизга, кўзимизга қараш азобидан кўрқайлик, бугуннинг завқи билан маст юрган эй ҳозирийлар!



TAFAKKUR



Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

“Бу ерларда илк бора янграган Темур саси...”
Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин ЗАЙНИЕВ
билан суҳбат.....4

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Нарзулла ЖЎРАЕВ. Жавобсиз саволлар изтироби....12

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Миллий қомус — халқ тафаккури кўзгуси.
Профессор Нурислом ТЎХЛИЕВ билан суҳбат.....16



Иброҳим ҲАҚҚУЛ

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Омон МУХТОР. Ҳар кун — ўтган куннинг давоми.....26
Маҳмуд ТОИР. Умр фалсафаси умрдан узун.....32

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Одил ЁҚУБОВ. Осий банда. Романдан боб.....36

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят:

Нурбой АБДУЛҲАКИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Дамин ЖУМАҚУЛ
(масъул котиб)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бадний безак бўлими мудири)

Шоҳ САНАМ
(мусаҳҳиҳ)

Наргиза УСМОНОВА
(саҳифаловчи)

Журнални безашда Машраб
НУРИНБОЕВ олган суратлардан
фойдаланилди.

Жамоат кенгаши:

Дилором АЛИМОВА
Абдулла АЪЗАМ

Мухсин АШУРОВ
Хуршид ДАВРОН

Нуриддин ЗАЙНИЕВ
Баҳодир ЗОКИР

Нажмиддин КОМИЛ
Султонмурод ОЛИМ

Хайридин СУЛТОН
Қобилжон ТОШМАТОВ

Нурислом ТЎХЛИЕВ
Абдурахим ЭРКАЕВ

Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ
Муртазо ҚАРШИБОЙ

Фарҳод ҲАМРОЕВ
Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 120-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700047, Ташкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



133-10-68
139-05-19

Журнал андозаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонаси. 700029, Ташкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2006 йил 12 июнь кuni басмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма тобок, 2576-бўйртма. Нашр адади 3200 нусха.

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Гулнора РАҲМОН. Орзуларим билан бирга улғайдим.....50

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Қулман ОЧИЛ. Манзаралар.....52

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Нурбой АБДУЛҲАКИМ. “Виждон-ла юзма-юз иймон келадир...”.....58

МОҲИАТ ЖИЛОЛАРИ

Фарҳод МУСАЖОН. “Олтун-кумуш этма касб...”.....68

РОСТЛИК — ХАЛОСЛИК

Пўлат ЗОҲИДОВ. “Қасри муқарнас” муаммоси.....74

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ. Шайтон нега йиғлаган?.....80

АҚЛ МУНОЗАРАСИ


Чори НАСРИДДИНОВ. Биз билган ва билмаган дарвинизм.....96

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Нурмат САБУРОВ. Ҳуқуқий кўникмалар ибтидоси.....104

МОҲИАТ ЖИЛОЛАРИ

Виктор АЛИМАСОВ. Адолат мезони...110



Пўлат ЗОҲИДОВ

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Нажмиддин КОМИЛ мутолаа қилади...112

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Муҳаммадҷон АЛИХОНОВ. Зиёли — халқ машъали.....118

Баҳром ЖЎРАЕВ. Ҳуқуқий давлат пойдевори.....119

Севара АҲРОРОВА. Таъсирчан куч...120

Раҳима ИСОҚОВА. Шаҳарсозлик маданияти ва миллийлик.....120

Севара ТЎЛАГАНОВА. Қутқу солувчи иллат.....121

Умида ЎТАНОВА. Этномаданиятнинг яшовчанлик сирини.....122

Абдуқайом ПАРДАЕВ. Ҳаёт гўзаллиги манбаи.....123

Замира МИРЗАКАРИМОВА. Фитрат — она тилимиз жонқуяри.....124


Гулчеҳра ТУРДИАЛИЕВА. Сўзнинг мукамал зийнати.....125

Лола АМИНОВА. Пейзаж замиридаги ҳақиқат.....126

Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....127

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

**"Bu yerlarda ilk bora
yangragan Temur sasi..."**



*Қашқадарё вилояти ҳоқими,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси
Нуриддин ЗАЙНИЕВ билан
суҳбат*

— Ҳурматли Нуриддин ака, жамият тараққиётининг ҳам, инсон камолотининг ҳам муҳим шarti маънавият эканини биламиз. Лекин уни ҳаёт тарзига айлантириш, афсуски, ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Нимагадир одамзод моддий неъматларга кўпроқ майл кўрсатади. Нима учундир мол-дунё ортидан қувишга рағбати кучлироқ. Нега шундай? Сўз ва амал бирлигига эришиш бу қадар мушкуллиги сабаби нимада?

— Ҳақиқатан, маънавият — шахснинг ҳам, бутун жамиятнинг ҳам моҳиятини белгилайдиган муҳим ҳодиса. Инсон камолотининг асосий шarti — маънавият. Мутафаккир боболаримиз жамият равнақи даражасини комил инсонлар салмоғи билан ўлчагани бежиз эмас.

Аммо инсон аъмоли фақат маънавият билангина боғлиқ эмас, у биологик яратик ҳамдир. Оч киши ҳазил-мутойибага, кўшиқ айтишга ёки ижодий фаолиятга рағбат кўрсатмайди (гап алоҳида шахс ҳақида эмас, омма ҳақида кетяпти). Моддий неъматларнинг тўкинлиги, захираси инсон ҳаётининг фаровон бўлишини кафолатлайди. Моддиятга интилиш кучли экани сабаби шунда. Аслида, бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Лекин мабодо моддиятга интилиш бирдан-бир мақсадга айланса, унга ҳирс қўйилса, инсоннинг заволига сабаб бўлади. Афсуски, жамиятда нафсини, ҳирсини устун кўядиганлар ҳар доим ҳам топилиб туради. Тақсимотда советларга хос текисчилик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида эса бундайлар сони бир

оз кўпайди. Бу ҳол, менинг фикримча, дунёнинг ўткинчилигини, яшашнинг моҳиятини англамаслик оқибатидир. Лекин бу дегани моддиятни инкор этиш дегани эмас, зинҳор.

Инсон камолоти учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам маънавият ва иқтисодийга бирдек катта аҳамият берилиши лозим. Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов иқтисодий ва маънавият — тараққиётнинг қўш қаноти деганларида асл ҳақиқатни айтганлар. Энг яхши, олижаноб ғоялар, маънавий-тарбиявий тадбирлар ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминланмаса, қуруқ сўз бўлиб қолаверади. Бундай сўзнинг эса таъсири бўлмайди.

Сўз ва амал бирлигига эришиш учун иқтисодийнинг ривожлантириш бариберида маънавий тарбияни кучайтириш, жамият аъзоларида, айниқса, ёш авлодда янгича дунёқарашни шакллантириш зарур. Бусиз бирор нарсага эришиш имконсиз. Айтайлик, ҳар қанча замонавий корхона қурманг, у ҳар қанча рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқармасин, агар жамоада меҳнат ва технология интизоми рисоладагидек бўлмаса, ёхуд раҳбар ва мутахассисларда иқтисодий тафаккур саёзлик қилса, бундай корхона бир кун бориб таназзулга юз тутиши турган гап. Ёки, шунингдек, ҳашаматли маданият саройи бино этиб, атрофини гулу гулзор қилишингиз мумкин, аммо одамларда шунга муносиб бир ички эҳтиёж шакллантирилмас экан, бари бефойда — чеккан захматларингиз зое кетади.

Янгича дунёқараш, менинг назаримда, моддий ва маънавий эҳтиёжлар уйғунлигида намоён бўлади. Раҳбарда ҳам, оддий ходимда ҳам муайян ғоя бўлиши керак. Ғоя, ўз навбатида, мақсадни ҳосил қилади. Шундагина инсон бу ғояни амалга ошириш, мақсадга эришиш учун интилади. Ғояси, мақсади ноаниқ киши лоқайд, бефарқ, эътиқоди заиф бўлади. Бундай одам ҳаёт оқими, аниқроғи, бирор гуруҳ ёки сиёсий найрангбоз қай томонга етакласа, шу томонга кетаверади.

Биз ёш авлодда халқимизнинг олий мақсадлари ва эзгу интилишларини ифодалайдиган миллий истиқлол ғоясига содиқликни, айни чоқда, ҳар қандай бузғунчи, ёт таъсирларга нисбатан, Президентимиз таъбири билан айтганда, ғоявий иммунитетни шакллантиришимиз лозим.

Афсуски, узоқ йиллар коммунистик мафкура яккахокимлиги ва зўравонлиги кўпчиликни “ғоя” деган тушунчага нисбатан шубҳа билан қарашга ўргатиб қўйган. Лекин гап умуман ғоясизликни ёқлаш ёки ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш баҳонасида ҳар қандай ғоявийликни оқлаш тўғрисида эмас, балки тараққиётга хизмат қиладиган ҳаётбахш ғояларни омма онига сингдириш тўғрисида кетмоқда.

Сўз ва амал бирлигидаги номувофикликка келсак, бунинг асосий сабаби муайян шахс тарбиясидаги қусурлар, яъни ёлғончилик, лаганбардорлик, юлғичлик, ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўйиш, манманлик, ўйла-масдан ваъда бериб уддасидан чиқолмаслик каби иллатларга бориб тақалади.

“Шароит тақозоси”, “объектив қийинчилик” деган баҳоналар билан сўз ва амал ўртасидаги тафовутни оқлаб бўлмайди. Ахир, энг оғир кезларда, муҳтожлик замонларида ҳам сўзи ва амали бир-бирига мос кишилар кўплаб топилган-ку!

Фақат жузъий масалалардагина моддий имкониятнинг чегаралангани сўз ва амал ўртасида тафовутга олиб келиши мумкин. Масалан, оилада ота бола-ларига ниманидир ваъда қилади-ю, уни бажаришга имкони бўлмайди.

Сўз ва амал бирлиги ҳар доим шахс камолотининг муҳим белгиларидан ҳисобланган. Юртимизда Президентимиз раҳбарлигида таълимнинг барча бўғинларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, маънавият ва маърифатга эътибор, маданий меросимизни, Ватан тарихини ўрганиш, миллий кадриятларни умуминсоний кадриятлар билан бойитиш, болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлардан асл мақсад маънан ва жисмонан

соғлом, етук авлодни тарбиялашдир. Ана шундай авлодни тарбиялаб, ўзимиз ҳар жиҳатдан унга ўрнак бўлишга интилсаккина, сўз ва амал бирлигига эришмоғимиз мумкин.

Хуқуқий давлатнинг қарор топиб мустақамланиши, демократия ва фуқаролик жамияти ривожини ҳам сўз ва амал бирлиги учун шарт-шароит яратади. Сайловчиларини алдаган депутат, қонунни бузган ҳар қандай мансабдор шахс обрўини ва мансабидан айрилишини муқаррар бўлса, бу ҳол сўз ва амал тафовути камайишига албатта таъсир кўрсатади. Башариятнинг тарихий тажрибасидан маълумки, тараққиёт йўли ҳеч бир замонда осон кечган эмас. Тараққиётга машаққатсиз эришиб бўлмайди.

— *Ҳокимнинг шахс ва раҳбар сифатидаги маънавий қиёфаси, умуман, маънавиятга эътибори қандай бўлиши керак? Аксарият адиб ва шоирлар, олимлар Муборақдаги йирик корхона раҳбари бўлганингизда ҳам, бугун энди ҳоким сифатида ҳам маънавиятга алоҳида эътибор бераётганингизни эътироф этади...*

— Ҳокимнинг шахс ва раҳбар сифатидаги маънавий қиёфаси қандай бўлиши лозим, деган саволга тўлиқ жавобни Президентимизнинг кўплаб маъруза ва асарларидан, Соҳибқирон Амир Темур “Тузуқлари”дан, Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарларидан олиш мумкин.

Раҳбар аввало халқ дарди билан яшаши, зиммасига халқнинг оғирини енгил қилишдек масъулият юкланганини теран ҳис этиши лозим. Халқни алдаб бўлмайди. У раҳбарнинг ҳар бир қадамини кўриб, кузатиб юради. Менинг зимдан қилаётган ишимни ҳеч ким билмайди, деб ўйлайдиган раҳбар янглишади.

Раҳбар оддий кишиларнинг кўнглига йўл топа билиши, энг асосийси, берган ваъдасини бажариб, одамларнинг ишончига сазовор бўлиши даркор. Қўлидан келмайдиган ишни ваъда қилмаслиги, одамларга ҳар доим бор гапни айтиши керак.



Президентимиз ҳаққоний таъкидлаганларидек, халқимиз қийинчиликларни тўғри тушунади, ҳар қандай машаққатга бардош бера олади. Аммо ноҳақликка, адолатсизликка чидамайди, ёлғонни кечирмайди. Бинобарин, ҳалоллик, адолатпарварлик, халқчиллик раҳбарнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган муҳим омиллардир.

Раҳбар жамоасининг, аҳолининг руҳини кўтаришга, улар қалбида эртанги кун бугунгидан албатта яхшироқ бўлишига ишончни кучайтиришга ҳаркат қилиши даркор. Бунинг учун йилдан-йилга иқтисодий кўрсаткичлар, турмуш фаровонлиги ўсиб бориши, нафақат моддий, шунингдек, маънавий неъматлардан баҳраманд бўлиш имкониятлари ҳам тобора кенгайиши лозим. Ўз-ўзидан маълумки, раҳбар бошқарув усулларини пухта эгалламоғи, одамлар билан тил топиша билмоғи зарур. У энг аввало ўзига тааллуқли барча муаммолар бўйича, ишлаб чиқаришдаги аҳволдан тортиб, жамоанинг кайфиятию маънавий муҳитгача тўлиқ тасаввурга эга бўлмоғи керак. Аммо қуруқ ахборотдан хабардорликнинг ўзигина камлик қилади. Раҳбар мавжуд ахборотни холис ва теран таҳлил эта билиши, аниқ хулоса чиқариб, тўғри қарор қабул қила олиши лозим.

Энг муҳими, ана шу қарор қоғозда қолиб кетмаслиги, албатта ижро этилиши зарур. Ижро интизомининг назорат қилиниши ютуққа эришмоқнинг асосий шартидир. Қабул қилинган қарор бажарилмаса, раҳбарнинг обрўйига путур етади. Бундан ҳам ёмони, бошқарув тизими емирила бошлайди, жамоада интизом бўшашиб кетади.

Шу боис раҳбар холис, ўйлаб иш тутадиган, айна пайтда қатъиятли, журъатли, бошлаган ишини охирига етказа биладиган шахс бўлмоғи керак.

Маънавий юксалишни, ёш мутахассислар камолини, ёш авлод истиқболини ўйламайдиган раҳбар ютқазади. Унинг ишлари бир-икки йил тузук кетиши мумкин, лекин аста-секин турли муаммолар юзага чиқади, маънавий муҳитда зиддият кучаяди, одамлар ўртасида меҳр-оқибат сусая бошлайди. Бу эса маънавий таназзул аломати. Шу боис, раҳбарга қўйиладиган асосий талаблардан бири одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, маънавий муҳитни соғломлаштиришдир.

Мен қаерда ишламайин, шу нарсаларга эътибор беришга, меҳнат қилиши, оилавий шароити ва маданий дам олиши учун ишчи ходимларга зарур шарт-шароит яратишга ҳаракат қилганман. Муборақда ишлаган кезларим корхонамизга Тошкентдан, Қаршидан мунтазам равишда театр жамоалари, хонандалар, шоир ва ёзувчилар, ижод аҳли келиб турган.

Бу хусусиятларни биз, ҳеч муболағасиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич вилоятда раҳбар бўлганларида у кишидан ўрганганмиз.

Шу ўринда яна бир гапни таъкидлаш зарур. Афсуски, биз кўпинча маънавий-маърифий ишларда тарбиянинг индивидуал шаклидан кам фойдаланамиз. Мафкуравий муҳолифларимиз, айниқса, диний ақидапарастлик тарғиботчилари эса, биринчи навбатда, индивидуал иш тутади. Тарбиявий ишлар услуги замон талабларига, тараққиёт шиддати ва суръатларига мос равишда бойитиб борилиши, кўпроқ аниқ шахсга йўналтирилган бўлиши лозим. Ҳозирги глобаллашув ва ахборот технологиялари асрида интернет орқали ёшлар турли ахборотларни олаётир. Табиийки, интернет воситасида дунёқарашимизга ёт ғоялар, мамлакатимиз мустақиллигини заифлаштиришга қаратилган ахборотлар ҳам тарқатилмоқда. Бундай ахборот хуружга қарши ёшларимизда иммунитет ҳосил қилиш учун интернет тармоғида ўзимизнинг турли тилларда веб-сайтларимиз бўлиши керак. Шундагина ёшларимизни йўлдан уришнинг олдини олиш ба-робарида чет элларда она юртимизнинг обрўйи, имижини ошириш имконияти ҳам кенгайди.

— Сизни кўп китоб ўқийдиган раҳбар, дейишади. Вилоят ҳокими сифатида иш бошлагач, дастлаб Қарши шаҳрида замон талабларига мос компьютерлашган кутубхона барпо эттирганингиздан хабардормиз. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлардан, ташвишлардан ортиб китоб ўқишга вақт, имкон топиш мумкинми? Биламиз, Сиз раҳбар бўлиш баробарида олим ҳамсиз — фан номзодисиз. Қандай адабиётлар Сизни кўпроқ қизиқтиради? Нималарни ўқигингиз келади?

— Ота-боболаримизнинг “Кам ухла, ғафлат босиб ётма, акс ҳолда ишингда барака бўлмайди, ҳеч нарсага улгурмайсан” деган ўғитига риоя қиламан. Лекин барибир китоб ўқишга вақт етмаяпти. Илгари имкониятим кўпроқ эди, албатта.

Касб нуқтаи назаридан, табиийки, иқтисодий мавзудаги китобларга кўпроқ қизиқаман. Оддий китобхон сифатида ижтимоий-сиёсий, тарихий, фалсафий, бадиий китобларни мутолаа қилишга интиламан. Айниқса, Ўзбекистон, Марказий Осиё тарихига, ўтмиш маданиятига оид асарларни ўқисам дейман. Чунки бизнинг авлодга мактабда ва институтда бундай асарлар ўқитилмаганидан ташқари, улар сотувда ҳам жуда кам бўлар эди.


Ҳозир таниқли олим Рустам Сулаймоновнинг Нахшаб тарихига оид салмоқдор тадқиқотини, Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги китобларни ўқияман. Президентимизнинг асарларини, айниқса, “Ёшларимиз — халқимизнинг ишончи ва таянчи” китобини такрор-такрор мутолаа қиламан. Ҳиндистон, Хитой, Россия каби ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига доир асарларни ўқишга жуда қизиқаман.

— Қарши шаҳрида кўҳна Насафнинг 2700 йиллик тўйи муносабати билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Лекин таъкидламоқ ўринлики, Қашқадарё воҳасининг бизнинг замонамиздаги энг гуллаган даври муҳтарам Ислом Каримов вилоят раҳбари бўлган йилларга тўғри келади. Бундай вилоятда раҳбар бўлишнинг ўзгача масъулияти бор, албатта...

— Ўрта асрларда гуллаб-яшнаган Насаф мўғул истилоси даврида қаттиқ талафот кўрган, вайрон этилган. Шаҳар ҳозирги ўрнида қайта тикланган. Бу шаҳарнинг учинчи маконидир. 2700 йил илгари у дастлаб ҳозирги Ерқўрғон худудида бўлган, Нахшаб деб аталган. Тарихдан маълумки, Нахшаб обод, ривожланган шаҳар бўлганидан жанубий Сўғднинг маркази, кейинчалик эфталитлар давлатининг пойтахти вазифасини ўтаган.

Милодий VI асрнинг 60-йиллари Нахшаб Турк хоқонлиги ва сосонийлар Эрони коалиция кучларининг эфталитларга қарши урушида тўлиқ вайрон этилган. Шундан сўнг у Ерқўрғондан беш чақирим нарида, ҳозирги Шулликтепада жойлашган қалъа атрофида қайта тикланган. Араблар “Нахшаб” сўзини Насаф деб талаффуз этган ва шундай ёзган. Ўрта асрларда яратилган тарихий адабиётларда шаҳар Насаф деб аталган.

Насафдан ислом дини тараққиётига, фан, адабиёт ва санъат ривожига, муслмон маданияти юксалишига улкан ҳисса қўшган кўплаб илм ва ижод аҳли етишиб чиққан. Шу сабабдан бўлса керак, у бутун ислом оламида “мадина” нисбати берилган саккиз шаҳардан биридир. Абу Саъид Абдулкарим ат-Тамимий ас-Самъоний “Ал-Ансоб” (“Насабнома”) асарининг уч жойида буни алоҳида таъкидлаган. Насафда олимлар истиқомати ва ижод билан шуғулланиши учун қурилган махсус бино бўлган. У “Ал-қаллос” деб аталган. Унда яшаб ижод этган ёки шу ерда туғилиб, вояга етгач, бошқа шаҳарларга бориб илмда шуҳрат қозонган мутафаккирлар ўзларига Ал-қаллосий нисбасини танлаган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиёда мўғул истилосигача яшаб ижод этган уч минг муҳаддиснинг (ҳадисшунос олимнинг) тўрт юз нафари насафлик бўлган. Насаф олимлар етишиб чиқиши жиҳатидан Самарқанд ва Бухородан кейин энг шарафли ўринда турган.



Ана шундай обод илм-фан ва маданият маркази Чингизхон томонидан вайрон этилган, инқирозга юз тутган. Қайта тикланган шаҳар Насаф эмас, туркийча Қарши (сарой) деб аталган. Қарши Амир Темур даврида тараққиётнинг тамомила янги босқичига кўтарилган. Иқтисодий мавқеи ҳам ўсган. Буюк бобкалонимизнинг юртни мўғул истилосидан озод қилиш борасидаги зафарли юришлари айнан Қаршидан бошланган. Абдулла ака “Қарши кўшиги” шеърида шунга ишора қилган. Янглишмасам, шеърда “Бу ерларда илк бора янграган Темур саси” деган мисра бор. Ҳақиқатан ҳам, Соҳибқирон Амир Темур тақдирида Қарши алоҳида ўрин тутган.

Ўз навбатида, Амир Темур шаҳарни мудофаа деворлари билан ўратган. Кўплаб ободончилик ишларини амалга оширган. Йўллар, карвонсаройлар, бозорлар қурдирган. Шаҳар гуллаб-яшнаган.

Ўтмишда кўҳна Қарши не-не талотумларни бошдан кечирмаган дейсиз! Шаҳарнинг юксалган ёки инқирозга юз тутган, босқинчилар томонидан вайрон этилган даврлари кўп бўлган.

Совет даврининг сўнгги йилларида “пахта иши”, “ўзбеклар иши” баҳонасида миллатнинг гули бўлган кўплаб зиёлилар қатағон қилинганда Қашқадарё вилояти ва Қарши шаҳри ҳам таназзул гирдобига тушиб, қурилиш, ободонлаштириш ишлари деярли тўхтаб қолган эди. Ана шундай шароитда вилоятга раҳбар бўлиб келган Ислоом Каримов аввало одамларга нисбатан авж олган таъқиб ва тазйиқларга, адолатсизликларга барҳам берди. Қанчалик қийин ва оғир бўлмасин, мардлигу жасорат кўрсатиб, минг-минглаб бегуноҳ кишиларнинг оқланишига эришди. Бутун вилоятда ва Қарши шаҳрида тўхтаб қолган қурилиш, ободонлаштириш ишлари қайта жонланди. Кўплаб янги иншоотлар, айниқса, ижтимоий-маданий, спорт объектлари барпо этилди. Ишлаб чиқариш корхоналарига замонавий асбоб-ускуналар, чет эл технологиялари ўрнатилди. “Термопласт” заводи ва бир неча янги корхоналар қурилди. Қатағонлардан таҳликага, қўрқувга тушиб қолган одамлар кўзида яна ишонч учкунлари порлай бошлади. Буни қашқадарёликлар ҳеч қачон унутмайди.

Президент Ислом Каримовнинг миллат шаъни, ор-номуси, истиклол учун кураши, бунёдкорлик ишлари халқимиз тарафидан Соҳибқирон Амир Темур фаолиятига қиёслиниши бежиз эмас.

Сиз шундай вилоятга раҳбарлик қилишнинг масъулияти тўғрисида сўз очдингиз. Албатта, осон деб бўлмайди. Қашқадарё Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан йирик, иқтисодий имконияти кучли вилоятларидан. Вилоят раҳбари зиммасидаги масъулият ҳам ана шунга яраша.

Иш фаолиятимда менга икки омил муҳим таянч бўлмоқда. Биринчиси — Президентимиз ва ҳукуматимизнинг вилоятга кўрсатаётган амалий ёрдами, қўллаб-қувватлаши. Иккинчиси — биз Ислом Абдуғаниевич вилоятга раҳбарлик қилган йиллари яратган бошқарув мактаби сабоқларини ёдда тутиб, масъулиятни ҳар томонлама чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қиляпмиз.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш ташаббускори ҳам, шаҳарда ва вилоятда бугун бўлаётган бунёдкорлик ишларининг бош раҳбари ҳам Юртбошимиздир. У киши вилоятга келган чоғларида, бошқа муҳим ишлар қатори, ободонлаштириш масалалари билан алоҳида қизиқадилар, зарур маслаҳатлар берадилар ва амалий ёрдам кўрсатадилар. Лойиҳаларнинг аксарияти Президентимизнинг бевосита кўрсатмалари билан тайёрланиб, шу асосда бунёд этилмоқда.

Тўйга астойдил тайёргарлик кўриш, ободончиликка, саранжом-саришталикка ўзгача эътибор бериш миллатимизга хос хусусиятлардан. Қарши шаҳрида бугун амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини шу жиҳатдан баҳолаш ўринли бўлар эди. Қолаверса, шаҳарнинг 2700 йиллик тўйи арафасида Қаршида яна бир муҳим тадбир — “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Шаҳримиз қиёфасида ҳам, одамлар кўнглида ҳам байрам руҳи устуворлиги сабаби шунда. Йигирма минг томошабинга мўлжалланган марказий стадион, Олимпия захиралари спорт коллежининг 1200 ўринли манежи, “Насаф” стадиони ва унинг бассейни каби янги қурилган, таъмирланган иншоотлар ёш авлоднинг жисмоний баркамол бўлишига хизмат қилади.

Фақат бугина эмас, Қаршининг 2700 йиллиги муносабати билан жами 140 объектда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тарихий обидалар — Кўкгумбаз, Одина, Чармгар масжидлари, Бектемир ва Абдулазиз мадрасалари, Қашқадарё кўприги ва бошқа ёдгорликларнинг қадимий меъморлик услублари асосида қайта тиклангани шаҳримиз қиёфасини янада кўркамлаштириб юборди.



— Сиз кўп йиллардан буён “Тафаккур” журнали таҳрир ҳайъатининг аъзосисиз. Журналда Лев Толстойнинг машҳур “Икромнома”си босилишида ҳам Сизнинг ҳиссангиз бор, дейишади. Шу гап ростми?

— Мен Муборак газни қайта ишлаш заводида ишлардим. “Тафаккур” журнали ижодий жамоаси вакиллари билан учрашув ўтказдик. Ушанда улар журнал бош муҳаррирининг ўринбосари, атоқли алломамиз Озод ака Шарафидинов бошчилигида заводга ташриф буюришган эди. Учрашувдан кейин дастурхон атрофида турли мавзуларда — адабиёт, санъат, театр ҳақида суҳбатлашдик. Гурунг асноси мен Москвада аспирантлик кезларим Лев Толстой “Икромнома”сининг ксеронусхасини ўқиганимни ва ундан қаттиқ таъсирланганимни айтдим. Бу асар совет даврида фақат бир марта, ёзувчининг мукамал асарлар тўпламида бор-йўғи минг нусхада нашр этилган. Ҳозир, мустақиллик шароитида, уни ўзбекчага таржима қилиб нашр этишга нима халақит беради, ахир, асар ўқувчини “Яшашдан мақсад нима?”, “Ҳаёт мазмуни нимадан иборат бўлмоғи лозим?” деган саволлар устида бош қотиришга ундайди-ку, дея фикр билдирдим. Озод ака гапимни маъқуллади. Орадан кўп ўтмай, журналда у кишининг таржимасида “Икромнома” чоп этилди.

Журнал билан алоқаларимиз турли шаклларда ҳамон давом этаётир. Таҳририят маъқул топиб, мени ҳайъат аъзоллигига киритган.

Шу ўринда “Тафаккур”ни излаб ўқийдиган мухлисларни бундан ҳам кўпайтириш билан боғлиқ бир-икки мулоҳазамни айтсам. Назаримда, бунинг учун журналнинг интернетдаги электрон нашрини тезроқ амалга ошириш зарур. Чунки “Тафаккур”дай журнал, шубҳасиз, заҳматли меҳнат эвазига дунёга келади. Бундай меҳнат самарасидан имкони борича кўпроқ одам баҳраманд бўлиши керак.

Иккинчидан, журналда кўтарилган долзарб мавзулар юзасидан телевидениеда кўпчиликнинг эътиборини тортадиган дадил кўрсатувлар ташкил этиш зарур. Бу иш маънавият соҳасидаги ислохотларимиз ютуғини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса бўлар эди.

— Эртанги кунга умид, ишонч билан яшаш инсон ҳаётининг моҳиятини ташкил этади. Бу ҳақиқат устоз Абдулла Ориповнинг “Хали олдиндадир гўзал кунларим...” шеърисида бениҳоя таъсирчан ифодаланган. Истиқболдаги режаларингиз қандай? Эртанги кундан нималар кутяпсиз?

— Эртанги кун бугунгисидан беҳроқ бўлишига ишонмасангиз, ҳаёт яхшиланиши учун нимадир қилишим зарур, деган эътиқод билан яшамасангиз, унда ишингизда, умрингизда маъни қолмайди. Бугун сиз, адабиётчилар, баҳс юритаётган абсурд ҳодисасига айланади. Шу сабабдан инсон боласи орзу-ҳавас билан яшайди, фарзандларимга яхши тарбия берсам, тўй қилсам, эзгу ва савобли ишларга бош қўшсам дейди. Эзгуликка интилиш, савобталаблик инсонни фаолликка ундайди, ҳаётига мазмун бағишлайди.

Эртанги кундан менинг ҳам, барча юртдошларим каби, умидим катта. Ўзбекистон иқтисодиёти йилдан-йил мустаҳкамланиб, аҳоли турмуш даражаси ўсиб борапти. Жумладан, вилоятимиз деҳқонлари 2003 йилда 42 миллиард сўм соф фойда олган бўлса, 2005 йилга келиб бу рақам 76 миллиардга етди. Ҳар йили ана шундай суръатларда ўсишни таъминласак, яқин йиллар ичида тараққиётимизда чинакам сифат ўзгариши юз беради. Бунинг учун мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик сақланиши, энг асосийси, Президентимиз раҳбарлигида танланган сиёсий ва иқтисодий йўлимиздан собит олға боришимиз керак.

Нурбой ЖАББОРОВ суҳбатлашди.



XXI аср инсоният тарихининг янги саҳифасини очаётир. Янги юзйиллик аввалида ижтимоий-сиёсий жараёнлар кескин ўзгараётгани ҳам бунни тасдиқлайди.

Шунинг баробарида, глобал аҳамиятга молик зиддиятли масалалар инсоният тақдирига, бугуни ва истиқболига жиддий таъсир этмоқда. Айни ана шу муаммолар табиатини, моҳиятини англаш миллий маънавиятга бўлган таҳдидни чуқурроқ ҳис этиш имконини беради.

Оммавий ахборот воситалари мазкур муаммоларни шу даражада кўп тарғиб этмоқдаки, бу баъзан гоёта мураккаб вазиятни вужудга келтираётир. Хилма-хил далиллар ва рақамлар атрофидаги мулоҳазалар, тобора кўпайиб бормоқда. Кўнгилларни ғаш қилувчи “башорат”лар ва янги технологик излашлар шу қадар авж олиб кетдики, бу Ер шари тақдири ва инсоният истиқболига дахлдорлик туйғусини яна ҳам кучайтиради.

Ана шундай мураккаб шароитда инсоннинг энг ишончли ҳимоячиси маънавиятдир. Биз ташқи олам, атроф-муҳит ва ижтимоий ҳаётдаги муаммолар билан ўралашиб, инсон ва унинг моҳияти хусусида кам-

роқ ўйлаймиз. Балки глобал муаммолар таҳдиди бизни шу кўйга солаётгандир. Бироқ унутмаслик керак: ҳар қандай муаммони ҳал қилувчи, ҳар қандай таҳдидни бартараф этувчи куч — инсон маънавияти, иродаси ва руҳий қувватидир.

Инсоният яратган бой маданий қадриятлар, жумладан, кишилик тарихи шундан далолат берадики, маданиятнинг умри инсон умридан бирмунча узун. У инсоният ибтидоиси ва интиҳосини ўзида мужассам этади. Бугун биз Миср, Рим, Самарқанд, Бухоро, Хива деганда маданиятнинг нақадар барҳаётлигига, яшовчанлигига, келгуси авлодлар руҳиятига гоёта кучли таъсир ўтказишига ишонч ҳосил қиламиз. Бинобарин, улар ажодларимизнинг буюк санъатидан, ўзига хос тамаддунидан дарак бериб келяпти.

Фан, маданият, санъат фақат озодлик шароитидагина ривожланади. Ҳозирги замон жаҳон маданияти даражаси бунини тасдиқлайди. Шунинг баробарида, таъкидлаш жоизки, кишилик жамияти тарихи бошқа ҳеч бир замонда XX асрдаги сингари фавқуллод ҳолатларга, тўқнашув ва зиддиятларга дуч келмаган. Айни ана шу ҳодиса янги юзйил-

лик тақдирини, моҳиятини белгилайдиган омилга айланди. Сиёсий тафаккур, ижтимоий фалсафа, уруш ва тинчлик ҳақидаги гоялар ривожлангани сари инсоният тобора таҳдид гирдобига тушмоқда. Халқлар, миллатлар энди бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшашга эҳтиёж сезаётир. Натижада жамият ҳаётида байналмилаллашув, яъни халқлар ва миллатларнинг маданиятлар орқали ўзаро яқинлашуви жараёни кучаймоқда.

Аслини олганда, ҳар бир миллат ёки элат умумсайёравий маданиятга ўзига хос ҳиссасини қўшади. Шу билан бирга, ҳар бир миллий маданият тарихий илдиэларига таяниб, унинг сарчашмаларидан баҳра олиб, умумтарихий тажрибалар асосида бойиб боради.

Бироқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг шиддатли ривожи умуминсоний моҳият касб этаётгандай кўринса-да, баъзан муайян миллий маданиятга салбий таъсир кўрсатиши, уни таназзул гирдобига тортиши ҳам мумкин. Бундай пайтда **миллий тафаккур, миллий онг, миллий рух** алоҳида аҳамият касб этади. Айни ана шу **муҳим учлик** ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг кучқудратини намоён этмоғи ҳаёт тақозосидир.

Фақат ўзаро соғлом мулоқот, ўзаро бир-бирини тўғри тушунишгина бугунги дунёни асраши мумкин. Қурол-яроғ, ҳарбий аслаҳалар воситасида зўравонлик қилиш, буюқ давлатчилик шовинизми таҳдиди ҳозирги замонга келиб ибтидоий ҳодисага айланди. Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёда Ер шарини ўз ўқи атрофидан чиқариб юборишга қодир бўлган қудратли ҳарбий аслаҳалар тўпланган. Бироқ соғлом ақл ундан фойдаланиш имкониятини рад этади. Шу нуқтаи назардан, уруш ва тинчлик сингари глобал муаммога фақат соғлом идрок ва заковат орқали муносабатда бўлиш заруратга айланди.

Давлатлараро, минтақалараро можароларнинг юзага келиши сиёсий маданият муаммосини яна ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Бу долзарблик ўз-ўзидан юксак маданиятни тақозо этадики, фақат у бор жойда очиқлик, қалбан ва руҳан яқинлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ҳам мавжуд бўлади.

Ҳозирги замон талаблари нуқтаи назардан қараганда, ҳар қандай миллий маданият турли халқлар маданияти билан узвий ҳамкорликда ривожланмоғи лозим. Ана шу жараёнда бир маданият иккинчисига таъсир ўтказди, шунинг баробарида, ўзи ҳам бойиб боради. Миллий-маданий қобикдан чиқмаслик, ўзга халқлар маданиятига менсимасдан муносабатда бўлиш тараққиёт ютуқлари-

дан ортада қолишга, маҳдудликка олиб келади. Бошқа бир маданиятга кўр-кўрона эргашиш эса миллатнинг инқирози билан тенг бўлган фожиадир. Шу боис маданий муносабатларда меъёр туйғусини унутмаслик зарур.

Маданиятлараро интеграция авж олаётган ҳозирги даврда масаланинг мураккаб ва зиддиятли экани тобора яққолроқ намоён бўлаётир. Бир томондан, айрим халқлар маданияти бошқаларининг ривожига, уларнинг жаҳон тамаддунига яқинлашувига ёрдам бермоқда. Бу, биринчи навбатда, ҳар қандай миллатнинг тараққиётга интилиши самарасидир. Иккинчи тарафдан, баъзан ривожланган халқлар маданияти тараққиётдан орта қолган миллатлар маданиятини ютиб юбормоқда. Уларга кучли таъсир ўтказиб, ўзига хослигини, миллий хусусиятларини, қадриятга айланган урф-одат ва анъаналарини поймол этаётир.

Таъкидлаш керакки, жаҳон тамаддуни ютуқларига кўр-кўрона эргашиш миллий ўзига хосликини завоқла маҳқум этади. Бундай ҳол турлича шаклда намоён бўлади.

Сиёсий соҳада дунёни термомядро хавфидан қутқариш, халқлар ва давлатлар ўртасида мўътадил иқлимни вужудга келтириш, диний экстремизм, фанатизм, халқаро терроризмга қарши курашиш, наркотик моддаларнинг тарқалишига чек қўйиш сингари глобал муаммоларни, минтақавий можароларни бартараф этишда юксак сиёсий маданиятга эришиш XXI асрнинг долзарб масалаларидандир. Президент Ислом Каримовнинг БМТ 48-сессиясида ушбу глобал муаммолар ечими юзасидан билдирган қуйидаги мулоҳазалари эътиборга моликдир: “Дунё можароларини ҳал этишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш зарур”. Юртбошимиз шу тариқа буюқ давлатчилик шовинизми, катта давлатларнинг кичик давлатларга тазйиқи, зўравонлик иллатларига барҳам бериш, дунё муаммоларини ҳал этишда ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини яхшилик сари буришда музокаралар йўлини танлаш, ҳар қандай можароли масалаларни ақл-идрок, юксак сиёсий тафаккур ва маданият орқали ҳал этиш зарурлигини уқтирган эди.



Диний соҳада жаҳон динларининг ўза-ро интеграцияси ўз ақидалари, диний қоидалари ва ҳуқуқий меъёрлари нуқтаи назардан дунёвий масалаларни умуминсоний қадриятлар асосида баҳолашни тақозо этади. Динларнинг бир-бирини инкор этиши, камситиши, бир диннинг бошқаси устидан ҳукмронлик қилишга интилиши сингари иллатларга барҳам бериш, масалага диний қарашлар ва этиқодлар турлича бўлгани билан Оллоҳ таоло ягона экани жиҳатидан ёндашишни тақозо этади. Унутмаслик керакки, Оллоҳга интилиш, яқинлашиш йўли хилма-хил, бироқ Яратганнинг ўзи ягонадир!

Иқтисодий соҳада жаҳон бозорининг тобора кенгайиб бораётгани, ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш технологияларининг дунёни забт этаётгани, тараққиёт йўлига эндигина чиққан давлатларнинг илғор технологияларга эҳтиёжи ортаётгани иқтисодий қарамликка олиб келмаслиги лозим. Катта-кичиклигидан қатъи назар, ўзаро ҳамкорлик жараёнида ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида иштирок этиши каби омиллар алоҳида ўрин тутаяди.

Ривожланиш йўлидаги давлатларга замонавий ишлаб чиқариш технологияларининг кириб келиши фақат ижтимоий-иқтисодий ҳодисага бўлмай, одамлар тасавури ва тафаккурини ўзгартириб юборадиган, янгича қарашларни келтириб чиқарадиган воқелик ҳамдир.

Ижтимоий соҳада давлатлараро ҳамкорлик, ривожланаётган мамлакатларга беғараз ёрдам беришга эришишга инсониятни таназзулдан асраб қолади. Бунда манфаатлар устуворлиги, ижтимоий ёрдам ниқобидаги бузғунчиликлардан сақланиш муҳим аҳамиятга эга.

Маданиятлараро интеграция энг аввало маънавий-ахлоқий ва маърифий мезонлар, умуминсоний қадриятлар асосига қурилмоғи лозим. Афсуски, ҳар доим ҳам бунга эришил-япти, деб бўлмайди. Аксарият ҳолларда озсонли миллатларни босқичма-босқич миллий ўзлигидан айириш, миллий анъаналари ва урф-одатларига зарба бериб, тарихий илди-ларини қирқиш, шу орқали улар устидан ҳукмдорликка эришиш тамойили кучай-моқда. Жаҳон ахборот бозорининг тобора кенгайиб бораётгани, хусусан, интернет ти-зимининг ривожи, бир жиҳатдан, ҳозирги за-мон тамаддунининг нодир ва мўъжизакор ютуғи бўлса, иккинчи томондан, бузғунчи ғоялар, тажовузкор мафуралар осонлик билан кириб келишига йўл очиб бераётир. Халқлар ва миллатларнинг фикрини чалғи-тиш воситасига айланаётир.

Ана шундай мураккаб ғоялар кураши, маф-куралар қарама-қаршилиги, ахборот хуружи авж олган бир пайтда миллий маданиятни асраш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қол-ди. Бу ҳар бир фуқаронинг маънавий ва маъ-рифий савиясига, ахлоқий камолот даража-сига, мамлакат ва миллат тараққиёти учун дахлдорлик туйғусининг қай даражада шакл-ланганига ҳам боғлиқдир.

Бугун турли давлатларнинг сармоядорла-ри, нодавлат нотижорат ташкилотлар риво-жланаётган мамлакатларга кенг миқёсли ёр-дамни таклиф этаётир. Бу ижобий ҳодиса, албатта. Бироқ айрим ҳолларда моддий-мо-лиявий кўмак ниқоби остида ғоявий таъсир ўтказиш, мафкуравий бузғунчилик ва тажовуз-корлик мақсади ҳам яширинганки, буни зин-ҳор оқлаб бўлмайди. Бинобарин, аҳолининг қайсидир қатламини ҳомийлик ёрдамлари орқали ўз иродасига бўйсундириш, уларнинг фикрини чалғитиш, иймони суст одамлар онги ва қалбига бузғунчи ғояларни сингди-риш йўли билан бугун бир миллат ҳаётига таҳдид солиниши адолатга ҳам, умуман, ин-сонийликка ҳам зид аъмолдир. Жамоат таш-килотлари ўртасидаги ҳамкорлик, ҳомийлик баъзан чуқурлашиб, аста-секинлик билан сиё-сий тус олумоқда, ҳатто давлатларнинг ички ишларига аралашигача бориб етмоқдаки, бунинг салбий оқибатлари дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасида бўй кўрсатаётир.

Айни пайтда дунёда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини хорижий сармоя-дорлар томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш ва бу жараённи қонун йўли билан мувофиқлаш-тириш тажрибаси юзага келмоқда. Бироқ эркин ҳамкорликни қатъий тартибга солиш, уни назорат қилиш жараёнини кимлардир демократик қадриятлар меъёрларига зид деб ҳисобламоқда. Аммо айни шундай интизом миллий хавфсизлик ва барқарорликни мус-таҳкамлаш, тараққиёт изчиллигини, тадри-жийлигини таъминлаш учун зарурий эҳти-ёжга айланади. Бошқача айтганда, демокра-тия анархия эмас, қонунларга қатъий амал қилишдир. Фақат умуммиллий манфаатлар-га хизмат қиладиган қонунлар доирасидаги-на ҳақиқий демократияни, кенг миқёсли эр-кинликни барпо этиш мумкин. Ваҳоланки, бундай тажриба дунёнинг бир қатор мамла-катларида мавжуд. Жумладан, Японияда но-давлат ташкилотларни молиялаштириш қат-тиқ назорат қилинади.

Исроилда нодавлат ташкилотларга хориж-дан молиявий ёрдам кўрсатиш тақиқланган. Мамлакатда давлат конституцион тузумига зарар келтирадиган ва низоом талаблари дои-расидан чиқиб кетган, унга риоя этмаган но-

давлат ташкилотлар иши судда кўрилиб, фаолиятига чек қўйилади. Нодавлат ташкилотларнинг барча молиявий ҳаракатлари доимий равишда текшириб турилади. Маблағ ўтказиш жараёни шубҳа туғдирган тақдирда банк бу ҳақда ўша заҳотиёқ тегишли идорага маълумот беради ва амалдаги қонунлар асосида чора кўрилади.

Францияда нодавлат ташкилотларнинг хорижий грантлар ва ўзаро ҳамкорлик асосида келадиغان ҳар қандай маблағлардан фойдаланиши махсус рухсатнома орқали амалга оширилади. Бунга мамлакатнинг тинч ва барқарор ҳаёти, халқнинг осойишта турмуши омили сифатида қаралади. Зотан, ҳар қандай ўзаро алоқалар, ҳамкорликлар қонунга ва меъёрий ҳужжатларга таяниши фаолиятнинг эркин, дахлсиз ва айна пайтда самарали бўлишини таъминлайди.

Оммавий ахборот воситалари бугунги мураккаб вазиятда ижтимоий ҳаёт ва тарихий жараён моҳиятини ҳар доим ҳам тўғри талқин этаётгани йўқ. Бу борада, айниқса, бугун "Сариқ матбуот" деб аталадиган хусусий нашрлар алоҳида мавқега интилмоқда. Майда, ғийбатнамо хабарлар тарқатиш, одамларни фикрлашдан, мушоҳада юриштишдан тўхтаб улар онгини енгил-елпи маълумотлар билан банд этиш жараёни тобора чуқурлашиб бормоқда. Қайсидир "машхур" хонанданинг оилавий можаролари, унинг бойликлари ва яшаш тарзи, бошқасининг эса қандай клиплар яратаётганию "хобби"си нима экани ҳақидаги хабарлар дидсизликнинг, савиясизликнинг урчишига сабаб бўлаётир.

Сўз эркинлиги, фикр эркинлиги, шубҳасиз, зарур. Бироқ айтилаётган сўз, билдирилаётган фикр, илгари сурилаётган ғоя учун масъулиятни ҳам унутмаслик керак. Ахир, миллатни жаҳолатга, ялпи саводсизликка, хурофотга давват этиш демократиянинг буюк қадрият сифатидаги моҳиятини тушириб юбормайдими?

Маданиятлараро интеграция жараёнида санъатнинг ўрни алоҳида. Маълумки, ҳар қандай санъат асари миллат руҳининг кўзгуси, қалб туғёнлари ва ҳис-туйғуларининг ифодаси. У айна ана шу жиҳати билан ҳам қадри. Афсуски, бугун қўшиқчилик санъати моддий эҳтиёжлар мезонига, нафсни қондириш омилига айланди. Авж олиб кетаётган "Шоу-бизнес" тадбиркорликнинг ҳар қандай шаклидан кўра осонгина бойиш, солиқ тўланмайдиган мўмай даромад манбаи бўлиб қолди. Бозорларда, аҳоли гавжум жойларда турли-туман беҳаё кассетлар ва дискларнинг сотилиши назорат қилинмаяпти. Ачинарлиси, андишасизлик, беҳаёликни касб қилганлар ўзларини мил-

лат тимсоли сифатида кўрсатишга интилмоқда ва бундан уялмаяпти. Ёшлар эса оммавий тарзда уларга эргашмоқда, улардан ўрнак олаётир.

Атоқли рус шоири Евгений Евтушенко бир пайтлар рекламалар, клиплар ва санъатдаги тугтуруқсизлик ҳақида чуқур изтироб билан гапирган эди. Унинг фикрича, табиат зилзилалар, кўрқинчли сув тошқинлари билан бизни кўрқитади. Бироқ бу кўрқув газета ва журналлар, телевидение орқали ёпирилиб келаётган бўлмағур рекламалар таҳдиди олдида ҳеч нарса эмас. Ҳар қандай реклама фалсафаси йўқ одамнинг фалсафасига айланди. Клиплар эса сайёрамизнинг бош имиджмейкери мақомини эгаллади. Бугун Майкл Жексон Шекспирдан кўра машхур. Россия ёшлари орасида поп қўшиқчи Киркоровнинг машхурлик даражаси Чайковский, Толстой ва Солженициннинг шуҳратидан баландроқ.


Бу изтироб замирида миллат учун, унинг истиқболи учун куйиниш ҳисси мужассам. Бугун биз Евтушенкодан кўпроқ куйинишимиз керак. Россия ёшларидаги каби ҳол бизда юз бермаяпти дейсизми?!

Телевидение орқали мунтазам берилётган бемаъни қўшиқлар, яримяланғоч рақслар, ўғринча мусиқалар ахлоқсиз ҳаётни тарғиб қилиш воситасига айланмоқда. Бу, айниқса, аҳолисининг қарийб 60 фоизини 35 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этадиган Ўзбекистон учун ғоят хатарли, миллат истиқболига таҳдиддир.

Балки кимларгадир миллий эстрадамизнинг бугунги "эксперимент"лари керакдир. Бироқ бундай тажрибалар дастлаб айна ана шу йўналиш ишқибозлари тўпланган жойда, махсус аудиторияда синовдан ўтказилиши даркор. Оммавий минбарларни эгаллаб олиб, бир неча минг йиллик аъёнларимизни, маданиятимизни, санъатимизни оёқости қилмаслиги керак.

Террорчилик, унинг салбий оқибатлари ҳақида кўп гапираемиз. Зотан, бугун дунё айна шу тажовузкор ҳодисадан кўп жабр кўрмоқда. Бу орқали инсоният ҳаётига мисли кўрилмаган таҳдид солинмоқда. Одамлар ҳаётига зомин бўладиган бундай ғайриинсоний ҳолатларга чек қўйиш ҳам мумкин. Лекин бутун бир миллатни буюк тарихидан, улкан маданий меросидан айириб, неча минг йиллик маънавий ҳаётини издан чиқаришига, миллий ўзлигидан мосиво этишга уришни қандай баҳолаш мумкин? Қабоҳатнинг, жиноятнинг бундан ҳам оғирроқ тури бормикан? Бу каби саволларга жавоб излаш XXI аср тамаддуни моҳиятини бутун кўлами билан англаш имконини берган бўлар эди.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ



MILLIY QOMUS – XALQ

*“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий
нашриёти директори, профессор Нурислом ТҶХЛИЕВ
билан суҳбат*

— Нурислом ака, маълумки, дунёдаги унча-мунча халқ ўз миллий энциклопедиясини яратиш салоҳиятига эга эмас. Кўпжидлик энциклопедия чоп этиш учун миллат асрлар мобайнида илмий, маънавий, маданий, бадий, ижтимоий-сиёсий, маиший ва ҳоказо соҳалар бўйича эришган муайян билимлар хазинасига эга бўлиши керак.


“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” (“ЎЗМЭ”) эса — бизнинг тарихан иккинчи, мустақилликка эришганимиздан кейинги биринчи қомусимиз. Сўзни энциклопедия ўзи нималигини тушунтиришдан бошласангиз, шунингдек, халқимизнинг энциклопедия яратиш йўлидаги тарихий саъй-ҳаракат, меҳнат ва машаққатлари ҳақида ҳам фикр юритсангиз...

— Инсон маънавий камолотида китобнинг аҳамияти беқиёс. Китоблар орасида эса энциклопедиялар инсоният маданияти тарихида ҳамisha алоҳида ўрин эгаллаб келган. “Энциклопедия” сўзи дастлаб қадимги юнонларда пайдо бўлиб, “билимлар тўплами”, “билим ўргатиш” маъноларини аңлатган. Аммо бу атама маъноси тарихан ўзгариб турган. Антик даврда у “эркин санъат” деб аталган етти илмни, яъни грамматика, риторика, диалектика (ёки логика), геометрия, арифметика, мусиқа ва астрономияни аңлатган. XVI асрдан Фарбий Оврупода “энциклопедия” сўзи янги маъно, яъни турли билимлар мажмуини билдира бошлаган. Айни вақтда билимлар таснифи маъносида ҳам ишлатилаверган.

Бирок “энциклопедия” фақат XVII асрдан бошлаб фаннинг бир ёки бир неча соҳалари бўйича илмий маълумотларни муайян тизимга солган ҳолда баён этувчи нашрларнинг номи маъносида қўлланадиган бўлди.

Ҳозирги вақтда бу атама фаннинг барча соҳалари (универсал энциклопедия) ёки бирор тармоғи (маълум бир соҳа энциклопедияси), шунингдек, муайян амалий фаолият бўйича энг муҳим маълумотларни жамлаган махсус нашрни билдиради.

Энциклопедик тарздаги асарлар дастлаб қадимги Шумер давлатида, кейинчалик Хитой, Юнонистон, Римда, мусулмон маданияти бешиклари ҳисобланмиш мамлакатлар, хусусан, Мовароуннаҳрда пайдо бўлган. Юнонистонда Демокрит ва Аристотель асарлари энциклопедик китоблар ҳисобланган. Улуғ мутафаккирларимиз — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али



TAFAKKURI KO'ZGUSI

ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари ҳам ўз давридаги кўп билимларни атрофлича қамраб олган. Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий”, Форобийнинг “Фанлар таснифи”, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, “Донишнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит-турк”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарлари қомусчилик тарихига қимматбаҳо ҳисса бўлиб қўшилган.

XI асрда яратилган машҳур “Девони луғотит-турк”да фақат сўзлар ва уларнинг маънолари тавсифланмасдан, туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, жуғрофий жойлашуви каби кенг масалалар қамраб олинган. “Мажолис ун-нафоис”да ўша даврнинг 459 шоири тўғрисида етарли маълумотлар берилган бўлса, “Насойим ул-муҳаббат”да 700 га яқин улуғ шахс ҳақида фикр юритилган.

Энциклопедиянинг ҳақиқий тарихи Францияда 1751—80 йилларда 35 жилдли “Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-хунарлар изоҳли луғати”нинг чоп этилиши билан бошланган. Бу китобни тайёрлашда машҳур файласуф Д.Дидро асосий ўрин тутган. Уни нашр этишда Ш.Л.Монтескьё, Вольтер, Ж.Ж.Руссо, Ж.Д’аламберлар қатнашган. 1768—71 йилларда шотланд матбаачиси У.Смелли уч жилдли “Британия энциклопедияси”ни чиқарган. Бир неча марта қайта нашр этилган бу китоб Англиянинг энг йирик миллий энциклопедияси бўлиб қолган.

XIX асрда ва XX асрнинг биринчи ярмида Франция, Россия, АҚШ, Германия, Италия, Испания, Туркия ва бошқа мамлакатларда ҳам универсал ва маълум бир соҳа энциклопедиялари чиқарилган. Булар орасида “Америка

энциклопедияси”, “Катта Брокгауз” (Германия), “Катта Ларусс” (Франция), “Ислом энциклопедияси”, Брокгауз ва Ефрон энциклопедик луғати, Гранатлар энциклопедик луғати алоҳида ўрин эгаллайди.

Собиқ СССРда 1925 йилдан “Катта совет энциклопедияси”, 1928 йилдан “Кичик совет энциклопедияси”нинг уч, “Энциклопедик луғат”нинг эса бир неча нашри чиққан. Ушбу универсал энциклопедиялардан ташқари, турли даврларда бир неча фан тармоқлари ва амалиёт бўйича соҳа энциклопедиялари чоп этилган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан собиқ иттифоқдош республикаларда универсал энциклопедиялар нашр этишга киришилди. Жумладан, Ўзбекистонда 1971 — 80 йилларда 14 жилдли “Ўзбек Совет Энциклопедияси” (“ЎзСЭ”) нашр этилди. Унда жами 40 мингдан ортиқ мақола берилган.

— *Илм оламида, ҳар қандай миллий энциклопедия замирида мафкура ётади, деган қараш бор. Сиз бунга нима дейсиз?*

— Умуман, жаҳон тарихида яратилган ҳар бир универсал энциклопедия муайян ғояга қаратилган бўлади. Масалан, маърифатпарварлик ғояси билан суғорилган француз энциклопедияси эндигина таркиб топаётган буржуазиянинг ғоявий-сиёсий мафкурасини ифодалар эди.

Коммунистик ғоя тарафдорлари ҳам энциклопедиянинг муҳим мафкуравий восита эканини англаб, омма онгига ўз мафкурасини сингдиришда энциклопедик нашрлардан кенг фойдаланган. Иттифоқдош республикалар энциклопедиялари ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган эди. Айтайлик, иттифоқдош республика энциклопедияси шу ҳудудда яшаб келган халқ тарихини камситиб, Россия ўтмишига жуда кенг ўрин бериши, Октябрь тўнтаришигача бўлган давр таҳлили камайтирилиб, совет тузуми йилларига оид фактлар ҳаддан зиёд бўрттирилиши лозим эди.

“ЎзСЭ” ҳам, шубҳасиз, ўз даврининг маҳсули, унда, аввало, ўша давр мафкураси илгари сурилган ва ўша давр руҳи акс эттирилган эди. Кўп масалалар, айниқса, ўтмишимиз ва миллий қадриятларимиз бир томонлама, тарихий ҳақиқатга зид тарзда ёритилган.

— *Янги миллий энциклопедия яратишга табиий эҳтиёж туғилган эди, демоқчисиз-да?*

— Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизда туб ўзгаришлар рўй берди, кўплаб ҳодиса ва воқеаларга, тарихий шахсларга нисбатан янгича қарашлар вужудга келди. Шунингдек, илм-фан, техника соҳаларида янги-янги ихтиролар қилинди, натижада кўплаб янги тушунча ва атамалар пайдо бўлди. Тилимиз давлат тилига айланди, миллийлашди, имкониятлари кенгайди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси қарор топгач, кўплаб ижтимоий воқеа-ҳодисаларга (масалан, Октябрь инқилоби, КПСС, марксизм-ленинизм, социализм, дин, “босмачилик” деб аталмиш ҳаракат ва бошқаларга) муносабат, айрим тарихий шахсларнинг (масалан, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Заҳриддин Бобур ва бошқаларнинг) тарихда туган ўрни ва мавқеини белгилашдаги қарашлар тубдан ўзгарди. Шунингдек, миллий қадриятларни рўёбга чиқариш, ўзлигимизни англаш, тарихни ҳаққоний ёритиш, топталган ҳақиқатни тиклаш имконияти туғилди.

— Энди журналхонларимизни янги энциклопедиямизнинг яратилиш жараёнлари билан таништирсангиз...

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан “ЎЗМЭ”ни тайёрлашга киришилди. 1996 йил 4 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Қомусини нашр этиш тўғрисида” махсус қарор қабул қилди. Шу ҳужжат асосида универсал энциклопедиянинг соҳа сўзликларини тузишга киришилди, методик қўлланмалар, мезонлар ишлаб чиқилди. 1997 йил 20 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида”ги 154-қарори қабул қилинган, бу ишни амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар юзага келди. Шу асосда “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти тузилди. Қарорда 12 жилдли универсал “ЎЗМЭ”нинг илмий-назарий ва ғоявий-сиёсий йўналиши аниқлаб берилган эди. Энциклопедиянинг мазмун ва мундарижасини белгилашда жаҳон қомусчилиги аънаналаридан ва мамлакатимизда орттирилган ижобий тажрибалардан фойдаланилди.

Нашриётда йирик фан соҳалари бўйича 12 та илмий тахририят ташкил этилиб, уларга тахрибали мутахассис ходимлар жалб қилинди. Янги техника ва компьютер воситалари сотиб олинди, ишга туширилди. Бош таҳрир ҳайъатининг 22 кишидан иборат янги таркиби тасдиқланди. Фан соҳалари бўйича 160 га яқин малакали мутахассис олимни бирлаштирган 23 та илмий маслаҳат кенгаши тузилди. Бош таҳрир ҳайъати, илмий маслаҳат кенгашлари аъзолари иштирокида миллий энциклопедиянинг умумий йўналишларини белгилаб берувчи илмий концепция ишлаб чиқилди. Унга кўра, “ЎЗМЭ”нинг асосий мақсади мустақил республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқларини, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, фани, маданияти ва қадриятларини, мамлакатимизнинг жаҳон тамаддуни тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини атрофлича акс эттиришдан иборат қилиб белгиланди. Фан соҳалари бўйича сўзликлар тузилиб, улар “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида қайта ишланди. Эскирган тушунча ва атамалар сўзликлардан чиқарилиб, янгилари билан бойитилди. Концепция ва сўзликлар илмий жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга олинди. Натижада 60 мингга яқин атама-тушунчани ўз ичига олган умумий сўзлик яратилди. Шунинг ўзиёқ мақолалар сони “ЎЗСЭ”дагидан бир ярим баробар кўплигини кўрсатади. Бундан ташқари, “ЎЗМЭ”ни тайёрлаш бўйича методик қўлланма, шахсларга оид мақолалар умумий мезони ҳамда уларнинг рўйхати, муаллиф ва муҳаррирлар учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

— Қомуснинг биринчи жилди бошида “ЎЗМЭ”дан фойдаланиш тартиби берилган, табиийки, унда мақолаларни жойлаштириш хусусиятлари ҳам баён этилган. Энциклопедиянинг 12 жилдли олти йил мобайнида чоп этилди. Хўш, ўша дастлаб ўрнатилган тартиб-қоидаларга охирги жилдга қадар изчил амал қилиндими ёки ижодий иш жараёнида ўзгаришлар содир бўлди?

— Ҳар бир энциклопедияни яратишда муайян қонун-қоидаларга амал қилинади. Нашр асосини ташкил этувчи атамалар хазинаси бўлмиш мавзуларга оид ва алифбо тартибидаги сўзликлар тузиш, кун, ҳатто соат сайин ортиб бораётган беқиёс ахборот оқимидан энг зарур ва қимматлиларини танлаб олиш, ғоят катта миқдордаги маълумот, факт ва рақамларни тизим-

лаштириш, белгиланган ҳажм доирасида турли фан соҳаларининг ўзаро нисбатини аниқлаб олиш, мақолаларнинг йўналиши ва қурилмасини ишлаб чиқиш, улар ўртасидаги ўзаро боғланишга амал қилиш, библиография, безак материаллари, хариталар бериш ва бошқа талай масалаларни ҳал этиш зарур эди. Мақолаларни тайёрлаш, таҳрирдан чиқариш ва безашда ягона қоидаларга амал қилиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Энциклопедия алоҳида мустақил мақолаларни ўз ичига олган шунчаки тўплам эмас, балки муайян тизимга солинган илмлар мажмуаси экани аён. Ундаги мақолаларда ҳар бир воқеа-ҳодиса ўз ибтидосидан интиҳосигача ёритилиши, ўзаро боғланган бўлиши, бир-бирини тўлдириши ва бойитиши лозим. Бошқача айтганда, мақолалар ўртасида маълум яхлитлик, умумийлик бўлиши керак.

Бугина эмас, энциклопедия мақолалари турли савиядаги минглаб муаллифлар томонидан ёзилади, уларни юзлаб тақризчию маслаҳатчи, мутахассису муҳаррирлар кўриб чиқади. Ҳар бирининг ўзига хос услубини ягона бир тизимга келтириш, маълум бир тартибга солиш лозим бўлади.

Биринчи жилддаги “ЎЗМЭ”дан фойдаланиш тартибида берилган мақолаларни жойлаштириш хусусиятларига 12 жилднинг барчасида риоя этилди. Фақат бир ўринда — жилднинг бошланишида сарвараққа чиройли сўз чиқариш маъносида алифбо тартиби бузилган эди. Шунга эътибор қилганингиз энциклопедияни жуда ҳам синчиклаб ўқиганингиздан далолат беради, раҳмат!

Бундан ташқари, фойдаланиш тартибидаги баъзи қоидаларга айнан риоя қилмаслик ҳоллари ҳам бўлди. Масалан, ўша тартиботда бундай қоида берилган эди: “Маълумки, шўролар тузуми даврида баъзи исм-фамилиялар рус орфографияси таъсирида ёки бошқа сабаблар билан ҳужжатларда, хусусан, паспортда нотўғри ёзилиб қолган. Шунинг учун биографик мақолалар номлари ёзилишида исм-фамилиянинг ҳужжатдаги ёзилиш шакли эмас, ўзбек тили имлосидаги ёзилиш шакли асос қилиб олинди”. Эътироф этиш керак, бу қоидага ҳамиша ҳам риоя қила олмадик. 10-жилднинг 632-саҳифасидан “Қаюмов Азиз”, “Қаюмов Лазиз” мақолалари жой олган; бу икки олимизнинг оталари эса “Қайюмов Пўлатжон” (580-бет) шаклида берилди. Чунки у киши шундай фамилия билан китоб нашр этган эканлар. Бинобарин, биз шунга ўхшаш узрли сабабларга кўра, ўз қоидамизга содиқ қоломадик...

— Китобхон шундай мўътабар нашрнинг манбалари, шунингдек, муаллифлари ҳақидаги маълумотларга ҳам қизиқади, албатта.

— Асосий назарий тушунчаларга имкон борича манбаси — адабиёт кўрсатилди. Йирик ва оҳорий (оригинал) мақолалар остигагина муаллифлари номи кўйилди. “Тафаккур” журналидаги каби муаллифлар ҳақида маълумот бериш энциклопедияда расм бўлмаган. Чунки ҳар жилдда ўртача 600 — 800 атрофида муаллиф қатнашган.

Энциклопедия нашр этиш учун жамиятда етарли даражада интеллектуал салоҳият мавжуд бўлиши керак. Бундай катта иш фан ва техника оламидаги кашфиёту ихтиролардан, жаҳон ижтимоий ва сиёсий тафаккуридаги янгиликлардан хабардор, қисқаси, инобатли, малакадор мутахассислар меҳнатига суянган ҳолда амалга оширилади.

Миллий қомус яратиш маълум илмий салоҳият талаб этади. Қомус нашр этишга киришган мамлакатнинг умумжаҳон тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссаси салмоқли ва бошқа халқлар томонидан эътироф этилган бўлсаги-

на у том маънода “энциклопедия” даражасига кўтариллади. Албатта, саҳифаларни майда-чуйда маҳаллий материаллар билан тўлдириб ташлаш, номи ўз ҳудудидан ташқари чиқмаган кишиларни сунъий равишда йирик тарихий шахс даражасига олиб чиқиш, аслан бир неча халққа мансуб олим ва адибларни “ўзиники” қилиб тасвирлаш каби ғайриилмий йўллар билан ҳам қомус жилдларини шишириш мумкин. Лекин тарихни чалғитиб бўлмайди. Қомусга кирган ҳар бир факт чинакам илмий асосга эга бўлсагина у том маънода энциклопедия ҳисобланади.

Энциклопедиянинг миллий сифат касб этиши ҳам ўзидан ўзи юз бермайди. Албатта, ҳар қайси миллат ё элатнинг ўз тили, тарихи, қадриятлари, маданияти, мероси, яшаётган ҳудудининг ўзига хос табиати бор. Лекин универсал қомуснинг мазмун-мундарижаси шу билангина чекланмайди — унинг миллийлиги шу халқнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Хусусан, универсал қомусда, истанг-истаманг, илмий тушунчалар, олимларнинг таржимаи ҳоли ва фан тараққиётига қўшган ҳиссасини ёритувчи талай мақолалар ўрин эгаллайди. Фан тараққиётига эса ҳар бир халқ турли даражада ҳисса қўшган ва ҳозир ҳам шундай. Энциклопедия чинакамига миллий бўлиши учун умуминсонийлик касб этган маҳаллий материаллар унинг таркибидан етарли жой олиши керак. Бу талаб давлатчилик, шахарсозлик, иқтисодий салоҳият, адабиёт, санъат ва бошқа шу каби соҳаларга ҳам бирдай тааллуқли.

“ЎзМЭ” жилдларини варақлар эканмиз, бу борада яна бир қарра халқимизнинг буюк яратувчилик қудратига қойил қоламиз. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Бобур каби аждодларимиз-ку бутун дунёда маълуму машхур. Айни пайтда “ЎзМЭ”дан ҳар асрда юртимизда эътиборли фаолияти билан тарихда муайян из қолдирган юзлаб ва минглаб аждодларимиз яшаб ўтгани ҳақида етарли маълумот оламиз. Чунончи, 1-жилдни варақлай бошлаб, энг машхур кишилардан ташқари, Амир Темурнинг лашкарбошиларидан бўлган Аббос Баҳодур, шоир Мирабдуллаҳўжа Абдий, санъаткорлар — Абдузойир ва Абдукаримхўжа, Яссавий зиёратгоҳи учун Соҳибқирон буюртмаси билан қуйилган дошқозон устаси Абдулазиз рехтагар, XIII асрда яшаб ўтган хаттот Абдулвадуд Шоший каби тарихий шахслар билан танишасиз. Шу мисолларнинг ўзиёқ халқимиз дунёнинг энг маърифатли миллатларидан бири бўлганини кўрсатиб турибди.

Зотан, фундаментал энциклопедия оддий универсал маълумотнама эмас. Бундай нашрларга ҳар қандай мамлакат ҳам эга бўлавермайди. Шунинг учун энциклопедия жамият илмий, интеллектуал салоҳиятининг кўрсаткичи, қолаверса, халқ сиёсий ва ахлоқий етуклигининг кўзгуси ҳисобланади. Энциклопедияда жамият ўзини яққол кўриб туради. Гап унда фақат ҳаётимиз ҳақида турли-туман маълумотлар борлигида эмас, балки ўзимиз ва олам тўғрисида нимани биламиз, воқеликни қандай қабул қилиб, қандай баҳолашга қодирмиз, нима муҳим ва нимани иккинчи даражали деб ҳисоблаймиз... — шулар ҳақида.

Яқинда Андижонда бўлган китобхонлар билан учрашувида халқимизнинг буюк шоири, “ЎзМЭ” бош таҳрир ҳайъати аъзоси Абдулла Орипов қомусимиз аҳамиятини таъкидлаб, ҳазиломуз тарзда бундай одил сўзларни айтди: “Биласизларми, бу қандай китоб? Агар ўзга сайёраликлар заминимизга учиб келиб, “Кимсизлар, қайси ватандансизлар?” деб сўраб қолса, унга мана шу китобни тутқазамиз-да, ”Бизнинг қайси халқ, қандай миллат эканимизни,

Ватанимизни билмоқчи бўлсанг, мана — энциклопедиямиз, ўқиб билиб олавер”, деймиз. Бу ана шундай улуг китоб!”

Дарҳақиқат, дунёда энциклопедияни давлат рамзларига тенглаштиришлари бежиз эмас.

— “ЎЗМЭ” жилдларини қўлга олган ҳар қандай ўқувчи онгида беихтиёр уни “ЎЗСЭ” билан қиёслаш бошланади: нега у — 14, бу — айнан 12 жилд; улар ўртасида мафкура ва дунёқараш жиҳатидан қандай кескин фарқлар мавжуд; нималар тамоман янгию нималарга муносабат ўзгарган; нималар чиқариб ташландио ўрнига нималар киритилди; қайси мезон ва тартиботлар ўзгарди?..

— “ЎЗСЭ” билан “ЎЗМЭ”нинг биринчи жилдлари ўртасидаги жиддий фарқ дастлабки саҳифаларданоқ кўзга ташланади. Мисол учун, ҳар иккала энциклопедия ҳам “А” ҳарфи билан бошланади. Бироқ фан бир жойда тўхтаб турмайди. Агар биринчи нашрда “А” ҳақида “ўзбек алифбосининг биринчи ҳарфи” деган қайд билангина чекланилган бўлса, “ЎЗМЭ”да рангли жадвал орқали қадимги Ўрхун-Енисей хатидан то ҳозирги лотин ёзувигача бўлган алифболарда бу товуш ифодаси, яъни ҳарф ҳақида кенг маълумот берилган.

Икки энциклопедия нашри ўртасида ўтган давр мобайнида бир вақтлар машҳур бўлган айрим совет ёзувчилари, “партия-давлат арбоби” деб аталувчи биринчи ўзбек марксистлари ёки инқилобчилар биз учун аҳамиятли бўлмай қолди.

Бугун энциклопедияда, масалан, мустақил Ўзбекистонимиздан чиққан Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев каби машҳур жаҳон чемпионлари ҳақида мақола бериш мумкин.

Маълумки, ўтган асрнинг 20 — 30-йилларида “босмачи”, “халқ душмани” тамғаси билан бадном қилинган, мафкуравий жиҳатдан қораланган шахсларнинг номлари қайта тикланди. Чўлпон, Фитрат, Авлоний, Беҳбудий, Қодирий ва бошқа шу каби аждодларимиз хизматлари янги нашрда тўлиқ акс эттирилиб, улар ҳақида батафсил мақолалар берилди.

Мафкуравий ва сиёсий омиллардан қатъи назар, энциклопедия аниқ маълумот бериш қоидасига амал қилиши керак. Ҳаётимизда бўлганидек, энциклопедия соҳасидаги энг жиддий ўзгаришлардан бири — диний эътиқодга йўл очилгани бўлди. “ЎЗМЭ” саҳифаларини varaқлар эканмиз, кечаги замонда миллий ва исломий қадриятлардан қанчалик маҳрум бўлганимизни билиб оламиз. “ЎЗСЭ”да булар ҳақида бир оғиз ҳам гап йўқ эди, нари борса, бир-икки жумла берилган, холос. Бугун, масалан, Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Хованд Тоҳур, Хожа Аҳрор ва яна кўплаб диний олим уламоларнинг номлари тикланди.

Ёки “Қуръон”, “Ҳадис”, “Суфийлик”, “Сунна”, “Ижмо”, “Ал-асмо ал-хусно” ва бошқа шу каби мақолаларда ислом динининг асосий тушунчалари холис ва батафсил ёритиб берилди.

“ЎЗМЭ”нинг умумий ҳажми 1 минг 600 босма тобоқни ташкил этиб, қарийб 50 минг мақолани ўз ичига олади. Тасдиқланган йўналиш, яъни концепцияга кўра, энциклопедияда ижтимоий ва табиий фанлар мутаносиблиги сақланган (50 фоизга 50 фоиз), маҳаллий материаллар — 60, умумбашарий маълумотлар 40 фоизни ташкил этади. Барча универсал энциклопедияларда бўлгани каби, миллий қомусимиздан ҳамма замонлар ва халқларга мансуб

машхур шахслар, кашфиётчилар, сайёхлар, фан, техника, адабиёт ва санъат намояндalари, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари тўғрисида мақола-лар ўрин олган.

Биринчи жилдимиз 2000 йили нашрдан чиқди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” ўқувчиларига йўллаган табриги билан бошланган. Энциклопедиянинг 2005 йили чоп этилган 11-жилди билан алифбодаги барча ҳарфлар якун топди. Бу йил босмадан чиққан охириги — 12-жилд Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги махсус маълумотлардан иборат.

Ҳар бир жилдда ўртача 125-130 босма тобоқ материал берилди; 800-1200 атропофида безак, яъни рангли ва оқ-қора сурат ҳамда хариталар ўрин олди; 800 дан зиёд муаллиф, тақризчи қатнашди.

“ЎзМЭ” босилиш техникаси, нашр ижроси бўйича ҳам миллий матбаачилигимизда тамомила янги ҳодиса ҳисобланади. Уни сифатли ва кўркам қилиб чиқаришда “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоасининг муҳим ҳиссаси бор.

Энциклопедиямиз Москвада бўлиб ўтган халқаро “Китоб санъати” танловида МДХ давлатлари орасида II даражали диплом билан тақдирланди, Франкфурт-Майнда ўтказилган халқаро кўрғазмада муваффақиятли қатнашди.

— Албатта, Қомусда халқ орасидан етишиб чиққан, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшган таниқли кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Бу борада қандай мезонларга амал қилинди?

— “ЎзМЭ”да шахслар ҳақида мақола беришда муайян мезон ишлаб чиқилиб, бош таҳрир ҳайъатида тасдиқланган. Унга кўра, ёзувчилардан — Ўзбекистон халқ ёзувчиси ва шоири; артистлардан — Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби; олимлардан — Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби; ўқитувчилардан — Ўзбекистон халқ ўқитувчиси унвонларига сазовор бўлган юртдошларимиз киритилди.

Таъкидлаш керакки, айрим таниқли шахсларга, мезонда белгиланган унвонлари бўлмаса ҳам, бош таҳрир ҳайъати йиғилишининг қарори билан “ЎзМЭ” жилдларидан ўрин ажратилган.

— “ЎзМЭ” — жуда катта маълумотлар хазинаси, ахборот базаси. Нашриёт шу асосда яна кўплаб соҳа энциклопедияларини тайёрлаб чоп этиши мумкин. Шундай қилиняпти ҳам. Масалан, “Ислом энциклопедияси” — амалда “ЎзМЭ”нинг “дебоча”си. Шу йўналишда яна қандай ишлар амалга оширил-ляпти, нималар режалаштирилган?

— Нашриёт ўтган давр мобайнида 60 дан ортик номда турли фан соҳалари бўйича энциклопедия, изоҳли ва икки тилли луғат, маълумотнома, оммабоп китоблар чоп этди. Чунончи, “Ислом энциклопедияси”дан ташқари, “Тошкент” (рус ва ўзбек тилларида), “Хлопководство” (2 жилдли, рус тилида), “Уй-рўзғор энциклопедияси”, “Саломатлик энциклопедияси”, “Ҳадис” (4 жилдли, 4 марта нашр этилди), “Болалар энциклопедияси” (3 марта нашр этилди), “Хотин-қизлар энциклопедияси” (3 марта нашр этилди), “Ўзбек тилида иш юрийтиш” (4 марта нашр этилди), “Великий шелковый путь” (рус тилида), “Ўзбекистон Республикаси” (рус, ўзбек ва инглиз

тилларида), “Ўзбек исмлари изоҳли луғати”, “Нефть ва газ бўйича энциклопедик изоҳли луғат”, “Физикадан изоҳли луғат”, “Тилшунослик терминлари изоҳли луғати”, “Русча-ўзбекча-хитойча сўзлашгич”, “Ўзбекча-арабча луғат”, “Маънолар махзани” (ўзбек халқ мақолларининг изоҳи) ва бошқа адабиётлар, дарсликлар чиқардик.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан биргаликда 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, шунингдек, кичкинтойлар учун “Менинг биринчи энциклопедиям” туркумида 5 та китоб, бир қатор соҳа, шаҳар энциклопедиялари устида иш олиб борилмоқда.

— *Ҳадемай мамлакатимизда бутунлай лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтилади. “ЎзМЭ”нинг қайта нашри шу янги алифбода босилса керак?..*

— Дарҳақиқат, ҳозир 18 ёшгача бўлганлар мактабда лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида ўқиган. 2010 йилдан тўлиқ янги алифбога ўтамиз. Шунинг учун энциклопедиянинг барча жилдларини лотиний ёзувда чиқариш ниятимиз бор. Аммо универсал, фундаментал энциклопедияларни тайёрлаш, чоп этиш ҳамма замонлар, барча давлатларда ҳам сермеҳнат, кўп вақт талаб этадиган лойиҳа бўлгани учун бедаромад соҳа ҳисобланади, яъни уни сотишдан келадиган маблағ сарфланган харажатларни қопламайди. Шу сабабли уни тайёрлаб чоп этиш учун давлат бюджетидан дотация берилади. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан янги энциклопедиямизга ҳам харажатларнинг 50 фоизини қоплаш мақсадида бюджетдан ёрдам ажратилган эди. Бу маблағ амалда китобхонни ижтимоий ҳимоялашга сарфланди. Шунинг учун ҳам энциклопедия, ижтимоий-сиёсий аҳамиятига кўра, бирон бир киши, гуруҳ ёки идоранинг хусусий тижорат иши эмас, балки давлат, миллат мулки ҳисобланади.

— *Замон шунчалик тезкорки, бугун кўпчилик ёстиқдай-ёстиқдай китоблар сотиб олишдан кўра сидером дискларда ёзилган матнларни чўнтакнинг бир чеккагинасида олиб юришни афзал билипти; қиссадан ҳисса — “ЎзМЭ”нинг электрон версияси мавжудми?*

— Энциклопедия жилдларининг электрон версияларини яратиш — замон талаби. Биз бу ишга киришдик ҳам. Интернетда “ЎзМЭ” сайти очилган. Ўқувчи ундан энциклопедия жилдлари ҳақидаги умумий маълумотларни олиш имконига эга.

— *Шундай улкан илмий нашрнинг бошида турган олим сифатида Қомусимиздан кўнглингиз тўлдими? Ёки...*

— Аслида, ишидан кўнгли тўлган одам эртанинг қайғусини қилмаса ҳам бўлади. Лекин киши фақат бугун билан эмас, эртанинг ташвиши, индининг режаси билан яшаши керак. Қолаверса, бундай улкан ишни тайёрлаб чоп этишда йўл қўйилган айрим жузъий камчиликларни ҳаммадан кўра кўпроқ биламан ва масъулият билан ҳис этаман.

— Жилдларни варақлаган, мақолаларни синчиклаб ўқий бошлаган кишида айрим эътироз ёки саволлар туғилиши турган гап. Масалан, “Афанди”, “Афанди латифалари” мақолалари бор, лекин бизда 1998 йил 28 августдан буён “Афанди” деган махсус ҳажвий газета ҳам чоп этилаётгани ҳақида алоҳида мақола учрамайди. “Ахборот агентликлари” деган мақола ҳам йўқ. Ҳолбуки, дунёда қанчадан-қанча, ўзимизда 3 та ахборот агентлиги мавжуд. Ўзимиздагилар алоҳида-алоҳида мақола қилиб берилган бўлса ҳам, умумий бир материалга эҳтиёж бор эди. Ёки “ЎзМЭ”нинг амалдаги тартибига биноан, бирон тушунча ё категориянинг маънодоши, яъни синоними ҳам фаол ишлатилаётган бўлса, муҳимроғи мақола сарлавҳасида қолдирилиб, кейингиси ҳам сўзлар қаторига киритилган-у, “қаранг” деб асосий мақолага ҳавола қилиб кетилган. Масалан: “Философия – қ. Фалсафа”, “Автономия — қ. Мухторият” тарзида. Аммо “Толерантлик” мақоласи бор-у, “Бағрикенглик” тушунчаси асосий сўзлар қаторида йўқ. Ҳолбуки, қоидага кўра, “Бағрикенглик — қ. Толерантлик” деб бериш керак эди. Қабул қилинган қоидадан бундай чекинишлар қандай келиб чиқди, уларнинг миқдори кўпми-озми?

— “Афанди” масаласидан бошласак, бу газета — “Муштум” журналининг иловаси. “ЎзМЭ” 6-жилди 171-172-бетларидан ўрин олган “Муштум” мақоласини ўқисангиз, “Афанди” ҳақида ҳам керакли маълумот оласиз. Уни журналнинг бош муҳаррири Ашурали Жўраев ёзган. Шундай ҳамкасбимиз муҳаррирлигида чиқадиган газетани унутиб бўладими?!

“Толерантлик” (лотинча *tolerantia* — сабр-тоқат), бағрикенглик ҳақидаги фикрингиз — шаклан олганда, тўғри: 1-жилдимизда “Бағрикенглик — қ. Толерантлик” тарзида ҳавола мақоласини беришимиз керак эди. Лекин масалага моҳият эътибори билан қараганда, “бағрикенглик” сўзи “толерантлик” тушунчасига айнан мос келмайди. Шўро даврида чиққан “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўз бутунлай йўқ. Унинг ўзаги — “бағир” берилган. Шу ўзак сўзнинг олти маъноси кўрсатилган; олтинчи маъноси сифатида бағрикенглик — саҳийликни англатиши қайд этилган. Изоҳли луғатда толерантлик маъноси умуман берилмаган. Шундай бўлиши табиий, чунки ўзбек тилида “бағрикенглик” сўзи илгари бу маънода қўлланмаган.

Маълумки, “толерантлик” сўзи кейинги йилларда кўп ишлатилди. Бу сўзнинг моҳияти “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида ёритилиб, унинг изоҳида “бағрикенглик” синоними қўлланган. Бу билан ўзбек тилидаги “бағрикенглик” сўзига “толерантлик” мазмуни ҳам юклатилган. Агар “юк” ўринли бўлса, кенг омма қўллайди, тилга сингиб кетади. Назаримда, бу “юк” тўғри юкланган. Шу маънода ҳам “Толерантлик” мақоласида синоним шаклида “бағрикенглик” берилди. Лекин “Бағрикенглик”ни “Толерантлик”ка ҳавола қилишни лозим кўрмадик.

Албатта, бундай катта, мураккаб нашрда ул-бул хато ё камчилик ҳам бўлиши табиий. Лекин, миллий қомусимизнинг янги нашри яқунланганига қарамай, бу борадаги изланиш жараёни тўхтагани йўқ. Унинг келажакдаги нашрлари янада пухтароқ, мукамалроқ чиқишига умид қиламиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Султонмурод ОЛИМ суҳбатлашди.

ИСКАНДАР

Искандар ҳақида ривоятлар кўп:
Шохи бўлгани,
Тобутдан қўлини чиқариб ётгани...
Булар Шарқда машҳур.

Аммо бир пайт юнонлар келиб
Халқ нима топгану нима йўқотгани —
Буларни ҳар ким ҳам қилмас тасаввур.

Қачон халқ ўзини таний бошлаган,
Унга аён бўлган зулмат билан нур?
Қачон олдинга илк қадам ташлаган? —
Буни англаш учун керак тафаккур.

Минг йил бурунгидек, ташқарида қор
Гоҳо майин ёғар, гоҳо бўралар...
Искандарни эслаб, даврада
бекор
Чулдираб ўтирибмиз, жўралар.


* * *

Менинг кўз ўнгимда — тош тарих.
Гоҳ узоқ, гоҳ яқин — қош тарих.

Кишанлар. Карвонлар. Кулли ғам.
Эҳромлар. Майдонлар. Бош тарих.

Гоҳида бу кунги дардни ҳам —
Ўйласанг, қилади фош тарих.

Ҳасратни ёқтирмай қўйгандан
Биз доим ёзамиз ёш тарих.



* * *

Одамлар шунча кўп машаққат,
шунча кўп изтироб чекканки,
шунча кўп кўзёши тўкканки,
Мен бунга ўксийман ва фақат —

Фурурланиб қолмай ота-боболар билан,
Тан бераман улар иродасига.
Онамиз — тарихнинг бирор сасига
Лоқайд бўлганимни билмайман.

Бу диёр — нақадар гўзал бир диёр,
Аммо хаёлимда турар мижжалар...
Тарихни ўрганиш керак ҳижжалаб —
Инсон бўлсин десак бу кун бахтиёр.

* * *

Хаёлга берилиб, ёшлик пайтидан
Кўнглимда тугилиб юксалиш дарди —
Ҳаётда ҳеч кимга ўхшамайдиган
Буюк бир ишларни қилгим келарди.

Кундан-кунга севиб қаҳрамонларни,
Билмасдимки, бордир ҳар хил томонлар:
Тебратиб турганлар
не замонларни —
Ёлгон қаҳрамонлар. Рост қаҳрамонлар.

Кейин,
йиллар ўтиб, зулматга маҳкум
Қанча қиёфалар қаршимда
сўнди.
Одамий маснаддан бўлмай деб маҳрум —
Дуч келган бировни севмайман энди.

Буюк амаллар-чи?!
Улар орзуси
Кўнгилда беркиниб ётибди ҳамон.
Билдим, ҳаётнинг бор тош-торозиси
Ва лекин,
доим бор интилишда жон.

* * *

Ёмон:
қабих биров чиқса-ю,
Олижаноб бўлиб сўйласа.
Бундан ҳам ёмони, ўзи ҳақда у —
Олижанобман, деб ўйласа.

Бунда ўчар сўзларнинг ранги,
Энг тоза туйғулар топталар.
Атрофда бор одам
фаранги,
Ёпилгандек бўлар қопқалар.

Маъно кетиб қолар гўё ҳаётдан,
Ноҳақ унутилар
эзгулик.
Умринг — оёқ остида ётган,
Ногоҳ синиб қолган
кўзгудек.

ШОИР

Ёзганди
Миртемир — устод
бир куни,
“Бахтли замонлар”да туролмасдан жим:
“Мажнунтол тағига ўтқазинг мени,
Энди у йиғласин, мен йиғлаб бўлдим”.

Ҳасратга чўмганди бунчалик
нега,
Куйдириб “бахтиёр” каттаконларни?
Шу пайт кетганмиди хаёли жангга,
Эслаганмиди ё қатагонларни?

Ўзи гарчи мўмин бир киши, лекин
“Иплос” деяр эди бировдан куйса.
Ўйлайман,
юрса-да беғараз, бекин,
Кўп гапни ёзарди “ўзига қўйса”.

Қўли боғланганми, тили боғланган
Бир ҳолат ҳукмрон. Ичида дарди.
Лекин у
сакрашга ногоҳ чоғланган —
Шердек юрагини
“алдаб” юрарди.

* * *

Гулмисан, ёр, ёки сен — тонг шабнами гул устида,
Неки бўлса тоза, боғ тутмиши сени ул устида.

Сенга мен банди бўлиб қолдим, сени кўргандаёқ.
Қўл-оёғим боғланиб туйғу деган гул устида.

Гул — гуломлик белгиси. Сенга бўлиши мумкин гулом,
Кулма бу боғда фақат шайдоёи бу қул устида.

Мен муҳаббат устида сўз очганим ҳеч айб эмас,
Сўзлаганлар кўп бу кун мансаб билан пул устида.

Мен Омон бўлган билан, қаршингдадир ҳолим забун,
Ўлтирибман Ҳофиз Шероз каби қул устида.

* * *

Чидаш, дейди. Тоқат. Бардош. Сабр.
Ил етган ҳар бир маскан — ҳақ.
Бу дунёда кўрганда ҳам жабр,
Шикоятни ёқтирмаскан Ҳақ.

Ўқир экан варақма-варақ
Ҳаёт дарсин, оғрий бошлар тиш.
Кўз олдиндан ўтар минглаб қабр,
Барчасида ёзув: “Кўникиш”.

* * *

Гарчи учгим келар мен ҳам
қушинамо,
Гоҳо ерда юриши қилганда озлик —
Баланд бир парвозни истайман, аммо
Менга ҳеч ёқмаган
баландпарвозлик.

Қанча содда бўлсанг, дерлар, шунча кам,
Ота-боболарнинг қилганча ёдин.
Бировнинг эшиги очиқ бўлса ҳам —
Тақиллатган каби
киришдан олдин.

* * *

Энди кеч дейсизми?
Унчалик эмас.
Муҳаббатнинг
эрта-кечи йўқ.
Инсон Ерга тушганга эваз
Бу — кўксида қолиб кетган
ўқ.

Тўғри,
бир пайт донолар айтган:
“Муҳаббатдан келар ҳар бало.
Ким умрида борганми-қайтган —
Бу, албатта, Дашти Карбало”.

Лекин қандай яшаймиз, қандай —
Биздан кетса кўкнинг саломини?!
Умр шошар — шамол эсгандай,
Ҳар кун —
ўтган куннинг давоми.

Umr falsafasi umrdan uzun

Қишининг қабоғида кўклам кўринди,
Келмаган кўклам ҳам кўркам кўринди,
Ҳазрат Навоийни бир йўқлаб эрдим,
Кўз юмсам кўнглимда олам кўринди.

* * *

Умр фалсафаси умрдан узун,
Бу қисқа йўлларда тугмадим тугун.
Кечаги кун учун, тангрим, ташаккур,
Бахт берсанг бир чимдим бергин шу бугун.

* * *

Тўлқинлар тугёни қалбимда менинг,
Сукунат садоси сабримда менинг.
Ўзимдан ўзимни ахтариб лолман,
Айт, сенга нима бор жабримда менинг?

* * *

Топган тошинг отавер менга,
Менинг бошим яралган тошдан.
Лек тошларинг лойга айланар
Мен худога тўккан кўзёшдан.

* * *

*Сиз ёққан чироқнинг шуъласи гўзал,
Мендек парвонанинг ноласи гўзал,
Кул сочиб юборманг кўнглим кўзига,
Ошиқ дийдасининг жоласи гўзал.*

* * *

*Чанг кўрсанг, чимрилиб чатнайвермагин,
Керилиб кошонанг мақтайвермагин,
Бизнинг кулбада ҳам одам яшайди,
Қадринг йўқ қасрга қатнайвермагин.*

* * *

*Орзу оқ от минса гар, армон зимдан пойлайди,
Тўғри чиқса рост йўлга, ёлгон бир чоҳ кавлайди,
Бу дунёга одамзот овчи бўлиб келганми,
Бир-бирининг кўнглини билганича овлайди.*

* * *

*Тулпорларни тушовлайди тор кўнгил,
Тушовларда ётган кўнгил — хор кўнгил,
Бўзлаганга бахт берар деб ким айтди,
Кўп бўзладинг — борми сенда ор, кўнгил!*



* * *

Виждон юзидаги доғдан асрасин,
Кўнгил кўзидаги ёғдан асрасин,
Маломат бозори бунчалар гавжум,
Ютиб юборади яхшилик сасин.

* * *

Кун кўзин очгувчи тонгни қутлагин,
Оллоҳни таниган онни қутлагин.
Жойнамоз жамолин кўрмоқ истасанг,
Ҳабаши Билол урган бонгни қутлагин.

* * *

Орзу кўкдан тушса, оддий кўринар,
Вале кўкда турса, қўлинг етмайди.
Бозингга сизмаган асаларилар
Гул сўлса, кўчангдан сира ўтмайди.

* * *

Остонанг аслида ўзингга азиз,
Соғиниб келганда кўзингга азиз.
Боланг қучоқдаги гулинг бўлса ҳам,
Онандек бўлолмас сўзингга азиз.

* * *

Бу не дардим, кўнглим ашки кўзим дарёсига сизмас,
Бу не дилки, талпинурда еру самосига сизмас,
Бу не сўзким, айтилулда ўзин садосига сизмас,
Бу не руҳким, тандан чиқиб икки дунёсига сизмас.

* * *

Қор ёғса — эрийди, қалб музламасин,
Эшикдан киролмай бахт бўзламасин.
Бахт кирса, бағрингга маҳкамроқ босгин,
Чиқиб кетишга ҳеч йўл изламасин.

* * *

Кўкда турса ҳамки керилмас сира,
Кўлмак юзини ҳам ёритар қуёш.
Тилагинг тонг янглиг бокира бўлса,
Капалак кўксингга қўйиб ётар бош.

* * *

Бахт берса, охуга етиб оласан,
Қўл чўзиб бургутни тутиб оласан.
Омад остонаси шунчалар яқин —
Етдим деганингда кетиб қоласан.



ИККИЛИКЛАР

Ҳаваснинг юзлари ёруғ ҳамиша,
Ҳасаднинг юзлари — мой босган шиша.

* * *

Кўнглим кўчасига кирмоқчи эдим,
Кўнглимнинг ўзидан тарсаки едим.

* * *

Армонсиз яшадим, деди тилида,
Армонини олиб кетди дилида.

* * *

Қувонч қариганда қайғу бўлармиш,
Қайғу қариганда — одам ўлармиш.

* * *

Шаббода шивири шаклга сизмас,
Кўнглининг тасвири ақлга сизмас.

* * *

Деманг, қайдан Маҳмуднинг байти,
Шеър — кўнглимнинг гуллаган пайти.

OSIY BANDA

Романдан боб

1

Қаттиқ уйқуда ётган Саркор ёнбошидаги телефон чўзиб жиринглашидан уйғониб кетди.

Ким экан сахармардон унинг уйқусини бузадиган?

— Эшитаман, — деди Саркор асабийлашиб.

— Ҳозир сизни Ота билан улайман...

Зум ўтмай телефондан таниш овоз эшитилди. “Ота!”

Саркор апил-тапил ўрнидан турди.

— Ассалому алайкум. Лаббай, Отахон!

— Гап бундай, укажон. Бугун кундуз соат бир-бир яримларда сизлардан Фарғонага ўтадиган катта йўлга чиқиб турсангиз. Гап бор, иним.

— Сиз келасиз-у, биз қуруқ кутиб оламизми? Дастурхон ёзамиз, меҳмон қиламиз.

Оқсоқол адибимиз Одил Ёқубов шу йил кузда муборак саксон ёшга кирадилар. Устоз бу санани янги асар билан кутиб олишни ният қилган.

“Осий банда” деган бу асарида ўтган асрнинг саксонинчи йиллари — нафақат раҳбар ходимлар, балки оддий меҳнат аҳли бошига ҳам оғир кунлар келтирган мураккаб даврни акс эттириш масъулиятини зиммасига олган ардоқли адабимизга тетик-бардамлик, куч-ғайрат тилаймиз.



— Йў-йўк, овора бўлманг. Фақат битта илтимос, ёнингизда ҳеч ким бўлмасин.

Телефондан ғиқ-ғиқ овоз келди.

Саркор кўнгли аллақандай ғаш бўлиб, қайта тўшакка чўзилди.

Ё раб! Ўзбекистондай мамлакатни чорак асрдан буён бошқариб келатган катта арбоб, Сиёсий бюро аъзолигига номзод одамнинг унда қандай иши бўлиши мумкин?

Ҳа, ғалати дунё экан бу дунё! Бир ожиз банда донишманддан “Бу дунёга келиб нима кўрдингиз?” деганда, донишманд “Ҳеч нима, кўзимни очдим юмдим”, деб жавоб берган экан. Қаранг, анов қаттиққўл ва баджаҳл грузин пошшони бадном қилиб, унинг тахтига ўтириб олган сергап катта Ота тўнғиз овлаш баҳонасида Саркорнинг маконига келиб, роса ўйин кўрсатиб кетганига ҳам, мана, чорак асрдан ошиб кўйибди. Бу пошшо Америкага ташриф буюриб, у ердан қайтгач, Американи Америка қилган жўхори деб, бутун мамлакатни, жанубий ўлкалардан тортиб, Шимолий кутбгача — ҳаммаёкни жўхоризорга айлантирганлари-чи! Жўхорихўр, масхарабоз бу пошшонинг энг сўнги ва энг кулгили қилиғи шу жўхори бўлди-ю, роҳатижон жойидан айрилди-қолди. Ўрнини унга энг садоқати зўр шогирди — дудук инсон эгаллади. Бу одам, худо деган экан, умрини роҳату фароғатда ўтказди. Аммо у ҳам хомсут эмган экан, бундан бир йил аввал бандаликни бажо келтириб, ўрнига қаҳри қаттиқ кўзойнакли пошшо ўтириб олди. Шу-шу, мамлакатда аллақандай мавҳум ва ноаниқ бир давр бошланди. Ҳали нималар бўлишини бирор тирик жон билмайди...

Саркор бу ўйлардан азбаройи юраги ўйнаб, ўрnidан сакраб турди ва одатда бундай маҳалда қиладиган ишини қилди. Ваннахонага кириб, совуқ душга тушди, тиши тишига тегмай дийдирагунча ундан чиқмади. Кейин хиёл енгил тортиб, катта тошойна олдига келди. Ё раб! Кечагина дўсти Иван билан тоғдаги қўриқхонада йиқилгунча арақ ичиб, жонон-

лар билан жиннилик қилиб юрган одам, сочлари, наинки сочлари, хатто қошларигача оқ оралаб қолибди!..

Саркор қайси бир кекса ёзувчининг гапи эсига тушиб, беихтиёр жилмайди. “Мен наинки сочим, хатто қошим оқарганидан ҳам хафа эмасман. Лекин киприкларим оқаришига чидай олмайман!”

“Хайрият, менинг киприкларимга ҳали оқ тушмаган, шекилли!” У дағал сочик билан бадани қип-қизаргунча артинди-да, душхонадан чиқди...

2

Гарчи Ота “ёнингизда бошқа одам бўлмасин” деган бўлса ҳам, Саркор шофёри ўрнига шахсий қўриқчилари бошлиғи Казбекни олди. Қўл-оёғи чакқон бу тadbиркор йигитни у бундан бир неча йил муқаддам Москвадан қайтаётганида самолётда учратиб, ёқтириб қолган ва ўзига ишга олган эди. Ўшанда Саркорнинг яқин дўстлари “Ўзимизда яхши йигитлар тўлиб-тошиб ётганда бу кавказлик қашқирни олиб нима қилардингиз?” дейишган эди. Саркор эса, ҳеч бир ҳукмдор қўриқчини ўз халқи орасидан олган эмас, қадим Миср хоқонлари ҳам, турк яничарларию хатто анов ялтирбош пакана пошшо ҳам қўриқчисини рус халқидан эмас, латишлардан олган деб, уларни енгган эди. Мана, бир неча йилдан бери Казбек унга сидқидилдан хизмат қилиб келади. Фақат қўриқчиликни эмас, ошпазликни ҳам қойиллатади. Бугун у парранда гўштидан кабоб қилдириб, мева-чева, хатто ичимликлар ҳам олиб, багажга ташлаб қўйибди.

Улар Фарғона томон ўтадиган йўл ёқасида Отани кута бошладилар. Соат бирга яқин тоғ томондан келадиган катта йўлда бир неча қора лимузин кўринди. Олдинги лимузин йўл бўйида қўл қовуштириб турган Саркорнинг ёнидан ўтиб, узокроқда тўхтади. Иккинчиси эса ёнгинасига келиб тўхтади. Тўхташи ҳамано, қўриқчи бўлса керак, узун бўйли майор билан шофёр нарироқда турган машиналар томон чошиб кетишди.

Орка ўриндиқда ўтирган Ота Саркорни имлаб чақирди. У жуда ҳорғин кўринарди. Азалдан озғин одам яна ҳам озган, юзи салқиган, кўзлари аллақандай киртайиб қолган эди. У ўнг кафтини Саркорнинг тиззасига қўйиб:

— Мен ишларингизни сўраб ўтирмайман. Биламан — ишларингиз яхши, — деди. — Сиздан хурсандман, укажон.

— Раҳмат, — деди Саркор.

— Энди... Сизни бу ерга чақиришимдан мақсад — анов оғайнингиз... Иван билан ҳамон яхшимисиз?

— Яхшиман. Рост, у ҳозир камроқ келади. Аммо ўзим бориб тураман...

— Яхши, жуда яхши, укажон, — деди Ота Саркорнинг елкасидан кучиб. — Сиз унга бир бориб келсангиз... Қабул қиладимми?

— Қабул қилса керак. Тағин билмадим, бу орада ўзгариб қолмаган бўлса...

— Унда, аввал телефон қиласизми ё бошқа йўллариңиз борми — буни билиб олинг. Агар келавер деса... совға-салом олиб, бориб келсангиз. Сиз мабодо ўйламанг у ёқда одами йўқ экан деб — одамим ҳам, ҳатто дўстларим ҳам бор. Лекин ҳозир улар ҳам бу инсоннинг, Генсекни айтяпман-да, мақсадларига тушунолмаё қолган...

— Гапингизга тушундим. Бориб келаман, — деди Саркор. — Сиз учун бориб келаман, Отахон. Аммо... унга нима дейман? Нимани билиб келишим керак? Биз... авом одам.... Буни аниқроқ тушунтириб берсангиз, Отахон.

Ота маъюс кулимсиради.

— Унақа... муҳим гапим ҳам йўқ, ука. Менда бу Генсекнинг нима гинаси бор, тўғрироғи, менга терс қараётганининг боиси нима — агар оғайнингиз шуни билиб берса, жуда катта иш бўларди.

“Ё тавба! — деди Саркор юраги яна зиркираб. — Наҳот шундай улур одам, илгариги пошшоларнинг севимли кадри бўлган одамнинг куни Иванга қолган бўлса?!”

— Яхши, — деди Саркор. — Бориб келаман.

— Раҳмат, ука. Бўлмаса мен юрақолай. Ҳамроҳларим ҳар хил хаёлга бориб юришмасин.

— Майли, — деди Саркор. — Аммо мен озгина дастурхон ясаб келган эдим. Кабоб-пабоб, бир пиёла чой...

Ота ниҳоят чехраси хиёл очилиб, кулимсиради:

— Кабоб-пабоб бўлса, балки... анов, қуриб кетгур, юз грамм ҳам бордир?

— Бор, Отахон, у ҳам бор...

Улар машинадан тушганларида Казбек хонтахтага дастурхон ёзиб, “кабоб-пабоблар” билан бирга коньяк-панякларгача териб қўйган эди...

Ота узоқроқда турган шерикларини ҳам дастурхонга чақиришни таклиф қилди. Ҳамма пиёла уриштириб, Отанинг сафари беҳатар бўлиши учун қадах кўтарди.

3

Одатда Саркор Иванни осонгина, қаерда ишласа ўша ердан топарди. Бу сафар анча қийналди, фақат учинчи марта телефон қилганидагина уни янги жазманининг дачасидан топди. Ўзиям энг юксак идорага ишга ўтиб бир оз ўзгариб қолганми, Саркорнинг бормоқчи эканини хушламай:

— Ҳозир ишим бошимдан ошиб ётибди! Нима қиласан, нима гапинг бор менда? — деб сўради.

Иван ҳеч вақт Саркорга бундай муомала қилмас эди. Саркор ичида ранжиб:

— Москвада ишим бор, оғайни, — деди. — Агар вақтинг бўлмаса, майли, учрашмай қўяқолармиз. Аммо мен янги жононинг билан танишиб

қўймоқчи эдим. Унга совға-саломларим ҳам бор. Агар сенинг вақтинг бўлмаса, унинг ўзига ташлаб кетавераман.

Иван бирдан паст тушиб, қиқирлаб кулди:

— Ҳах, муттаҳам! Балосан. Ундан кўра, совға-салом баҳона, уни ўзимга маҳлиё қилиб олмоқчиман, де? Майли, бўлмаса эрта эмас, индин кел. Анов Москва-Минск магистрал шоссеси бор-ку — биласан. Кечқурун соат олтиларда ўша жойга келиб тур. Ўзим олиб кетаман. Хўп, кўришгунча!

* * *

Саркор Московга бир кун олдин борди. Дўконма-дўкон юриб, ҳатто “Берёзка”га ҳам кириб, ошнасининг янги ва эшитишича, ўта гўзал жазманига кимматбаҳо совғалар харид қилди-да, Иван айтган Москва-Минск шоссесига бориб турди. Одатда Иван айтган вақтига дақиқама-дақиқа етиб келарди. Бу сафар ҳақиқатан ҳам иши тифиз чоғи, вақтида келмади. Саркор ниҳоят умидини уза бошлаган эди, бир маҳал ёнидан учиб ўтган қора “мерседес” катта йўлга бурилиб тўхтади-ю, эшик очилиб Иваннинг боши кўринди.

— Ёнимга ўтир. Нимайди, “слово продавать” қиламиз дермидинг?

— Хохолаб кулди у. — Ўзбекчаси нима?

— Ҳа, гап сотамиз...

— Гап деганда... жа опкочасанлар-а? Қалайсан? Тинчликми? Ота қалайлар?

— Ота... У шўрликнинг аҳволи... манов сенинг қаҳри қаттиқ хўжайинингга боғлиқ бўпқолди-ку!

— Тсс... — деди Иван кўрсатгич бармоғини лабига босиб. — Билиб қўй, ҳозир... мана шу йўл ёқасидаги дарахтларнинг ҳам қулоғи бор! Саркор... — Иван шундай деди-да, сукутга толди.

Даяс Иван! Сўнгги марта учрашганларидан буён у ҳам анча озган, чайирлашган, ўзиям ёш спортчиларга ўхшар, фақат ҳамон қалин малларанг сочларида битта-яримта оқ толалар пайдо бўлган эди.

Иван машинасини учуриб борди-да, чапга, қалин қарағайзорга бурди. Шундан кейин Саркор ҳисобини йўқотиб қўйди. Чапдан ўнгга, ўнгдан чапга, кейин яна ўнгга бурилиб, охири икки қаватли кўркем ёғоч бино олдида машина тўхтади.

— Бу янги жазманнинг дачаси. Отаси машҳур генерал бўлган.

Иван машина юкхонасидан катта-кичик икки қути олди, уларни очиб столга бир-икки шиша арақ, сув, икки банка қора ва қизил икра, нон-пон, колбаса, пишлоқ ва яна алланима егуликларни териб қўйди.

— Ичкарига кириб ўтирмаймиз, оғайни, ҳозир девор тугул, шкафлардаги идиш-товоқнинг ҳам қулоғи бор! — У шундай деб кулди-да, қадахларни тўлдирди. — Қани, кўришганимиз учун! Мен сени, айниқса, анов... тоғдаги маишатхоналарингда қилган жинниликларимни соғиниб юрувдим. Қани, кетдик, оғайни!

— Қойил! — деди Саркор оғайнисидан кўнглида мамнун бўлиб. — Нима қилай, энди жазманингга опкелган совғаларимни кўрсатайми?

— Кўрсат, кўрсат! Жазманим шундай ёш, шундай гўзалки, сенинг анови партком ўйнашинг бор-ку, исми нима эди, ҳа, Зиёдахон... меникининг олдида ип ҳам эшолмайди. Сен ҳам ёшроғини топгандирсан?

— Мени кўйиб тур! Сеники жа кетворган бўлса, мана, кўриб қўй. Мана бу — дур ва жавоҳирдан ясалган маржон, буниси тилла соат, буниси билагузук, мана буниси ёқут кўзли тилла сирға... Мана бу бир пачка муллажиринг эса сенга, оғайни.

— Қанча? — деди Иван қалин пачкани кўлида салмоқлаб.

— Юз, — деди Саркор. — Ёнида уч ноли бор...

— Раҳмат, оғайни! Жононим билан Канар оролларида дам олгани кетаётган эдик, асқатадиган бўлди. Қани, айтавер, нима дардинг бор? — Иван завқланиб кетиб яна қадахларни тўлдирди. — Э-э, ёш ўтиб кетяпти. Ростдан ҳам мен сенинг анов... тоғдаги овчилар уйида қилган жинниликларимизни кўп эслайман. Шартта самолётга ўтириб учиб боргим келади-ю, янги хўжайинимдан кўрқаман. Илгариги хўжайин, катта Отани айтаман-да, ўзимизга ўхшаб отадими, бузуклик қилаверадими, танги одам эди. Буниси бўлса, ростини айтсам, арақ деганни оғзига ҳам олмайди, жононлар ҳақида эшитгиси ҳам келмайди. Авлиё! Ке, майли, катталарнинг қулогини қиздирмайлик. Баттар бўлсин!

Иваннинг бир яхши одати бор эди, улфати ичадими, йўқми — парвойи фалак, ўзи олаверарди. Саркор эса... Саркор ўзи ҳам бу оққўнгил, бир қоп ёнғоқ асл рус йигити билан ичгиси, ичиб унга ўхшаб яйрагиси келар, лекин ҳаёлидан Отанинг кечаги гаплари, гапларидан ҳам кўра унинг ғам чўкиб киртайиб қолган мунгли чехраси кетмас эди.

Учинчими, тўртинчими қадахдан кейин Саркор дилидаги дардни айтиш пайти келганини сезди-да, аста сўз бошлади:

— Мен сенинг ютуқларингдан жуда хурсандман, дўстим. Лекин бу қаттиққўл, тошбағир хўжайиннинг нима қиляпти ўзи? Усиз ҳам юрак олдириб қўйган бечора халқнинг юрагини ёрмоқчими?

Иван қаттиқ уф тортди:

— Ичим тўла дард! Аммо бу дардларни сенга ҳам айтолмайман. У ёғини мен ҳам билмайман, оғайни. Фақат шуни биламанки, у — ғоя кишиси. Қотиб қолган коммунист. Ғоя учун сенинг Отанг у ёқда турсин, ўз хотинини ҳам аямайди. Эсингда борми, у можорлар юртида нима қилган эди? Ҳалиги масхарабоз, оқбош пошшога айтиб танкларни чақириб олган... Шу танклар билан кўчага чиққан можорларни қириб ташлаганини эшитгандирсан, ахир? Ҳозир ҳам керак бўлса ҳеч ким ва ҳеч нарсани аямайди! Э-э... оғайни, сен нимани ҳам биласан? Мен бўлсам... ҳамма гапни сенга айтолмайман! — Иван кўлидаги қадахни бир кўтаришда бўшатди-да, мастона сузилган кўзларини Саркорга тикди: — Билиб турибман, мени йўқлаб келишдан бир мақсадинг бор. Баджаҳл хўжайиннинг Ўзбекистонга нима адовати бор, деган савол юрагингни

зиркиратиб турибди-ёв! Яшириб нима қиласан, мен эски, маккор разведкачи — ҳаммасини билиб турибман. Тўғрими гапим, айт?

Саркор кулган бўлди.

— Балосан! Жудаям сен айтгандай эмасман-у, аммо ҳолимиз нима бўлади бизнинг? Ҳар қалай, Ота яхши одам...

— Энди, мен сенга айтсам, Отанг ҳам кўп ножўя ишлар қилган-да, оғайни! — деди Иван ва сукутга чўмди. Чамаси, тилида турган муҳим бир гапни айтиш-айтмаслигини билолмай иккиланарди.

Ўртага чўккан жимлик анча чўзилиб кетди.

— Хай, — деди Иван ниҳоят, — бердисини айтдим, худосини ҳам айтақолай. Бу икки хўроз орасида нохуш бир гап ўтган! Аммо сен бу гапни хотинингга ҳам, яқин дўстингга ҳам, энг инонган ўйнашингга ҳам айтмайсан...

Иван шундан кейин бирда овозини пасайтириб, бирда жўшиб, бирда Саркорнинг елкасига қоқиб, ҳақиқатан ҳам сирли ва кўнгилсиз бир воқеани айтиб берди.

Инқилобдан олдин Московнинг энг кўркем, гавжум кўчасида Елисеевский деб аталувчи рус казо-казоларини таъминлайдиган машҳур озиқ-овқат дўкони бўлган. Дўконнинг ертўласида энг таниқли дворянлар, совет даврида эса шаҳар партия кўмитаси, хатто Марказқўм ходимлари харид қиладиган махсус бўлими бор эди. Дўконга Москов шаҳар партия кўмитаси саркотиби, Политбюро аъзоси ва дудук пошшонинг яқин дўсти ҳомийлик қилган. Нима бало ҳам бўлиб, ҳозирги каттиққўл бош котиб — ўша вақтда у оддий инсон тугул пошшолар ҳам ҳадиксирайдиган махфий идорани бошқарган салкам худо — бу дўконни тафтиш қилиш ҳақида топшириқ беради. Тафтиш оқибатида мисли кўрилмаган қаллобликлар фош этилади. Бу етмагандек, манаман деган амалдорлар ҳам шу дўкон воситасида катта пул, нафақат пул, хатто тилла-жавоҳирларни ўмариб юргани ошкор бўлади. Бу қаллобликнинг бир учи қудратли ҳомий — Москов шаҳар партия кўмитасининг биринчи котибига бориб тақалган экан. Шунда ҳалиги шаҳар хўжайини дудук пошшога кириб арз қилган. Айтганки, шундай жиноят бор экан, тафтишдан аввал нега шаҳар раҳбарияти огохлантирилмади, нега умуман партия ташкилотларининг родини камситмоқчи бўляпти бу одам?..

Бу гап дудук пошшога жўялидек бўлиб туюлгану (эҳтимол, “нега мендан берухсат қилинган бу иш” деган фикр ҳам кўнглидан ўтган бўлса ажаб эмас) Политбюронинг кичик мажлисини чақирган. Ҳаётнинг ғалати ўйинини қарангки, аксига олиб бу воқеаларнинг устига ўзбекистонлик Ота ҳам Московга келиб қолгану мажлисга у киши ҳам таклиф этилган... Шунда Отадан бир хато ўтган. У, чамаси, Москов шаҳар кўмитаси саркотиби билан дудук пошшонинг қалин дўстлигини билгани учун, шунга ишониб, бўлажак каттаконни қаттиқ танқид қилган. Дудук пошшо эса, мажлис якунида бугунги катта Ота билан Москов хўжа-

йинининг елкаларига қоқиб, сен ҳам ҳақсан, сен ҳам, эндиликда келишиб ишланглар, дея ҳамма гапни бости-бости қилиб юборган.

— Энди тушундингми бу қаҳри қаттиқ хўжайин нега Оталарингни ёмон кўриши сабабини?

Саркор юраги безиллаб, базўр бош ирғаб қўйди.

— Тушундим...

— Тушунган бўлсанг, сенга дўстона маслаҳатим — Оталарингдан сал узокрок юр! — Иван шундай деб ён чўнтагидан жимитдеккина чармхалта чиқариб, ундан қандайдир бир нима олиб ютди-да:

— Сенга ҳам берайми? — деб сўради.

— Бу нима ўзи? — деди Саркор.

— Дори, — деди Иван. — Ҳам кайфни пасайтиради, ҳам бошоғрикни...

— Йўқ, — деди Саркор. — Кўриб турибсан-ку, мен озроқ отдим...

— Кўриб турибман, менинг гапларимдан юрагинг сиқилляпти. Аммо ҳақиқат қанча аччиқ бўлмасин, ҳақиқий дўстлар буни бир-бирига айтиб туриши керак... — деди Иван. — Ке қўй, шу бемаза сиёсий гаплардан ўзимизнинг севимли мавзумизга ўтайлик. Хўш, Зиёдахон қариб қолган бўлса, сен ҳам менга ўхшаб янгисини топгандирсан?

Саркор қўлини силтади.

— Биттасини топиб, комсомолларга раҳбар қилиб қўйган эдим, бўлмаёпти.

— Нега?

— Эри бир ипиринди йигит, ўта рашкчи чикди.

Иван дўстининг елкасига уриб қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Рашкчи бўлса, анов чўл зоналарингга сургун қил, бурнини тошга ишқа лаънатини! Айтмоқчи, рашк қилмайдиган, борсак ҳамиша кулиб қарши оладиган хотининг бор эди-ку! У қалай, тузукми? Тез қаритиб қўйдинг-да шу шўрликни. Жазманларим етарли деб, унга қарамай қўйдинг.

— Ўзинг-чи? Ўзинг ҳам мана, уйингга эмас, жазманингни уйига олиб келдинг-ку мени!

— Йўқ, оғайни, сен билмайсан, мен ҳар иккаловининг ҳам кўнглини оламан...

Иван яна қадахларни тўлдирди.

— Бизнинг шунча гуноҳларимизни кечириб келаётган ўша шўрликлар учун! Менинг Марускам, сенинг Гулюзинг учун!.. Энди қайтадиган вақтим бўпқолди, оғайни, — деди Иван кейин. — Бошқа муҳим бир гапим бор сенга, ранжимайсан...

— Айтавер, — деди Саркор юрагидаги ғалаённи босишга уриниб.

— Айтаверсам... Аммо кўнглингга олмайсан...

— Айтавер дедим-ку сенга.

— Гап шундаки, бу йил, лекин қачон эканини аниқ билмайман, шу йил Ўзбекистонни комиссия босади-ёв. Пахта иши бўйича.

Саркор юраги ўйнаб кетиб:

— Пахта иши?! — деб гўлдиради.

— Пахта иши. Пахта бўйича жуда катта қўшиб ёзишлар бор Ўзбекистонда, деган гап айланиб юрибди. Бу масалада ўзинг соғмисан ишқилиб? Тўғриси айтивер... — Иван шундай деб дўстининг кўзларига тикилиб қаради. Саркорнинг кўнглидан “Бу оғайним анов қаҳри қаттиқ пошшо билан топишиб қолгани бежиз эмас экан-да!” деган гап ўтди. У бошини аранг қимирлатди:

— Йўқ...

— Хайрият, — деди Иван. — Бўлмаса, сенга яна битта маслаҳатим бор... Сен ташаббусни ўз қўлингга ол! Қайтиб боришинг билан, пахта теримини бошлаш баҳонасида... Ахир терим яқин-ку?

— Яқин, — деди Саркор.

— Яқин бўлса, шу баҳона мажлис чақир! Энг муҳими — мажлисда қўшиб ёзишлар бўлмасин деб, бу қусурга қарши қаттиқ гапир. Шунда қўшиб ёзишлару кўзбўямачиликка қарши ҳаракатни сен бошлаб берган бўласан! Иложи бўлса бу мажлисингни телевидение кўрсатсин. Радиодан гапиришсин! Бу гапларинг албатта манов пошшога етиб келади. Бу ишни мен ўз зиммамга оламан! Гапга тушуяпсанми? — деди Иван Саркор томон энгашиб.

— Тушуяпман, оғайни, раҳмат сенга!

— Раҳматни кейин айтасан! — деди Иван ва бирдан ҳазиллашган бўлиб Саркорнинг кўкрагига мушт урди. — Дўст ачитиб гапиради, дейдилар. Хўп, бу ёғига нима қиламиз? Яна қиттайдан бўлсинми?

— Йўқ, мен арафингга тўйдим. Раҳмат.

— Қачон кетмоқчисан ўзи?

— Сенинг бу гапларингдан кейин... иложи бўлса ҳозир жўнардим, — деди Саркор. — Аммо самолёт эрталаб учади.

— Бўлмаса турдик, — деди Иван ва столдаги қолган-қутган егулик, очилган-очилмаган шишаларни қайта қутиларга жойлай бошлади.

— Кайфинг баланд-ку! — деди Саркор. — Кўча тўла милиса...

— Бэ-э, — дея кулди Иван. — Машинанинг номерини кўрмадингми? Бу номерни кўрган милиса тўсиш у ёқда турсин, тирақайлаб қочади... Айтмоқчи, сўрамабман, қайси меҳмонхонага тушдинг?

— “Москва”га.

— Бўлмаса кетдик, оғайни! — деди Иван.

* * *

Лаънати Иваннинг гаплари, айниқса, кўзойнакли пошшо билан Ота ўртасидаги қалтис муносабат ҳақида айтганлари Саркорнинг хаёлини тўс-тўполон қилиб юборди. Шундай бўлдики, у тонг отгунча “Москва” меҳмонхонасининг юмшоқ тўшагида эмас, бир боғ чақиртикан устида ётгандек тўлғониб чиқди. Аксига олиб, самолётда таниш-билишлар кўп экан. Шунинг учун Саркор самолётга чиққач, дераза

ёнидаги ўриндикка ўтирдию ўзини ухлаганга солиб, кўзини чирт юмиб олди. Лекин барибир кечаси бошини ғовлатиб юборган безовта ўйлардан қани қутула олсал!

Шўрлик Ота! Унинг озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб қолишининг тегран сабаблари бор экан бу ёқда! Йўқ, бу кетишда, анов кўзойнакли пошшо Ота бечорани гўрга тикади. Бу турки совуқнинг шўрлик Отага “меҳри тушган” экан, уни тинч қўймайди. Ота ишонган одамлар (улар сирасида Саркор ҳам бор) қувғинга тушмаса ҳали! Ҳа, Иван ҳақ, республикада тафтиш бошлашлари эҳтимолдан холи эмас. Бинобарин, Саркор тез орада бир иш қилиши лозим.

Самолёт Тошкентга соат ўнларда келди.

Шахсий кўриқчиси Казбек пашшани ҳам ўтказмайдиган аэропорт милициясидан ўтиб, самолёт биқинига келиб турган экан, Саркор машинани тўғри депутатлар хонаси томон ҳайдашни буюрди. У даставвал Отанинг ёрдамчисига сим қоқди. Хайрият, Ота хануз сафардан қайтмабди. Ҳозирча Фарғонада экан. Фарғонадан Хоразмга, ундан Қорақалпоққа ўтар экан. Бинобарин, Ота қайтгунча Саркор Иван айтган ташаббус билан чиқиши мумкин. Аммо у шундай йўл тутиши даркорки, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Саркор шу тўхтама келдию телевидениедаги оғайнисига сим қоқди. Бу одам билан, мана, неча йилларки, қилўтмас оғайни. У ҳар йили камида икки-уч марта Саркорнинг дам олиш уйига чиқиб, бир-икки кун “дам олиб” келади. Тагин ҳар сафар янги жонон билан чиқишига қараганда, у ҳам бу борада анов ялтирбош дохий йўлини эмас, ҳозирги каттаконлар юрадиган, яъни ҳар сўзида поклик ҳақида вайсаб, амалда “давринг келдими, яшаб қол!” йўлини тутарди.

— Бу масалани жуда тўғри ўйлабсиз, — деди телевизорчи оғайниси хиёл ховлиқиб. — Бу йилги терим мавсуми — ўта масъулиятли жараён. Бу йил планни дўндиришимиз керак, ҳам ҳар хил кўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликларга қатъий чек қўйишимиз даркор, деган фикрдаман. Мен радиога ҳам айтаман. Улар ҳам энг ўткир мухбирларини юборишади сизга.

Кейин Саркор хўжалигига сим қоқди. Иккала муовини ҳам Зиёдахоннинг хонасида унинг қўнғироғини кутиб ўтирган экан, яхши бўлди. Саркор кечқурунги мажлис борасида ҳар учаласини огоҳ қилиб, тегишли кўрсатмалар берди-да, йўлга чикди.

Казбек хўжайинининг аҳволини дуруст илғай олмадими ёки тарки одат — амримахол, ҳар галгидек, унинг кайфиятини кўтариш мақсадида теша тегмаган анекдотларини вайсай кетди. Саркор эса, ҳамон ўз хаёллари билан банд, унга қулоқ ҳам солмади. У дам олиш уйидаги эски ҳангомалар — катта Ота келиб ов қилгани, кайфи ошиб қолиб қўнғир айиқ терисидан тикилган тўнни кийиб, бошига телпакни қўндириб рақс тушганини эслаб, ичида бир кулиб қўйди.

Ҳа, не-не найранглар билан салтанатни эгаллаб олган бу пошшо ҳам кўп ўйин кўрсатди-ёв! Илгариги Катта ота эса бир қоп ёнғоқ эди. У

азбаройи хушёрликни қўлдан бериб қўйиб, кўп жинниликлар қилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мажлисида кимдандир дарғазаб бўлиб, оёғидаги пойабзали билан минбарни тақиллатиб, жумлаи жаҳонга кулги бўлди. Аммо империализм устидан ҳар қанча кулмасин, юртга қайтганидан кейин Американи бой қилган нарса жўхори экан деб, ҳаммаёкни жўхорига қўмиб ташлади. Аммо Американи бой қилган жўхори негадир шўролар юртида яхши илдиз отмади-ю, охир-оқибатда дудук пошшо масхарабоз пошшонинг оёғига болта урди.

Бу ёғи нима бўлади энди? Қасдига олиб, катта даргоҳларда бўлган ола-гасир тортишувларда тахтга мана шу қаҳри қаттиқ қўзойнак пошшо ўтириб олди. Энди шўрлик бизнинг Отанинг аҳволи нима кечаркан?

Саркор юраги дарз кетаётгандек бўлиб бир қўзғалган эдики, хайрият, ўз қўли, ўз пешона тери билан барпо этган кўркам шаҳарчага кириб келишган экан...

4

Саркор тайинлагандек, у истаган одамларнинг ҳаммаси жамулжам бўлиб уни қутаётган экан, биргалашиб партком Зиёдахоннинг хонасига кирдилар.

Саркор Москов сафари ҳақида икки оғизгина гапириб берган бўлдию кечкурунги мажлис масаласига ўтди. Кейин бамаслаҳат мажлисда гапирувчилар рўйхатини тузишди. Саркорнинг таклифи билан рўйхатга энг илғор хўжалик раҳбарлари ва илғор бригадирлар киритилди.

Мажлис шу ерга келганда Нигорахон сўз сўраб қолди. У одатдагидан ҳам яхши кийинган, Саркор учун бўлса керак, хўб пардоз қилиб олган, ўзиям қандайдир жуда очилиб кетган эди.

Нигорахон ҳаяжондан энтика-энтика, гапирувчилар рўйхатига илғор комсомоллардан ҳам бир нечасини киритишни илтимос қилди. Саркорнинг хаёлидан “Қуриб кетгур бу пардоз-андоз мен учунми? Муносабатларимизни элга ошкор қилиб юборади чоғи” деган гап ўтди. Нигоранинг таклифи ҳам сўзсиз, эътирозсиз қабул қилинди.

Тошкентдан келадиган телевизорчилар, умуман, матбуот ходимларини зиёфат қилиш ҳам эсдан чиқмади.

“Маслаҳат оши”дан кейин Саркор қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб уйга жўнаётган эди, у ёқ-бу ёғини қилпиллатиб Нигорахон югуриб келди.

— Саркор ака, катта дам оласиз? — деди у хансираб. — Мехмонхонадами? Мен жойларингизни яхшилаб тайёрлатиб қўйганман!

Нигора гапини тугатмаган ҳам эдики, идора олдида унинг лапашанг эри кўриниб қолди.

— Кечкурун кўришамиз. Бор, ана, эринг рашк чўғида коврилиб бу ёққа қараб турибди, — деди Саркор.

Нигорахоннинг кўзлари жикка ёшга тўлди.

— Бунинг рашкидан ўлиб бўлдим! Шу шумшукдан кутқаринг мени, жон Саркор ака!

— Қўй! Бунака гапларнинг ўрни эмас ҳозир. Кейин бафуржа гаплашамиз...

Кўча эшиги ичкаридан қулф эди. Гулюз очди. Эгнида эски кўйлак, оёғида катта калиш, ўзиям озиб, сўниқиб, юзи бир бурда бўлиб қолибди.

Гулюзнинг ҳам кўзёши тайёр экан, уни кўриши билан миждаси намланди.

— Кирун, нима қилиб турибсиз?

Ховлининг тўрида, бир туп шотут тагида бири биридан ғалати, қўллари кир-чир, аммо — аллақандай ширин бир тўп болакай кўзларини катта очиб турарди: набиралари! Ҳамма фарзандлари ўз болаларини бемаҳал қариб қолган шу шўрлик хотинга ташлаб қўйишган!

Саркор меҳмонхонага ўтаркан, кўзлари қулиб турган миттигина қизалоқ қўлини у томон чўзиб:

— Бу менинг бувам! — деб бидирлади. Шундан кейин “Йўқ, менинг бувам, менинг!” дея ҳаммаси бирдан чувиллаша кетди.

— Йўқ, сеники эмас, менинг бувам, менинг бувам!..

Саркор юраги шиф этиб, меҳмонхона эшигини очди. Катта чорхари меҳмонхона саранжом-саришта, кўрпачалар ёзилган, ўртадаги хонтахта мева-чеваларга тўла. Худди илгарилари — Саркор ҳар кун меҳмон етаклаб келадиган даврлардек, ҳамма нарса тайёр! Ҳаммаси шу шўрлик аёл, унинг хиёнатларини билса ҳам умид ришталарини узмаган, узмай қариган шу инсоннинг меҳри билан йўғрилган.

— Мен сафарда — Московда эдим, — деди Саркор. — Кечир мени, Гулюз.

— Москов кетишингизни билмабмиз, бир оғиз айтмабсиз. Қўрқдим, ухламадим...

— Мен пича дам олай, чарчаганман. Унгача сен ўзингга қара, нима бало, бошқа кўйлагинг йўқми? Рўмолинг йўқми?

— Ким учун кийинаман, ким учун таранаман? — деди Гулюз ва кўзига ёш олди.

— Бўлди, хотин, тавба қилдим деяпман-ку, тавба қилдим. Ҳадеб гина қилаверма ахир, азизим!

— Гина қилганимда қаяққа борардим? — деди Гулюз. — Ана, ўрнингиз тайёр. Овқат-повқат қип қўяйми?

— Йўқ, овора бўлма. Кечкурун катта мажлисим бор. Тошкентдан телевизорчилар келишади. Уларни ўша ёқда ўзимиз меҳмон қиламиз. Хоҳласанг сен ҳам бор.

— Мен шўрлик нима ҳам қилардим бориб? Майли, дамингизни олинг, хўжайин!..

Саркор тўрга ўтиб, кўрпачага чўзилди.

Шифтига токи терилган, ўртада беш қиррали катта устун, тоқчаларига кўрпа ва кўрпачалар қаланган эски меҳмонхона. Раҳматли бобоси — кимсан Миршароф Миршаб қурган. У табаррук зот бўза солиб, ёр-биродарлари билан улфатчилик қилган макон бу! Саркор уни аллақачон бузиб, ўн баробар кўркам иморат қуриши мумкин эди. Лекин раҳматли бобосининг руҳини беҳаловат қилишни истамайди. Шу шўрлик Гулюзни ҳам бобоси олиб берган. Ёш, кучга тўлган Саркор кечалари пахтазорларни айланиб юрганида, ғўза суғорадиган ёш бевалар “Дунёдан ёлғиз ўтяпман, лоақал қариганимда йиглаб кўмадиган бир фарзанд ҳам кўрмадим”, деб фарёд чекканда Саркор ҳам уларга қўшилиб кўзига ёш олган... Урушдан кейинги овлоқ йиллар эди. У фожиали йилларнинг ҳам ўз завқи, ўз гашти бўларди. Аммо кейинрок, бу тунги саргузаштлар сабаб, қишлоқда Саркорга бир томчи сувдек ўхшайдиган митти саркорчалар кўпая бошлаганда, раҳматли бобоси уни қишлоқнинг олд кизи ҳисобланган мана шу Гулюзга уйлантириб қўйган эди.

Саркор, ниҳоят, бу маънос ўйлардан чарчаб кўзи илинган экан, бир маҳал устидаги ёпинғич қимирлагандай бўлди. У кўзини очмасданок билди. Бу Гулюз эди. У Саркорнинг бошида ўтириб, устидаги кўрпани жуда аста, журъатсизгина тузатмоқда эди. “Бугун келаман, албатта келаман!” — деди хаёлан Саркор. — “Мен бу шўрликни ранжитмаслигим, ўқситмаслигим керак”.

5

Санъат саройининг кичик зали одамга тўлган, икки муовини, Зиёдахон ва Нигорахонлар уни ташқарида кутиб туришарди.

— Радио-телевидениедан келишганми? — деб сўради Саркор.

— Аллақачон келишган, шай бўлиб ўтиришибди, — деди Зиёдахон. У боягидан ҳам чиройлироқ кийиниб, пардоз-андозни дўндириб олган эди. Саркор мажлисни очишни ҳам, ёпишни ҳам унга топширди.

— Вой, — деди Зиёдахон, — сиз турганда мен...

— Сен очсанг яхши бўлади, — деди Саркор. — Парткомсан, биз ҳаммамиз партиянинг солдатларимиз.

Кичик зал ҳақиқатдан ҳам лиқ тўла, баъзилар ҳатто икки ёнда тик туришар, телевизорчилар ҳам, суратчилар ҳам шай эди.

Мажлис жуда чиройли ўтди. Фақат битта камчилик — Зиёдахон кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишларга барҳам бериш ҳақида сал кўпроқ гапириб юборди-ёв! Чамаси шу сабаб, сўзга чиққан хўжалик раҳбарлари ва бригадирлар ҳам республикада бу иллат авж олиб кетганини қоралаб гапирдилар. Саркор ҳам охириги сўзида, қисқагина бўлса-да, бу иллатни қоралаб ўтди. Хуллас, мажлисдан азбаройи хурсанд бўлиб кетган Саркор йиғилишдан кейин торроқ доирада зиёфат берди.

Зиёфат айни қизиган пайтда анов... Нигорахоннинг лапашанг эри кириб келди. Фирт маст, сочлари тўзғиган, қўйлаги йиртилган, чамаси, ташқарида турган қоровуллар билан ёқалашган бўлса керак. У алпанг-талпанг юриб, тўғри Саркорнинг олдига келди-да:

— Сен... сен муғомбир, қўшиб ёзишда устаси фаранг... азозил энди бу иллатни қоралаб, ўзингни покиза қилиб кўрсатмоқчимисан? Сен бу ишда ҳам, хотин-қизларни йўлдан уриш бобида ҳам...

Саркор қандай сакраб турганини ўзи ҳам билмай қолди. Бир ҳатлашда етиб бордию қулочкашлаб шундай урдик, лапашанг ағдарилиб тушди. Яхшиям, бу шармандаликни телевизорчилар кўрмади, улар кетиб бўлишган эди...

Ғазабдан кўзига олам қоронғи кўриниб кетган Саркор чалқанча йиқилган лапашангнинг устидан ҳатлаб ўтиб ташқарига йўналди. У энди машинага ўтираётган эди, яна чопкиллаб Нигорахон келди.

— Саркор ака, жон ака! — деди у ҳиқиллаб. — Мен бу бефаҳм жинни билан туролмаيمان! Ажрашаман у билан!

— Билганингни қил! — Саркор шундай дея машинага ўтирди-да: — Ҳайда дам олиш уйига! — деб буюрди.

Саркор доим шундай қилар, бирор нарсадан кўнгли ғаш бўлса, ё дам олиш уйи, ёки бирорта узоқ хўжаликка кетар, ўша томонларда юриб, одамлар билан гаплашиб, ҳовурини босиб қайтар эди. У дам олиш уйда номигагина ухлаган бўлиб аранг тонг оттирди. Эртасига эса чорва хўжаликларини айланди. Кечқурун уйга қайтаман деб турганида дам олиш уйининг директори югуриб келди:

— Оқсоқол, сиз ҳозир Отага телефон қилар экансиз, — деди азбаройи ҳаяжондан энтикиб. — У киши бугун икки марта сўрадилар сизни! “Эшитган, ҳаммасини эшитган!” деди Саркор ичида.

Йўк, Ота унақа дарғазаб эмас эди.

— Қалай, яхши бориб келдингизми? — деди одатдагидек мулоим товушда. — Иванни топдингизми? Учрашдингизми?

— Топдим, учрашдим, Ота. Келганингизда гапириб бераман.


— Ҳмм, — деди Ота овози хиёл ўзгариб. — Бу дейман, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ҳақида телевизорда айтганларингизни Иван ўргатдим?

Саркор бир зум тилдан қолиб, нима дейишини билмай ғулдиради.

— Хай, — деди Ота, афтидан, Саркорнинг аҳволини тушуниб. — Мен эртага тушда қайтаман. Ҳамма ишингизни йиғиштириб олдимга келинг!

Саркор турган жойидаги стулга шилқ этиб ўтириб қолди.

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ



2

ORZULARIM BILAN

1

Саккизинчи синфда ўқиётганимда телевизор орқали 1 Май байрами тантаналарини томоша қилиб ўтириб, мен кейинги мана шу байрам намойишига Тошкентда чиқаман, дедим.


Опам, акам, укаларим кулишди.

Мен рассом бўламан, дедим яна ишонч билан.


Энди ўша олис болалик чоғларимдан туриб бугунимга назар солсам, орзуларим амалга ошгандай.

Институтга ўқишга кирган йилимиз Тошкентда Ўрта Осиё бадиий билим юртлари битирувчиларининг диплом ишлари кўргазмаси бўлди. Беш-олти дугона “Баҳор” концерт залига қараб йўлга тушдик. Билим юртимиздан ўнтача иш тавсия этилган бўлса, кўргазмада қизлардан биргина менинг диплом ишим бор эди. Ҳамма юриб қайтса, мен учиб қайтдим. Ўша кўргазма каталогини узоқ йиллар ардоқлаб сақладим.

Институтнинг учинчи курсидан кўргазмаларга фаол қатнаша бошладим. Бешта иш олиб борсам, тўрттаси ҳайъат муҳокамасидан ўтадиган бўлди.



4



5

1. "Биби Фотима"
2. "Юсуф ва Зулайхо"
3. "Хумсон. Угам дарёси"
4. "Жаннат гўшаси"
5. "Кузги боғ"
6. "Болаликка саёҳат"
7. "Чинор"



3

BIRGA ULG'AYDIM



Мусаввир сифатида шакллана бошлаганимга ишондим. Ҳаётимни фақат ижодга бағишлаш ниятида эдим. Турмушга чиққач, ўғилчамни аравачасида ухлатиб қўйиб, ўзим асар ишлайвераман-да, деб ўйлардим. Аммо ўғилча ва қизча улғайгунча ўн йил ўтиб кетди...

Чизган асарларим кўп дея олмайман. Аксари кўргазма юзини кўрмасдан турли коллекцияларга тарқаб кетади. Баъзилари республика Адабиёт музейи, Миллий банк галереясида ўрин олган.

Тирикчилик юмушлари аро ижод лаҳзаларини кўмсаб яшайман. Қилган хизматимдан зиёдроқ таниқлиманки, бунинг учун мени беғараз ташвиқ қилиб юрган қаламкаш дўстларим — журналистлар ва ёзувчи-шоирлардан миннатдорман.

Францияга ижодий сафарим баракали бўлди. Француз дўстларим менинг асарларим мисолида Гоген, Матисс сингари буюк мусаввирлар сарчашмасидан таъсирланиб ижод этаётган санъат шайдосини кўрдилар. Ҳозир ўн тўртта асарим шу мамлакат хусусий галереяларида сақланмоқда.


Гулнора РАҲМОН



6

7

Қулман ОЧИЛ



МЕХНАТ

Соат миллари тунги иккига яқинлашганда, ниҳоят, “дарди тамомила кўндаланг келган” ҳисоботимизга сўнги нуқтани кўйдик.

— Яна икки соатдан кейин тонг отади, — дедим ўзимни оромкурсига таппа ташлар эканман. — Ҳисоботидан ҳам ўргилдим! Бир кун кечроқ берсак, осмон узилиб ерга тушмасди. Ёв бостириб келаётгандай, шоширишгани шоширишган. Кошки, бу қоғозбозликдан бировга заррача наф бўлса!

— Чарчабсиз-а? — деди бўлим мудиримиз Ҳабибулло ака олдидаги қоғоздан бошини кўтармай. Қизиги, унинг овозида ҳорғинлик ҳам, асабийлик ҳам сезилмасди. Гўё биз билан бирга икки ҳафта туну кун қоғоз титкилаб, ҳиссиз рақамларни солиштириб ўтирмаган-да, ёзги таътилини Қора денгиз соҳилидаги оромгоҳларда роҳат-фароғатда ўтказиб, ҳозиргина ишга келиб тургандай. Уйласам, ёши эллиқдан ошган, сочи қанчалик оқ бўлса, қалин қошлари шунчалик қора, қотмадан келган бу одамни уч йилдан — бўлимимизга ишга келганидан бери ҳар куни шундай тетик-бардам,

MAN- ZA- RA- LAR

хушчақчақ ҳолда кўрар эканман. Бировга овозини баландлатиб гапирганини, бирор нарсадан зорланганини эслай олмайман. У қўл урган иш охирига етмай қолмайди. Ҳабибулло ака тайёрлаган ҳужжатга “республикада хизмат кўрсатган инжиқ” — раисимиз ҳам киприк қоқмай қўл қўяди.

“Йигитнинг гули сўткасига йигирма беш соат ишламаса, барака топмайди”. Мудиримизнинг яхши кўрган гапи шу.

— Ўзингиз-чи, ўзингиз чарчамадингизми?

— Ҳужжатимиз тайёр, ана энди бемалол бармоқ босаверсак бўлади, — деди у лотореясига ютуқ чиққан одамдай суюниб. Сўнг ҳисоботнинг бешала нусхасини ҳам шошилмасдан имзолаб, ҳар бирини кўк жилдларга алоҳида-алоҳида жойлагач, қаршимдаги оромкурсига келиб ўтирди.

— Худога шукр, чарчадим, — деди у одатдагидай салмоқлаб. — Мен сизга айтсам, ишлаб чарчашдан катта бахт йўқ. Тасаввур қилинг, бу дунёда неча минглаб, миллионлаб одам иш тополмай, топса, дурустроқ ҳақ ололмай сарсон-саргардон. Тўшагига михланиб ётган бемор, майиб-мажруҳ қанча! Ўзи яхши кўрган

иш орзусида бу дунёдан ўтиб кетаётганлар сон мингта! Мен шуларни ўйлаганимда, шукр қиламан.

Ҳабибулло ака чойнакнинг устидаги қизил бахмал филофни олиб, пиёлаларга чой қуйди. Дамланганига анча бўлганига қарамай чой совимаган экан.

— “Шукр” деганимда кўз олдимга бир афғон йигити келади, — деб гапида давом этди мудиримиз. (У бир вақтлар Афғонистонда шўро ҳарбийларига икки йил тилмочлик қилганини билардим.) — Йигитки, ҳайбатидан от хуркади. Кундакунора қисмимизга иш сўраб келарди. Офицерлар унга ишонмас, душман томоннинг хуфияси деб гумон қиларди. Бир куни дардини эшитиб кўрсам, аксарият афғоннинг бошига тушган кулфат бу бечорани ҳам четлаб ўтмаган экан. Ейишга нони, кийишга кийими йўқ. Бир бош олиб кетай деса, бола-чақасини, урушда ҳалок бўлган акаларининг етимчаларини, кекса ота-онасини кўзи қиймайди. Қишлоқда эса иш йўқ. “Бир мардум менга икки қоп ун бериб, ўзимни бир ой эшак ўрнида минса ҳам рози эдим, — деди у бир куни. — Лекин, бунча унга камида тўртта эшак беради. Шунча эшаги бор одам мени бошига урадим!” Унинг офтобда қуйиб-қорайиб кетган юзида пайдо бўлган аянчли кулги ҳалигача кўз олдимдан кетмайди. Дор остига бораётган маҳкумлар шундай кулса керак.

Ҳабибулло ака пиёласидаги сўнгги култум чойни хўплади-да, ўрнидан турди.

— Англаб етганим шуки, худойим ишлаб чарчаш саодатини ҳар кимга ҳам раво кўравермас экан. — У деразага қаради. — Бу ёқда тонг отай деб қопти-ю, фалсафа сўқиб ўтирганимизни қаранг! Ёз туни — қисқа. Тезроқ уйга бориб соқолпоқолимизни тарашлаб келайлик. Соат тўққизда иш бошланади...

“И Ш И Л А Р М О Н”

Шийпондан чиқиб келган одамни дарҳол танидим. Пешонасида беш қиррали юлдузнинг изи қолган аскарча телпак, қалин пахталик кийган бу одам талабалик йилларидаги хужрадошим Нормурод ака эди.

Кадрдонларча қучоқлашиб кўришдик. Арзон вино ва тер ҳиди димоғимга гупиллаб урилди.

— Эсон-омон юрибсизми, Нормурод ака?

— Ўзларидан сўрасак?

— Шукр.

— Биздан сўрасангиз, ука, деҳқончиликка ўтдик. Қурилишда нон қомади. Ҳозир пул кимда? — У Холманга қаради. Фермер укам бир гапни сезгандай, эшитмасликка олиб, нари кетди. Нормурод ака ўзининг саволига секин, лекин қатъий жавоб берди: — Фермерда!

Унинг кўзлари бирдан чақнаб кетди. Гўё мени жуда махфий сирдан воқиф қилаётгандай, неча кундан бери тиф тегмаган иягини кафтига ишқаб олди-да, шошилиб шивирлай кетди:

— Мен бу ерда қорнимни қашиб ётганим йўқ, ука. Деҳқончиликни ўрганяпман. Ишни зимдан кузатаман. — У гапимни бирор бегона одам эшитмаяптими дегандай, ён-атрофига аланглаб олди. Укам шийпонга кириб кетган, теримчилар эса узокда — пахтазор оралаб юрарди. — Холман укангиз фермер бўлиб беш йилда ўрганган ишни мен бир йилда билиб оламан. Келгуси йили юз гектар ер олмақчиман. Озроғига пахта экиб, қолганига дон сепиб ташлайман. Биласизми, ҳозир бозорда буғдой неча пул?

Биламан десам, суҳбатдошимнинг хафсаласи пир бўларди.

— Икки юз элликка чиқди! Сурхондарёда уч юз деб эшитаман. Етмиш гектар ердан ўттиз центнердан ҳосил олсам, қарабсизки, бир йилда пулга кўмилиб турибманда! Тўғрими?

Нотўғри деб бўлармиди:

— Пул топгунча, калла топ. Қойил!

— Лекин, ука, гап ўртамизда қолсин. Мен ваъдани бериб хайрлашдим.

Бундан йигирма беш-ўттиз йил бурун,



Тошкентда талабалик қозонини бирга қайнатиб юрган кезларимизда ҳам Нормурод аканинг бундай гурунглари кўп бўларди.

— Қулманжон, — дерди у, — ҳали кўрасиз, мен жуда бойиб кетаман. Қоп-қоп пулим бўлади. Шунда, биласизми, биринчи галда нима қиламан? Машина оламан! Энг зўридан. Машинанинг зўри қандай бўлишини биласиз-а?

Мен ҳеч қачон биламан демасдим. Десам, суҳбатимизнинг қизиғи қолмасди.

— Америкалик автомобиль қироли Форд айтган эканки, машинанинг зўри — янгиси. Мен ҳали бўёғи қуримаганидан оламан. Сизга қайси ранги маъқул?

— Оқи.

— Йўқ, оқи бўмайди. Қораси зўр. Прокурорлар қорасида юради. Шунисидан оламан. Оламан-да, ука, қишлоққа мини-иб бораман. Олгунимча ҳеч кимга, ҳатто янгангизга ҳам айтмайман. Сюрприз қиламан. Уйнинг олдида борганимда босиб-босиб сигналини чаламан: биб-би-иб!..

У чалган сигнал товушини эшитиб, қишлоқ аҳлининг ярми уйдан югуриб чиқиши аниқ. Айтиқса, кирчимолгина хотинию энди тетапоя бўла бошлаган ўғлининг қувонишини айтмайсизми! Умида эшакдан бошқа улови бўлмаган отасининг-чи! Олти қизнинг ортидан уни тилаб олган онасининг-чи!

Нормурод ака шу тобда симлари чўзилиб, ўртаси чўкиб қолган каравотда эмас, гўё "Волга"да ўтиргандай, деразага қарайди. Дераза ойналари музлаб ётибди, ҳеч нарса кўринмайди.

— Нормурод ака, — дейман, — машинани сотиб оласизми ё лотореяга ютмоқчимисиз?

— Сотиб оламан.

— Шунча пулни қаердан, қандай топасиз, ака?

— Ие! — У шунга ҳам ақлинг етмайди-ми, дегандай, қўл силтайди. — Оёғингизнинг тагига қаранг, ука, пул сочилиб ётибди-ку! Ана, қаранг.

Мен оёғимнинг тагига қараб, ранги ўчиб кетган "минг йиллик" шолчадан бошқа нарсани кўрмайман.

— Йўқ, сиз гиламнинг тагига қаранг, гиламнинг!

Аммо стол тагига энгашишга улгурмайман — ҳамхонам сапчиб туриб, шолчанинг четини кўтариб ташлайди.

— Бу нима? — У кўрсатгич бармоғини букиб, ёғоч полни тақиллатади.

— Пол.

— Шу ёғоч пол неча марта бўялган?

Мен елка учираман.

— Билмайси. Ҳеч ким билмайди. Билолмайди. Энди мана бунга қаранг. — У тамаки тутунидан қорайиб кетган деворга мушт уради. — Бу неча марта сувалган?

— Мен қаёқдан билай?

— Ҳамма гап шунда — билмайсиз! Ҳеч ким билмайди. Институтни битириб, мен прораб бўламанми? Бўламан. Шунда нима қиламан? Қўлимда ишлайдиган сиздай укаларимга ёрдам бераман. Полни бир марта бўясангиз, ҳужжатга уч марта бўёқ сурди, деб ёзаман. Деворни бир марта сувоқ қилсангиз, икки марта лой урди, дейман. Ким билиб ўтирибди, тўғрими? Ортиб қолган материални сотаман. Прораб бўлсангиз, ука, қўлингиздан минг хил нарса ўтади.

Мен конспект ёзишга тутинаман. У яна жойига чўзилиб, шифтга тикилади. Чамаси, нималарнидир ҳисоб-китоб қиляпти. Лекин узоқ ётолмайди. Яна туради. Секин эмас, сакраб туради.

— Бўмайди, — дейди. — Ишни хом ўйлабмиз. Машинадан олдин тўртта костюм оламан.

"Қизиқ, нега битта эмас, иккита эмас — тўртта?"

— Тўрталаси тўрт хил рангда бўлади. Қорасини мажлисларга кийиб бораман. Оқ кўйлақ, қизил галстук билан. Жигаррангини — ишга, оқини тўй-ҳашамга кияман. Шерали Жўраевниқига ўхшаган кулрангини эса жононларнинг олдида бораётганимда кўрасиз.

Менинг кулгим қистайди.

— Ҳа, нимага тиржаясиз? Шунча пул топсам-у, дунёдан битта хотин билан ўтаманми?!

Одатдагидай, эрталаб чойни дамлаб, Нормурод акани уйғотишга тушаман.

— Биринчи дарс — “тарих”, — дейди у кўрпадан бошини чиқармай. — Тарихни сиз ўқинг — журналист бўласиз. Програба математика ҳам етиб-ортади.

Аммо дарсдан қайтганимда уни яна тўшақда кўраман.

— Фикримдан қайтдим, ука, — дейди у жиддий. — Тўрт хил костюм олсам, одамлар фалончининг боласи босар-тусарини билмай қопти, деб гап қилади. Яхшиси, тўртта бир хилидан — кулрангидан оламан...

— Нормурод ака сенинг далангда нима қилиб юрибди? — деб сўрадим укамдан даладан қайтаётганимизда.

— Икки ой бўлди, шийпонда яшайди, қоровул. Хотини уйдан ҳайдаб юборган.

И Ч МА Й М А Н

Мансур — минг йиллик дўстим. У — рассом, мен — етакчи муҳаррир. Нашриётга бир вақтда ишга кириб, бир йилда уйланганмиз. Фарзандларимиз ҳам тенгдош — катталари ўн олтида бўлса, кичиклари ўн икки ёшда. Унда икки қиз, менда икки ўғил. Шунинг учунми, эрталаб газет-журналларга кўз югуртириб чиққанамдан кейин унинг хонасига бирров бош суқмасам, ўзимни носқовоғини йўқотган бангидай ҳис қиламан. Қўлим ишга бормайди. Лекин Мансурни эрталаблари менинг хонамга милтиқ ўқталиб ҳам олиб қиролмайсиз.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоху ва баракотуху!

Нималарнидир чизиб ўтирган Мансур сийрак сочли бошини асабий ирғаб қўяди. Мен билдирган самимий ва эзгу тилакларга жавоби — шу.

— Яхши дам олиб келдингизми, Мансур Маманович?

Бу гал у бош қирилатишни ҳам эп кўрмайди. Қаншарига қўндирилган гардиши йўғон кўзойнаги устидан ёвқараш қилади.

Мен унинг бундай муомалаларига кўникиб кетганман. Шунинг учун парво ҳам қилмасдан ҳар хил бўёк, тамакию спирт хидидан димиқиб кетган хона дезазасини ланг очиб юбораман.

— Ҳавонинг мусаффолигини қаранг!

Бизнинг эса каталақдай хоналарда тамаки тутунига кўмилиб умримиз ўтпти.

— Ичмайма-а-ан! — деб бақиради у. — Мени йўлдан урма! Адо бўлгур, адо қилдинг-ку!

— Билганингизни қилинг, Мансур Маманович! Лекин баъзи-баъзида хонани шабадалатиб туриш фойдадан холи эмас. Бу ерда одам тугул суварак ҳам димиқиб ўлади.

Шундай деб хонамга равона бўламан ва сезаманки, Мансур ортимдан қараб қолади. “Хафа қилиб қўймадимми?” деб ўйласа керак.

Соат миллари ўн иккига яқинлашганида таниш қадам товуши эшитилади.

— Ўтираверамизми? — дейди Мансур эшикдан бош суқиб. — Тушлик қилмаймизми?

— Тушликкача ҳали бир соату ўн етти дақиқа бор, — дейман мен девордаги соатга ишора қилиб. — Меҳнат интизомини бузишга ҳаққимиз йўқ.

— Бошни қотирма. Танглай қақраб кетяпти. Бўл, бирор жойга борайлик.

“Фаолият”ни кўчанинг нариги томонидаги қаҳвахонада пиводан бошлаймиз. Мансур кетма-кет икки бокални сипқоради. Лекин ҳовури босилмайди чоғи:

— Майдалашиб ўтирмасдан асосий масалага ўтақолайлик, — дейди.

— Эртароқ эмасмикан? Ҳали пешин ҳам бўлмади-ку.

— Мен бугунги ишимни бажардим — расмларни техмуҳаррирга топширдим.

— Мен эса қўлёзмани уйга олиб кетиб ўқишим ҳам мумкин.

— Унда ҳеч кимдан қўрқадиган жойимиз қолмабди.

— Овозга қўяман: асосий масалага ўтилинган деганлар қўл кўтариб тасдиқласин!

Тақлиф бир овоздан қабул қилинганч, столимизда “Столичная” пайдо бўлади. Биринчи қадахдан кейин Мансурнинг чиройи очилади:

— Битта савол бор, — дейди у.

— Хўш?

— Нега сени кўрсам ичгим келавераркан-а?

— Билмадим, жўра. Мен сени кўрсам, овқат ҳам егим келаверади.

Биттадан лағмон буюрамиз. Лекин Мансур овқатга қўл урмайди — сув билан “газак” қилади. Бу орада менинг томоғимдан иккита сомса ҳам ўтиб кетади.

— Мендан на ўрол Тансиқбоев чиқди, на Рўзи Чориев, — дейди ҳамшишам. — Не-не орзуларим бор эди. Бу ўтирган жойимизни қара!

У столга муштлайди. Қадахлар жаранглаб кетади.

— Молодой человек, не надо буянить! — дейди официант хотин. — А то милицияни чакирэм!

— Ўзингни бос! — дейман. — Мен ҳам Абдулла Ориповдай бўлолмадим. Лекин ўлганим йўқ. Юрибман.

— Энди нима қиламиз, жўра, нима қиламиз?

— Нима қилардик, худо деб яшайверамиз-да. Биз етолмаган нарсаларга, ана, фарзандларимиз...

— Сенга нима, ўғилларинг бор.

— Ношукр бўлма.

Оқшом чоғи Мансурни кўчасининг бошида қолдириб, ўзим уйга қайтаман.

Эрталаб хонасига кирганимда у яна асабий ўшқиради:

— Ичмайма-ан! Мени йўлдан урма!

О Я Н А

Торгина қабулхонада уч киши ўтирибмиз. Совуқдан жунжиккан котиба шол рўмолига ўранганича машинкасини чиқиллатяпти. Яна мен ва оқ-сарикдан келган қилтириқ бир одам. Унинг бурни тагидаги кўнғиз мўйлабида томчи йилтирайди.

— Мухбирман денг, — дея ижикилаб сўрайди у: гап сотгиси келаётгани кўришиб турибди. — Мақтайсизми ё урасизми?

— Кимни? Нимани? — дейман мен энсам қотганини сездирмаслиққа тиришиб.

— Кимни бўларди, каттамизни-да. — У “Раис” сўзи ёзилган тахтача осиглиқ залворли эшикка ишора қилади: — Мен шу хўжаликда ўттиз йилдан бери дурадгор — устаман. Э-э, кимлар келиб-кетмади бу хонага! Аммо бунақа раҳбарни кўрмаганман. Илгари ҳам, институтни битириб келиб, икки-уч йил инженерлик қилган шу ерда. Кейин шахарга кўтари-

либ кетди. У ёқда катта лавозимларда ишлаган деб эшитаман. Раис бўлиб келдию икки ҳафтада ҳамма ишни ўзининг йўриғига солиб олди. Каттаю кичикни зириллатади.

— Ўзингиз қандай ташвишлар билан юрибсиз? — деб сўрайман.

— Арпага ариза билан келдим. Кўйларимнинг еми тугаб қопти. Искалатда ғалла кўп. Биз ҳам беш-ўн кило олсак, камайиб қолмас.

Кўнғироқ сас берди.

— Кириг, — деди котиба ҳамсуҳбатимга.

— Ҳали сизни кутиб тураман, — деб шивирлади кўнғизмўйлов ўрнидан турар экан. — Раисимиз ҳақида айтадиган яхши гапларим кўп. Мен уни муштдайлигидан биламан.

Бирласдан кейин у шалвираганча қайтиб чиқди.

— Иш битдимми?

У кулимсиради. Кулгиси ўғрилик устида қўлга тушган одамнинг эсанкирашига ўхшарди.

— Йўқ.

— Нега?

— Аризамга қўл қўйса, энаси қисир қолармиш.

— Кимнинг?

— Кимнинг бўларди, раиснинг-да!

Котиба қалин лаблари орасидан ҳар бири милтиқнинг ўқидай келадиған сўйлоқ тишларини кўрсатди.

— Нима деди ўзи? — деб қўймадим мен ҳам.

— Отасидан қолган деразани эслади! Олти йил бурунги гап-а!

— Қанақа деразани?

— Илгари шу ерда инженер бўлган эди, дедим-ку боя...

— Хўш?

— Хўжалигимизнинг каттакон гаражи бор. Шу гаражнинг деразасидаги бир кўз ойна синиб қолган экан. “Уста ака, шуни ойналаб қўйинг”, деди. “Хўп”, дедим. Дедим-у, савил, қунт қилмаган эканман. Бу орада ўзи шахарга ишга ўтиб кетди. Ҳозир шу деразани эсласа бўладими! Аризамни ўқиб чиқди-да, қайтариб олдимга ташлади. “Аввал деразани ойналанг, кейин гаплашамиз”,

деди. Ў-ў қиёмат, олти йилдан бери эсида турган экан-а!..

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Нима қилардим? — деди уста почта-пўстинининг тугмасини қадар экан. — Итнинг феъли эгасига маълум — ҳозир бориб ойна қўймасам, аризамни қўлига олмайди бу даюс!

У Ч И Н Ч И О Д А М

— Алло, гаражми?

— Ашшалоуму алайкум!

— Бу гаражми?

— Ашшалоуму алайкум!

— Мен сиздан гаражми деб сўраяпман!

— Мен шижга ашшалоуму алайкум деяппан!

— Сиз ким билан гаплашаётганингизни биласизми ўзи?!

— Менга байибий!

— Мен директорман!

— Менга деса обқўм бўмайшижми!

Аввал шалом бейишни ўйганинг.

— Э-э, аҳмоқ одам экансан-ку!

— Жоти паш! Туф-фу!..

— Алло, инженер, сизмисиз?

— Ассалоуму алайкум! Ўзимман, директор бува.

— Анави носкашни қайси аҳмоқ гаражга қоровул қилиб қўйган, ўзи?

— Ориф буваними?

— Муомаланинг кўчасига кирмаган бифаросат экан-ку! Биров билан гаплашаётганида, ҳеч бўлмаса, оғзидаги носини тупирай демайди.

— Нима бўлди?

— Нима бўларди, сизни сўраб телефон қилсам, салом бермадинг, деб менга ақл ўргатади. Калака қилади. Худо урган одам экан-ку.

— Қўйинг, хафа бўлманг. Сал ўжарлиги бор. Лекин ўзи яхши одам. Салом бермаганни ёмон кўради, холос. Ҳаммамиз гаражга кирганимизда ҳам, чиққанимизда ҳам саломни канда қилмаймиз у кишига. Балки сизни танимагандир.

— Ишдан ҳайданг. Шунда яхшилаб таниб олади.

— Бундай қилолмайман, директор бува. Олтита боласи бор. Ўн икки йилдан бери қоровул бўлиб ишлайди. Ишига гап йўқ.

— Шундай катта корхонанинг куни қаердаги носкашга қолган бўлса, сиз нима қилиб юрибсиз? Эртага аризаси столимда бўлсин!

— Бундай қилолмайман, катта бува. Жанжал чиқади.

— Ие, нимага жанжал чиқади? Тилингиз қисикми ё?..

— Нима десам экан... Аброр Нурмановичнинг амакиси бўлади.

— Қайси Аброр Нурмановичнинг? Вазирнингми?

— Ҳа.

— Ҳим. Пишқириши... дадил-дадил гапиришларидан сезгандай бўлувдим-а. Да-а... Кўчада ётган ходани боссанг, илон бўлиб чақади...

— Ассалоуму алайкум! Қоровул бува, сизмисиз?

— Ваалайкум ассалом! Ўзим, ўзим.

— Ҳорманг! Тинчликми, ишқилиб?

— Саломат бўлинг. Тинчлик.

— Директорнинг гапига қараганда, тинчликка ўхшамайди-ку.

— Дарров чақипти-да? Сизга гап теги-зибман-да, ука. Об-бо!

— Нима ҳам қилардик, раҳбаримиз-да. Боши — ёш. Ўрганиб кетар.

— Нима деди?

— Нима деганини қўяверинг. Сиз — ҳақсиз.

— Раҳмат, ука! Умрингиздан барака топинг!

— Айтганча, Аброр кимингиз бўларди?

— Қайси Аброр?

— Аброр Нурманович-чи, вазиримиз.

— Ҳеч кимим. Ундай одамни танимайман.

— Мабодо директор Аброр Нурманович кимингиз бўлади, деб сўраб қолса, “жияним” деб қўярсиз.

— А? Ҳа-а. Хўп. Тушундим.

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Нурбой АБДУЛҲАКИМ

**“Vijdon-la yuzma-yuz
iymon keladir...”**

Устоз Бегали Қосимов ҳаёт йўлига бир назар

Эссе

Туркистон жадидлари раҳнамоси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақидаги тадқиқоти-га устоз Бегали Қосимов “Карвонбоши” деб сарлавҳа қўйган эди. Бунда заррача ҳам муболаға бўлган эмас, Бехбудий чиндан ҳам Туркистон жадидчилиқ ҳаракати-нинг тан олинган раҳнамоси эди. Файзулла Хўжаевнинг Бехбудий ҳақида “Сиё-сий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг келадигани йўқ деб ўйлайман” деган эътиро-фи, Ҳожи Муиннинг “Маҳмудхўжа Бехбудий уйғониш даври ўзбек адабиётида би-ринчи ўринни олурга лойиқ зотдур” деган таърифи ҳам буни тасдиқлайди. Биз бу ҳақиқатни қайта исботлаш фикридан йироқмиз. Мақсадимиз жадидчиликнинг эмас, жадидшуносликнинг карвонбошиси хусусида сўз юритмоқдир...

Излай-излай топилган хазина

Миллатнинг асл ўғлонлари — жадид боболаримиз фаолиятини қандай бўлса шундайлигича ўрганиш тақиқланган за-монлар эди. Шўролар XX аср бошлари ўзбек адабиётидан тўрт ижодкорни — Ҳамза, Садриддин Айний, Завқий ва

Авазни (улар ижодини ҳам ўз сиёсатига мослаб) ажратиб берган, бошқа юзлаб шоиру адиблар фаолиятига қора чизиқ тортилган мураккаб ва зиддиятли бир давр эди. Шундай оғир бир шароитда жадид мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди-ни ўрганишга бел боғлаш жасорат эди десак, асло муболаға бўлмас. Табиийки,

бу мақсадни амалга ошириш учун одатдаги тўғри йўлдан бориш имконсиз, демак, "қаловини топиш" зарур эди. Бу ўта мураккаб ва оғир ишга киришган ёш, салоҳиятли олим Бегали Қосимов устоз Фулом Каримов маслаҳати, йўриқлари билан мақсадга олиб борувчи бир йўлни топа билди. "Инқилобий адабиёт", "инқилобий шеърят" атамалари воситасида ўша давр ўзбек адабиёти санокли ижодкорлардангина иборат эмаслигини манбалар, улардан олинган факт ва ҳужжатлар асосида исботлади. Бу даврда қизғин ижодий фаолият юритган саксондан ортиқ шоиру адиблар ҳақидаги асл ҳақиқатларни юзага чиқарди.

Бегали Қосимовнинг ўша кезлари наинки мутахассислар ва талабалар, ҳатто оддий адабиёт ихлосмандлари қўлма-қўл ўқиган "Излай-излай топганим" монографияси шу тариқа дунё юзини кўрди. Эсимда, биз ўқув йилининг қарийб икки-икки ярим ойини пахта далаларида ўтказганимиз — талабалик йиллари сариқ муқовали бу китобни талашиб ўқирдик. Китобдан олинган таассуротлар ҳақида соатлаб баҳслашар, фикр алмашар эдик. Олимнинг шу асосда ёқлаган докторлик диссертацияси адабиётшуносликка тоза бир ҳаво олиб кирди. XX аср бошлари ўзбек адабиёти ҳақидаги тасаввурларни янгилади, бойитди.

Эътироф этиш керак, профессор Бегали Қосимов мумтоз адабиётимиз бўйича ҳам етук мутахассис эди. Устоз олим Навоий "Хамса"сидан, улуғ шоир девонидан юзлаб байтларни ёд билар, муайян фикр исботи учун улардан ўринли иқтибослар келтирар, бу билан наинки ёш шогирдларини, ҳатто таниқли навоийшуносларни ҳам ҳайратга солар эди. Ўтган асрнинг 80-йиллари телевидениеда мумтоз адабиётимизнинг Лutfий, Атоий, Саккокий, Навоий, Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳий, Фурқат, Муқимий ва бош-

қа вакиллари ҳақида мунтазам бериб берилган "Унутилмас сатрлар" кўрсатуви олимнинг шухратини янада оширди. Кўрсатув устознинг мумтоз адибларимиз ҳаёти ва ижодий меросини нечоғлиқ тегран билишини, оз сўз билан кўп маъно ифодалай олиш маҳоратини намоён этди. Ўша йиллари талаба бўлган биз каби ёшлар ҳам номлари зикр этилган шоирлар шеърларидан намуналар ўқиб, мазкур кўрсатувда қатнашганмиз, устоздан унутилмас сабоқлар олганмиз.

Аёнки, Бегали Қосимов мумтоз адабиётимиз бўйича тадқиқотлар юритганида ҳам илмнинг юсак мартабасига кўтарилиши мумкин эди. Лекин у асосан жадидчилик, миллий уйғониш даврини танлади. Нима учун? Кўпчилик эътироф этади: Бегали Қосимов феъл-сажияси, тийнати, миллатпарварлиги, фидойилиги, ҳатто ташқи кўриниши билан ҳам жадидларга ўхшаб кетарди. Устоз билан бирга, бир кафедрада ишлаш жараёнида мен у кишининг руҳан ҳам жадидларга яқин эканини англадим. Ўзбекистон Қахрамони Озод Шарафиддинов Бегали Қосимов ҳақидаги эълон қилишга улгурмаган мақоласини "Сўнгги жадид қиссаси", шоир Эшқобил Шукур домлага бағишланган шеърини "Сўнгги жадид" деб атагани ҳам буни тасдиқлайди. Эсимда, олимнинг 50 йиллик юбилейида адабиётшунос Раҳмон Қўчқор Бегали Қосимовнинг асосий фаолиятини жадидчиликни ўрганишга бағишлагани бежиз эмаслиги, олимнинг сурати ҳам, сийрати ҳам жадид боболаримизга мутаносиб экани ҳақида сўзлаб, Наримон Наримоновнинг "Миллат Исмоилбек (Гаспралли назарда тутилган — **Н.А.**) каби қахрамонларини унутса, ўз ҳаётини барбод этажакдир" деган эътирофини эслаган ва бундай деган эди: "Миллат Бегали Қосимов каби олимларининг китобини ўқимай кўйса, ўз ҳаётини барбод этажакдир".

Эҳтимол, бу эътирофларда умрини илмга бағишлаган, илм заҳматидан ҳаловат излаган олимга бўлган инициал, шоғирдлик эҳтироми ҳам ифодалангандир. Лекин бу гапларда муболаға йўқ, асло. Бу каби эътирофлар Бегали Қосимовнинг бутун умрини жадидчиликни ўрганишга бағишлагани сабабини, олимнинг излай-излай топган хазинаси моҳиятини бир оз бўлса-да, англашга ёрдам беради...

Олимнинг бойлиги

Таъбир жоиз кўрилса, Бегали Қосимов ўзбекнинг энг катта бойларидан эди. Тўғри, унда ҳеч қачон ортиқча пул бўлган эмас. Яшайдиган уйи ҳам оддий — кўпқаватли "дом"нинг уч хонали "квартира"-си эди. Умрининг охириги йилларидаги на университет профессор-ўқитувчилари учун ажратилган ер участкасида мўъжаз бир ҳовли қуришга муяссар бўлди. Унинг катта бойлардан экани зинҳор дунё матоҳини кўп йиғиш билан боғлиқ эмас. Зеро, олимнинг бойлиги тамомила ўзга мезонларда ўлчанади. Бегали Қосимовнинг ҳеч нарсага алишиб бўлмайдиган сарвати — бой кутубхонаси эди.

Бу кутубхонада ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг нодир намуналари сақланади. Турли тиллардаги қомуслар, илмий-адабий ва бадиий нашрлар, қўлёзма, тошбосма китоблар жавонга қайси даврга оидлиги ҳамда қай тилда эканига қараб тартиб билан терилган. Улар орасида Машрабнинг қўлёзма девони, Фузулий девонининг тошбосма нашри, "Қисаси Рабғузий"нинг Қозон босмаси, 1912 йили чоп этилган "Қисас ул-анбиёи туркий", устознинг отаси Абдулқосим бобонинг яқин дўсти Панжи Омон ҳадя қилган "Тухфаи муъминин" деган нодир китоб, "Шарҳи мулло Жомий" қўлёзмаси борлигиёқ кутубхонанинг нечоғлиқ бой экани далилидир.

Олим собиқ Иттифоқнинг бир қанча

республикаларига, Германия, Франция, Туркия каби хорижий мамлакатларга илмий сафарлари чоғида ҳам кўплаб китоблар йиғди.

Шўроларнинг мустабид сиёсати ҳукмрон бўлган йиллари Парижда "Ёш Туркистон" номида журнал нашр этилгани, журнал саҳифаларида миллий истиқлол руҳидаги асарлар босилгани мутахассисларга сир эмас. Мустафо Чўқай муҳаррирлигида нашр этилган "Ёш Туркистон"да "Бизинг йўл, бизинг ғоямиз Туркистонда шакл эътиборила-да, маъно эътиборила-да миллий давлат тузишдир. Чунки ёлғиз бу суратдагина халқимиз ўз юртида ўз муқаддаротининг (тақдирининг — **Н.А.**) том ҳуқуқли эгаси бўла оладир. Биз юртимиздаги ва муҳожиротдаги ватандошларимиз ва дўстларимиздан озод ва мустақил Туркистон ғояси йўлиндаги бошлагон курашда қалам ва кенгашлари билан ёрдамларини умид этамиз" деган фикрлар дарж этилганиёқ бу журналнинг аҳамиятига далил бўла олади. Бегали Қосимовнинг шахсий кутубхонасида "Ёш Туркистон" журналининг 1931-38 йиллардаги нашрлари жамланмаси тўлиқ сақланди.

Бундан ташқари, машҳур "Таржимон" газетасининг 1906-14 йиллар бўйича йиғмаси, "Туркистон вилоятининг газети" 1870-17 йиллардаги (айрим йиллардаги си йўқ), "Ойна" журналининг 1913-14 йиллардаги сонлари нусхалари мавжудлиги олимнинг ўзбек миллий уйғониш даври адабиёти, матбуоти бўйича бой материал тўплаганидан далолат беради.

Бугина эмас. Исмоилбек Гаспираниннинг "Дор ур-роҳат мусулмонлари", "Хўжаи сибён", Беҳбудийнинг 1906 йили Самарқандда чоп этилган "Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия", Фитратнинг "Ўқу", "Бедил", "Форс шоири Умар Хайём", "Сарф", "Наҳв", Мунаввар қорининг "Адиби соний", Мўминжон Тошқиннинг "Турмуш

уринишлари" (1926 йилги нашри) каби дарсликлари ва нодир асарлари кутубхонанинг кўрки, дейиш мумкин. Шунингдек, кутубхонада Заки Валидийнинг энг қадимги даврдан XVI асргача қамраган "Умумтурк тарихига кириш", жадидчиликка оид муҳим қўлланма ҳисобланган "Бугунги Турк эли: Туркистон ва яқин тарихи" асарлари, унинг 1925 йили Ўзбекистонга йўллаган мактублари, Абдулла Тўқай асарлари ҳам сақланади.

Кутубхонада рус тилидаги олти жилдлик "Жаҳон адабиёти тарихи", "Жаҳон халқларининг мифлари", немис олимаси Ингеборг Балдауф, япон олими Хисао Коматсу ва бошқа хорижлик тадқиқотчиларнинг жадидчиликка оид асарлари, турли тиллардаги дунё адабиёти намуналари мавжудлиги олимнинг ўзбек миллий уйғониш адабиёти манбаларини жаҳон адабий тафаккури негизида тадқиқ этгани бежиз бўлмаганини кўрсатади.

Асл дўстлик сабоқлари

Тақдир уларни бир вақтда университет сари йўллади. У кезлари келажакда бири — машҳур адабиётшунос, фан арбоби, иккинчиси — ўзбек шеърятининг фахри, Қаҳрамон шоир бўлишини хаёлига келтирмаган ҳам бўлса керак.

"Кечагидай ёдимда, — деб эслайди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, — биз Бегали билан бирга олис Қашқадарёдан Тошкентга дорулфунунга ўқишга келдик. Кириш имтиҳонларини топшириб талаба бўлдик. Ҳеч эсимдан чиқмайди, Бегали билан иккаламиз ҳам жуссамиз кичик, нозик қадди-қоматли ўспиринлар эдик. Университетнинг ўша маҳалдаги ректори — улуғ олим, академик Обид Содиқов бизларга "Болаларим, тагин бир йил ўзларингни жисмоний чиниқтириб келсаларинг яхши бўларди, ҳали жудаям кичкина экансизлар", де-

ганлари ҳамон ёдимда. Биз эса, "Йўқ, домла, биз ўқигани келдик, ўқишга қурбимиз, қувватимиз етади", деб туриб олганмиз. Хуллас, ана шу тариқа Тошкентдай шаҳри азимда ижара уйларда туриб, иссиқ-совуқ кунларни биргаликда бошдан кечириб ўқидик, таълим олдик".

Икки дўст, икки ҳаммаслак шу йўсида илмий-ижодий ҳаётнинг заҳматини ҳам, ҳаловатини ҳам баҳам кўриб, бири улуғ шоир, иккинчиси салоҳиятли олим



Ҳали олдиндаир гўзал кунларим... 1968 йил

бўлиб етишди. Уларнинг илмда, ижодда эришган ютуқлари она юртимиздагина эмас, узоқ-узоқларда ҳам бирдай эътироф этилди. Абдулла ака олим дўстининг илмда эришган мартабасини бундай баҳолайди: "Бегали Қосимов наинки ўзи ўрганган давр адабиётини, балки умуман жаҳон адабиётини, фалсафий тафаккур тарихини кенг қамровли билган улуғ бир шахс эди. У мумтоз адабиёт дейсизми, замонавий адабиётми, шеърятми, адабий танқидми, ҳамма-ҳамма соҳага баб-баравар қизиқарди. Ана шу қизиқиш натижаси ўлароқ миллий адабиётимизнинг барча даври бўйича юксак савияли тадқиқотлар яратди. Мен раҳматли дўстимнинг меҳнаткашлигини ниҳоятда қадрлаганимдан унга доим қойил қолиб, дилимдаги сўзларимни изҳор этганман. Ҳар бир ёзган шеъримга Бегалининг фикрини, муносабатини билишдан умидвор бўлиб турар эдим".

Тақдирнинг инояти билан камина Бегали Қосимовнинг ҳам, Абдулла Ориповнинг ҳам назарига илиндим. Улардан бири шогирдим деб, иккинчиси иним деб қабул қилди. Шундай бахтиёр дамларда ногаҳоний айрилиқдан довдираб қолдим...

2004 йил 25 сентябрь. Саҳарги соат учлар эди, чамамда. Кечкурун нима сабабдандир ўчиб қолган телефонимиз бирданга ишлаб қолди — совуқ жаранглади. Уйғониб кетдим. Устоз Улуғбек Долимовнинг овози... Дафъатан нима бўлганини англаёлмай лол туриб қолдим... Кейин эса машинали танишларимдан бирига кўнғироқ қилиб, устоз Бегали Қосимов вафот этгани, Қорақамишга боришимиз кераклигини айтдим. У нозик бир жойга ошга боришини айтиб узр сўради. Ҳайронлар қолдим. Наҳотки, Бегали Қосимовдай олим вафот этсаю бемалол ош ейиш мумкин бўлса-я!.. Дўстим Тўлқин

Алимардоновга телефон қилдим, унинг машинасида йўлга тушдик. Шу қадар изтироб ичидаманки, дод солиб йиғлагим, бутун шаҳарни оёққа турғизгим келади. Наҳотки, шундай олимдан айрилиб ҳам бемалол ухлаш мумкин бўлса...

Устознинг жасадини васиятига кўра, яқин дўсти, машҳур шифокор Жуманазар Бекназаровнинг машинасида Қашқадарёга кузатдик. Зудлик билан адабиёт ва ижод аҳлига имкон даражасида хабар берган бўлдик. Ўзимиз ҳам тилшунос Зиёдулла Ҳамидовнинг машинасида йўлга тушдик. Йўл бўйи Бегали Қосимов, унинг илмдаги мартабаси, одамийлиги ҳақида сўзлашиб кетдик. Атрофга қарайман: дарахтлару ўт-ўлан аламнинг зўридан қовжираб қолгандай. Осмон мунгайиб пасайгандай. Қуёш нурлари ҳам бамисоли ажалнинг оловли найзаларига менгзайди...

Олимнинг ўзи таржимаи ҳолида ёзишича, у туғилиб ўсган қишлоқ — Денов воҳанинг ҳали даштга, сахрога жуда ҳам қўшилиб кетмаган бир жойида. Ундан сал ўтсангиз, Кўҳна Фазли деган манзил келади. Кўҳна Фазли, тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, IX-X асрларда гуллаган бир шаҳар бўлган. Баздавий тахаллуси билан ўнлаб олимлар, шоирлар яшаган. Шарқшунос Убайдулла Уватовнинг маълумот беришича, Қоҳирадаги машҳур кутубхоналарда баздавийларнинг жуда кўп асарлари ҳозиргача сақланади.

Юқорига қараб юрсангиз, яна қадим бир жой — Касбига борасиз. Мутахассисларнинг фикрича, Касби X асрларда Қаршидан ҳам катта ва гавжум, гуллаган шаҳар бўлган. Ўнлаб-юзлаб Касбавий тахаллусида шоирлар, олимлар асарлар ёзиб қолдиргани, улар мероси ҳануз тадқиқотларда тилга олиб келинаётгани ҳам Касбининг азалий шуҳратидан дарак беради.


Бегали Қосимовнинг катта олим бўлиб етишишида қадимдан илм-маърифат маскани ҳисобланган ана шу заминнинг ҳам таъсири бўлгандир... Олим улғайган ҳовлига тупроқ йўл орқали борилар экан. То домланинг уйига қадар бир неча чақирим йўлга селоб қилиб сув сепилган. Сув ерга сингиб, чанг кўтарилмас даражага келган. Бу қишлоқ аҳлининг ўзларидан етишиб чиққан олимга бўлган эҳтироми рамзи эди...

Жанозага тумонат одам йиғилди. Деярли бутун Тошкент кўчиб боргандай эди. Жаноза ўқилишидан аввал мархумнинг ибратли ҳаёт йўли эсланди. Айниқса, Абдулла Ориповнинг сўзлари юракларни сел қилиб юборди. Бу одатдаги айрилиқлардан эмаслиги аён эди.

"Кунларим тийрадур, оқшомлар пурғам,
Бир-бир кетаётир жўраларим ҳам..."

деган мисраларини тинглаганда ичимдан келган ўкирикни аранг босдим...

Шу тарзда устозни чин дунёга кузатдик. Назаримда, бу айрилиқ ҳаммадан ҳам кўра Абдулла акага кучлироқ таъсир қилди. Бу ҳақда ўйлар эканман, беихтиёр устоз Бегали Қосимов архивида кўрганим Абдулла Ориповнинг "Туш" шеърининг дастхат нусхаси ёдимга тушди. Шеър кўлёмасининг аввалида "Азиз дўстим Бегалига йўл азобидан чарчаган Абдулладан. 31. XII. 66 й." деган қайд битилган, кейин эса пуштиранг сиёҳда шеър матни кўчирилган эди. Мана, ўша шеър:



Билмадим, бу тақдирнинг тасодифими ёки бунда бир синоат борми, ҳар ҳолда, Абдулла аканинг дўсти Бегали Қосимов жанозасида ўқиган шеъри билан қарийб қирқ йил бурун ёзган шеърида бамисоли бир ҳодиса қаламга олингани бор гап.

Ёдимда, устоз Бегали Қосимовнинг уйига вафотларидан бир кун аввал бир неча ҳамкасблар билан бордик. Домла рози-ризалик тиладилар. Амалга ошмаган режалари, жумладан, Абдулла Орипов ҳақида ёзмоқчи бўлган китоблари ҳақида сўзладилар. Абдулла Ориповнинг ўзбек шеъриятида туган ўрнига устознинг берган баҳоси, назаримда, шоирнинг 60 йиллиги арафасида ёзган қуйидаги битикларида бирмунча тўлиқ ифодаланган:

"21 мартда замонамизнинг машҳур адиби Абдулла Орипов 60 ёшга тўлди. Бу сана улуг Навоий таваллудининг 560 йиллигига тўғри келишида ўзига хос рамзий маъно бор. Агар Абдулла Орипов шунчаки бир истеъдод бўлганида, "560",

"60" рақамларига ёхуд Наврўз кунида туғилганига кўпчилик эътибор бермаган бўларди. Ёхуд тасодифга йўйиб қўяқоларди. Ҳозирда эса у, шубҳасиз, муайян маъно ташиydi. Шоир юбилейининг шеърият байрамига айланиб кетгани бунга далил.

Ўзбек адабиётининг сўнги ўттиз-қирқ йили, муболағасиз айтиш мумкинки, Абдулла Орипов шеърияти таъсирида кечди. У, устозларимиз таъкидлаганларидек, шеъриятга ёниб кирди. Илк шеърлари биланоқ адабиётимизнинг мазмун ва йўналишида бурилиш ясади. Шўро мафқурасининг карнайига айланиб қолган "яшасин"чилик шеъриятига янги руҳ олиб кирди...

Тўғри, ўзбек шеърияти бугун бир оз ўзгача йўналишларга ҳам рағбат кўрсатмоқда. Лекин аминман: назм дарёси асл ўзанига — шеъриятда Абдулла Орипов яратган мактаб аъёналарига қайтажақдир".

Ўз навбатида, дўсти Абдулла Орипов эътирофича эса, "Бегали Миллий уни-



Дийдорга не етсин... Гулистон шаҳри, 1993 йил

верситетимизда қирқ йилга қадар дарс берди, юзлаб шогирдлар етиштириб чиқарди. Кафедра муdiri сифатида "Миллий уйғониш даври адабиёти" деб аталган алоҳида йўналишга асос солди. Бу борада халқаро кўламда эътироф этилган илмий мактаб яратди".


Устоз Бегали Қосимовнинг таъби назми ҳам бор эди. Ҳеч қачон шоирликни даъво қилмаган, бирор марта ҳам шеърларини матбуотда чоп эттирмаган бўлсада, шеърини иқтидори унча-мунча шоирдан кам эмас эди. Эҳтимол, бу Абдулла Ориповдай шоир билан умрлик дўстлиги таъсиридир. Балки, бу хусусият унга отадан ўтгандир. Бинобарин, олимнинг ўзи отасини эслаб, бундай ёзган эди: "Шеърини, сўзни, сўз маъносини чақишни яхши кўрардилар. Шеър машқ қилардилар". Ҳар ҳолда, устознинг шеърлари теран маъноси, бетакрор бадиияти билан ажралиб туради. Мана, умр охирларида ёзган шеърларининг айрим бандлари:

*Биламан, ҳар кимга бу он келади,
Сўнги сўз айтурга имкон келади,
Виждон-ла юзма-юз иймон келади,
Қувончлар чекиниб, армон келади,
Комида яширин аламни нидо,
Ул видо онидир, видо, алвидо!*

*Зангор хаёлларга тўлганда дунё,
Нозли келинчақдай тўнганда дунё,
Жаннатдан бир тимсол бўлганда дунё,
Ўз-ўзига мафтун қолганда дунё,
Оҳиста қалбимга кирди бир нидо,
Ул видо онидир, видо, алвидо!*

*Боғимда қулади азамат чинор,
Чинорки, мен учун ҳам номус, ҳам ор.
Фарзандлар толбаргдай, кўзёш шашқатор,
Бундан аламлироқ қандайин дард бор,
Бехосдан тилимга кўчди бир нидо,
Ул нидо — видодир, видо, алвидо!*

Абдулла Орипов ва Бегали Қосимов дўстлиги ҳақида сўз юритаётган эдик. Ҳар қандай ҳолда, бу икки буюк инсоннинг дўстлигида биз — кейинги авлод учун ибратлар бор, сабоқлар бор.



Толеимдан розиман...
(Бегали Қосимов эллик ёшида тушган сурат)

Ҳалол яшаш осон эмас

Балки кимдир бу фикрга эътироз билдирар. Лекин бу бор гап. Чунки ҳалол яшаётган одам фирромликни, эгриликни кўрса изтироб чекади. Унга имкон қадар чора излайди. Имконсиз қолса, қийналади. Бу ҳам етмагандай, эгрилар наздида ёмон кўринади. Бегали Қосимовнинг ҳаёти, азбаройи ҳалоллиги боис, ана шундай изтиробу қийналишлардан ҳам холи бўлмаган. Устознинг ўзи мана бундай бир воқеани эслаган эди:

"Адолатсизлик билан юзма-юз келганингизда гоҳо кўлингиз калталиқ қилиб, мулзам қоласиз. Гоҳо сиз гувоҳ бўлган ҳақсизлиги кимгадир нисбатан йўл қўйилган ноҳақлик ёхуд бу борадаги ўзингизнинг айбингиз тун билан ўртаб чиқади. Баъзан бировни ранжитиб қўйганингиздан,

каттикроқ гапирганингиздан, баъзан эса каттикроқ гапирмаганингиздан хуноб бўлиб юрасиз. Эҳтимол, ҳаёт дегани шудир. Аслида, ўзи шундай бўлиши керакдир. Кечаси, дунё ташвишларидан узилиб, ўтган кунни сарҳисоб қилмасангиз, нимадир қийнамаса, нимадир қаноат ҳосил қилмаса, қандай одам бўлдингиз!

Янги иш бошлаган ўқитувчиман. Қабулга қўйдилар. Иншо олдик. Натijasи эълон қилинган куни бир бола йиғлаб ёнимга келди. Фалончи акам гаплашган экан, бўлмабди-ку, деб қолди. Ҳарчанд уринсам ҳам, "фалончи ака"ни эслай олмадим. Кеча имтиҳонга кираётганингизда "хўп" дегансиз, деганидан кейин ёдимга тушди. Университет биносига киришда қаншарига қора кўзойнакни кўндирган, бўйчан, силлиқсоч, ёши ўттиз бешқирқлардаги бир киши яқин танишимдек узоқдан таъзим билан сўрашган эди. Шундай салобатли одамнинг мулозамаатидан нуқулай аҳволга тушиб, бош силкиб ўтган эдим. Мана, ўзинг кўрдинг-ку, хўп деди, албатта тўғрилайди, деган бўлса керак-да. Шундан сўнг танишлардан юз буриб ўтадиган бўлдим ва табиийки, буниг учун ҳам жуда кўп панд едим. Машхур монолог бор-ку: одамларга ишондим — лақма дедилар, одамларга ишонмадим — такаббур дедилар...

Табиатимда бир оз қайсарлик бор. Бундан афсусланган вақтларим ҳам бўлган. Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Мендан кичик укам Шомуроднинг армияда бирга хизмат қилган кадрдон ўртоғи бўларди. Унинг ҳам фамилияси Қосимов. Оиламизга жуда яқин бўлиб кетган. Қабул пайти. Консультациядан чиқиб келаётсам, аудиторияда ўша йигит ҳам бор экан. Изимдан эргашди. Салом-алик қилгач, отангиз бир хат бериб юборган эдилар, деб қолди. Йўқ, имтиҳонда унақа гап кетмайди деб, хатни олмай, болага дашном бердим. Эҳтимол, у дуойи салом бўлгандир. Нега ҳар нарсадан, ҳатто отамдан ҳам ҳадиксирашим керак? Олсам, ўқиб кўрсам бўлмасмиди? Бу армон

ҳануз юрагимни тиглаб келади. Шу йигит оиламиздан буткул узилиб кетди. Отам раҳматли умрларининг охиригача бу воқеани тилга олмадилар. Мен ҳам эслатишга журъат қилмадим..."

Бегали ака юксак маданият соҳиби эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳақиқатга содиқ, қатъиятли инсон эди. Ноҳалол ишлардан қаттиқ парҳез қиларди. Табиийки, бу хусусият оғирнинг устидан, энгилнинг остидан ўтадиган кимсаларга маъқул келган эмас. Домланинг шундай кимсалар қилмиши боис изтироб чеккан ҳоллари кўп бўлган. Абдулла Орипов Бегали Қосимовга бағишланган бир шеърда бундай мисраларни ёзгани бежиз эмас:

*Жўнгина кўринган бу дунё маккор:
Ҳар ёнда даҳшатнинг кўланкаси бор.
Билмай бирортасин босиб олсанг гар,
У сапчиб, даҳшатга дарҳол айланар.
Қанчалик мард бўлма, лекин барибир,
Кўланкалар билан олишмоқ оғир.*

Кунлардан бир куни устоз Бегали Қосимов кафедрага хуноб бўлиб кириб келди. Сабабини сўрашга истиҳола қилиб турган эдим, домланинг ўзи сўз бошлаб қолди: "Бу қандай гап? Давлат бюджети-га пул тушириши керак бўлган одам фақат ўз чўнтагини ўйласа-я?! Бугун солиқ инспекциясига бордим. Идора ходими каттагина сумма тўлашим кераклигини айтиб, хоҳласангиз, келишамиз — камроқ тўлайсиз, деб қолди. Жуда жаҳлим чиқди. Қандай қилиб шундай хиёнатга бориш мумкин?"

Тан олиш керак, ана шундай ҳолларда ўзлигини сақлай олиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бир куни университетнинг бошқа факультетида ишлайдиган бир домла Бегали аканинг ҳалол инсон бўлганини эслаб, бундай деган эди: "Фан номзодлигига ва доцентликка даъвогарлардан махсус имтиҳон олиш комиссиясида Бегали Қосимов билан бирга ишладик. Кунлардан бир куни домланинг бир нотаниш йигитга кескин дашном бе-

раётганини эшитдим. Кейин билсам, ўша йигит Бегали ака билан юртдошлигини писанда қилиб, имтиҳонда ёрдам беришини сўраган экан. "Наҳотки, бир вилоятда туғилиб ўсиш билимни баҳолашда мезон бўлса? Бу қандай гап?!" деганлари ҳануз ёдимдан чиқмайди. Бундай одамлар камдан-кам бўлади".

Дарҳақиқат, устоз Бегали Қосимов ана шундай одамлар сирасидан эди. Тийнати пок, фитрати ғирромликка бегона эди. Шунинг учун ҳам, осон бўлмаса-да, кимларгадир ёқиш-ёқмаслигидан қатъи назар, домла ҳалол яшаб ўтди.

* * *


Филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовнинг фандаги хизматлари Президентимиз ва мамлакатимиз ҳукумати томонидан юксак даражада эътироф этилди. Олимга Ўзбекис-

тон Республикаси фан арбоби фахрий унвони берилди. Маҳмудхўжа Беҳбудийни жадидчилик ҳаракатининг қарвонбошиси атаган профессор Бегали Қосимовни бугун, ҳақли равишда, жадидшунослигимиз қарвонбошиси эди, дея оламиз. Зеро, худди жадидлар каби, у ҳам бутун фаолиятини, жону танини баркамол авлод тарбияси, Ватан ва миллат саодати йўлига бағишлади. Бир олим сифатида бу муқаддас ишга муносиб ҳисса қўша олди.

Бу йил, Ватанимиз мустақиллигининг ўн беш йиллигини қаршилаётган саодатли кунлар арафасида — Хотира ва қадрлаш айёмида олимнинг Денов қишлоғи қабристонидаги хоки устига мўъжаз лавҳа ўрнатилди. Лавҳада бундай сўзлар битилган: "Унинг азиз вужуди Ватан тупроғига, муқаддас руҳи эса миллат қалбига кўчди". Устоз олимнинг энг катта орзуси ҳам шу эди. Чинакам саодат шу эмасми?



Келажагимиз шоғирларга боғлиқ... 2002 йил



"Oltun-kumush etma kasb..."

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Она тилим" мақоласини ўқиганимда руҳланиб кетдим. Кечроқ бўлса-да, мақолада тилга олинган муаммоларга муносабат билдирмоққа ўзимни бурчли сездим. Зотан, мақолада кўтарилган муаммолар ҳали-ҳамон долзарб, таъбир жоиз бўлса, улар битмаган жароҳатдек яллиғланиб турибди.

Ўзбек тили ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда ҳазрат Навоийни тилга олмоқ даркор.

Маълумки, тилимизга тарихда икки марта давлат тили мақоми берилган. Биринчи дафъа Алишер Навоий таклифи билан Ҳусайн Бойқаро, сўнгра Ислоҳ Каримов қилди бу хайрли ишни. Демак, сўзни Навоийдан бошламоқ ўринлидир.

Эркин Воҳидов мақоласида таъкидланганидек, Алишер Навоий энг кўп сўз ишлатган, ижодий луғати бой шоирлар-

дан. Ушбу фикрни қувватлаган ҳолда, сира иккиланмасдан Навоий сўз бойлиги жиҳатидан жаҳон адиблари орасида биринчи ўринда туради, дейилса, муболаға бўлмас.

Зеро, Навоий уч тилни — ўзбекча, форсча, арабчани мукамал билган ва асарларида ҳар учала тил бойлигидан кенг фойдаланган. Улуғ шоирнинг куйидаги мисралари ҳам буни тасдиқлайди:

*Эй Навоий, ҳеч билмонким унағайму
кўнгил,
Анга мунча ажнабий сўзларни иршод
айладим.*

Жаҳонга машҳур шоирларнинг деярли барчаси фақат она тилида ижод қилган. Қанчалик сўзга бой бўлмасин, бир тилнинг имконияти, табиийки, уч тилга етолмайди. Бинобарин, сўз бойлиги жиҳатидан Навоийнинг олдига тушадиган шоир йўқ.

Талабалик йилларимда (дорилфунуннинг шарқшунослик факультетида тахсил олганман) нега энди фақат форс-тожик шоирларининг ижодини ўрганишим керак экан, деб кўнглимда норозилик пайдо бўлди. (Гарчи мазкур шоирларнинг шеърлари менга бир олам завқ бағишласа-да!) Қалбимда миллатпарварлик ҳисси жўш уриб, Навоий асарлари мутолаасига зўр бердим. Тушуниб-тушунмай уч-тўрт асарини ўқиб чиқдим. Бу мутолаадан ҳам завқландим, ҳам бирмунча азиат чекдим. Сабаби, тишим ўтмайди-ган жуда кўп сўзларга дуч келдим. Қоғозкалам олиб шундай сўзлар луғатини тузишга қарор қилдим. Чувварани хом санабман, луғат тузиш чуқур билим, ма-лака, тажриба ва кўп вақт талаб қилади-ган машаққатли юмуш экан. Шу боис бошқача йўл тутдим. Алоҳида дафтарга Навоий асарларида учрайдиган баъзи сўзларнинг маънодошларини кўчира бошладим; мақсад — сўз бойлигимни орттириш эди. Иккитагина мисол.

1. "Афт" сўзининг маънодошлари: бет, юз, башара, рўй, чеҳра, турк, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор, хад, ирк, лиқо, менгиз, талъат, ёноқ. Баъзи ҳолларда "андом" ва "висол" сўзлари ҳам шу маънода қўлланган.

2. "Ўжар" сўзининг маънодошлари: қайсар, қийиқ, тихир, сур, баттол, акс, саркаш, тавсан, ҳарун, кажбахс, терс, без.


Хуллас, Навоий асарларида ҳар бир сўзнинг ўнлаб маънодоши бор. Оллох, қуёш, ой каби сўзларнинг эса йигирмага яқин синоними мавжуд.

"Она тилим" мақоласи муаллифи Навоий тилини ўрганиб қайта жон бахш этмасак, Навоийнинг ўзи бизники-ю, шеъри бизники бўлмай қолиши ҳақида ёзар экан, минг маротаба ҳақ! Бу хавотир ҳаммамизни ташвишга солмоғи зарур.

Биз барчамиз Навоий асарларини ўзимизча — биров кўпроқ, биров камроқ, биров юзакироқ, биров чуқурроқ тушунамиз, идрок этамиз.

Ҳазратнинг асарларини камина беш-

олти йилда бир қайта ўқийман, бироқ Навоий ижодини мукамал билан, дейишга журъат этолмайман. Чунки барчага аёнки, Навоий ижоди тубсиз уммон, ўқиганингиз сари янги-



янги жавоҳирлар топаверасиз. Ҳар гал шоир асарларини ўқир эканмиз, юрак кирлари ювилиб, покланамиз, сахийроқ, шафқатлироқ инсонга айланамиз.

Энг аянчлиси, вақт ўтган сари Навоийдан узоқлашяпмиз. Бунинг олдини олиш, чорасини кўриш вақти етди. Шу муносабат билан бир таклифим бор.

Кўпчилик болалар Навоийни танийди, ҳайкалини кўрган, улуғ шоир номида вилоят, кўча, метро бекати, театр борлигини билади. Бироқ аксарияти буюк мутафаккирнинг бирорта ҳам асарини ўқимаган. Ҳатто асарларининг номини ҳам билмайди.

Навоийни биринчи синфдан бошлаб то ўнинчи синфгача — ўн йил давомида ўқитиш керак. Бошланғич синфда болалар Навоийнинг энг содда ҳикматларидан уч-тўрттасини ёд олсин. Имкон қадар қийин сўзлар маъносини ўргансин. Иккинчи синфда бундай сўзлар сонини икки ҳиссага кўпайтирсин. Шу тариқа йилдан-йилга сўз бойлиги ортиб, ўнинчи синфга етганда Навоий асарларини бемалол тушунадиган бўлиб қолади.

Навоий асарларини ўқитишни нисбатан осонроғидан бошлаган маъқул. Мисол учун "Арбаъийн"дан. Бу асар — икки юз сатрдан сал зиёдроқ — ихчам, тушунилиши бирмунча енгил.

Маълумки, Абдурахмон Жомий қирқта энг саҳиҳ ҳадисни форс тилида назмий талқин қилган. Навоийга бу асар маъқул бўлади ва Жомийдан ижозат сўраб, туркийда ҳам "Арбаъийн" битади.

Унда катталарга ҳам, ёшларга ҳам нафи тегадиган кўп ибратли ҳадислар, ўғитлар бор:

*Кимки ҳар кимга ваъдае қилди,
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.
Ваъдаким қилдинг, ўйладурким дайн
Фарздур дайнни адо қилмоқ.*

Бу тўртликда биттагина қийин сўз бор — “дайн” (бурч, қарз). Демак, шу сўзнинг таржимаси илова қилинса, болалар ҳадис маъносини бемалол тушуниши мумкин.

Ўқувчилар беш йил давомида муайян сўз бойлигига эга бўлганидан кейин уларга олтинчи синфдан бошлаб ҳар йили битта дostonдан “Хамса”ни ўқита бошлаш даркор.

Ва ниҳоят, ўнинчи синфда Навоийнинг тили энг мураккаб асари — “Сирож ул-муслимийн”ни ўқитиш мумкин. Ушбу асар ҳазрат Навоийнинг шарият илмини чуқур биладиган фикҳ олими ҳам эканини исботлайди. Асарда Оллоҳнинг саккиз сифатидан то эътиқод амаллари, намоз, рўза, ҳаж каби исломий амалларнинг моҳияти ва аҳамияти ўзига хос назмий талқин этилган. “Сирож ул-муслимийн”ни ўрганиш шу жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

“Проба”нинг ўзбекчаси борми?

Эркин Воҳидовнинг “проба” сўзининг ўзбекчасини тополмай анча қийналдик, деган фикрдан андак ажабландим. Бизда бундай сўз бор, фақат ҳозир муомаладан чиқиб, унутилган. Ўзбек, араб, форс, турк тилида “проба” — “иёр” дейилади, баъзи ҳолларда, хусусан, турклар “аёр” деб ҳам талаффуз қилади.

Яна нажоткоримиз Навоийдан мадад сўраймиз ва фикримиз далили учун “Маҳбуб ул-қулуб”дан қуйидаги байтни кўчираемиз:

*Вужуди олтуни ул қалбу ғашдин
айрилибон,
Не жавҳарий ани кўрса топар
тамом иёр.*

“Иёр”ни Жалолоддин Румий, Фирдавсий, Камол Хўжандий каби форс-тожик шоирларининг асарларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Румий бундай ёзади:

*Зарри қалбу зарри неку дар иёр,
Бе маҳак ҳаргиз надони з-эйтибор.*

Яъни, қалбнинг поклиги, яхшиликнинг самимийлиги иёрда намоён бўлади. Синаб кўрмагунча уларнинг эйтиборга лойиқми-йўқми эканини ҳаргиз билолмайсан.

Қадимда олтину нуқрани маҳакга — қора тошга ишқалаб софлиги аниқланган. Бу касб эгалари иёрандуз деб аталган. Кези келганда таъкидлаш жоизки, қимматли тошларнинг вазн ўлчови, доналари миқдори “байза” дейилган:

*Хирож ул нимаики муқаррар эмиш,
Ҳамонаки минг байзаи зар эмиш.*

“Садди Искандарий”дан олинган ушбу байтда “байзаи зар” — олтин доналари маъносида қўлланган. “Байза” сўзининг яна “тухум” маъноси ҳам бор.

Тиллар бир-бирини бойитади

Эркин Воҳидов ёзганидек, ўзбек тилида араб, форс-тожик сўзлари анчагина. Тўғри, улар фонетик ва семантик ўзгаришларга учраб, ўзимизнинг имлога мослашиб қабул қилинган. Чунончи, ғирбол — ғалвир, вазнин — вазмин, бечиз — бежиз, яклаҳт — яхлит, остар — астар, санбуса — сомса, танўр — тандир, ғаюр — ғайир каби. Ўзимизники қилиб олганимиз бундай сўзларни юзлаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, биз араб ва форс сўзлари асосида мутлақо янги сўзлар ҳам яратганмиз. Мисол учун “астойдил” сўзини олайлик, кўҳна манбаларда бу сўз баъзан “азтахидил” тарзида ҳам учрайди. Асли эса — “аз тахти дил”. Тахт сўзи “таги, ости, туби” деган маъноларни англатади. Демак, “астойдил” — дил тубидан дегани.

Ўз навбатида, ўзбекча сўзлар ҳисобига бошқа тиллар ҳам бойиган, чунончи, тожик тилида ишлатиладиган ўзбекча сўзларни санаб ўтайлик: йигит, йўрға, пахта, ётоқ, йўрма, елим, галла, қази, атлас, ямоқ, чит, тўн, нон, қилич, ем, ювош, қилиқ, янга, қаймоқ, яра, қароқчи, ялла каби.

Рус тилида ҳам ўзбек тилидан ўзлашган сўзлар бисёр. Аниқроқ бўлсин учун уларни русча талаффузда келтирамиз: курган, арик, очаг, бай, басмач, аул, чабан, чигир, ясаул, чайхана, канаф, каракул, камиш, кураш, базар, кунак, чалма, хна, кишлак ва ҳоказо.

Кейинги йилларда ўзбек тилига бир қатор янги хорижий сўзлар кириб келди: супермаркет, факс, шоу, интернет, компьютер, дискотека, хобби, инфраструктура, конвертация, имиж кабилар шулар жумласидандир. Янги сўз ва атамаларни тилимизга жорий этар эканмиз, меъёрни сақлаш керак.

Афсуски, эҳтиросга берилиб, бир талай юнон ва лотин сўзларидан русча деб воз кечишга мойиллик кўрсатган пайтларимиз ҳам бўлди. Аэропортни тайёрагоҳга, институтни олийгоҳга, стадионни ўйингоҳга айлантирдик. Сал қолди "футбол"ни — "тўптепар"га, "бокс"ни — "муштлашиш"га, "балет"ни — "беҳаё рақс"га алмаштиришимизга. Хайриятки, вақтида эс-ҳушимизни йиғиб олдик. "Тайёрагоҳ", "олийгоҳлар" тилимизга сингдади. Эркин Воҳидов мақоласида илм-фан маскани "олийгоҳ" деб аталиши мантиққа тўғри келмаслиги етарлича асосланган. Араблар университетни дорулфунун, форслар донишқада дейди, буни тушуниш мумкин. Ҳар иккала ном ҳам илм-фан билан боғлиқ. Бироқ олийгоҳнинг билимга қандай алоқаси бор? Олий Мажлис, олийҳиммат, олий зот, олиймақом, олий ҳазрат дейиш мумкин, аммо олийгоҳ фақат "олий жой" маъносини билдиради, билимга дахли йўқ. Бас, шундай экан, аксарият давлатларда қўлланадиган лотинча университет, институт, факультет сўзларидан нечун воз кечишимиз керак? Коллеж, ли-

цей, сенат, гимназия, бакалавр, магистратура каби хорижий сўзларни оғринмасдан қабул қилдик-ку, ахир!

Хуллас, тилимизда муқобил атама топиш шарт бўлмаган сўзлар жуда кўп, тегмайлик уларга.

Айрим чалкашликлар

Баъзиларимиз хорижий сўзларнинг маъносини аниқ билмай туриб қўллаймиз. Бир-бирига ўхшаш "конъектура" ва "конъюнктура" сўзлари бунинг ёрқин далилидир. Биринчиси ўқилиши қийин бўлган ёки ёзуви ўчиб кетган матнларни таҳмин ва мушоҳада асосида ўқий билишни, иккинчиси қандайдир ишни битказишга таъсир кўрсатадиган воқеа ёки муҳитни англатади. Жўнроқ айтсак, замонасоз асарлар яратиш ёки муайян муҳитга мослашиш. Баъзи журналистлар бу икки сўзнинг фарқи бормай, биринчи сўзни иккинчисининг маъносида ишлатаётир.

"Уфор" сўзини ҳам "ифор"га айлантirik улгурдик. На ўзбек, на араб, форс ёки турк тилида "ифор" деган сўз йўқ, ҳаммасида "уфор" бор (мушк, куй номи). Биз эса, "ифор"ни "кашф" этипмиз.

Лотин алифбосига ўтгач, ёзувда баъзи чалкашликлар пайдо бўлди. "Ц" товуши ўзбек тилида йўқ, шу боис уни лотин алифбосида гоҳо "ts" "ss" билан ифодалаймиз. Натижада "милиция"ни "милитсия", "сценарий"ни "стенарий" деб ёзаямиз.

"Цирк"ни "сирк"га айлантirikди ва бу осонгина оммалашди. "Милиция"ни ҳам "милиса" деяверайлик. Бирорта ўзбек "милиционер" демайди, ҳаммамиз "милиса" деймиз — силлиқ ва равон.

Жаҳонга машҳур шоирларнинг деярли барчаси фақат она тилида ижод қилган. Қанчалик сўзга бой бўлмасин, бир тилнинг имконияти, табиийки, уч тилга етолмайди. Бинобарин, сўз бойлиги жиҳатидан Навоийнинг олдига тушадиган шоир йўқ.

“Ярмарка” сўзи ҳам тилимизга сингишмайди. Ўзимизда “ёйма” деган чиройли сўз бор ва у ҳозир ҳам водийда кенг қўлланади-ку! Ёки “справка”ни олайлик. Яқин-яқингача “васиқа” дердик, нега бу сўздан воз кечдик, қайтарайлик тилимизга.

Баҳс — ҳақиқат дояси

Улуғ донишмандлар ниҳоятда камтарин бўлган, ўзларини зинҳор доно ҳисобламаган. Зеро, ўзни доно деб билиш жаҳолат белгиси саналган.

*Соқийё, май берки, бу дайри кўҳан
авзойида
Бўлди ўз нодонлигимни англамак
донолигим.*

Энг муҳими, алломалар ўзгалар фикрини эшитишни билган. Баҳсдан завқ олган. Бас шундай экан, биз ҳам мунозарага андак ўрин берайлик. Токи бу одам Эркин Воҳидовни мақташ учунгина мақола ёзибди, деган иштибоҳга ўрин қолмасин.

Мақола муаллифи “бойи таламон” — “байталмон”га айланган, деб ёзади. Мен “таламон” сўзини бирорта на эски, на янги луғатдан қидириб тополмадим. Шоир бу сўзни “таланган бойлик” маъносида ишлатган, англашимча. Манбаларда қайд этилишича эса, “байталмон”нинг асли “байтулмол” (молли уй). Икки маъноси бор бу сўзнинг: 1) давлат ёки шоҳ хазинаси; 2) эгасиз қолган мол-мулк, уй-жой. Халқ кўпроқ шу иккинчи маънода қўллайди. Унинг маънодошлари — “ордона”, “савил”. Эркақдан айрилган эгасиз уй-жой, қаровсиз қолган мол-дунёни “байталмон” деймиз.

Яна бир мулоҳаза. Мақолада “лутф” сўзининг маъноси русча “любезность”, “снисходительность”га тўғри келади, дейилган. “Любезность” борасида муаллиф билан ҳамфикрман. Бу сўз чиндан ҳам илтифот кўрсатишни, меҳрибонлик, марҳаматни, айна пайтда назокат, хушмуомалаликни ҳам англатади.

Бироқ “снисходительность” лутфдан сал узоқроқ ва бир қанча нозикликлари бор. Чунончи: ён босиш, юқоридан пастга боқиш, каттанинг кичикка, бошлиқнинг ўз хизматчисига кўрсатадиган эътиборини, айна пайтда такаббурликни, сабр-тоқатни ҳам англатади бу сўз.

Мен лутфнинг маъноси русча “снисходительность”га тўғри келади, деган гап мутлақо хато демоқчи эмасман. Фақат “лутф”га кўра “снисходительность”нинг маъноси кенгроқ. Ниятимиз холис, шеърлари бизга бисёр завқ бағишлаган шоиримизнинг мақоласида жичча ҳам кемтик бўлмасин деймиз.

Тил ва дил

Дили тозанинг тили ширин бўлади. Дилни эса нафис санъат, бадиий адабиёт тозалайди. Демак, тилимиз муаммолари бевосита ва билвосита адабиёт билан боғлиқ.

Хукуматга раҳмат, кейинги йилларда дарсликлар чоп этишга катта аҳамият берилляпти. Гарчи дарсликларнинг савияси ҳали кўнгилдагидек бўлмаса-да, кўриниши зўр, қоғози олийнав, муқова, расм ва безаклари чиройли. Бироқ дарслик — билим манбаи. Одоб, маданият, маънавиятни болалар бадиий адабиётдан ўрганади. Бадиий асарлар (айниқса, болаларбопини) босиб чиқариш эса аянчли аҳволда.

Эркин Воҳидов жон ачитиб Навоий ижодини ўрганиш ҳақида бонг уряпти. Минг афсуски, нафақат Навоий асарлари мутолааси, балки умуман китоб ўқиш унут бўлиб кетяпти.

Саноатимиз ва иқтисодиётимиз қанчалик гуркираб ривожланмасин, маънавиятимиз мажруҳ бўлса, ҳеч қачон рўшнолик кўрмаймиз, тараққий этган давлатлар сафига қўшилмаймиз. Не ажабки, бу гапни бундан бир неча аср илгари буюк бобомиз айтиб ўтган:

*Олтун-кумуш этма касб давлат
кунидин
Ким, тортар адаб улусни меҳнат
тунидин.*

Гар йўқтур адаб, не суд олтун
унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур
олтунидин.

Ҳазрат Навоий саховат ва олижаноблик манбаи яхши хулқ деб билган. Риёкорлик, мунофиқлик эса ахлоқсиз кимсаларга хос иллатдир. Айна пайтда, кимки бадхулқ бўлса, бундай одамнинг иши, фаолияти ҳам бесамар, нуқсонли бўлади, саъй-ҳаракатлари беҳуда кетади, дейди улуғ мутафаккир.

Ҳар кимки адабсиздур, ишин
абтар бил,
Алқисса, эранларга адаб
зевар бил.

Ҳазрат Навоий яхши хулқ ва одобни ҳамма нарсадан юқори қўйган экан, биз ҳам шунга амал қилишимиз зарур. Болаларимиз жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун кўплаб спорт иншоотлари қурилаётгани айна муддао. Бироқ болаларимиз фақат спорт билан шуғулланса-ю, қўлига китоб ушламаса, келажакда улардан қандай инсон етишиб чиқади? Шундай экан, тўртта спорт иншооти қуриш баробарида иккита китоб ҳам чоп этайлик. Йўқса, ёрқин келажак ҳақидаги орзуларимиз ушалиши маҳол.

Сўнгсўз ўрнида

Навоий билан бошладик сўзни, Навоий билан якунлайлик.

Эй кўнгил, ул ғамза олдинда ҳазин
ноланг не суд,
Қуш қутулмас дардли афғон чекиб
сайёддин.

Мустақилликка эришибмизки, ҳукуматимизнинг ҳаётимиз турли жабҳаларини ислоҳ этишга оид муҳим қарорлари чиқяпти, матбуотда олим ва адибларини

Саноатимиз ва иқтисодийетимиз қанчалик гуркираб ривожланмасин, маънавиятимиз мажруҳ бўлса, ҳеч қачон рўшнолик кўрмаймиз, тараққий этган давлатлар сафига қўшилолмаймиз.

мизнинг долзарб муаммоларга бағишланган мақолалари чоп этиляпти. Аммо, минг афсуски, қарорларнинг баъзилари, мақолаларнинг кўпчилиги оғизда, қоғозда қолиб кетяпти. Демак, ижро керак, амал керак. Амалда эса баъзан тескариси бўляпти.

Президентимиз журналистларни ҳамisha журъатли бўлишга, камчиликларни фош қилишга даъват этади. Сабаби, камчиликларни билиш, бартараф этиш келажакдаги ютуқлар кафолати.

Халқимизда айбингни бекитган дўстдан, юзинга айтган душман афзал, деган гап бор. Фақат ожизлар, кўрқоқлар камчиликни яширади. Оллоҳга шукр, биз оёққа туриб олдик, белимиз бақувват, ҳар қандай камчиликларни енгишга қодирмиз. Аммо баъзи журналист ва қаламкашлар ҳамон лоқайд ёки маддоҳлик йўлини танлаган. Силлиқ йўл бир кун жаҳаннамга қулатади, машаққатли йўл алалоқибат фаровонликка олиб чиқади. Хулоса шуки, рўшноликка тезроқ эришишни истасак, бошлаган ҳар қандай иш ва тадбирларимизни охирига етказайлик, муҳим қарорлар, долзарб мақолалар ҳаётда ўз инъикосини топсин.

Ушбу мақолани ёзишдан мақсад ҳам айнан шу — куйинчак адибимиз Эркин Воҳидов кўтарган муаммолар қоғоздагина қолиб кетмасин. Бинобарин, тилимиз софлиги ва бойлигига, адабиётимиз равнақига лоқайд қарашга ҳеч биримиз ҳақли эмасмиз. Маънавиятимизни чинакамига тиклашга шундагина эришмоғимиз мумкин.

Пўлат ЗОҲИДОВ

*Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.*

Алишер НАВОИЙ

Улуғбек юлдузи Самарқанд осмонда мудом порлаб турибди. Даврлар ўтиши билан унинг зиёси янада ёрқин, мафтункор чарақлаётир, мавқеи янада юксалаётир.

Улуғбек шахси, илмий тадқиқотлари, меъморий бунёдкорлигига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Зотан, тождор олимнинг ўша давр жаҳолатига қарши ўлароқ дунёвий илмларни тарғиб этгани, замон фозилларини атрофига йиғиб, уларга раҳнамолик қилгани, Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон шаҳарларида дорилҳикма саналмиш мадрасалар барпо этгани,

"QASRI MUQARNAS" MUAMMOSI

ниҳоят, 1420 йилга келиб Самарқандда мисли кўрилмаган расадхона қурдиргани беқиёс тарихий аҳамиятга эга.

Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг емирила бошлаган расадхона XVII асрга келиб тамоман бузилиб кетган. Бизгача фахри судси — секстанти (доиранинг олтидан бири) деб номланган асосий ускунанинг ер ости қисми, ер устидаги хоналар пойдевори қолдиқлари сақланган, холос.

Расадхона қолдиқларини синчиклаб кўздан кечирган ҳар бир зиёратчида табиий савол туғилади: унинг кўриниши аслида қандай бўлган? Бу саволга олимлар, меъморлар, бинкорлар мудом жавоб ахтариб келадилар. Расадхона музейига кирган киши бу борадаги тахминлар билан қисман бўлса-да танишиши ҳам мумкин — экскурсоводлар барча тафсилотларни айтиб беради. Лекин Улуғбек расадхонаси билан боғлиқ, экскурсовод-



Пўлат ЗОҲИДОВ. Архитектура доктори, Тошкент Архитектура-қурилиш институти профессори.

лар ҳали беҳабар, китобларда битилмаган ҳақиқатлар ҳам бор.

“Мен дардимни кимга айтаман?” Бу нолани расадхона харобаларидан ҳам эшитган бўлсангиз не ажаб. Дарвоқе, Улуғбек расадхонаси ҳақида XX асрда илгари сурилган, энди маълум бўлишича, аслида нотўғри қарашлар ўзбекнинг “уч ёлғонда — қирқ ёлғон” муболағасидан ҳам ошиб кетганга ўхшайди. Расадхона қолдиқлари 1908 йили топилган эди. Шундан буён фан оламида унинг қурилиши, таркиби, айниқса, меъморий шаклу шамоийли ҳақидаги илмий баҳсу мунозаралар давом этиб келмоқда. Василий Вяткин, Михаил Массон, Борис Засипкин, Фиёс Жалолов, Тошпўлат Қориниёзий, Владимир Нильсен, Галина Пугаченкова, Мидҳат Бўлатов каби олимлар расадхона кўринишини илмий асослашга уриниб, фаразларини матбуотда эълон қилди. Тахминлар орасида Борис Засипкин, Владимир Нильсен, Галина Пугаченкова, Мидҳат Бўлатов каби олимлар таклиф этган лойиҳалар айниқса маълум ва машҳур. Аммо ажабланарли жиҳати шундаки, расадхона қиёфаси акс эттирилган тасвирлар ва ана шу асосда тайёрланган макетлар шаклан бир-биридан тамоман фарқ қилади.

Олимларнинг яқдиллик билан эътироф этишича, Улуғбек расадхонасини тиклаш учун ҳали етарли далил ва тарихий ҳужжатлар топилмаган. Шунинг учун ҳозирча расадхона архитектураси ҳақидаги тахминий қарашларни махсус чизма ва макет тарзида намоиш этиш, уларни музей экспозицияларида кўрсатиш ҳар жиҳатдан зарур ва фойдали. Лекин ўша лойиҳалар Улуғбек расадхонасини бутунлай ўзгача талқинда тарғиб этаётган бўлса-чи?


Мавжуд муаммо моҳияти ҳақида чуқурроқ тасаввур уйғотиш учун ҳозирга қадар лойиҳа муаллифлари томонидан бутунлай инкор этиб келинаётган асосий тарихий ҳақиқатни эслатиб ўтишга тўғри келади. Номлари санаб ўтилган олимлар тахминича, расадхона цилиндр шаклидаги уч қаватли иморат бўлган эмиш (асосий диаметри 48 метр, баландлиги 30 метрдан ортиқ); натижада ҳамма катта-кичик хона-

лар чала ёритилган, йўлақлар қоронғи; хонақоҳлар (заллар) устма-уст жойлашган. Ўша давр тарихида бунақаси бўлмаган, ҳатто ташқи айлана девор тагида мустаҳкам пойдевор ҳам йўқ экан ва ҳоказо.

Энди маълум бўлишича, расадхона бир қаватли бўлган. Шу далилнинг ўзиёқ муайян лойиҳаларда акс эттирилган бино меъморий жиҳатдан мутлақо ўхшаши бўлмаганини кўрсатади.

Ҳали расадхона ҳақида аниқ ҳужжат ва далил йўқлиги кенг илмий жамоатчиликка аён бўлган вақтда бундан бир неча йил олдин матбуотда (“Звезда Востока”, 1982, 1-сон) пайдо бўлган бир “илмий янгилик” кўпчиликнинг эътиборини тортган эди. Дарвоқе, “Ноёб меъморий ва илмий ёдгорлик — Улуғбек расадхонасини илмий асосда қайта тиклаш имконияти пайдо бўлди, ҳар жиҳатдан исботланган илмий лойиҳа яратилди” деган хабарлар, айниқса, Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик тўйи арафасида нафақат кенг жамоатчилик орасида, ҳатто Москва ва Тошкент илмий муассасаларида ҳам муҳокама этилди. Расадхона биносини зудлик билан тиклаш зарурлиги тўғрисидаги қарорлар пайдо бўлди. Ахир, кўҳна ёдгорлик қолдиқлари топилгандан бери ҳеч ким масалани бу тарзда кўндаланг қўймаган, расадхонани қайта қуриш талабини ўртага ташламаган эди-да!

Улуғбек расадхонасини асл ҳолидек қайта тиклаш мумкинми? Шу нуқтаи на-



Г. Пугаченкова лойиҳаси

зардан муҳокамага қўйилган "реставрация" лойиҳаларидан бирини диққат билан кузатайлик. Айнан бу лойиҳани танлаганимиз сабаби шундаки, мазкур лойиҳа асосида расадхонани тиклаш ишлари бошланиб кетишига бир баҳа қолган эди.

Лойиҳа муаллифи — архитектура доктори Мидҳат Бўлатов. Олимнинг таъкидлашича, лойиҳа расадхона биносига оид барча тарихий ҳужжатлар танқидий ўрганилгач, янги талқин замида яратилган. Бу хулосани эшитган киши муаллифдан ажойиб бир янгилик кутади, лекин лойиҳа билан танишиб чиққач, пайдо бўлган умидлар ҳайратга айланади. Чунки лойиҳада ҳар жиҳатдан замонавий, янги типдаги иморат акс этганини кўрамиз.

Мидҳат Бўлатовнинг таъкидлашича, муаллиф XV асрда яшаб ўтган тарихшунос олим Абдураззоқ Самарқандий хотираларидан самарали фойдаланган. Настижада уч қаватли деб аслида нотўғри талқин этилган расадхона ҳатто тўрт қават кўринишини олган ва айланма девор ташқарисида бинога етти қаватлидек кўриниш берган етти безак ҳалқа пайдо бўлган. Бундай ғайритабиий ўзгаришларга ҳеч қандай асос йўқлигини қуйидаги манбалар асосида исботлаш мумкин.


Биринчи далил-ҳужжат, яъни Абдураззоқ Самарқандий расадхона таърифида айтган сўзларни диққат билан

ўқийлик: "Мирзо Улуғбек етти мустақкам муқарнасли қасрдан намуна бўлган у олий бунёд ва улугсифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатию тўққиз (осмон) доиралари шакллари даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб то ошираларигача (чизилди) ҳамда айланувчи фалаклар етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлар кўриниши ва ер курраси ҳайъатию иқлимлар суратларини тоғлар, биёбонлар ва (ер куррасига) нимаики тегишли бўлса (ҳаммаси) билан бирга дилпазир нақшлару беназир рақамлар билан чизишга буюрди" ("Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн", 278-бет).

Тарихнавис Абдураззоқ Самарқандий расадхона ичидаги ҳайратланарли "дилпазир нақшлару беназир рақамлар" ҳақида хабар беради. Таърифда бино ташқи кўринишини белгилловчи бирор аниқ меъморий шаклу шамойилга ишорат йўқ. "Етти мустақкам муқарнасли қасрдан намуна бўлган" расадхона биноси мажозий маънода афсонавий "Қасри муқарнас"га ўхшатиш мумкин. Демак, Мидҳат Бўлатов ишлаган лойиҳа бутун шаклу шамойили билан тарихий меъморчилик обидаси аслига тескари бўлиб чиқади. Бу муболағани хато тушуниш оқибатида расадхонанинг ташқи кўриниши етти ҳалқа шаклида бўлган, деган тахмин тутилган. Ҳатто шу тахмин билан расадхонани қайта қуриш таклиф этилган.

Нима учун расадхонани Мидҳат Бўлатов лойиҳаси асосида тиклаш ҳақидаги таклиф амалга ошмади? Энг асосий сабаб — лойиҳаларнинг барчасида (архитектор уч-тўрт хил лойиҳаларни кўрсатган) расадхона архитектураси илмий жиҳатдан исботланмаган. Улар аслида ҳозирги замон архитекторининг ўша давр тарихи ҳақидаги фантазияси маҳсули эди, холос. Халқаро Венеция хартиясига кўра, гипотеза, яъни тахмин пайдо бўлган жойда тарихий иншоотни қайта қуриш тўхтатилиши керак. Ўша лойиҳалар бу талабларга жавоб бермас эди. Аксинча, амалда бутунлай янги, замонавий бино таклиф этилган эди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, илмий асосда яратилган таъмир лойиҳасида ҳеч қан-



М. Булатов лойиҳасидаги расадхонанинг ташқи кўриниши

дай тахмин ёки фаразга ўрин бўлмаслиги керак. Ваҳоланки, архитектор тарихнинг расадхонага тегишли очилмаган қирраларини, ўзи эътироф этганидек, "тахмин", "эҳтимол", "чамаси" каби пухта илмий асосга эга бўлмаган фаразлар ёрдамида "аниқлаган".

Янши ҳамки, Самарқанд юбилейи таррадудиди даврида ва ундан кейин ҳам маблағ етишмаслиги сабабли ўша бино қурилиши амалга олмади. Бўлмаса, ҳозир жаҳон аҳли олдида не кўйга тушган бўлардиқ?! Худди илгари қайта-қайта эътироз билдириб, огоҳлантирганимиздек (афсуски, ўша давр мутасаддилари бунга кулоқ солмаган эди), умидвор бўлиб кутганимиз — қадимги тарихий ҳужжат-далиллар мададга келиб қолди. Янгидан "кашф" этилган далилларнинг кўпчилиги фанга илгаридан маълум бўлса-да, улар турли сабабларга кўра расадхона тадқиқотчилари эътиборидан четда қолган ёки бутунлай нотўғри таржима-талқин этилган экан. Бугун мустақиллик туфайли тарих қайта тилга кирмокда десак бўлади.


Абдураззоқ Самарқандийнинг афсонавий-мажозий "Қасри муқарнас" билан боғлиқ таърифини янглиш тушунган таржимон асар таржимасига ўзидан "баланд айлана қаср" ("высокий круглый замок") сўзларини қўшиб қўйган. Натижада барча архитекторлар расадхонани цилиндргўла шаклидаги баланд (ҳозирги 10 қаватли бинонинг баландлигига тенг — 30-40 метрдан ортқ) шоҳона сарой сифатида тасвирланган. Архитекторларни адаштирган таржимон Василий Шишкин ўз хатосини орадан 25 йил ўтгандан кейин эътироф этган бўлса-да ("*Из истории эпохи Улугбека*", Т., 1965, стр.20), эътиборсизлик туфайли кейинчалик ҳам барча лойиҳаларда расадхона "баланд айлана қаср" сифатида қолаверган. Мидҳат Бўлатов лойиҳаларида эса худди шу жумла бинонинг етти ҳалқаси сифатида кўрсатилган. Натижада расадхона қиёфаси лойиҳада бутунлай ўзгариб кетган.

Иккинчи далил-ҳужжат. Улуғбек расадхонаси аслида "уч қаватлик" деган фикр қаердан пайдо бўлди? Ўтган асрда расадхона ҳақида жуда кўп тадқиқотлар

эълон қилинган. Уларнинг ҳаммасида ҳозиргача фанга маълум бўлган тарихий ҳужжатлар орасида расадхона меъморий тузилишига доир аниқ маълумот топилмагани таъкидланади. Бобурнинг расадхона "уч ошёнликдур" деган хабаригина бундан мустасно. Ҳамма гап шундаки, бу хабар ҳам янглиш ҳолда "уч қаватлик" маъносида талқин этилган. Тадқиқотчилар эса "Бобурнома"нинг русча таржимасидан фойдалангани боис хатога йўл қўйган. Чунки "уч ошёнлик" сўзини таржимон рус тилига "трёхэтажный" деб ўйрган. М.Салье эса бу сўзни "трёхярусный" деб таржима қилган. Архитекторлар ана шу янглиш таржимага таяниб, 30 метрдан баландроқ уч қаватли маҳобатли иморат лойиҳасини яратган. Таржимада хато бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган кўринади. Форс-тожик, ўзбек тилларини пухта ўрганган шарқшунос олимлар, жумладан, М.Салье, Василий Шишкин, ҳатто ўзбек олими Тошпўлат Қориниёзий негадир "ошён" атамасини "қават — этаж" деб талқин этган. Форс-тожик, ўзбекча луғатларда "ошён" сўзига "қуш ини, уяси" деб изоҳ берилган. Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам "ошён" сўзи қуш уяси маъносида қўлланган.

Заҳириддин Бобур сўзларини эслайлик: "Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким, зийч битмакнинг олатидур. Уч ошёнликдур" ("*Бобурнома*", 45-бет). Энди гўё Бобур назари билан "тарих ҳақиқати" деб эълон қилинган ҳозирги лойиҳа-макетларни кузатайлик. Ҳар бир лойиҳада 180-200 катта дераза, устида тобадон — панжара. Шундай манзарани "уч ошёнликдур" деб таърифлаш мумкинми? Бобур Мирзо аслида расадхона уч қисмдан иборатлигини, яъни уч томонда эшиги борлигини назарда тутган. "Ошён" атамаси меъморчиликда хонадон, ҳовли, эшик-уй маъносида ҳам қўлланган экан. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий бир рубойида бундай деб ёзган:

Олтин қафас ичра гар қизил
гул бутса,
Булбулга тикандек ошиён
бўлмас эмиш.



Секстантнинг бир қисми

Яъни булбулга ичида қизил гул ўсган олтин қафасдан кўра (эркинликдаги) тикандин бўлган ошён афзалроқдир.

Бобур Ҳиндистондаги ибодатгоҳларни таърифлаганда “қават — этаж” маъносида “табақа” атамасини ишлатган. Қат-қават, табақа сўзларининг ўзаги бир хил. Демак “ошён” атамаси Бобур томонидан эшик — алоҳида уй маъносида ишлатилган, уни “қават — этаж” деб талқин этишга ҳеч қандай асос йўқ. Хуллас, бир сўзни нотўғри таржима этиш оқибатида Улуғбек расадхонасининг бутунлай нотўғри лойиҳа-макетлари тайёрлангани ошкор бўлиб қолди.

Учинчи далил-ҳужжат — фахри судси, яъни фахри секстанти номи билан астрономияда машхур улкан ускуна бундан минг йил илгари кашф этилган. Уни Сирдарё бўйларида ўсиб улғайган мунажжим Абу Маҳмуд Ҳамид ал-Хўжандий (вафоти тахминан 390 ҳижрий) Эроннинг Рай шаҳри яқинидаги Таборак тоғи тепасида бунёд этган ва ўша ускуна ёрдамида коинотни, сайёралар ҳаракатини ўрганган.

Тарих тақозоси ва тасодифни қарангки, Хоразм ғалаёнлари оқибатида ўз ватанидан қувғин бўлган Абу Райҳон Беруний (973-1048) тахминан 998 йили Рай шаҳрида яшаётган ватандоши Абу Маҳмуд Хўжандийнинг олдига бошпана ва илм излаб келади. Шу ерда у устози айтган-

кўрсатганларини кичик бир рисолада эсдалик учун қайд қилиб қўйган экан. “Фахри судси ускунасини Абу Райҳон (Оллоҳ уни кўлласин) кузатганлари баёни” деган атиги икки варақдан иборат рисола бизнинг давримизгача сақланганини билмас эканмиз. Рисолада фахри судсининг тузилиши, ўлчамлари, қуёшни кузатиш тартиби аниқ кўрсатилган. Олимнинг ҳар бир шарҳи ўн аср оша Улуғбек расадхонаси шакли шамойилини (баландлиги, ер ости қисми) аниқлашда муҳим дастуруламал бўлишини давримиз олимлари сезмаган экан. Ўша рисола тошкентлик шарқшунос олим Павел Булгаков томонидан икки марта рус тилида (1963 ва 1966 йиллар) нашр этилганига қарамай, қандай қилиб Улуғбек расадхонаси ҳақида қизгин баҳс олиб бораётган олимлар эътиборидан четда қолганига ақл бовар қилмайди. Лоқайдлигимиз туфайли улуг бобомиз Абу Райҳон Беруний асрлар қаъридан бизга ёрдамга келганидан ҳам беҳабар қолган эканмиз.

Тўртинчи далил-ҳужжат. Улуғбек расадхонаси лойиҳасини тузишда Жамшид Кошийнинг 1416 йили ёзилган фахри секстанти ҳақидаги рисоласидан кенг фойдаланилгани кўпчиликка маълум. Рисоланинг Тошпўлат Қориниёзий, кейинроқ Василий Шишкин ўгирган русча таржималари расадхона ҳақидаги тадқиқотлар қаторида эълон қилинган. Шунга қарамай, расадхона тузилиши борасида кўрсатилган ўлчов рақамлари нотўғри талқин этилиши натижасида уларни меъморий шакл-шамойилда акс эттириш тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Расадхонадаги шакллар мутаносиблиги, нисбат ҳосилалари тамоман инкор этилган. Ҳамма ўлчамлар аниқ ҳисоб-китобсиз тахминий равишда белгиланган.


“Ҳисоб калити” китобига меъморчилик шаклларига доир махсус боб киритган математик олим Жамшид Кошийнинг фахри секстанти ҳақидаги рисоласи Улуғбек расадхонасининг катта баҳсларга сабаб бўлган архитектурасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда тадқиқотчи олимлар қўл остидаги рисоладан тасодифий хатолари кўп деб, деярли фойдаланмагани таассуфлидир.

Бешинчи далил-хужжат неча минг йиллар тажрибасидан ўтган, халқ меъморлари ижодида дастуруламал бўлиб келган, лекин маълум сабабларга кўра меъморлик санъатининг кўпчилик мутахассислари назаридан четда қолган махсус усули — “Улгу тарҳ” тузиш қонунқоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур усулни халқ меъморлари ижодини ўрганиш натижасида аниқлаб топган эдик. Худди ана шу меъморий тамойил асосида, Беруний ва Коший рисоаларидан фойдаланиб, Улуғбек расадхонаси шакли шамойилини ҳар жиҳатдан намоён этувчи, унинг ўлчамларини тасдиқловчи лойиҳа ясаш имкони бор экан. Бошқача айтганда, Улуғбек расадхонаси қурилиши бошида турган меъмор — устод Исмоил (бу ном ҳам яқинда аниқланди) бошчилигида Жамшид Коший, Қозизода Румий каби астроном олимлар маслаҳати билан тайёрлангани ва ниҳоят, буюк олим-подшоҳ Улуғбек томонидан тасдиқ-

ланган лойиҳа мусаввадасини (эскизини) тиклашга муяссар бўлдик.

Улуғбек расадхонаси ҳақида олдиндан мавжуд бўлган-у, янгидан талқин этилган баъзи тарихий маълумотларни фақатгина эслатиб ўтдик, мураккаб муаммолар тавсифи атайин айтилмади. Чунки янги тадқиқот ва изланишлар натижаси жамланган махсус илмий рисола ҳозирча чоп этилмаган. Расадхона қиёфасига бағишланган бир асрлик баҳслар, айниқса, Абу Райҳон Беруний ва Жамшид Коший рисоалари, XV аср алломалари ҳайрат билан айтган “Қасри муқарнас”га тегишли тоқу равоқлар, баланд пештоқ ва гумбазлар мажмуи “зеби жаҳон” бинони мужассам этишга ёрдам беради.

Тарихнинг яна бир ноёб ва мураккаб муаммосига доир сиру асрорнинг очилиши ўзбек меъморчилиги меросини ўрганиш йўлидаги самарали ютуқ десак, муболаға бўлмайди.



П. Зоҳидов лойиҳаси

SHAYTON NEGA YIG'LAGAN?

Эссе

Шайтон деган бир тараф бор кўкайда...

“Алпомиш” достонидан

Маълумки, дин ва эътиқод тарихи ҳам одамзод қалби ва онгининг ибтидоийликдан мукамалликка томон юксалиш босқичларини яққол кўрсатадиган тарихдир. Бу тарихда инсоннинг фикрий ҳамда

хиссий ҳаёти ва илоҳий тафаккурига бевосита дахлдор бўлган яхши ва ёмон, мақбул ва номақбул, фойдали ва бефойда деярли барча тушунчалар мужассам. Дастлаб табиат ҳодисалари — олов, сел, zilзила, қуёш, ой, денгиз, тун ва кун, чақмоқ, момогулдирак, баъзан эса одамларнинг қаҳру ваҳшати қаршисида инсонлар ўзини ожиз, чорасиз ҳис этган. Ногаҳоний офат ва фалокатлардан ҳимояланиш ёки орзу-умидларга эришиш учун шундай табиий ҳодисаларга сиғиниш, ибодат қилиш, уларни тангри мақомига кўтариш майллари шаклланган. Ҳатто шу кучларнинг рамзий шакли, суварати бўлмиш тангри ва бутларни яратиб, ўзаро муносабатларни ҳаётийлаштириш мақсадида ибодатхоналар қурилган, махсус маросимлар жорий этилиб, қурбонликлар берилган. Айрим ирк, қабила ва ўлкаларда эса инсонни қурбон қилиш одатга айланган.

Баъзи олимлар бундай даҳшатли одат қадимги туркийларда ҳам мавжуд эди, деган фикрни илгари суради. Асосан гаразли сиёсий мақсадлар боис “кашф” қилинган бундай уйдирмалар тарихий ҳақиқатга мутлақо зиддир. Бу ҳақда усмонли туркларнинг улкан олими, қадимшунос



Баҳоуддин Ўгал “Туркийларда ҳеч қачон инсонни қурбон қилиш удуми бўлмаган. Аксинча, улар ўзлари ҳукм сурган мамлакатларда бундай урф-одатларни йўқотишга уринган”, дейди. Аслида бундай удум ва одатлар олис ўтмишда дин, қўрқув ва шафқатсизлик ёнма-ён яшаганини кўрсатади. Ёвуз кучлар тимсоли — дев, жин, шайтон каби салбий руҳларнинг “доя”си ҳам аслида қўрқув ва бешафқатлик, чорасизлик ва гумроҳлик эди.

Хусусан, шайтон ҳақида сўзлайдиган бўлсак, унинг тарихи инсон тарихидан узокдир. Замон эътибори билан у Одам Атодан аввал мавжуд эди. Шайтоннинг бир номи Иблис бўлса, яна бири — Азозил. (“Шайтон”, “иблис” сўзлари адабий тимсол сифатида қўлланган ўринларда бош ҳарф билан ёзилди. — **Таҳририят**) Азозил атамаси иброний ва насроний манбаларда Азоал, Ҳазозал тарзида қайд этилган. Эътироф этилишича, Азозил — юзта энг ёвуз жиннинг раҳнамоларидан бири. Эрлар қилич ва қалқон тутиб урушиш, аёллар ҳаёсизлик, макр ва нозу карашма асрорини ундан ўрганган экан. Шарқ халқлари орасида ҳам Азозил чўл жинларининг сардорлари сафида юриб, қоронги тунларда йўловчиларга кулфат ва азият етказадиган махлуқ сифатида тасаввур этилган.

Машхур араб шоири Абу Аъло ал-Марий Басрадаги дўстларидан бирига ёзган мактубида ҳар бир шоирнинг бир шайтони бор, шеър ёзиш — ўша шайтон оғзидан чиққан сўзларни такрорлаш ёки қоғозга туширишдан иборат, деган қараш ўз халқи орасида кенг тарқалганини айтади. Унингча, араблар шайтонларга турли-туман ном қўйган. Масалан, Тангри ниятларини гўё яширин тарзда ўрганишга уринадиган бир шайтонга — Морид, ундан ҳам кучлироғига Ифрит деб исм берилган эмиш.

Бошқа бир машхур шоир — Жарир эса ўзининг “зотий” шайтонидан баҳс юришиб, яна бир шоир шайтони борлигини зикр этган. Хуллас, шайтон ва инсон ёвуқлиги, шоирлик илҳоми бевосита шайтон ҳадяси эканига доир қарашлар ислом нўзид бўлганидан кейин ҳам анча замон ўз таъсирини сақлаб қолган.

Мутасаввиф Ҳорис бин Асад Муҳосибийнинг далолат беришича, шайтон узок вақт инсон билан яқин бўлганидан, унинг барча сирларини ўрганган. У инсонни ҳеч қийналмай бошқара олади. Шу сабабдан ҳам улар ўртасидаги муносабат инсоннинг ўз қони билан муносабатига ўхшайди.

Айни ўринда мунозарали бир масалага аниқлик киритиб ўтсак. Қуръони каримнинг “Шуаро” сурасида “Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг ҳар водийда дайдишларини ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?!” дейилган. Қуръоннинг маъно таржимони Алоуддин Мансурнинг изоҳлашича: “Бу оятлар барча замонлардаги Оллоҳдан кўрқмайдиган, устларидаги ҳокимият — сиёсат ўзгариши билан ёзаётган мавзулари, қахрамонлари ҳам ўзгариб кетаверадиган, ўзгаларга тўғрилиқ, эзгулик ҳақида лоф уриб, ўзлари нопок йўллардан юрадиган маддоҳ қаламкашлар ва ўзларининг бор илҳомистеъдодларини маъшуқаларининг таъриф-тавсифларига сарф қиладиган назмбозлар ҳақидадир”.

Бизнингча, бу — жуда тўғри изоҳ. Ҳеч бир дин ёки таълимот одамнинг табиати ва туғма туйғуларини бутунлай янгилашга қодир эмас. Инсон зоти ҳеч бир даврда кўзи билан эшитиб, қулоғи билан кўриб, оёғи билан бирор нарсани кўтариб юришга уринмаган. Демак, олис асрларда яшаб ижод этган маддоҳ қаламкаш ва назмбозларга хос мунофиқлик, бетайинлик ҳали-ҳамон барҳам топмаган экан, бу ҳам ажабланарли эмас. Лекин шоирлар тўғрисидаги оятлар нозил бўлганида исломиятни қабул қилган, янги диний ҳақиқатларни ўзлаштириб улгурган ижодкорлар йўқ эди. Демак, ояти карималардаги танқидий ҳукм ҳақ ила ботилни фарқлай олмаган, шайтонни ўз “илҳом париси” деб эъюзлаган жоҳилият даври шоирларига тегишли. Бу — масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи жиҳати ҳам бор.

“Ислом динининг Китоб ва Пайғамбари, — дейди туркиялик диншунос олим Жамил Сано, — тил ва ирқ, хатто анъана, урф-одатлар нуқтаи назаридан арабларга ман-

суб ҳолда, уларда настурийлик, марунийлик, насронийлик, мусавийлик каби эътиқод шакллари кенг тарқалган... Арабистонда Тангрига, Китобга, Пайғамбар ва динга ҳурматсизлик ўша даврда омма орасида кенг қулоч ёзган". Бу ҳолат ҳам шоир ва адибларнинг "ҳар водийда дайдишлари"га сабаб бўлган. Аммо исломга чин кўнгилдан эътиқод қўйган, умр буйи шу дин шавқи ва маърифатидан йироқлашмаган қалам аҳли бадиий ижодда мисли кўрилмаган кашфиётларга эришган. Мумтоз адабиётимизнинг янги ва ҳақиқий равнақи ҳам бевосита ислом, Қуръони карим, Пайғамбар ҳадислари билан узвий боғлиқ бўлган. Бирор бир мумтоз ижодқоримиз йўқки, комил ахлоқ ва ўзликини англаш масаласини Қуръон таъсилди, Қуръони карим оятлари таъсирисиз ҳал қилишга уринган бўлсин. Ҳазрат Алишер Навоий ёзади:

Қуръонки, эрур муждаи жоний ўқумоқ,
Йўқ, йўқки, ҳаёти жовидоний
Бил, кўнглунга истасанг шифони ўқумоқ.
Ким, келди кўнгул шифоси — они ўқумоқ.

Қуръоний маъно ва моҳиятларга садоқат бу — айна вақтда шайтонга нафрат ҳам демак. Мутасаввиф шоирларнинг шайтон мавзуида кўп баҳс юритиш сирларидан бири ҳам шунда.

Таъкидлаш жоизки, тасаввуф ва тариқат арбоблари нафсга муқобил равишда шайтон ҳийлалари ва инсоннинг шайтонлашув ҳолатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган. Кашф аҳли шайтонни ўлаксага ёпишган ва одамни ҳам унга ундайдиган бир кўппак қиёфасида кўрган, Ҳақни билишга монелик қиладиган "дунё" тимсоли деб билган. Имом Фаззолийнинг ёзишича, "Қалб — мисоли бир қалъа. Шайтон шу қалъага кириш истагидаги бир душмандир. У қалъани бутунлай ишғол этиб, унга ҳоқим бўлишни хоҳлайди..." Фаззолийнинг уқтиришича, Шайтоннинг қалбга кириш йўллари ва эшиклари — инсоннинг сонсиз-саноксиз

салбий хулқи, тубан сифатларидир. Инсон вужудида фақат малакий ёхуд шайтоний эмас, балки ҳайвоний майл ва ҳирслар ҳам бор. Шунинг учун нафсу ҳавога қул инсон шайтонни ҳам доғда қолдириш "салоҳият"ига эга.

Атоқли шоир ва адиб Фафур Фуломнинг "Эшон ва Шайтон" ҳикоясини ўқисангиз, диндор қиёфасидаги фирибгар билан кўришгандай бўласиз. Рўза кунларидан бирида ана шу зот шам алангасида тухум илитиб ютаётганида, иттифоқо, Аширмат сўфи деган содиқ муриди хужрага кириб қолади.

"Ия, тақсир, бу қанақаси бўлди?" дейди у. Эшон нима дейишини билмай гўлдирайди ва "Бу — шайтоннинг иши. Шайтон йўлдан оздирди", дея шўрлик шайтонни айблади.

"Шу гапдан кейин десангиз, нақд қиёмат-қойим бўлади. Ер қалтираб тебрана бошлади. Хужра деворлари бешиқдай алгов-далгов тебранади. Хужранинг ўймакор бағдодий эшиклари ғажир-ғужур овоз таратади. Эшон ўтирган сандалнинг ёнидаги ер тарс ёрилиб, бир қора тутун шифтга ўрлаб кетади. Кейин ўша қора тутун қуйилиб, шаклга кириб, одам қиёфасини олади. Лекин унинг эчкинкига ўхшаган иккита шохи, оёғида туёғи ҳам бор эди. У тилга кириб:

— Ассаломалайкум, — дейди. — ...Мен шайтон бўламан... Мен умримда тухумни шамда пишириб еган эмасман. Мен бу хунарни сиздан ўрганиб олдим. Менга тухмат қилманг, ҳазрати эшон...

Шайтон шундай дейдию яна тутунга айланиб, яна зилзила туриб, ер ёрилиб, у ўз жойига кириб кетади".

Албатта, бу воқеа — ҳаёл маҳсули. Унга ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўлади. Бундан ташқари, ҳикоя шўро даврида, яъни даҳрийлик замонида ёзилган. Унга, диндорни бадном қилиш ниятида атайин тўқилган бир нарса, деб баҳо бериш ҳам мумкин.

Аммо, инсоф билан айтганда, Фафур Фулом тасвиридаги воқеада ҳаёл мантигига қараганда ҳаёт мантиғи устун. Эҳтимол, ҳеч бир эшон шамда илитилган тухумни ютиб, рўзасини бузмагандир. Эҳтимол, шайтонда эчкиникидай

шоҳ ҳам, туёк ҳам бўлмас. Лекин макру ҳийла, риёю мунофиқликда инсон қавми баъзан ҳатто шайтонга ҳам “дарс” бергани рост. Инсон кези келиб фитнаю фужур, кину адоватда ундан ўзиб кетишини шайтон балки тасаввур ҳам этмагандир. Нима бўлганда ҳам, унинг айрим “хунар”ларни инсондан ўргандим, дейиши лоф эмас.

“Эшон ва Шайтон”да, гарчи содда ва хаёлий йўсинда бўлса ҳамки, шайтоннинг инсонга исёнига ишора бор. Барча монотеистик динларда Шайтон, Иблис ёхуд Азозил инсонни Ҳақ йўлидан чалғитиб, хулқ ва иймон бузгунчилигига чорлайдиган, одамларни бир-бирига қайраб, ҳар турли ғараз ва манфаат йўлида қон тўкишга рағбатлантирадиган қаттол ғаним ўлароқ қораланган. Унга қарши курашиш йўл-йўриқлари аниқ белгилаб берилган. Бу эса муайян натижаларга олиб келгани тайин. Лекин бошқа бир аччиқ ҳақиқатдан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Инсоният шайтонга қарши нечоғлиқ курашмасин, қалб ва руҳонияти ҳимоясида барибир ғофил қолган. Уни нафс — шайтонга, шайтон — нафсга тобе этаверган. Шайтонни энгиш иддаоси кўпинча сўздан нари ўтмаган. Христовор Марлонинг “Доктор Фаустнинг фожиали тарихи”, Гётенинг “Фауст”, Лермонтовнинг “Демон”, Ҳусайн Жовиднинг “Иблис” каби асарлари ана шу ҳодисанинг бадиий талқинига бағишланган.

Буюк озар санъаткори Ҳусайн Жовид “Иблис” драмасида адолатсиз урушлар, ваҳиёна босқинлар, чидаб бўлмас зулму зўравонликларга қарши муносабат билдиради. Фожа ва мусибатлар сабабини Жовид нимада кўради? Асар қахрамонларидан бири — зобит Элхоннинг “Сен кимсан?” деган саволига Иблис бундай жавоб беради: “Жаҳонда дин, мазҳаб, сиёсат боис фитна ва ғавво кўзгалган қайси жой, қайси юрт бўлса, мен худди ўша ерда борман. Қаҳр ила даҳшат ҳукмрон бўлган қайси ерга қадам қўймагил, қаршингда мени кўурсен:

Рўё каби ҳар он бўлиб

зоҳиру ғойиб,

Мен Шарқда обид бўлурмен,

Фарбада — роҳиб.

*Бир ғозий бўлиб гоҳ этурмен
фитналар ижод,
Бир муршид бўлиб гоҳ этурмен
оламни барбод”.*

Иблис кирдикорларини унинг ўз тили билан фош қилиб Жовид яна бундай сўзларни битади:

*Иблис! У буюк ном нақадар золиби
хайрат!
Ҳар ўлкада, ҳар дилда топмоқда у
шуҳрат.
Ҳар кулбада, кошонада, вайронада —
Иблис!
Ҳар каъбада, бутхонада, майхонада —
Иблис!*

Хулласи калом, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср аввалидаги аҳвол ана шундай аянчли эди. Зеро, башар саодатининг ғаними, дунёни қонга белаган куч — фақат жаҳолат, авомлик, илмсизлик, маданиятсизлик эмас, XX асрнинг гоҳ очик, гоҳ пинҳоний тарзда ўлим уруғни сочган илмий кашфиётлари, кучли давлатларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш дағдағалари ҳам эди. Қонсираган қироллар, тахтпараст шоҳу хоқонлар, олтинкумуш гадолари, мазҳаб талашиб, тариқат ажратган “ходими адён” бор экан, мени таҳқирлашга не ҳожат, дея Иблис норозилик билдиради:

*— Уларда бутун фитнаву шар,
зулму хиёнат!
Улар мавжуд экан, мени таҳқирга
не ҳожат?!
— Иблис недир?
Жумла хиёнатлар боис...
Ё ҳар қаса хоинлик қилган инсон недир?
Иблис!..*

Турли ирқ ва миллат вакиллари барча замонларда Иблисни айблаб, лаънатлаган. Одамлар ҳаётидаги асосий бахтсизлик, хиёнат, ғам-ғуссалар унинг касофатидан юзага чиқади, деб қаралган. Бироқ инсонда иблисни-да қўрқитадиган иддаолар бўлишига ҳамиша ҳам жиддий эътибор берилган эмас. Фиръавн ҳудудлик даъвосини қилганда шайтоннинг

кўркувдан бир чеккага қочганини эслайсизми? Кейин бундан ҳам баттар ҳодисалар бўлмаганми?!

Иблис тарихини ўрганган олимлардан бирининг эътирофи этишича, “Иблис иккидир. Биринчиси — антик даврнинг иблисидирки, аввалида малак эди, даргоҳдан қувилгани боис иблисга дўнди... Иккинчиси эса, дарвинизм жараёнида вужудга келган иблисидирки, бунга кинли руҳ демишлар”. Балки, шафқатсиз жанги жадаллар, босқинчилик, биродаркушлик урушлари бозори худди шу “кинли руҳ” кўзғолонлари боис қизиб кетгандир. Балки Гитлер, Сталин сингари жаллодлар тинчлик, эркинлик, дўстлик туйғуларини ўша ваҳший ва қаттол куч тимсоли бўлиб поймол этгандир. Чунки ҳатто шайтонга кулоқ солган кимса ҳам улардек ҳаддидан ошишига, одам фарзандини ҳайвончалик кўрмай, минг хил азобукубатга гирифтор этишига ақл бовар қилмайди. Демокчимизки, шайтон ёки иблисга нисбатан ўша кинли руҳ минг карра аёвсиз, ғаддор ва Оллоҳга ғанимрокдир. Бугун унинг ҳақиқий қиёфасини таниш ҳам, сон-саноксиз мазлумлар тақдирини шу дажжолнинг қонли панжаларидан кутқариш ҳам бағоят мушкул муаммо. Одам фарзандининг шайтон билан жанги — унинг ўзи билан ўзи ва инсон қиёфасидаги бераҳм махлуқлар билан жангдан бошқа бир ҳаракат эмаслигини энди мардона тан олмоқ лозим. Аслида башарият маънан емирилиш, руҳий заифлик ва кўркув ботқоғига ботмасидан бурунроқ бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмоғи зарур эди. Лекин, ҳайҳотки, нафсга бўйсунмаслик ҳам душвор...

II

“Тасаввуфга алоқадор ҳикоятлар орасида, — дейди машҳур шарқшунос Хелмут Ритер, — айниқса, Иблис тўғрисидагилари диққатга лойиқдир. Уларда Иблис ҳақиқий содиқ ошиқ қиёфасида кўрсатилади. Иблиснинг Одамга сажда қилмаслик сабаби унинг Оллоҳдан бошқасига сажда айлашни хоҳламаганидандир. У Оллоҳнинг лаънатини бошқа малаклар орасида ўзига бир имтиёз нишо-

наси ва Оллоҳнинг унга таважжуҳи асарини ўлароқ қабул этади. Бу тушунча илк маротаба Мансур Ҳаллож томонида илгари сурилган ва кейин Аҳмад Ғаззолий тарафидан ривожлантирилган” (“Ислом қомуси”, 2-жилд, 9-саҳифа).

Ҳақиқатда ҳам Мансур Ҳаллож тасаввуф адабиётида шайтон образининг тамоман янги тасвири ва талқинларини бошлаб берган эди.

Нақл қилинишича, кунлардан бир кун Ҳаллож муридлари билан Бағдод кўчаларидан кетаётса найнинг жуда ҳазин садоси эшитилибди. Муридлардан бири ундан “Бу қандай овоз?” деб сўрабди. “Дунёнинг аҳволига йиғлаётган шайтон овози”, деб жавоб қайтарибди Ҳаллож. “Шайтони лаъин дунё учун нега йиғлайди?” Ҳаллож дебди: “Нимага йиғламин? У дунёни бузилиш ва таназзулдан кутқаришни истайди”.

Бу — ғалати бир фикр. Ҳазми ҳам қийин. Шундай эмасми? Мансур Ҳаллож “Китоб ут-тавосин” асарининг тўққизинчи фаслини бундай сўзлар билан бошлайди: “Аҳмад (яъни, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо — **И.Х.**) билан Иблисдан бошқа ҳеч зотга даъво ярашмайди. Шуниси маълумки, Иблиснинг назардан қолишига муқобил равишда Аҳмад учун кўзнинг кўзи — басират очилди. Иблисга “Сажда эт!” дейилди. У сажда қилмади, Аҳмад эса илоҳий амрга итоатда бўлди”.

“Одамга сажда қил!” дейилганда Иблис “Сендан бошқасига сажда қилмайман”, дея Ҳаққа эътироз билдиради. Унга “Лаънатга йўлиқасан!” дейилганда ҳам “Сендан ўзгасига сажда этмайман!” деб такоррайди.

Ҳаллож талқинидаги Шайтон — Аҳдга содиқ, Оллоҳга садоқати собит, ўзининг ҳақлигини ҳеч хаёлга келмас мантиқ ва далиллар билан исботлашга уринган қатъиятли бир образ. Тур тоғининг этагида у Ҳазрати Мусо билан учрашади. “Эй Иблис, — дейди Ҳазрати Мусо, — сени саждадан қалғитган нима эди?” “Яккаю ягона маъбуд даъвоси. Агар одамга сажда қилсайдим, худди сенга ўхшаб қолардим. Сенга бир бора “Шу тоққа қара!” дейилиши ҳамона қарадинг. Мен-

га сажда қилиш амр этилгани ҳолда, ишончимга қатъий боғлиқлигим боис, сажда этмадим”, дейди Иблис. Мусонинг “Бироқ фармойишга қарши чиқдинг!” деган эътирозига эса, “Йўқ, у амр эмасди, балки бир имтиҳон эди...” деб жавоб қилади.

Хуллас, Мансур Ҳаллож Шайтонни қораламайди. Ундан ҳазар ҳам қилмайди. Анъанавий лаънатлашларга бош қўшмасдан, унинг ҳоли ва мақсадини англашга ундайди. Энг хайратланарлиси — у Иблисни “дўстим ва устозим” деб олқишлайди. Ҳаллож шунинг учун қатл қилинганми? Йўқ, “Анал ҳақ” — “Мен ҳақман” дегани учун.

Хўш, Иблиснинг яна қандай хусусиятлари Ҳалложга ибрат бўлиб кўринган? Нега у ҳар ёқдан ёғилажак қаҳру ғазаблардан чўчимасдан Иблиспарастлик қилган?

У ёзади: “Иблиснинг оти Унинг (Оллоҳнинг — **И.Х.**) отидан яралган эди. Кейин Азозил тарзида ўзгартирилди. Азозил калимасидаги “айн” Иблисдаги мақсаднинг улуғлигига, “зо” — ҳимматнинг ҳашаматига, иккинчи “зо” — мақоми учун кўрсатилган зухдга, “йо” — ўзининг улуғлик ва юксаклигига сиғинишга, “лом” изтироб ва имтиҳондаги мужодаласига ишоратдир”.

Демак, Ҳалложнинг Иблисни “устоз” деб тан олишига сабаб — Иблисдаги мақсад улуғлиги ва қатъият, дўстликка содиқ бўла олиш, зухду фидойилик, ўз имкониятларига таяниб иш кўриш, изтироб ва курашчанлик каби хусусиятлар. Шунингдек, Иблис Оллоҳга ошиқлигини ва ишқ йўлидан сира қайтмаслигини собитлик ила намоён этади.

“Ҳақ деди: “Сени абадул-абад азобга гирифтор қилурмен”. Иблис айтди: “Азобга гирифтор айлаш асносида мени кўрасанми?” Ҳақ деди: “Албатта”. Иблис жавоб берди: “Мени кўришинг, менга қарашинг азоб-уқубатга таҳаммулим учун кифоядир...”

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Оллоҳ қаҳрига йўлиққан, лаънат ва мардудлик сабаблари муқаддас китобларда, жумладан, Қуръони каримда баён қилинган бир махлуқни оқлаш ёки ундан ибратли фазилатлар топишга уриниш на дин, на ша-

риат, на инсонийлик матлабига тўғри келади. Модомики шундай экан, улуғ аллома Ибн Арабий нечун Ҳалложнинг бу нуқтаи назарини ёқлаган ва унга эргашиб Шайтонни ўзига устод ҳисоблаган?

Ибн Арабийга кўра, Иблиснинг исёни, авваламбор, “Оллоҳнинг иродасига итоат бўлиб, айна чоқда Унинг амрига бир тажовуз эди. Бу исён майллари Оллоҳ томонидан ахлоққа ёки диний қонунларга мавзу сифатида эмас, феъллар сифатида тақдир этилмишдир”. Ёмонлик ва гуноҳ табиатини Оллоҳнинг ўзи тақдир қилганини қабул айлаш Унинг ҳикмат ёки иноятига зид эмас. Аксинча, агар ёмон деганимиз нарсаларни ёхуд гуноҳ дея англаганимиз феълларни Оллоҳ яратмаганда эди, бу ҳол Унинг ҳикматига тескари саналарди. Олам ҳам бутун ва мукамал бўлмасди. Чунки нуқсон саналган феъл ва амаллар ҳам олам камолининг маълум бир қисмини ташкил этади... Ёмонликнинг борлиги, ундан қутулиш учун Оллоҳга дуо қилишга сабаб бўлади... (Абул Аъло Афибий. *Муҳйиддин Ибн Арабийнинг тасаввуф фалсафаси. Истанбул, 1999, 156-157-бетлар*).

Демак, ер юзидаги кулфат, офат, мусибат ва сонсиз-саноксиз бахтсизлигу қабоҳатларни ҳадеб шайтонга тўнкаш, масъулият ва қийинчиликни ўздан соқит қилишга уриниб, буларнинг барчаси учун уни лаънатлашга инсон ҳақли эмас. Аслида, гуноҳ ва гуноҳкорлик учун, маломатийлар талаб қилганидек, энг аввало, инсоннинг ўзида жавобгарлик туйғуси шаклланиши лозим. Ана шунда у икки қиёфалилик “юк”ини анча енгиллаштиради. Ўз айбу нуқсонларини кўриш, ўзига имкон қадар қаҳр билан боқишга одатланади. Бу ҳол кўникмага айлангач, ёлгон билан бировга яқин бориш ҳам, ёлгон ва риё билан бировнинг яқин келиши ҳам кескин камаяди. Чунки ўз нуқсонларини кўриш, ўзига танқидий қараш, қаҳр “тажриба”си кишини алданиш, гафлат ва носамимий муносабатлардан муҳофаза этади.

Қадимки юнон файласуфи Критнас “Дин халқни Тангри жазолари билан кўрқитиб, ҳукмдорга янада кўпроқ итоат этадиган бир кул ҳолига етказиш учун

ижод этилгандир” деган экан. Бу тўғри фикр эмас, албатта. Лекин уни бутунлай нотўғри деб ҳам бўлмайди.

Дин тарихидан аёнки, якхудолик тушунчаси буюк империялар яратиш даврларида бошланган ва ана шу тизим ичида тармоқ ёзган. Шунинг учун ўша салтанатлар бошида турган ҳукмдорлар одамлар тақдирини қўлга олган ғайритабиий кучнинг рамзи, бора-бора эса ўша кучнинг айнан ўзи сифатида эътироф этилган.

“Бутун иқтидор ва ҳукмронликни ўзида мужассамлаштира бошлаган подшоҳнинг ижтимоий, сиёсий муассасалари шаклланиши билан, — дейди туркиялик олим Жамил Сано, — ҳукмдор саройлари ва Тангрининг Арши орасида ҳайрон қоларли бир ўхшашлик юзага келди. Вазирлар, маъмурлар, аскарлар, жаллодлар, айғоқчиларга суяниб ҳукмдор фуқарони қандай идора этса, унинг куч-қудрати салтанатнинг ҳар жойида улар орқали қандоқ намоён бўлса, малаклар, забонийлар, набийлари ва шайтон воситачилигида Тангри ҳам Аршида худди ўша тарзда ҳукм сурарди”. Рухиятида хуррият ва тенглик нури барқ урган кишиларнинг бундан кўнгли чўкмаган дейсизми? Ҳукмдорлар адолатидан умид узганлар шунда Тангри адолатига ҳам иштибоҳ билан қарамаганми? Шоху ҳукмдорлар зулмига исён — Тангрига исён номи билан пардаланмаганми? Шундай ҳам бўлган.

Шарқнинг Ҳаллож сингари хур фикрли фарзандлари оллоҳпарастликка эмас, балки подшоҳпарастликка, халқу халойикнинг эрку ихтиёрини қўлга олиб ҳар қандай бедодлик, зўравонлик ва ҳуқуқсизликка кўниш, шукр айлашга мажбур этилган мустабидлик мафқурасига қарши чиққан. Ҳаллож нуқтаи назарида, ўзини Оллоҳнинг ердаги сояси деб билган, янада илдамлаб, худодик даъвоси ила салтанат тебратадиган худпараст ва бераҳм подшоҳу хоқонларга бош эгиш Ҳақ амрига зид аъмолдир. Мансур Ҳаллож диннинг душмани эмас эди. У бутун борлиги ила Оллоҳни севар, ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом учун жон фидо этишга ҳам тайёр эди. Аммо ул зот диндорлик ила пардаланган нафспарастлик ва иродасизлик-

ка қарши эди. У одамларнинг ҳаётини бузадиган, эркин, озод яшаш ҳиссиётини сўндирадиган диний уйдирма ва сафсаталардан фориғ кун кечиришни ёқларди. Чунки мусулмон оламида содир бўлажак таназзул, парокандалик ва турғунликларни у олдиндан кўра билган улуғ шахсиятлардан бири эди...

III

Дин мавзуи — нозик мавзу: ноҳўя бир гап, пухта ўйланмай айтилган бир жумла минг-минглаб кишиларнинг ҳис-туйғусини оловлантириб, кутилмаган ғавқоларни кўзгаши ҳеч гап эмас. Баъзан бунинг тескариси ҳам бўлиши мумкин. Буюк рус адиби Л.Толстойнинг айтишича, олмон файласуфи И.Кантнинг динга бағишлаб ёзилган бир рисоласини ўқиган ақидапараст руҳонийлар дарғазаб бўлиб бош кўтарибди. Шунда мамлакат ҳукмдори Фридрих Иккинчи Кантга мактуб йўллаб, фикрларидан воз кечиб, диний мавзудаги маърузаларни тўхтатишни талаб қилибди. Кант эса “Маърузани албатта тўхтатаман, аммо фикр-қарашимдан воз кечолмайман” деган экан.

Шунга ўхшаш воқеа Шарқ мамлакатларидан бирида юз бергудек бўлса борми, анчайин ғайриодатий фикрни илгари сурган ҳар қандай олим ё кофирга чиқарилар, ёки Насимий ва Бобораҳим Машраб сингари қатл қилинарди.

Мана, буюк аллома Ибн Сино вафотидан хийла кейин тўқилган бир айбнома: “Ибн Сино шаробхўр ва фосиқ бир кимса эди. Тарихга назар ташла, кўргилки, у ким бўлган? Наинки динсиз, балки унинг мазҳаби ҳам йўқ эди. Ломазҳабликда шуҳрат топгани учун Султон Маҳмуд Фазнавийдан қочиб, кўп можаролардан сўнг Ҳамадонда кўним топди, Дайламиёга вазир бўлди. Вазирлик айёмида шундоқ бир ишларни қилдики, сарбозлар ғазабга миниб уйини ғорат, ўзини ўлдирмоққа қасд этди. Қочиб, қирқ кун Шайх Абусаиднинг ҳовлисида яширинди. Иккинчи бор вазирликни қўлга киритгач, кундузлари маъмурий юмушлар билан машғул бўлиб, оқшомлари талабаларга дарс берар, сўнгра

эса муғанний, созанда ва раққосаларни атрофига тўплаб, маишат ва ичкиликбозлик билан шуғулланар эди”.

Аҳли шариатга ёқмаган, улар билан ихтилофга борган деярли ҳар бир мустақил Шахс ана шундай тухмат ва айбловлардан қочиб қутулолмасди. Ҳолбуки, ислом дини туб моҳияти ила жаҳолат ва зўравонликка қарши. Маърифатсизлик, авомлик, ношудлик билан ислом ҳеч қачон келишолмайди.

“Бизнинг пайғамбаримиз каби ақлга, илмга, китоб ва каломга... аҳамият берган ҳеч бир пайғамбар дунёга келмаган. Ул зот ўрганиш, изланиш уфқини асло тораитирмаган”, дейди Жамил Сано.

Фитрат домла ёзадиларки, “Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом ҳам ҳукмдор, ҳам лашкарбоши, ҳам хотиб, ҳам табиб, ҳам имом, ҳам муаллим эдилар; замоналарининг тижорат қоидаларидан хабардор, умматларига ҳатто зироат усуллари-ни ҳам ўргатардилар”.

Ҳазрати расул сўзни, фикрни, билим ва китобни севган бўлсалар, ирфон ганимлари қаёқдан пайдо бўлди? Нега уларнинг сони замондан замонга, асрдан асрга кўпайиб борди? Ўзини Пайғамбарга ноиб ва соҳибкаромат ҳисоблаган зотлар нега юрт, дин, миллат манфаатини шахсий ҳузур-ҳаловатга бемалол қурбон қилаверган? Иймон, диёнат, виждон ҳомийлари оқни оқ, қорани қора, зулмни зулм, кулфатни кулфат дейишга ва ҳукмдордан инсофу одиллик талаб қилишга қодирлигини нечун намоён этолмаган?

Дарҳақиқат, кўрқоқлик, олчоқлик, якравлик, маҳдудлик ва мутаассибликдан мозийда энг кўп жафо чеккан динлардан бири исломдир. Дин билан диндорлик, ислом билан мусулмонликни бир-биридан ажратиб бўлмас ва лекин улар айна бир нарса, айна бир мавжудлик эмас. Фикр савияси паст, онгу идрокини зулмат қоплаган, илм ва тафаккур меҳнатидан бир умр маҳрум қолган, даъвойи мусулмонликдан ўзга ҳеч қанақа бурди йўқ “мусулмон”лар туфайли исломни айблаш, турли ижтимоий-маънавий хасталиклар илдизини диндан излаш — на инсоф, на илм-маърифат, на

холисликка мувофиқ келади. Афсуски, шундай уриниш ва мафкуравий ўйинлар ўтмишда кўп бўлганидек ҳозир ҳам бор.

Машҳур тарихчи олим Аҳмад Закий Валиди Тўғон “Ислом Шарқи ва Ғарб орасидаги илмий алоқалар” мақоласида “Бундан ўттиз беш йил муқаддам бизнинг тараққиётдан орқада қолишимиз тарихига бағишлаб ёзилган асарларда “Ислом оламни зиллат ва асоратга маҳкум айлаган диндир” деган фикр илгари сурилган эди”, дейди.

Дарҳақиқат, мусулмон халқларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ахлоқий таназзули учун исломни айблаш наинки Ғарбда, балки Шарқда ҳам бир удум тусини олган. Шу мазмундаги айрим тарихий далил ва маълумотларни келтирсак.

Чингизхон наслига мансуб — Илхонли ҳукмдорларидан бири Улжайту Худованд (1281—1316) дастлаб насроний динига эътиқод кўйган. Кейин буддизмни қабул қилган. Хотинларидан бирининг таъсирида ниҳоят мусулмонликка ўтган. Мусулмон бўлгач, бу хон ислом оламидаги асосий мазҳабларни ўзича тадқиқ этган. Кейин эса ушбу мазҳаблар вакили бўлмиш йирик олимларни бир жойга йиғиб, баҳсу мунозараларини тинглаган. Турли мазҳаб фақиҳларининг бир-бирига муносабатини кўриб, уларнинг таҳқири, камситувчи сўзларини эшитган Улжайтухон мусулмонликдан воз кечмоқчи бўлади.

“Ўшандай муноқашалардан бирида, — дейди тарихчи олим Т. Бойқаро, — Улжайтунинг ҳарамидаги кибор хотинлар ва катта амирлар унга хитоб этиб, “Исломиятни қабул қилишимиз билан ишимиз ортага кетди, ўзимизнинг эски динимизга қайтамиз!” дея ўша даврларда мусулмонлар орасида кенг қулоч ёзган келишмовчилик, риёкорлик ва ахлоқсизликларга хоннинг диққатини жалб этмишлар”. Бироқ хон “Биз ислом динини қабул этдик, энди ортага қайтиш йўқ”, деган ва шиа мазҳабини танлаган. Шиалик ҳиссиёти ва ақидаси уни шу қадар мутаассиблаштирганки, Муҳаммад Мустафо мазори ёнидаги Абу Бакр ва Ҳазрати Умар қабрларини очиб, суякларини бошқа бир

ерга кўмдирмоқчи бўлган. Бевақт ўлимгина уни абадий кечирилмас ва унутилмас қабоҳатдан асраб қолган.

Улжайту саройидаги кибор аёллар ва нуфузли амалдорлар шаманликка қайтиш учун исломдаги мазҳабпарастлик ва мазҳаб муноқашаларига урғу берган бўлса, анча кейинги асрларда яшаган баъзи олимлар бошқа бир сабаблар билан шаманизмни улуғлаган. Масалан, атоқли қозоқ олими ва мутафаккири Чўқон Валихонов шулардан биридир. Унга кўра, шаманизм — материализмнинг ибтидоий бир шакли; дунёни билиш, ўрганиш, унинг фавқулодда қувватларини англаш, инсоннинг бирлик ва ўлимга муносабати шаманизмни юзага келтирган. Бунинг тамали эса — коинот, табиат, марҳумларнинг руҳига сифинишдан иборат. Чўқон Валихонов нуқтаи назари бўйича, исломият эътиқоди ва таъсиридан йироқ бўлган кўчманчи туркийлар табиий истеъдод ва мустақил характер соҳибидир. “Қозонлик муллалар ва бухороликлар миллий аъналарнинг кушандасидир, улар курашчанлик, жанговарлик туйғуларини муҳофаза қилишга қодир эмас”.

Чўқон Валихонов рус маданияти таъсирида ўсиб-улғайган. Маълум бир муддат шу муҳитда яшаб, фаолият юритган. Буларнинг барчаси инobatга олинса, унинг фикр-мулоҳазалари замини мустақкам эмаслиги равшанлашади.

Туркий халқлар кўп асрлик тарихи мобайнида биргина шаманлик эмас, зардуштийлик, бутпарастлик, насронийлик, яҳудийлик каби динларни ҳам қабул қилган, лекин ҳеч қайси дин уларни ислом сингари яхлит бир маданият, санъат, илм-фан ва адабиёт атрофида бирлаштира олмаган. Уларнинг бирортаси ислом сингари рухоният, маърифат ва тафаккур бобида оламшумул ютуқларга илҳомлантирмаган.

Шу ўринда беихтиёр бир ривоят эсга тушади. Мурид муршидига савол берибди: “Агар пайғамбарлар — Ҳазрати Мусо, Ҳазрати Исо, Ҳазрати Муҳаммад Мустафо бир хона ичида ўтирсалар эди, ўзаро тортишиб, ғавго қилармидилар?” “Йўқ! — дебди мурид. — Чунки уларнинг тийнати баҳсу мунозарадан покланган. Дин

номи билан кўзгалган аксарият ғавголларнинг асида динга ҳеч бир алоқаси йўқ. Улар — моддий куч-қувват, бойлик, ўлка ҳукмронлигига дахлдор гаплар. Инсоний орзу-ҳавас, нафсоний моумонлик орага кирдими — муноқашаю ғавго бошланур. Ҳақиқий диннинг пойдевори ҳамиша севгидир”.

Лекин севги-муҳаббат дегани куруқ гап, ҳаётдан йироқ бир умумий тушунча бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда у одам боласига бир чақалик ҳам фойда етказолмайди, аксинча, тараққиётга тўғаноқ бўлади, қарама-қаршилик ва норозилик туйғуларини кучайтиради.

IV

Биз муқаддас динимизни кўз қорачўғидай асраб-авайлаш, қалб ҳаётимизни ислом нури ва маърифати билан мунавар этиш учун тарихнинг қайси даврларида унга қандай муносабатда бўлинганини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Озарбойжон файласуфи ва адиби Мирзо Фатали Охундов ёзади: “...Осиё халқларини гафлат ва нодонлик уйқусидан уйғотмоқ учун ислом оламига протестантизмни олиб киришни вожиб билдим, бунга доир истаklarини ифодалаш учун Камолиддавла таснифига (“Камолиддавлага мактублар” асари — **И. Х.**) киришдим”.

Адабиётшунос Салмон Мумтоз талқини бўйича эса, Мирзо Фатали ушбу асарида “ўз мақсади, хатти-ҳаракати, ҳадафи амалини тўппа-тўғри акс эттирган, матлабини ҳам ошкора сўзлайдики, унинг назарида, мусулмонларнинг қўлоёғини боғлаган ислом дини ва унинг фанатизмидир; бу диннинг илдизига болта уриб, асосини кулатмоқ ва Осиё халқларини гафлат, гумроҳлик уйқусидан бедор қилмоқ учун ислом дунёсига протестантизм лозим ва зарурдир”.

Бу қадар кескинлик ва дарғазабликнинг боиси нима? Динни қоралашми ёки диндорликка ҳужумми?

Шарқ адабиёти намуналарини кўздан кечирсангиз, дунёдан нолиш, ҳаётдаги айрим қийинчилик, ғам-ғуссалар

учун дунёни айблаш ижодий бир “удум”-га айланмаганми, деб ўйлайсиз. Ахир, одамзод дунё тинчлигини бузмаса, ўзаро уруш ва қирғинларга барҳам бера билса, дунёдан инсонга нима зиён етсин?! Аксинча, дунё уни ўз фарзанди каби бағрига олади, тинч ва хотиржам яшаб, куч-ғайратини эзгу ишларга бахшида қилишини қўллаб-қувватлайди. Лекин башар фарзандларининг фелъ-атвори шундайки, бирор бир иддао ила дунёнинг осудалигига путур етказмаса, бири курганини иккинчиси вайрон этмаса, мағлуби ғолибини енгиб, ғолиби мағлубини янчиб турмаса, гўёки кўнгли тўлмайди, ишлари олдинга жилмайди! Хуллас, дунё ҳақида яратилган “миф” ҳали-ҳамон мустақил ва эркин фикр йўлини тўсиб, одамларни ижтимоий-сиёсий фаоллашувдан узоқлаштириб келади. Шунинг учун кўп ёзувчи ва шоирларнинг асарларини ўқиганда, дунёга қарши бош кўтариш — мағлублик, иродасизлик; бу — эл-улусни ҳақиқатдан чалғитиш, турли хийлаларга кўниктириш, кўрқув ва ожизликдан манфаатдор ҳасратзада бир ҳолга солишдир деган фикрга ҳам келасиз.

Ахир, дунё ғаниматини англаш, уни қадрлаш учун ҳам энг аввало ҳур ақл, билим, шижоат ва мurosасиз нигоҳ зарур. Динга суянмасдан, руҳоният гўзалликларини мушоҳада этмасдан туриб бунга эришиб бўлмайди. Шу маънода, диний-илохий маслак дахлсизлиги, холислиги ва фаоллиги ниҳоятда муҳим.

Тарихий хатолар асосида мозийни айблашдан фойда чиқмайди. Бедодликларнинг такрорланмаслиги учун улардан фақат сабоқ олиш мумкин. Гап шундаки, жаҳолат ва ёвузлик унча-мунча тўсиқни писанд қилмайди. Ҳақиқат ва ҳақсизлик, адолат ва адолатсизлик, тўғрилиқ ва эгрилик, мардлик ва номардлик, жасорат ва кўрқоқлик орасидаги беомон кураш шунинг учун ҳам сўзда, китобда — бир бошқа, амалда, ҳаётда бутунлай ўзгача манзара касб этган. Шарқликлар орасида эрк, адолат, ҳақиқат, шижоат каби тушунчаларни реал тушунишдан кўра идеал тарзида талқин қилиш, эҳтимол, шу боисдан ҳам кучлироқдир. Ва ҳеч бир

жойда Шарқдаги сингари энг зарур ва биринчи даражали масалалар четга сурилиб, аҳамияти паст, гоҳида умуман кераксиз нарсалар тўғрисида баҳсу мунозаралар юритилмаган. Қашшоқлик билан қулликни Шарқ мустабидлиги ҳеч вақт бир-биридан ажратмаган. Моддий йўқсиллик ва қашшоқлик исканжасида авом ўзини ҳамиша ожиз, ҳимоясиз ҳис қилади. Қайси ёндан уни суяманг ва “Ўзингга ишон!” дея қанча жон куйдирманг, у барибир тобелиги, қуллигига ёпишиб олади. Нажот олампаҳоқларга садокатда, мўминликда деб билишни намоён этаверади. Бу ҳолни айблаш қийин, албатта. Айбламаслик эса ундан-да душвор. Дарвоқе, онги, идроки тубан одамни нимага аяш керак? Қаранг, бунга тескари савол ҳам туғилади: инсонни шу аҳволга гирифтор қилган шароит ва ижтимоий муҳитни нега қораламаслик керак?

XIX асрларга келиб айнан шундай саволларнинг туғилиши ва дадил, ҳаққоний жавоблар берилга бошлангани Шарқ халқлари ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги энг ижобий ҳодисалардан эди. Энди динга муносабат, дин масаласида фикрлаш ҳам олдинги даврлардагидан бирмунча фарқланарди. Абдурауф Фитратнинг машҳур асаридан мисол келтирсак.

Бир фаранги билан бухоролик мударрис Ҳиндистонда учрашиб, жадид мактаблари хусусида мунозара қилади. Фаранги мактаб, маориф масалаларини нечоғлиқ пухта билса, исломшуносликда ҳам мударрис жанобларидан кўп илгарилаб кетганини ҳар бир сўзи, эътироз ва танқидларида кўрсатиб боради. Шўринг курғур мударриснинг фикрлаш савияси шунчалик пачоққи, юрти ва юртдошлари аҳволи нари турсин, ўзининг ҳоли қандай, маънан қайси сўқмоқларда туртиниб-суртиниб юрибди — билмайди. Унинг латтачайнарлиги ва калтабинлигидан тоқати тоқ бўлган фаранги ахийри фожианинг илдизини очадиган асосий гапни айтади: “...Ай ғафлатзодалар! Тоқайгача тажоҳул? Қачонгача худписандлик? Исломни ғариб кунга солдингиз, исломни кимсасизлик ҳолига келтириб қўйдингиз... Етар танбаллик,

етар худписандлик, етар ваҳшийлик! Бир оз мулоҳаза юритиб қаранг, сизнинг вуждингиздан исломнинг латиф пайкорига нима зарбалар етмаган!.. Ислонинг иззати, шукуҳи, давлати ва шавкати бор эди. Ислон қудратли ва забардаст эди... Ай мусулмонлиқ ҳақиқатидан беҳабарлар, исломнинг қувваи ғайбиясига ким барҳам берганини ўйлаганмисиз?.. Ислон маданияти қани? Илмга нима бўлди? Жасур ҳимоячилари қайга кетдилар? Уларнинг баҳодир тарафкашларига нима бўлдики, ислом тарафдорлигини тамоман тарк этдилар? Иззат ва шарафини ким ғасб этди? Давлат ва шавкатини ким яқсон қилди?"

Туркистоннинг фидойи фарзандлари дилига найзадай санчиладиган бундай саволларга мардона жавоб берадиган зот, таассуфки, кам эди. Зеро, ислом "қувваи ғайбияси"дан илҳомланиб, унинг шукуҳи, давлати ва шавкатини муҳофаз қиладиганлар сафи аллақачон сийрақлашган, ислом маърифати ва маданиятини ҳаётга жорий этишга имконият қолмаган эди. Ўша фаранги айтмоқчи, мусулмонлар жамоаси Қуръон ва ҳадис маъноларидан жуда йироқлашиб кетган, худпараст, ғофил уламолар эса "дигоним-дигон..." деб ҳукм юритар, ўзгараётган дунё қаршида ислом ўзининг буюк бирлик қудратини тўлиқ намоён этишга қодир эмас эди. Бундай вазиятда диний бошбошдоқлик, ақидапарастлик, фанатизмнинг авж олиши ҳам, динга танқидий назарнинг кучайиши, ҳатто дин ислоҳига оид талабларнинг қалқиб чиқиши ҳам табиийдир.

Маълумки, протестантизм атамаси "протест" — норозилик сўзидан келиб чиққан бўлиб, Оврупода амалга оширилган диний ислоҳот маъносини билдиради. Худди Кавказдагидек, Ҳиндистон ва Туркистонда ҳам протестантчилик кайфияти мавжуд эди.

Фитратнинг "Ҳинд сайёҳи баёноти"-даги мана бу жумлаларни кўздан кечирайлик: "Биз яшаб турган бу дунё жуда қадим ва кўбни кўрган. Масалан, бугун бизни ўз ихтиролари билан, янги-янги хунарлари билан ҳайратда қолдираётган Оврупонинг аҳволи ўрта асрларнинг бош-

ларида ҳозирги аҳволимиздан ҳам бешбаттар эди. Аҳоли жоҳил ва мазлум, ҳоким ва руҳонийлари эса фожир ва зolim эди. Руҳонийлари жуда кўб ерга эга бўлишиб, ҳар бирларининг ўз байроқлари бор, боз устига, пул ҳам зарб этар эдилар. Айримларининг мулклари эса бутун бир вилоят ерларича келарди..."

Ҳинд сайёҳининг айтишича, руҳонийлар ҳукумат ишларига ҳам бемалол арашган. Бирор бир ҳоким ёки подшоҳ уларнинг гапларини икки қила олмаган. Бироқ бундай очкўзлик, ҳарислик, ғайриинсоний ҳаракат узоққа чўзилмаган. Протестантлик мазҳабига мансуб гуруҳлар ўшандай руҳонийларга қарши курашга бел боғлаган. Бу ҳолнинг давомири Фитрат қуйидагича баён этади: "Протестантлар Инжилни оддий халқ тилига таржима қилганлар, авом халқни илмга даъват этганлар. Улар Инжилга қарши ҳар хил гап ва ишни қоралаганлар. Айттар эканларки, агар бизнинг уламомиз ҳазрат Масиҳнинг ноиблари бўлсалар, нега бунчалик молк-мулк тўплаганлар? Ҳақиқий уламолар ва ҳазрати Масиҳнинг ноиблари пулга бунчалар ўч бўлмасликлари, бир қултум сув ва бир бурда нонга қаноат қилишлари лозим эди. Наҳотки, бизни таркидунёчиликка даъват қилгон кимсалар назру ниёзимиз ва тавбаларимиз эвазига мол-мулкимизга эгалик қилсалар!"

Худди шундай гапларни мусулмон руҳонийлари, нафсга тобе тасаввуф шайхлари ҳақида ҳам айтиш мумкин эди. Чунки уларнинг асл нияти ва мунофиқлиги насроний попларниқидан унча фарқ қилмасди. Протестантлар тоифаси эришган ютуқларни адиб мусулмонларга гўё ибрат қилиб кўрсатади: "Протестантлар жамоаси жуда қисқа вақт ичида катта зафарларга эришиб, ўз ташаббусларининг самарасини кўра бошлаганлар. Оврупонинг айрим ўринларида қарши мазҳаб устидан ғолиб келганлар. Бу жамоа музаффарлигининг бош омили — улар ўзларининг ният ва мақсадларини халққа жуда содда, аниқ тил билан тушунтирганлар. Агар зарурат туғилмаса, поплар билан мунозарага тушмас эдилар. Бироқ ҳамма жойда ва ҳар

бир бобда уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб берган эдилар”.

Муайян бир мавзу ва мақсадни халққа содда ва аниқ тилда етказиш, бўлар-бўлмасга мунозарага киришмаслик, хусусан, дин арбобларининг хато-камчиликларини рўй-рост айтишга рағбат — бу каби фазилатлар ислом равнақи учун ҳам жуда зарур эди. Лекин хонлик, амирлик тузумига бунинг сира кераги йўқ эди. Пайгамбаримиз томонидан умматига улуғ умид ила топширилган исломни олдинда янги синовлар кутмоқда эди. “Ислом бизнинг динимиздир, ислом бизнинг шарафимиз, ислом бизнинг саодатимиздир...” дегувчиларга қатъиян эркинлик бермайдиган зўравонлик замони яқинлашаётган эди. Бу замонда не-не қонли, қайғули ҳодисалар рўй бериши, бутун бошли халқларнинг ахлоқий, маънавий қиёфаси қанчалик ўзгаришини ҳатто шайтон ҳам тасаввур этолмасди! Мусулмонлар орасида Октябрь тўнтаришидан сўнг бошланган парокандалик, диндан юз буриш ҳолатлари ҳатто шайтоннинг ҳам ақлини шоширган бўлса ажаб эмас! Абдурауф Фитрат “Шайтоннинг Тангрига исёни” драмасида буни таъсирли ва ибратли тарзда тасвирлашга эришган.

V

Дамашқда жаҳонгир Амир Темур билан учрашиб, суҳбатлашган ва мажлисларида катнашган машҳур муаррих, жамиятшунос, фақиҳ Ибн Халдун (1332—1406), ҳақиқий диндор бир мусулмон бўлгани ҳолда, динни давлатдан ажратиш тарафдори эди. У “ижтимоий ҳаёт дин ила баробардир ва шариатсиз сиёсат бўлмайди” деган ақидадаги кимсаларнинг фикрини рад этган. Шунингдек, у “салтанат” билан “халифалик” алоҳида-алоҳида муассаса бўлиб, уларнинг вазифалари ҳам бошқа-бошқалигини атрофлича асослаб берган. Тўғри ва холис нуқтаи назар аслида мана шу эди. Шўро давлати эса бу борада ниҳоятда “илгарилар” кетди: у динни жамиятдан сиқиб чиқариш, салтанатни диндан тамоман “озод” этмоқ учун жангга киришди. Бу — муқаддас китоблар, пайгамбарлар, ило-

ҳий ишонч-эътиқод ва охир-оқибатида Оллоҳга қарши эълон қилинган мафкуравий муҳораба эди. Энди даҳрийлик шараф ва омад гарови саналарди. Динсизликни оқлаш ва тармоқ ёздириш учун оломнинг қонини қизитиб, қаҳрини кўзгайдиган ғалати-ғалати уйдирмалар тўқиларди. Ўзбекистонда ҳам “Худосизлар” деган номда журнал нашр этила бошлади. Албатта, бундай журналнинг чиқиши ҳам, омма орасида тарқалиши ва қизиқиб ўқиши ҳам мафкуравий янги-янаши, яъни жаҳолат ва қолюқликдан маърифатга, қуллик ва тубанликдан ҳурликка томон одимлаш деб ҳисобланган. Динсизлик туйғуси ва маслағи инсон зотига ҳеч бир наф, ҳеч қандай шараф келтирмаслигини яхши англаган ижодкорларнинг асарлари ҳам, ажабки, ана шу журналда босилган. Фитратнинг диний мавзудаги бир қатор ҳикоялари илк бора ушбу журналда чоп этилган.

Умуман, диний-ахлоқий мавзулар Фитрат домланинг кўнглига яқин бўлган. Негаки, у исломдан бошқа динлардан, диний-фалсафий таълимотлардан ҳам етарли даражада бабардор эди. Фитратнинг динга муносабати ва диний мавзудаги асарлари талқинида даставвал ана шуни эътиборга олиш лозимдир. Чунки Фитрат ҳеч бир асаридида пролетар сиёсати белгилаб берган ва талаб қилган атеизмни тарғибу ташвиқ этмаганидек, рухониятсиз жамиятда соғлом ахлоқ, меҳр-шафқат, ижтимоий ҳамжиҳатлик барқарор бўлишига ҳам ишонмаган. Л.Толстойнинг фикрича, озодлик дегани, энг аввало, онгнинг ёришиши, “шахснинг хомхаёл, алданиш ва адашишлардан” халос бўлишидир. Бировлар бунинг учун динга, бошқа бировлар эса илм-фанга таяниш зарур деб ҳисоблаган. Мунозара-муноқашалар бошланган. Ўзаро тўқнашув, рақобат кучайган. XV аср попларидан Павел Иккинчи “Дин фанни йўқотиши керак, чунки фан диннинг душманидир”, деб даъво қилган. Дин — фаннинг душмани, деган фикрлар ҳам кўп айтилган. Табиийки, ҳар иккала нуқтаи назар ҳам тўғри эмас. “Шахс” ва “озодлик” тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, фақат илм-фаннинг ўзи одамни

озод этолмайди. Рус адиби Д. Мережковский ёзганидек: “Илмда эркинлик йўқдир. Чунки зарурат талаби, детерминизм илмий тафаккурнинг асосий қоида-си саналади. Мана, нима учун фанни “шахсият” қизиқтирмайди! Мана, нима учун у фақат “дахлсиз”, “махсус”, аммо шахсиятсиз “жинслар” ва “турлар”ни тадқиқ этишга маҳкум! “Шахсият” тушунчаси эса, худди “озодлик” тушунчаси сингари, илмий эмас, илоҳийдир”.

Аксарият дин аҳли буни билмайди. Илм вакиллари эса билишни ҳам хоҳламайди. Ҳолбуки, бундай яқравлик шахснинг емирилиши, майда шахсларнинг урчиб кетишига йўл очади. Яъни бир маҳдудлик, турғунлик, тобелик ҳолати моҳият эътибори билан иккинчидан кескин фарқланмайди. Қиёфасизлик, майдалик, малайлик тамойили ўзгармасдан қолаверади.

Бу борада мавлоно Муқимий ҳақ:

*Илм ўкуғони билан ҳар ким мусулмон
бўлдиму?
Моумон айлаб фаришта ғайри шайтон
бўлдиму?*

Фитрат “Раҳбари нажот” рисоласида мамлакатда икки гуруҳ бахтсиз кимсалар борлиги ва улар алоҳида танқиду танбеҳга лойиқлигини айтади. “Биринчи гуруҳ — ҳаётларининг мақсади деб еб-ичишни биладилар, улар бир луқма таом ва ётадиган жой учун инсоний вазибаларини эсларидан чиқарадилар, бирор бир иш ҳақида ўйламайдилар”. Бу гуруҳга мансуб кишилар ҳар вақт, ҳар қандай жамиятда бўлган ва ҳаётга доимо “қорин кўзи” ила қараган. Ҳар қандай юртдаги очофатлик, нотавонлик ва ҳайвоний ҳирсларнинг илҳомчиси шундай каслардир.

Иккинчи гуруҳ эса булардан ҳам хавфли. Улар “шундай жамоаки, ҳаёт ғоясини фақат охират саодати деб биладилар, бу дунё саодатига эришиш учун ҳаракат қилмайдилар, балки бу дунё саодатини кофирларга хос деб биладилар, бошқача айтганда, дунёни кофирлар жаннатию мусулмонлар дўзахи деб англайдилар”. Ислом номига доғ туширган ҳам, Куръон

ва ҳадис талабларига тескари сўзлари билан авом онгини заҳарлаган ҳам шулар. Фитрат ва унинг мақладошларини бадном қилганлар шу тоифадагилардир. Ўтган аср бошларидаги шундай ҳодисаларни эслаб Садриддин Айний ёзади: “Дин аҳлларининг ўрни катта бўлгани туфайли бу вазиятда улар устун келиб, ёш фикрлиларни ақл-хуши жойида бўлган одамнинг ақли бовар қилмайдиган ғийбатлар, тухматлар билан кўмиб ташладилар”. Шу тахлит Бухоронинг яна бир истеъдодли, фидойи фарзанди — Фитрат номига “кофир” тамғаси босилади.

“Баъзи “ҳақиқатшунос”лар, — деб ёзади Фитрат, — мени кофир ҳисоблайдилар, баъзи соддалар эса девона дейдилар. Мен бу бўҳтон, бемағз гапларга парво қилмайман, зеро бу халқ хизмати йўлида қилаётган ҳаракатларим мадҳу сано, ҳурмат-эҳтиром, салла-чопон, давлату бойлик, эътибор учун эмас. Балки менинг мақсадим ягона бир нарсаки, мен уни бу дунёдаги барча нарсдан азиз ва муқаддас биламан. У нарса инсоният олдига турган вазифам, бошқача ибора билан айтганда, Оллоҳ розилигидир”.

Бир замонлар Бухоро уламолари Ибн Синони, жоҳил мударрислар Аҳмад Донишни “кофир” дея бонг урганда бу зотлар ҳам худди шундай фикр-қаноат, шундай шижоат ила фаолиятда давом этган. Аммо Фитратнинг йўлида ғов бўлган жаҳолат — хурофотдан, хурофот — ғам-ғуссадан ҳайбатлироқ эди. Унинг “Миррих юлдузига” деган шеъри бор. Ўзбек адабиётида яна қайси шоир айнан шундай шеър ёзган — тўғриси, мен билмайман. Уни санъат намунаси сифатида таърифламоқчи эмасман. Назм тилида ифодаланган даҳшатли бу тарихга бовар қилиш қийинлигини таъкидламоқчиман, холос. Мана, ўша шеърнинг бир парчаси:

*Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар?
Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?
Борми сенда ўксук йўқсулнинг қонин —
Гурунглашиб, чоғир каби ичконлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчиғин тўлдирғали бузғонлар?*

*Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатғувчи хоқонлар?
Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида
Элин, юртин, борин-йўгин сотқонлар?*

Мана, сизга бир тарих! Қайғули ва уятли тарих! Бу ачиқ ҳақиқатдан қайга қочасиз? Қандай қилиб кўз юмасиз ундан? Бу — олис мозий эмас, ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаги фожиали манзара. “Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар” ҳам, қондош ва қардошнинг қонини ичиб, этини қоплон янглиғ ғажиб еганлар ҳам, йўқсил ва мазлумлар бошига балою офат ёғдирганлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси бир юрт, бир миллат фарзандлари. “Ўз қопчигин” тўлдириб, чет ўлкаларнинг бойликларини таламоқ учун “бутун дунё тузугин” бузиб, зафар кучганлар эса бошқалар эди. “Қорин-қурсоқ йўлида” элни, динни, эрkini сотишга ана ўша ёвуз кучлар мажбур қилган.

Тарихимиз — фахрланишга арзирли тарих! Бу тарих, гарчи унда ғам-ғусса ва ҳасрат, турғунлик, қашшоқлик ва зулму зўравонликлар ҳам етарли бўлса-да, бизнинг суюнч тоғимиз, хотира мулкимиз, қудратли ибрат мактабимиздир. Ахир, тарихни билиш, тарихдан сабоқ олиш одамни фақат қувнатмайди, кўнгилни доимо фараҳлантирмайди — гоҳида кўзни ёшга, дилни қонга тўлдиради. Баъзан азоб эзса, баъзан уят туйғуси кийнайди.

Ўзининг заифлиги, ожизлигини енга олмаган одам қандай қилиб жасоратли бўлсин? Курашиш шарт ва зарур бўлганда ҳам у — курашмайди, хавф-хатар майдонига отилиб чиқолмайди. Аксинча, ўша заифлиги ва нотавонлигига маҳкамроқ ёпишиб олади. Бу ўзни четга тортиш, курашдан чекинишнинг беҳад қабиҳ кўринишидир.

Маълумки, 1920 йили қизил армия Бухорога ҳужум бошлаган. Ўша вақтда ҳамма нарса, жумладан, дин ҳам хавф-хатар остида қолади. Зулм ўчоғи, ҳақсизлик кўргони бўлган амирликнинг умри адоғига етай деб турган эди. Қорни оч, ҳоли хароб халқ нимага ишониб, кимдан нажот тилашни билмайди. Шундай вазиятда ким миллатга қайишиши, юрт тақдири учун кимлар қайғуриши керак?

Дориломон замонларда диннинг шону шавкати учун жон беришга чорлайдиган сўзамол мулла, иззатталаб эшон, ҳақни ботилдан ажратадиган қозию имомлар ёвдан қочиб, ўзини пана-пасқамга тортса, ширин жонини деб энг муқаддас мулкани ҳам сотса — хиёнат эмасми? Бундан зиёд сотқинлик ё хоинлик бўладими?! Афсуски!..

Заки Валидий Тўғоннинг эътирофи-ча, XX асрга келиб Туркистонда дин ва диний муассасалар қуввати ва нуфузини бутунлай бой бериб бўлган эди. Шу боисдан ҳам инқилоб даврида халқнинг бошига ёпирилган фалокатларни тўхта-тишда мулла, охун ва эшонлар арзирли ҳеч ишга уриниб ҳам кўрмаган. “Улар ўзларини панага тортдилар. Уламо ва қозилар қадимдан шаҳар аҳолиси бўлиб, тужжор табақаси ҳисобига яшагани учун уларнинг инқирози ила бутун қийматларидан ажрадилар”, дейди олим. Беш-ўн йил аввал ҳам чор маъмурларига бир қадар таҳликали кўринган уламо ўз-ўзидан чириб тугаган эди. Илгарилари мадрасаларни яшнатган қозилик, муфтилик таҳсиллари эса тўхтатилган. Бироқ Туркистонда советларга қуролли қаршилик кўрсатиш ҳаракати кучайгандан сўнг — 1922 йилда шўро ҳукумати ўзига қарши курашаётганларга таъсир ўтказиш мақсадида “халқ қозилари”, “халқ бийлари” дея эски “шариат” ва “қонун” маҳкамаларини муваққат тарзда қайта оёққа кўяди. Кўп ўтмасдан айрим мадрасалар фаолиятига рухсат ҳам берилади. Уламо уюшмалари ташкил этилиб, уларга шўрога қарши курашга бошчилик қилаётганларни ислом душмани деб эълон этиш, оммани шу бўҳтонга ишонтириш вазифаси топширилади. Аммо бундан “пичоққа илинадиган” бир натижа чиқмаган. Ўзингиз ўйланг, Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий “дунё маним деганлар, оқни қаро қилганлар” хусусида сўзлаганда, ҳарчанд уринилмасин, ёлгон — ҳақиқатга, ҳақиқат — ёлгонга эврилмаслигини таъкид этмаганмиди? Лекин яна ёлгон, яна мунофиқлик голиб келди. Кечагина “Худо, Худо! Худо бор!” дегувчиларнинг садолари тиниб, энди уларнинг “Худо йўқ! Йўқ Худо!” деган овозлари янграй

бошлаган эди. Инсоннинг худодликка даъвогар чиққанини шайтон билди. Аммо шу даражада тубанликка боришини-чи?..

“Кейинги вақтларда, — дейди Заки Валидий, — Бухорони кўрганлар исломиятнинг марказларидан ҳисобланган бу шаҳарда динсизлик, динга қарши курашиш бошқа шаҳарлардан илгарилаб кетганига сира шубҳаланмасди”.

Абдурауф Фитрат ана шу қадим шаҳарнинг фарзанди эди. Дин, маънаб иҳтилофлари боис Бухоро ўтмишда не-не тўс-тўполон, не-не ғам-ғуссаларни кўрганини у яхши биларди. Лекин кўз ўнгида, ўзи гувоҳлигида кечаётган воқеа-ҳодисаларни ана шундай мутафаккир зот ҳам ақлига сиғдирилмасди. Масжидлар бўшаб қолган, диндор диндордан қочар, қандайдир парокандалик, ўзаро ишончсизлик руҳи ҳукм сура бошлаган эди. Ирода ва иҳтиёр гўё кўрқувнинг кўлига ўтган эди.

Чор босқинчилари сафида Ўрта Осиёга келиб, 1868 йили Самарқанд урушида қатнашган рус зобити ва руссоми В.Верещагин ўз хотираларида ғалати бир воқеани ҳикоя қилади. Унинг ёзишича, Самарқандга улар билан бирга савдо-сотиқ учун келган рус савдогарлари маҳаллий халқ билан бўлган жангларда қаттиқ кўрқиб, қалтираб қолган экан. “Улар шунчалик кўрқоқ эдики, — дейди у, — отишма бошланиши биланоқ шам ёқиб, икона ёнига тиз чўкиб олишар ва Худога илтижо қилишдан бошқасига ярамасди. Ўқлар ёғилиб эшикларни тешиб ўтган пайтда улар хонанинг бошқа бурчагига чор-ночор сурилишар, кичик калибрили замбарак ўқлари том устида ёрилганда, учинчи жойга ўтиб ибодат қилишда давом этишарди”.

Бухоролик “руҳоний” тужжорларнинг аҳволи бундан беҳроқ эди деб бўлмасди. Шўро ҳарбийлари замбарагу милтиқлардан шаҳарни ўққа тутиб, уоқларда кўкдан бало ёғдирганда улар бурчак-бурчакка биқиниб Тангрига ёлворган. Мукка тушиб тоат-ибодат этган. Бор-йўқ “шижоати, матонати ва фидойилиги” шундан иборат бўлган. Туркистоннинг бошқа шаҳарларидаги тужжорларнинг ҳоли ҳам шундан қолишмасди. Улар ҳам дин ёки миллат эмас, мол-дунё қайғусида эди.

Рости гап, бундай журъатсизлик, омилик, тубанликлар шайтонни исёнга чорлаши табиий эди. Янги замон энг аввал амирлик ва шариат вакиллари четга иргитиб ташлади. Уларда дин нари турсин, ҳатто ўзини ҳимоя қилишга ҳам кучқувват йўқ эди. Фитрат “Шайтоннинг Тангрига исёни” драмасида дин аҳлининг ана шу ҳолати ва фожиасини кўрсатган. Бу — динни юзаки англаш ва саёзлик фожиаси эди.

Шу маънода Шайтоннинг куйидаги сўзлари малакларгагина қаратилмаган:

*“Субҳон, субҳон” — сайрамоқдир ишлари,
Бир турлидир баҳорлари, қишлари.
Кўкармайлар, очилмайлар, унмайлар,
Юксалмайлар, яратмайлар, ўлмайлар...*

Бу сўзларда инсоннинг ҳаётидаги турғунликни, ўзининг тирик мурдалигини сезмай, умрини елга совуриш фожиасига алоҳида ургу берилган. Ўзини ўзи тубанлик, хўрлик, онгсизлик ва кўрликка маҳкум этиш билан Шайтон сира-сира келишолмайди:

*Нечун эмиш бу тубанлик, бу хўрлик,
Бу ожизлик, бу жонсизлик, бу кўрлик?!*

“Тушунмайин, ўйламайин топинмоққа” у қарши чиқади. Дарҳақиқат, одам ўзини билмаса, ё тафаккур, ё маърифат, ё дарду изтироб нурида ўзлигини танимаса, албатта, у кўкармасдан қурийдди. Умуман, ўзининг инсонлик зақоси ва шарафини кучли ақл, мустақил фикр ва жасорат билан намоён этишга лаёқатсиз кишининг диндан лоф уриши гумроҳликдир.

*Ҳеч кимсага қилманг сажда, бош эгманг,
Ўзингизда бор шарафдан қўл чекманг...*

Бу фикр теран ва ибратлидир. Мутасаввифларнинг далилларига кўра, шайтон энг тўғри ва содиқ кишилардангина кўрқар экан. У бошқа одамлар, ҳаттоки машойих, қози-имом, шоир ва олимлар билан ҳам бемалол чиқишармиш. Бўлиши мумкин. Ахир, орада нафс бор. Нафсни поклаш эса осон эмас, беҳад оғир юмуш. Бундай маънавий зафарга

камдан-кам киши эриша олади. Ривоят этилишича, Жунайд Бағдодий тушида шайтонни ялангоч ҳолда кўриб, “Одамлардан уялмайсанми?” деса, шайтон “Шу кимсаларданми? Булар уятга арзирли инсон эмас...” деган экан.

Бир замонлар шайтон инсондан уялмаган бўлса, бора-бора инсон ҳам шайтондан уялмай кўйган. Бир замонлар шайтонни қаттол душман деб билган инсон бугун амалда уни бир чақага ҳам олмайди. Чунки у ўзининг даҳшатли қилмишлари, ҳийлаю найранглари билан шайтонни ҳам мот қилди. Шу маънода, кимки шайтон йиғлаётир деса, кимки шайтон исёнидан баҳс юритган бўлса, бунга ҳам иштибоҳ қилмас бўлади. Зеро, дунёдан воз кечиб, Ҳақ йўлини танлаганда ҳам инсон шайтондан йироқламаслиги мумкин. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” аса-рида бунинг рамзий-мажозий тасвири-ни яратган.

Достондаги қушлардан бири ўзича шайтон таъқибига учраб, азият чеккандай бўлаверади. Ва қушларнинг доною донишманди Худҳудга бундай арзи ҳол айлайди:

*Деди бир сойилки: “Иблиси лаъин
Қасдим айлар, зоҳир айлаб макру кин.*

*Ўз ҳузуримга мени қўймас даме,
Келтурур кўнглумга ҳар дам оламе.*

*Бошима ҳар лаҳза солур бир хаёл
Ким, эмас ондин қутулмоқ эҳтимол...*

Яна ўша муаммо: ким айбдор — Шайтони лаъин айбдор! Ундан нолиса, уни таҳқирласа, ҳузур ва хотиржамликка эришиш гўёки нақддай туюлади. Ҳолбуки, бу — ёлгон тасаввур. Токи нафс жиловланмаса, нафс тийилмаса, инсонда тиниш-тинчиш бўлмайди. Худҳуд буни шунчалик мукамал англайдик, ҳалиги қушнинг эътиборини шайтонга эмас, балки нафсига қаратади. “Токи сен нафсингга яқин ва тобе экансан, иблисни унга хуфия шогирд биллавер”, дейди. Зеро, кўнгилдаги ғурур ҳам, ботиндаги футур — заифлик, чиркинлик ва хароблик ҳам нафсандир:

*Ким они шайтон кўриб ҳайрон қолур,
Водийи ҳайратда саргардон қолур.
Қайси ишдинким етар нафсингга ком,
Топар ондин комини шайтон мудом.*

*Нафс ҳукми бирлаким қилсанг ҳар иш,
Иржаюр ул комдин шайтонга тиш.*

Демак, шайтоннинг қуроли — нафс, қалқони — нафс, майдони — нафси амора. Шайтон нафсни вакил айламаса, унга суянмаса, қўлидан ҳеч иш келмайди:

*Ҳар не ул қилмоқ керак, нафсинг қилур,
Ҳар неким шайтон билур, ул ҳам билур.*

Бу фикрнинг исботи учун Навоий бир ҳикоят келтиради. Унда нақл қилинишича, “ўз сулуку тоатидин ноумид” бир мурид машхур шайх Абулҳасан Ҳарақоний ҳузурига келиб, иблисинг ҳийла-найранги, “ҳар ишда раҳзанлик” қилаётганидан нолийди. Шайх шунда нима дейди денг? Шайтон сенга эмас, сен унга жабру ситам ўтказаётирсан, дейди:

*Онда ҳам сендин шикоятлардурур,
Жабру зулмингдин ривоятлардурур...*

Ўша шикоятларни шайх бирма-бир муридига етказиб, сен туфайли шайтон менга “раҳмат” ёдирди, дейди. Албатта, мурид эътироз билдиради:

*Деди: “Шайтон айламиш тухмат манга,
Ул берур ҳар лаҳвга рағбат манга”.*

Шайтонга тухмат қилган кимса, шайтон билан тортишиб-талашмайди дейсизми? Буни англаган шайх “Кечираётган ҳаётинг ва ҳолингга балли!” дея муридга танбеҳ беради. “Арода ҳукм эткучи” бўлишни зиммасига олиб дейди:

*Ҳам санга юз қатла шайтондин уёт,
Ҳам анга сен шуму нодондин уёт.*

Шайтон ва инсон муносабати борасидаги асосий гап мана шу! Инсон ҳаётда ҳамиша шайтон билан ёнма-ён яшаётганини унутмаслиги керак.

Чори НАСРИДДИНОВ

1859 йилнинг 24 ноябрида Лондоннинг китоб дўконларида “Табиий танланиш орқали турларнинг келиб чиқиши ҳақида” деб номланган кўк муқовали китоб пайдо бўлади. Гарчи ношир бу асарни “сафсата” деб атаган бўлса-да, унинг корхонасига молиявий наф келтиришига ишонади. Нашриёт эгаси ҳақ бўлиб чиқади: ўша давр учун катта миқдор — 1250 нусхадаги китоб бир куннинг ўзидаёқ сотиб бўлинди. Бу ҳақда асар муаллифи камтарлик билан куйидагиларни ёзган эди: “Шубҳасиз, одамларни уялмай-нетмай алдашди. Ахир, ҳамма харидорлар унингил ва мароқ билан ўқиладиган асар деган хаёлга борди!” Бироқ ҳал қилувчи қадам қўйилди — дарвинизм ўзининг голибона юришини бошлади. Аслида эволюция ғояси Ч.Дарвинга тегишли эмас. Бу назарияни унганча Ж.Ламарк яратган эди. Табиий танланиш натижасида наслнинг ўзгариб бориши Дарвиндан минг йиллар аввал кашф этилган. Дарвин эса “биологик олам манзарасини” яхлит бир нуқтаи назар сифатида яратди. У ирсият, ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш ва табиий танланиш эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучи эканини эътироф этади.

Дарвиннинг шахси ва таълимоти ҳақида батафсил сўз юритишнинг ҳожати йўқ, бу тўғридаги маълумотлар ҳар бир мактаб ўқувчисига яхши маълум. Қола-

верса, Дарвиннинг ҳаёт фаолияти ҳақида ҳикоя қиладиган асарлар ҳам кўп. Уларнинг орасида инглиз ёзувчиси Ирвинг Стоуннинг “Ҳаётнинг пайдо бўлиши” роман-биографияси айниқса машҳур.

Дарвин таълимотига кўра, ер юзидаги дастлабки тирик мавжудотлар жонсиз материядан пайдо бўлган, сўнгра улар ривожланиб ва кўпайиб, ҳозирги ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами, кейинроқ эса инсон пайдо бўлади. Шунинг учун Дарвин ғоялари эволюцион назария деб аталади. Дарвинизм борлиқнинг, жумладан, тирикликнинг ҳам Худо томонидан яратилгани ҳақидаги таълимот — креацианизмга муқобил дунёқараш сифатида шаклланади ва улар ўртасидаги баҳс-мунозаралар ҳануз давом этмоқда. Эволюцион таълимот тарафдорларининг назарида дарвинизм ҳаётда тўлиқ ўз тасдиғини топган ҳақиқат ва реалликдир. Табиий, диний қарашлар бундай ёндашувни инкор этади.

Биология ва бошқа соҳа олимлари орасида нафақат эволюция сабаблари, балки мазкур жараённинг ўзига нисбатан ҳам турлича қарашлар мавжуд. Бунга эса мазкур жараённинг содир бўлганини асослаш учун келтириляётган да-

**BIZ BILGAN
VA
BILMAGAN
DARVINIZM**

лил-исботларнинг қониқарсизлиги сабаб бўлмоқда. Агар дарвинизм илм-фан оламида биологиянинг энг улуг кашфиёти сифатида шуҳрат қозонганини эътиборга оладиган бўлсак, у ўн тўққизинчи юз-йилликдаёқ жиддий муаммоларга дуч келган эди. Ҳозирги даврга келиб эса бу муаммолар илм-фан ривожини натижасида яна ҳам чигаллашди.

АҚШнинг Чикаго шаҳрида бўлиб ўтган ва дунёнинг энг кўзга кўринган 150 нафар биолог олими иштирок этган халқаро конференция якунида қабул қилинган резолюциядан қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: “Эволюция назарияси охириги 50 йилда энг катта ўзгаришларни бошидан кечиряпти... Эволюция қандай кечгани ҳақидаги масала биологлар ўртасида қизгин тортишувларга сабаб бўлди... Бу тортишувларнинг ечими ҳалигача топилгани йўқ”. Таниқли палеонтолог Найлс Элдрижнинг фикрича, “ҳозир қанча биолог бўлса, эволюция назариясига бўлган муносабат ҳам шунча”. Дарвиннинг эволюция назарияси ҳақиқий илмий таълимот эмаслигини таъкидлаётган олимлар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Уларнинг аксарияти илм-фан соҳасининг таниқли намояндаларидир.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласида шуни айтиш мумкинки, ноорганик жинслардан тирик организмлар яратиш муаммоси ҳанузгача илмий ечимини топмасдан қолмоқда. Бироқ, бу эволюция назариясидаги ягона муаммо эмас. Келинг, кўз, қулоқ ва мия каби инсон танаси аъзоларини кўриб чиқайлик. Улар мураккаблиги билан бизни одамзод яратган энг мукамал механизмларга қараганда ҳам кўпроқ ҳайратлантиради. Эволюция муаммоларидан бири қуйидагича: инсондаги кўз, қулоқ ва тафаккур фаолият юритиши учун бу аъзоларнинг ҳамма қисми ўзаро таъсирда бўлиши зарур. Алоҳида олинган ҳар бир қисми тўлиқ ривожланмаган инсон аъзоси яроқсиз бўлади. Шундай экан, қандайдир тасодикий вазият, бир-биридан айри ҳолдаги қисмларни зарур дақиқада ўзаро бирлаштириб, улардан юксак даражада ривожланган аъзолар ярата оладиган манба — эволюциянинг ҳаракатлантирувчи

кучи бўла оладими? Бу муаммога эволюцион назария жавоб бера олмаслигини Дарвиннинг ўзи ҳам тушунади ва “шуни очиқ тан олиб айтаманки, кўз табиий танланиш натижасида пайдо бўлган, деган фараз гумроҳликдан бошқа нарса эмас”, деб таъкидлайди. Дарвинизм пайдо бўлганидан буён 140 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, бу муаммо ҳамон ечилмасдан қолмоқда. Шу йиллар ичида кўз ҳақидаги билимлар бир неча бор ортди. Маълум бўлишича, кўзнинг тузилиши Дарвин ўйлаганидан ҳам мураккаброқ экан. Дарвинизм соҳасида узок йиллар тадқиқот олиб борган рус олими А.Горбань эволюцион назарияни математик моделлаштириш муаммоларига бағишланган китобида “Эволюцион таълимот душманлари баҳс-мунозараларда “кўз қандай пайдо бўлган?” деган саволни беради, нима учундир кўз уларни кўпроқ қизиқтиради ва бошқа аъзоларга қараганда тез-тез эсланади” деб таъкидлайди. Муаллиф “бунга жавоб бериш мумкин” деса-да, нима учундир бу саволни жавобсиз қолдиради.

Таниқли астроном Роберт Ястров бу ҳақда тўхталиб, “Кўз Худо томонидан яратилган: биронта ҳам телескоп конструктори бундай механизмни яратишга қодир эмас” дейди. Кўз шундай бўлса, у ҳолда ондан ҳам мураккаб бўлган инсон мияси ҳақида нима дейиш мумкин? Агар оддий машина ҳам ўз-ўзидан ривожлана олмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, мураккаб тузилишга эга бўлган мияни фавқулудда ҳодисалар маҳсули дея оламизми? Ястров бу ҳақда “Инсон кўзининг эволюциясини тасодифан юз берган ҳодисалар маҳсули дейиш қийин. Инсон интеллектининг эволюцияси ажодларимиз мия хужайраларидаги тартибсиз ўзгаришлар ҳосиласи эканини тан олиш эса яна ҳам қийин



бўлади”, деб таъкидлайди. Нильс Бор эса “фаннинг ҳали охиригача аниқланмаган соҳасидан ниманидир далил-исбот сифатида келтириш — фанга нисбатан хоинлик” деб ҳисоблаган эди.

Олимлар қадимда яшаб ўтган жонли организмлар ҳаёти ҳақида маълумот беврувчи миллионлаб суяк ҳамда бошқа ашёларни топган. Агар эволюция ҳақиқатан ҳам содир бўлган бўлса, ушбу топилмалар асосида бир биологик тур вақт ўтиши билан бошқа бир турга айланганини ҳар томонлама исботлаш мумкин бўлар эди. Чикагодаги табиатшунослик музейининг наشري бўлмиш “Бюллетен” журналы бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Дарвин ўз назариясини ҳар доим антропология маълумотлари билан боғлаган ва кўпчилик назарида бундай топилмалар ер юзидаги ҳаёт тарихини дарвинча изоҳлашда асосий дастак бўла олади. Афсуски, бундай эмас: геологик топилмалардаги даврийлик аста-секин ривожланиб борадиган эволюция занжирини ҳосил қилмайди. Кейинги юз йилликда йиғилган археологик топилмалар эволюция ҳақида Дарвин замонидагидан ҳам камроқ маълумот беради. Бунга сабаб шуки, олимлар ихтиёрида бўлган ва қачонлардир эволюцияни асослаш учун хизмат қилган антропология ашёлар энди бундай вазифани бажара олмаяпти”.

Бу ҳолат олимларни янгича эволюция назарияларини илгари суришга ундади. Баъзи олимлар эволюцион ўзгаришлар Дарвин ўйлаганидан ҳам кўра жадалроқ кечганини тахмин қиляпти. Масалан, шундай назариялардан бирида ҳаёт ерда ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин эмас, деган ғоя илгари сурилади. Унга кўра, ҳаёт дастлаб космик фазода пайдо бўлиб, сўнгра ерга олиб келинган. Бу билан ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласи вақт жиҳатидан янада олисроқ замонга, анча ноқулай маконга кўчирилади. Бўш фазода ҳаёт ўта паст ҳарорат ва қуёш радиацияси каби хавф-хатарларга рўбарў келиши ҳаммага яхши маълум.

Дарвиннинг “энг кўп мослашган организмларнинг яшаб қолиши” ҳақидаги тасавурларида ҳам анча ўзгаришлар юз беради. У бу тамойилни “табиий танла-

ниш” деб атайди. Бошқача айтганда, у табиатнинг яшаш учун энг мос организмларни танлаб олишига ишонган. Гўёки “мослашганлар” уларга ёрдам берадиган қандайдир янги белгиларни ўзлаштиради ва шундай қилиб аста-секин эволюционлашиб боради. Табиатда мослашган индивидларнинг яшаб қолиш эҳтимоли ҳақиқатан ҳам анча юқори эканини кузатиш мумкин. Бироқ бу ҳолат уларнинг қандай пайдо бўлганига изоҳ бўлмайди. Айтайлик, бир шер бошқасига қараганда табиий муҳитга анча мослашган, аммо бу ҳолат негизида унинг қандай қилиб шер бўлиб қолганини тушунтириб бўлмайди. Чунки унинг аجدодлари ҳам шер бўлган, бошқа нарса эмас. Қандайдир алоҳида организмнинг бошқаларига қараганда ҳаётга кўпроқ мослашгани тўғри. Лекин, бу янги организмлар яратилиши учун асос бўлмайди. Бугун мана шундай саволларга жавоб беролмаётган дарвинизм, баъзи олимларнинг фикрича, инқироз ёқасида турибди.

Агар дарвинизм ҳақиқатан ҳам биологиянинг энг асосий ва кенг қамровли қонунияти бўлса, у қуйидаги саволларга жавоб бера олиши лозим: жонсиз кимёвий моддалар қандай қилиб жонланди; генетик кодлар асосида қандай тамойил ётади; генлар қандай қилиб организм тузилишини белгилаб беради? Эволюционистларнинг фикрича, дарвинизм қатъий илмий таълимот ҳисобланади. Уларнинг назарида, баҳсмунозаралар фақат баъзи бир жузъий масалалар бўйича юз беряпти. Агар биз юқорида кўриб чиққан муаммолар дарвинчилар айтаётган “жузъий масалалар” бўладиган бўлса, бунга ишониш қийин. Чарлз Дарвин назариясини илгари сурар экан, дастлаб Худо томонидан ҳаётнинг биргина ёки кўпи билан бир нечта шакли яратилган бўлиши мумкинлигини эътироф этгани ҳолда, Яратувчининг эволюция жараёнидаги иштирокини инкор этган эди.

Ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо бўлгани ҳақидаги ғоя Дарвиндан бир неча аср аввал вужудга келди. Бу назарияни XVII асрда Френсис Бекон ва Уильям Гарвей каби олимлар ҳам қўллаб-қувватлайди.

Бироқ XIX асрда Луи Пастер ҳаёт фақат мавжуд тирик организмлар орқали пайдо бўлишини тажриба йўли билан исботлаб, бу фикрни рад этади. Шундай бўлса-да, эволюционистлар наздида, қачонлардир ноорганик материядан бирданига энг майда ҳаёт шакллари пайдо бўлган. Ҳаётнинг энг дастлабки манбалари ҳақидаги замонавий эволюцион таълимотлардан бири Ричард Докинсининг “Худбин ген” китобида баён этилган. Бу назарияга кўра, ер дастлаб метан, аммиак, сув ва карбонат ангидрид газидан иборат атмосферага эга бўлган. Кўёш нури ва эҳтимол чақмоқ чақиши ёки вулқон отилиши таъсирида бу оддий кимёвий моддалар ўзаро реакцияга киришиб, аминокислоталар ҳосил бўлган. Бундай аминокислоталар аста-секин денгизларда йиғила бориб, оқсилсимон кимёвий бирикмалар шаклланган. Мана шу муҳитда тасодифан ўзини ўзи қайта ярата оладиган дастлабки молекула пайдо бўлган. Докинс бундай ҳодисанинг содир бўлиши эҳтимолдан жуда узоқ эканини тан олса-да, бироқ бошқача бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди. Бу истисно ҳодиса эмас. Чунки эволюцион назарияга бағишланган барча асарларда ҳам илмий фаразларга нисбатан шу сингари юзаки ёндашувларни кузатиш мумкин. Шунинг назарда тутиб, Кембриж университетининг зоология профессори Уильям Торп “Кейинги 10-15 йил оралиғида дастлабки ҳаёт нишонлари тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазалар ишончсиз ва ҳақиқатдан анча йироқ. Муаммо, авваллари бўлгани каби, ҳали-бери ҳал бўладиганга ўхшамайди”, деб таъкидлайди.

Сўнги вақтда, илм-фаннинг шиддат билан ривожланиши оқибатида, жонли ва жонсиз организмлар ўртасидаги жарлик фақат катталашмоқда. Бугунги кунга келиб энг қадимги бирҳужайрали организмлар ҳам ҳайратланарли даражада мураккаб экани маълум бўлди. Эволюцион таълимотнинг заиф нуқталаридан яна бири — тирикликнинг энг оддий ибтидосини топиш имкониятининг йўқлигидир. Ҳар ҳолда, микроскоп остида ҳам зўрға кўринадиган организмлар нега бун-

чалик мураккаб эканини илмий нуқтаи назардан шарҳлаб бериш қийинлашиб бормоқда. Танамиздаги юз триллион ҳужайранинг ҳар бири улкан шаҳарни эслатади: электрстанциялар — ҳужайра учун энергия фабрикалари зарур микродордаги оқсилларни ишлаб чиқаради; мураккаб транспорт тармоқлари орқали маҳсулотлар тегишли манзилларга етказилади; ҳужайранинг чегара ҳудудларидаги кўриқчилар эса, хавфсизликни таъминлаш мақсадида, экспорт ва импорт маҳсулотларини назоратдан ўтказлади. Марказий генетик “ҳукумат” тартиб-интизомни назорат қилади. Агар ҳужайранинг диаметри сантиметрнинг мингдан бир қисмига тенг эканини эътиборга оладиган бўлсак, бу — мўъжизанинг ўзи.

Эволюцион назарияга кўра, қуйидагилар ҳаёт пайдо бўлишининг асосий босқичлари ҳисобланади: (1) маълум бир кимёвий таркибга эга бўлган атмосфера ҳамда (2) океанларга жамланган органик аралашманинг мавжудлиги, (3) улардан оқсиллар ва нуклеоидлар ҳосил бўлиши; (4) ўз навбатида оқсил ва нуклеоидлардан мембраналар пайдо бўлади. (5) Мембраналардан генетик код ривожланиб, организм ўзидан ўзи кўпая бошлайди.

Бироқ бу босқичлар илмий далилларга қанчалик даражада мос келади? Инглиз олими Стенли Миллер водород, метан, аммиак, сув буғи ва электр зарядидан иборат “атмосфера”ни лаборатория шароитида яратди. Бунда оқсиллар таркибига кирадиган аминокислоталарнинг баъзиларигина ҳосил бўлди. У ҳаёт учун зарур бўлган 20 та аминокислотадан фақатгина 4 тасини олишга муваффақ бўлди. Орадан 50 йил ўтганидан кейин ҳам олимлар 20 та энг зарур аминокислотанинг ҳаммасини тажриба йўли билан ҳосил қила олгани йўқ.

Миллер ердаги дастлабки атмосфера унинг тажриба камераси ичидаги атмосферага мос келади, деб тахмин қилган. Чунки биологик аҳамиятга эга бўлган бирикмалар синтези атмосферада эркин кислород мавжуд бўлмагандагина юз беради. Эволюцион назарияга кўра эса, дастлабки атмосферада кислород мавжуд бўлган. Натижада эволюция тараф-

дори олдида қуйидагича муаммо вужудга келади: агар ҳавода кислород мавжуд бўлганда эди, дастлабки аминокислота ҳеч қачон таркиб топмаган бўларди; кислородсиз эса у қуёш нурлари таъсирида нобуд бўларди.

Эволюцион тасаввурларга биноан, гўёки атмосферада пайдо бўлган аминокислоталар океанларга тушиб, у ерда ўзига хос “дастлабки аралашма”ни ҳосил қилган. Олимларнинг уқтиришича, бу нарса ҳақиқатдан жуда ҳам узоқ. Чунки гўёки атмосферадаги оддий кимёвий унсурларнинг ўзаро бирлашишини таъминлаган энергия ҳар қандай мураккаб таркибдаги аминокислотани тезда парчалаб юборган бўлар эди. Қолаверса, сув, ўзининг физикавий-кимёвий хусусиятларига кўра, нафақат оддий молекулаларнинг ўзаро биркувиға имкон бермайди, балки катта молекулаларни парчалаб ташлайди. Бу эса “дастлабки аралашма”нинг бўлмаганидан далолат беради.

Илк бор пайдо бўлган ҳужайра ривожининг маълум бир босқичида ердаги ҳаётни кескин ўзгартириб юборган ҳодиса — фитосинтез жараёнида юз беради. Бу масалада ҳам эволюцион назария бир тўсиққа учрайди. Ўсимликларнинг карбонад ангидридни ютиб, кислород чиқаришидан иборат бўлган бу жараёни олимлар ҳалигача тўла-тўқис тушунтириб бергани йўқ. Ҳозиргача лаборатория шароитида фитосинтез жараёни амалга оширилгани бунинг исботи бўла олади. Кичкинагина ҳужайрада бу жараён аввал-бошда қандай бошланганини англаб етиш қийин.

Дастлабки кислородсиз атмосферада кейинчалик, фитосинтез туфайли, молекулаларнинг ҳар бештасидан биттаси кислороддан иборат атмосферага айланади. Натижада ҳайвонот олами нафас олиш ва яшаш имкониятига эга бўлиши билан бирга, бутун тириклик оламини Куёшнинг зарарли ультрабинафша нурлари таъсиридан ҳимоя қиладиган озон қатлами шаклланади. Буларнинг ҳаммасини қандайдир тасодифий ҳодиса сифатида изоҳлаш мумкинми?

Ерда ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо бўлганини тасдиқлаш учун уни илмий усулда асослаш лозим. Бу усулнинг моҳияти қу-

йидагича: табиатни кузатиш; шу асосда воқеликни ўзида тўғри акс эттирадиган назарияни ишлаб чиқиш; назарияни кейинги кузатиш ва тажрибалар асосида текшириб кўриш; назария асосида башоратлар ўз тасдиғини топиши ёки топмаслигини ўрганиш. Мазкур тамойилларга таяниб тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳарчанд уринмасин, ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши ҳақидаги фаразни аниқлай олмади. Агар эволюция ҳақиқатан юз берганида, археологик топилмалар унинг бир биологик турдан бошқасига босқичма-босқич оҳиста ўтгани ҳақида маълумот бериши керак эди. Дарвин “Ҳозир мавжуд бўлган ва йўқолиб кетган турлар ўртасидаги оралиқ турлар — боғловчи ҳалқалар сони чексиз кўп бўлиши керак” деб ҳисоблаган бўлса-да, бундай боғловчи турлар топилавермагач, “Агар кўп миқдордаги турлар ҳақиқатан ҳам ўз ҳаётини бирдан бошлаган бўлса, бу ҳол эволюцион назария учун фалокат билан тенг бўлади”, деб таъкидлаган эди.

Лекин, Дарвин эволюцион ривожланишдаги шундай оралиқ ҳалқалар яқин вақтлар ичида топилишига ишонган. Кейинги 150 йил давомида палеонтологлар томонидан дунёнинг минглаб музейларини тўлдириб турган юз миллиондан ортиқ қазилма ашё топилди. Уларни ўрганган олимлар бундай хулосага келди: тирик организмларнинг асосий гуруҳлари бирдан пайдо бўлган ва узоқ даврлар давомида сезиларли ўзгаришларга учрамаган. Уларни бир гуруҳдан бошқасига олиб ўтадиган оралиқ шакллар умуман топилмаган. Яъни, топилмалар Дарвиннинг умидларини йўққа чиқарган. Дарвиннинг ўзи ҳам умрининг охирларида “бутун бошли турлар бирданига пайдо бўлса керак” деган хулосага келган. Ҳаттоки, дарвинизмнинг ашаддий тарафдори бўлган рус олими, академик Л.Берг ҳам “эволюцион назария ҳаёт ривожланиши билан боғлиқ жуда кўп масалаларни тушунтириб беролмайди” деб ҳисоблаган.

Эволюцион назарияда аввал бирҳужайрали организмлар пайдо бўлиб, кейинчалик улар кўпҳужайралиларга ай-

лангани таъкидланади. Аммо, палеонтология кўпхужайралиларнинг дастлабки даври ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Маълум бўлишича, турлар миллион ва ҳатто ундан ҳам кўп авлодлар алмашинуви жараёнида ўзгаришсиз сақланиб қолар экан. Масалан, ҳашоратлар ҳеч қандай эволюцион аجدодларсиз бирданига пайдо бўлган — 40 миллион йил аввал пайдо бўлган чивин ҳозиргача ўзгармаган. Қолаверса, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳар бир тури бошқа турларниқидан фарқ қиладиган ўз тарихига эга. Уларнинг ҳаммаси ҳозир қандай кўринишга эга бўлса, шундайлигича пайдо бўлган. Кит, кўршапалак, от, фил, кўён каби жонзотлар дастлаб пайдо бўлган вақтларида ҳам ҳозиргидай бир-биридан фарқланиб турган. Уларнинг умумий аجدодлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунинг учун ҳам астроном Карл Сейган “Космос” деган китобида антропология маълумотлари Олий Яратувчи ҳақидаги ғояни исботлашини таъкидлайди.

Инсон биологик жиҳатдан сут эмизувчиларга мансуб. Аммо, инсонни шунчаки “жонли мавжудот” деб аташдан ҳам кўра аянчли хато бўлмаса керак. Чунки инсон ноёб ҳодиса ҳисобланади. У бошқа ҳайвонлардан жуда кўп хусусиятлари, масалан, нутқи, тафаккури, туйғулар олами, маънавияти, камол топиш даврининг узоклиги билан ажралиб туради. Айниқса, инсон мияси ҳар қандай мавжудотниқидан фарқ қилади. Миянинг 100 миллиард нейронидаги ахборот ва маълумотлар 20 миллион жилдлик китобга жо бўлади. Одамзод тафаккур ҳамда нутқ қобилияти туфайли бошқа жониворлардан бутунлай фарқ қилади. Унинг тўпланган билимларни ёзиб қўйиши эса энг ибратли тажриба ҳисобланади. Бундай билимлар натижасида инсоният битмас-туганмас имкониятларга эга бўлди: ойни забт этди, энди эса ундан ҳам юксак мақсадларни кўзлаб турибди.

Эволюцион назария тарафдорлари палеонтологик топилмаларга қанчалик қизиқиш билдирмасин, ҳозирги типик организмларнинг биронтаси ҳам мазкур назарияни тасдиқламайди: бундай маъ-

лумотлар инсон ва одамсимон маймунлар ўртасидаги боғлиқликни асослашга эмас, балки унинг илоҳий мавжудот эканини исботлашга хизмат қилмоқда. Ўз ғояларининг тўғри бўлиб чиқишини астойдил истаган баъзи эволюцион таълимот намояндалари сохта кашфиётлар қилишдан ҳам қайтмади. Масалан, Ч.Даусон 1912 йили Лондон яқинидаги Пилтдаун деган жойдан инсон бош чаногини топиб олди ва бу топилма кўпдан буён изланаётган инсон билан одамсимон маймун ўртасидаги боғловчи ҳалқа экани ҳақида бутун дунёга жар солди. Қарийб 40 йил давомида олимлар мазкур топилмани ҳақиқий деб ҳисоблашди. Ва ниҳоят, 1953 йили топилма янги тадқиқот усуллари билан ўрганилгач, унинг сохта экани ойдинлашди: маълум бўлишича, инсон ва маймун суяқлари қаллоблик йўли билан ўзаро бирлаштирилиб, сунъий равишда қаритилган экан.

Диний манбаларда айтилишича, инсоният яратилганидан буён қарийб 6000 йил ўтган. Унда нега илмий ва бошқа манбаларда одамзоднинг ёши анча катта қилиб кўрсатилади? Қайси бирига ишониш керак? Диний манбаларгами ёки илмий маълумотларгами? Аввало шуни айтиш керакки, кўпгина олимлар тарихий даврларни аниқлашнинг радиометрик усулларига ишончсизлик билан қарайди. Гап шундаки, ўтмишда атмосферадаги радиоактив углероднинг пайдо бўлиш тезлиги доимий характерга эга бўлмаган. Бу эса радиоактив емирилишга асосланган даврлаштиришда жуда кўпол хатоларга олиб келган. Бундай хатоларнинг катталигини шундан ҳам билса бўладики, одамзод ерда 3 миллион 600 минг йилдан буён эмас, балки бор-йўғи бир неча минг йилдан буён мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Ҳақиқатан ҳам, инсоният фаолияти билан боғлиқ ишончли маълумотларнинг ёши миллионлар билан эмас, балки минг йилликлар билан ўлчанади. Шу муносабат билан даврларни аниқлаш бўйича радиоуглерод усулининг асосчиларидан бири, физика соҳасида Нобель мукофоти лауреати У.Либбининг қуйидаги

фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз: “Даврлаштириш усулини яратишга қаратилган тадқиқотларни олиб бораётганимизда ходимларимиз одамзод тарихи атиги 5000 йил эканини айтишганида ҳайратда қолдик. Сиз ҳам қандайдир жамият ва унинг тарихига оид топилмаларнинг ёши 10 ёки 20 минг йилга тенглиги ҳақида кўп эшитгансиз. Бундай сонларнинг нотўғри экани бизга маълум бўлди”. Эволюция назариясидаги қийинчиликлар шу билангина тугамайди. Айтилик, эволюция қандай амалга ошади? Қандай механизм бир турдаги организмнинг бошқа турдаги организм бағрида эволюционлашишига имкон беради? Баъзи бир олимлар биологик-палеонтологик топилмаларга асосланиб, ҳаётнинг бир шаклдан бошқа шаклга аста-секин такомиллашиб боришини кўрсатиб бера олмаслиги сабабли бу жараён бир текис эмас, балки сакрашлар тарзида содир бўлган, деб ҳисоблайди. Уларнинг тахминича, янги турлар генларда тасодифан юз берадиган ўзгаришлар маҳсули ҳисобланади. Эволюционистларнинг фикрича, бунга ҳужайра ядроси ичидаги ҳар хил ўзгаришлар сабаб бўлар экан. Уларнинг орасида мутациялар деб аталадиган “тасодифий” ўзгаришлар муҳим роль ўйнайди. Мутация ўзгаришлар жинсий ҳужайралардаги ген ва хромосомаларда содир бўлади, шунинг учун ҳам улар кейинги зурриёдларга ўтиши мумкин, деб қаралади. Эволюционистларнинг фикрича, “мутация эволюциянинг асоси ҳисобланади”. Бироқ, маълум бўлишича, мутация эволюция учун асос бўлолмас экан. Мутация қандай содир бўлади? Тахминларга кўра, уларнинг катта қисми ҳужайраларнинг кўпайиш жараёнида юз берар экан. Аммо тажрибанинг кўрсатишича, мутация ташқи омиллар, айтилик, радиация ва кимёвий моддалар таъсирида ҳам содир бўлар экан. Мутациянинг юз бериш тезлиги қандай? Ҳужайрада генетик моддаларни ишлаб чиқариш жараёнидаги қатъий тартиб — доимийлик кишини ҳайрон қолдиради, яъни организмдаги ҳужайраларнинг бўлиниш сонига нисбатан мутациялар-

нинг содир бўлиши жуда ҳам оз миқдорни ташкил этади. Генларни ташкил этадиган ДНК занжирини ишлаб чиқиш ўта катта аниқлик билан амалга оширилар экан. Агар фойдали мутациялар эволюциянинг асосини ташкил этса, улар мутацияларнинг қанча қисмини ташкил этади? Тажриба яна шундан далолат берадики, ҳар бир ижобий мутацияга минглаб зарарли мутациялар тўғри келади. Шунинг учун ҳам мутация яратишдан кўра кўпроқ емирувчи хусусиятга эга. Бу эса унинг эволюция асоси экани ҳақидаги тасаввурларни инкор этади — организмда мутациялар қанчалик кўп содир бўлмасин, у барибир бошқа биологик турга айланиб қолмайди.

Дарвинчилар баъзи бактерияларнинг антибиотиклар таъсирига берилмаслигини эволюция белгиси деб кўрсатади. Лекин чидамли бактериялар олдингидай ўзлари мансуб биологик тур вакиллари бўлиб қолаверади, яъни уларда эволюция жараёни юз бермайди. Бунда нари борса мавжуд генларнинг танлови юз беради, холос. Бир биологик турдан фақат шу турнинг ўзи кўпаяди, бошқаси эмас. Бунга сабаб шуки, генетик код ўсимлик ва ҳайвонларнинг меъёрдан узоқлашишига йўл қўймайди. Бунда биогенез қонунияти тўла амал қилади: тириклик фақат тирикликдан яралади, она организми ва унинг авлодлари ягона турга тегишли бўлади. Сунъий танланиш соҳасидаги тажрибалар ҳам буни тасдиқлайди. Олимлар чатиштириш йўли билан ҳар хил ўсимлик ва ҳайвонларда чексиз ўзгаришларни ҳосил қилишга ҳаракат қилиб кўрган. Улар вақт ўтиши билан ҳаётнинг янги шакллари вужудга келтириш мумкин эмасмикан, деган саволга ойдинлик киритишга ҳаракат қилган. Маълум бўлишича, бир неча авлод ўтгач, табиий танланишнинг таъсири энг юқори даражага чиқиб, ундан кейин таъсир йўқолар, яъни янги тур ҳосил бўлмас экан. Бундан эса табиий танланиш нафақат эволюцияни исботламайди, балки уни инкор этади, деб хулоса чиқариш мумкин. Эволюцион назарияни текшириб кўриш мумкин бўлган учта соҳада у ўзини оқламади: палеон-


тологик топилмалар ўзгаришлар жараёнини эмас, балки турлар таркибини ўзида ифодалайди; кучли барқарорлаштирадиган механизм бўлган генларнинг таркибини ўзида акс эттиради; кучли барқарорлаштирадиган механизм бўлган генларнинг асосий вазифаси ҳаётнинг янги шакллари ривожининг олдини олишдан иборат; молекула даражасида юз берадиган мутациялар эса тирик организмлардаги бошқарувчанлик ва мураккаблашув ҳодисасини изоҳлаб беролмайди.

Дарвин ўз даврида фақат табиий-биологик ривожланиш қонуниятларини изоҳлаш билан чекланган бўлса, унинг издошлари ижтимоий ҳодисаларни ҳам эволюцион назария орқали тушунтиришга ҳаракат қилган. Дарвинизм тилни ҳам ҳайвонлардаги оддий товушларнинг эволюциялашуви натижаси деб тушунтиради. Ваҳоланки, тил инсон билан бирга пайдо бўлган. Бунинг далили сифатида қадимги тилларнинг ҳаммаси ҳам мураккаб ҳолда шаклланганини айтиш зарур. Баъзи тиллар ўтмишда ҳозирги ҳолатидан ҳам мураккаброқ бўлган. Шуларни ўйлар экан, одамзод бутун борлиқнинг эгаси бўлган Яратувчининг қудратига тан бермай илоҳи йўқ. Башариятнинг энг доно вакиллари “дунёнинг тилаги, самари” дея таърифлаган инсонни маймунга ёки дарвинчилар талқинидаги одамсимон маймундан келиб чиққан деб талқин қилиш нафақат илмий, балки маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан ҳам нотўғри эди. Худди борлиқ сингари, тирикликнинг ҳам яратилгани ҳақиқатга кўпроқ мос келади.

Таъбир жоиз бўлса, янги ғоялар ҳам ўзига хос табиий танланиш босқичидан ўтади. Эволюцион назария ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ушбу таълимот муаллифи “Бигл” кemasида дунё бўйлаб амалга оширган беш йиллик саёҳати давомида жуда ҳам кўп ашёвий манбалар йиққан ва ўз ғояларини инкор қиладиган қарашларга зарба беришга жиддий тайёргарлик кўрган. Олимнинг ўзи ҳам “Мен ўқиб-ўргандим, дунё бўйлаб саёҳат қилдим, сўнгра яна ўқиб-ўргандим. Мана менинг таржимаи ҳолим” деган эди. На-

заримизда, нима бўлган тақдирда ҳам Дарвин инсоният тарихидаги буюк шахслардан бири бўлиб қолаверади. Чунки у яратган назария фан тараққиётини ва инсоният ақл-идроқини бир поғона юқори кўтарди. Ва шу билан бирга, илмий тафаккур ривожини учун асосий манба бўлмиш ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги қизғин баҳсларга сабабчи бўлди, бу борадаги мунозаралар хануз давом этмоқда. У тириклигидаёқ шуҳрат қозонди. Вафот этгач, Вестминстер аббатлигига, Исаак Ньютон хоки қўйилган жойга дафн этилади. Бу ҳам унинг фан оламидаги нуфузидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда, квант физикаси ривожини натижасида, юзлаб микрозаррачалар кашф этилди. Энди физиклар ушбу заррачаларни ягона қонун доирасида ўзаро бирлаштиришга ҳаракат қиляпти. Яқин вақтларда элементар зарраларнинг даврий жадвалини яратиб оладиган менделеевлар пайдо бўлса ажабмас. Худди шунинг сингари, дарвинизм пайдо бўлганидан кейинги бир ярим аср давомида ҳаёт ва унинг ривожини тўғрисида яратилган кашфиёт ҳамда ғояларни бирлаштирган янгича биологик таълимот ҳам яқин орада яратилса, эҳтимол. Бу таълимот дунёвийлик — даҳрийлик эмас, деган тамойилга асосланган ҳолда, диний ғояларни ҳам ўзида ифода этишига шубҳа йўқ. Чунки дин фанни инкор этмайди. Бинобарин, фан ҳам диний қарашларни ўзига сингдириши зарур.



HUQUQIY KO'NIKMALAR IBTIDOSI

HUQUQIY KO'NIKMALAR IBTIDOSI

Шарқ сиёсий-ҳуқуқий мероси, давлат ва жамиятни бошқариш институтлари, анъаналари, тажрибалари, фуқароларда ижтимоий тартиб, қонун ва урф-одатларга итоаткорликни шакллантиришга йўналтирилган ҳуқуқий тарбия мактаблари бугун Ғарб тадқиқотчиларининг диққатини тортмоқда.

“Шарқ тамаддунининг тарихи кўпминг йилларга бориб тақалиши, айнан унда (Шарқда — **Н.С.**) илк давлатлар барпо этиш ва бошқариш услуби юзага келганини ҳеч ким инкор этга олмайди. Зеро, “Оврупо-марказ ва варварлар дунёси” каби содда дихотология асосига қурилган такаббур европоцентризм аллақачон ижтимоий фанлар томонидан рад этилган” деб ёзади россиялик сиёсатшунос А.Панарин (А.Панарин Политология. О мире политики на Востоке и на Западе. М., “Университет”, 1999, с. 6). Айниқса, шахс эрки ва ҳуқуқини мутлақлаштириб, ижтимоий уйғунлик ҳамда жамоавийликни рад этиб келган индивидуализм, маънавий ҳаётни сайқаллаштириш, ранг-баранг турмуш тарзи орқали бошқаришга интилган технократизм ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий инқирозларни келтириб чиқарди. Энди инсоният тараққиётни инсоннинг ўзидан, унинг маънавий-руҳий оламидан, ахлоқи, хулқ-атвори ва субъектив борлигидан излашга ўтмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсоннинг маънавий-руҳий оламини, ахлоқи, хулқ-атворини мукаммаллаштиришга интилиб келган, бу борада катта мерос ва ижтимоий тажрибага эга бўлган Шарқ тафаккурига, сиёсий-ҳуқуқий қарашларига назар ташлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу мақолада Шарқ тамаддунининг йирик ўчоқларидан бири бўлган Хитойда юзага келган сиёсий-ҳуқуқий қарашлар ва конфуцийлик таълимотида илгари сурилган фуқароларда ҳуқуқий хулқ-атворни шакллантиришга қаратилган гоялар ҳақида тўхталамиз.



Тарихий манбалар милоддан аввалги XXI асрлардаёқ Қадимги Хитойда Ся сулоласи ҳукмронлик қилган даврда қулдорлик давлати юзага келганини кўрсатади. Маълумки, ҳар қандай давлат ижтимоий-сиёсий институт сифатида энг аввало фуқаролар билан муносабатни йўлга қўйиши лозим. Ўша даврга алоқадор “Ся уйи китоби”да “Халқ эзгу амал соҳиби бўлган ҳукмдордан бошқа яна кимни қўллаб-қувватлайди? Халқ бўлмаса, ҳукмдор давлатни қандай ҳимоя қиладди?” деб ёзилган. Қадимги Хитой давлатчилигида фуқаролар табақаланган бўлса-да, ҳукмдор доиралар давлат билан халқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканини яхши билган. Адолатли ҳукмдорни халқ ҳар доим қўллаб-қувватлаган, давлат халқ томонидан ҳимоя қилинган.

Милоддан аввалги XVI-XII асрларда ҳукмронлик қилган Шан ва Чжоу сулоалари даврига келиб табақаланиш янада кучайди. Қуллар ва аслзодалар, юқори

мансабдорлар, аскар ва саркардалар, ўртасида, хуллас, ижтимоий ҳаётда субординация (поғонавий бўйсунуш) тартиби қатъий қарор топди. Давлатни бошқариш сулоалар қўлига ўтганидек, ижтимоий ҳаётдаги субординация тартиблари ҳам аслзода мулк эгалари қўлида эди. Ўша пайтда олий ҳукмдор “Шанди” деб аталган. Кейинроқ у “Осмон эркининг ифодачиси” ёки “Олий кудратга эга Осмон фарзанди” деган мақомга эга бўлган. Унинг ҳукмини ерда ижро этадиган инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, ижтимоий мавқеи, қандай мулк эгаси бўлиши ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан бошқалардан қанчалик фарқ қилиши Осмон ҳукми билан боғланадиган бўлган. Бирок Осмон олий даражага кўтарилса-да, яхшилик, эзгу амал барча хатти-ҳаракатларнинг, шу жумладан, давлатни ва фуқароларни бошқаришнинг ҳам мезони сифатида қаралган. “Шан-шу” китобида Ин ҳукмдори Пан-гэн “Мен учун қариндош-

уруғ ёки бегона йўқ, ким жиноят қилса, у ўлимга маҳкум этилади, ким эзгу амал соҳиби бўлса, у шарафланади”, дея фуқароларни “жазодан сақланишга ва эзгу амаллар қилишга” чақиради (*История Китайской философии. М., “Прогресс”, 1989, с. 12*).

Мутахассисларнинг таъкидлашича, айнан Шан ва Чжоу сулолалари даврида қадимги Хитойда унинг келгуси сиёсий-хуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий тараққиёти учун муҳим роль ўйнаган шарқона идора тизими ва мактаби юзага келган. Ушбу тизим ва мактаб, биринчидан, давлатни бошқариш ва ижтимоий ҳаётни ташкил қилишда олдинги сулолаларнинг идора усуллари, анъаналари, сиёсий мероси ва қарор топган тартибларига амал қилиш, ворисийликни таъминлашга йўналтирилган. Иккинчидан, шарқона идора тизими ва мактабининг асосий вазифаси давлат билан фуқаролар, аслзодалар билан қуллар, катталар билан кичиклар, ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатда тобелар ва ёшларнинг ҳукмдорлар ҳамда катталарга итоат этишини, уларни “эзгу амаллар билан рағбатлантириш”ни таъминлашдан иборат бўлган. Мавжуд ижтимоий тартиблар, субординация ва авлодлараро алоқаларни асраб-авайлаш, уларни шарқона руҳда ривожлантириш, энг муҳими, ушбу таъминлашга эзгу амаллар, ахлоқий хулқ-атвор, ўзаро ҳурматнинг асос қилиб олингани эътиборлидир. Ҳатто Шан сулоласини қулатган Чжоу ҳам ўз хатти-ҳаракатларини мавжуд тартибларни ўрнатган илоҳий куч — Осмон ҳукми билан боғлайди. Демак, Чжоу нуқтаи назарида, Шан Осмон тартибларини бузган, шунинг учун у ағдарилиб, мамлакатда Осмон талаб этаётган “эзгу амалли бошқарув” қарор топган. Осмон тартибларини бузган ҳукмдор фуқароларнинг осойишталик ва итоатда яшаш тартибларини ҳам бузган ҳисобланади. Бино-

барин, “у ҳокимиятдан маҳрум этилиши лозим”. Халқнинг осойишталиги ва итоатда яшаш билан Осмон тартиблари бир-бирига боғлиқ, Осмон тартибларини бузиш халқ ҳаётини бузиш билан баробар, халқни норози қилиш Осмонни норози қилишдир. Мазкур диалектикадан келиб чиқадиган хулоса шундаки, қадимги Хитойда қатъий табақаланишга асосланган қулдорлик давлати шаклланган бўлса-да, давлат ва халқни бошқариш, фуқароларни итоатда тутиш, ҳукмдорларга ҳурмат руҳида тарбиялаш эзгу амалларга, ахлоққа таянган Осмон тартибларига мувофиқ олиб борилган. “Эзгу амалларни ҳурмат қилиш ва халқни кўриқлаш” ушбу тартибларнинг моҳиятини ташкил этган.

Чун-цю (милоддан аввалги 770-476 йиллар) ва Чжан-го (милоддан аввалги 475-221 йиллар) сулолалари ҳукмронлиги даврида Қадимги Хитойда қулдорлик тузумидан феодал муносабатларга ўтилган. Бу ўзгаришлар омманинг сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий қарашларига таъсир этган. Буюк мутафаккирлар Лао Цзи ва Конфуций ана шу даврларда яшаб ижод этган. Улар қолдирган маънавий мерос инсоният тафаккури хазинасида ўзига хос ўрин тутади.

Лао Цзи (милоддан аввалги 576-499 йиллар) қулдорлик тузумига хос давлатни бошқариш усулини рад этган. Шу билан бирга, у феодал муносабатларни ҳам қўллаб-қувватламаган. У “мамлакатни бошқариш учун билим — бахтсизлик, билимсиз бошқариш эса бахтдир” деган фикрни илгари сурган. Унинг фикрича, қалбни безовта қиладиган билим орқали эмас, балки “ошқозонини тўлдириш орқали халқни бошқариш зарур” (*Мудрецы Поднебесной. Симферополь, 1998, с. 13*).

Лао Цзи хулқ-атвор орқали бошқариш ғоясини рад этади: “Хулқ-атвор қоидалари, ишонч ва садоқатни емиради, норозиликларнинг бошланишига олиб келади”, деб ёзади у. Машҳур аллома яна

бир ўринда қонунларга ҳам қарши чиқади: “Қачон қонунлар ва буйруқлар кўпайса, ўғрилар ва қароқчилар ҳам кўпаяди. Бироқ Лао Цзи ҳамма жойда мавжуд, ҳамма нарсани бошқарадиган, ҳамма хатти-ҳаракатларга маёқ бўладиган “дао” (йўл, йўл-йўриқлар, тартиб, қонун) бор деб билади. Дао — “сирли эзгу амал”-дир. У — табиат ва жамиятнинг олий қонуни. Хукмдорлар даони билиши, унинг талабларини бажариши керак. Кишилар даога итоат этиб, ўз бурчларини бажаради, эзгу амалларга интилади. Даони билмаган, уни инкор этган хукмдор нафсининг қулига айланади. Натижада фуқаролар ўртасида аҳиллик йўқолади. Кўриниб турибдики, дао, Лао Цзи назарида, табиат ва жамиятга тааллуқли умумий қонун бўлиб, кишилар ушбу қонунга амал қилса, бахтиёр яшайди, халқ ўртасида норозилик бўлмайди.

Конфуций (милоддан аввалги 551-479 йиллар) Шарқ маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётида алоҳида ўрин тутлади. У бир неча хукмдорлар хизматида бўлган, давлат ва жамиятни бошқариш, фуқаролар билан хукмдорлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш, ҳуқуқий нормаларни, ижтимоий хулқ-атворни шакллантириш масалалари юзасидан ўз қарашларини билдирган. Ушбу қарашлар мутафакирнинг “Шицзин” (Кўшиқлар китоби) ва “Лунъюй” (“Сўхбатлар ва мулоҳазалар”) асарларида баён этилган. Бўлажак давлат хизматчилари учун хусусий мактаб очиб, илк бор махсус мутахассислар тайёрлаш аънасини бошлаб берган.

Конфуций таълимотининг марказида давлат ва жамиятни урф-одатлар, “зарур хулқ-атвор” орқали бошқариш туради. “Агар халқ фақат қонунлар воситасида бошқарилиб, жазолар ёрдамида тартиб сақланадиган бўлса, — дейди мутафакир, — халқ жазодан қочадиган бўлади, ахлоқ-одобни писанд этмай қўяди. Мабодо халқ эзгу амаллар билан бошқари-

либ, урф-одатлар орқали тартиб сақланадиган бўлса, одамлар уятни билади, одоб доирасидан четга чиқмайди” (*Мудрецы Поднебесной. Симферополь. 1998, с. 58*). Демак, Конфуций қонун ва жазо чораларидан ахлоқий хулқ-атворни

устун қўяди, жамиятда шаклланган урф-одатлар, аънаналар, ахлоқий қоидаларга амал қилиш — бошқаришнинг асосидир. Тўғри, Конфуций ҳуқуқий хулқ-атворни алоҳида категория сифатида талқин қилмайди, унинг фикрича, хулқ-атвор ахлоқий тушунча, эзгу амал, холос. Бироқ бу эзгу амал ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат ва жамиятни бошқариш тизимига чамбарчас боғланган. Мутафакир хулқ-атвор билан бошқаришни давлат ва жамиятни бошқаришнинг бош аъмоли даражасига кўтаради. Унинг хулқ-атворни “ўзаро келишув” — мувоқабат билан боғлаганини эса ҳозирги толерантлик (бағрикенглик) назариясининг ибтидоси дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, хулқ-атвор ва эзгу амал ўзаро боғлиқдир. Шунинг учун Конфуций уларни синоним тушунчалар сифатида ишлатади. “Эзгу амаллар билан бошқарувчи Шарқ юлдузига ўхшайди, у бошқа юлдузчалар қуршовида бўлади”, дейди Конфуций. Улкан “юлдуз” инсонпарвар бўлади, у ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни, низоларни осон бартараф этади. Инсонпарварлик эса ёмон хулқ-атвордан, зўравонликдан холи бўлиб, урф-одатларга зид хатти-ҳаракатлардан ўзини тияди. Шунинг учун мутафакир, “нима хулқ-атворга зид бўлса, унга қараб бўлмайди, уни тинглаб бўлмайди, адо этиб бўлмайди”, деб





Конфуций

ёзади. Мутафаккир хулқ-атворни нафақат давлат ва жамиятни бошқариш воситаси деб, айна чоғда инсонийлик асоси деб ҳам ҳисоблайди.

Конфуцийнинг ахлоқий категорияси баъзан ҳуқуқий тушунчага жуда яқин туради. Масалан, у халқда зарур хулқ-атворни шакллантирмасдан туриб, уни урушга юбориш, ҳатто содир этган жинояти учун жазолаш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Ўлим жазосини кескин қоралайди, ҳукмдорни меҳр-мурувватли бўлишга чақиради (*История Китайской философии. М., "Прогресс", 1989, с. 65*). Бундай ёндашувни замонавий ҳуқуқий маданият назариясининг сарчашмаси дейиш мумкин. Демак, халқни, кишиларни ҳуқуқий хулқ-атворга ўргатмасдан, уларни жазога тортиш мумкин эмас. Фарб давлатлари Конфуцийдан 27 аср кейин айнан шундай хулосага келди.

Муаллим Мо ёки Мао Цзи (милоддан аввалги 475-395 йиллар) дастлаб Конфуций қарашларига эргашган, кейин эса ўзининг моизм мактабини яратган. Мутафаккир хулқ-атвор билан бошқаришни "умумий меҳр-муҳаббат", "босқинни рад этиш", "умумий бирликни эъзозлаш" каби тамойиллар билан бойитган.


Мао Цзининг фикрига кўра, жамиятдаги низоларга кишилар, қариндошлар ва мулкларнинг майда бўлақларга ажратилиши, тарқоқлик сабабчи, шунинг учун одамлар ўртасида умумий меҳр-муҳаббат тамойилини қарор топтириш лозим. Бундай туйғу аслзодалар билан куллар, ҳукмдорлар билан фуқаролар, қудратли шахс билан ночор киши ўртасида ҳам бўлиши зарур. Агар жамиятда, "Осмон остида ўзаро меҳр-муҳаббат қарор топса, унда тартиб бўлади, агар қаҳр-ғазаб ҳукмрон бўлса, унда тартибсизликлар юз беради" (*Мудрецы Поднебесной, Симферополь. 1998, с. 178*).

"Умумий меҳр-муҳаббат"ни Мао Цзи ўзаро манфаат билан боғлайди. Умумий меҳр-муҳаббат халқни аҳил ва иноқ яшашга, ҳукмдорга давлат ҳамда жамиятни ички низоларсиз бошқаришга ёрдам беради. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар учун муҳим томони шундаки, Мао Цзи тафаккур тарихида биринчи бўлиб ҳокимиятнинг сулолавий аънанаси ўрнига, истаган киши, агар у бошқариш қобилиятига эга бўлса, давлат бошлиғи бўлиши мумкин деган ғояни илгари суради. "Амалдорлар доим аслзодалар тоифасига мансуб бўлиши, халқ ҳамма вақт қуйи поғонада қолиб кетиши мумкин эмас" (*История Китайской философии. М., "Прогресс", 1989, с. 80*). У фуқаролар билан амалдорлар илгари бошқарув тизимида тенг ҳуқуқли бўлган, деб таъкидлайди. Бу гап ўз даври учун ўта илғор хулоса бўлиб, у "Шарқ деспотияси" ҳақидаги фикрларнинг ноўрин эканини, Фарб тадқиқотчиларининг Шарқ ижтимоий-сиёсий

қарашларидан етарлича хабардор эмаслигини кўрсатади.

Эзгулик, хулқ-атвор, меҳр-муҳаббат каби ахлоқий нормалар билан давлат ва жамиятни бошқариш ғоясини Мэн Цзи (милоддан аввалги 372-289 йиллар) каби мутафаккирлар давом эттирди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, давлат ва жамият бошқарувида юз берган трансформацион ўзгаришларга мувофиқ уни ривожлантирди. Масалан, Мэн Цзи фуқароларни, халқни хусусий мулк эгаси қилиш ғоясини илгари суради. Унинг фикрига кўра, хусусий мулк ва ер соҳиби ўзини ва оила аъзоларини бошқаришга ҳақли бўлади, унда зарур хулқ-атворни шакллантириш мумкин. Катталарга, амалдор ва ҳукмдорга ҳурмат ҳам шу тарзда юзага келади. Фарб тадқиқотчилари эса, XVII асрга келиб, хусусий мулк ғоясини илгари сура бошлаган.

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, Шарқ халқлари илғор ижтимоий-сиёсий ғояларни милоддан олдинги асрларда илгари сурган экан. Улар, Гегель айтганидек, Шарқ давлатчилиги фақатгина спиритуалистик (илоҳий, диний) характерга эга бўлмай, аксинча, ўз даврининг реал талаблари, эҳтиёжлари, жамиятдаги трансформацион ўзгаришлардан келиб чиққан, долзарб мавзуларни ифода этган. Уларда асосий эътибор ахлоққа, хулқ-атворга қаратилган. Хулқ-атвор шунчаки ахлоқий категория бўлиб қолмай, у ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқ, давлат ва жамиятни бошқариш соҳаларига ҳам тааллуқлидир. Шарқона хулқ-атвор инсон ва жамият ҳаётининг асосига алоқадор тушунчадир. Шунинг учун Шарқ сиёсий-ҳуқуқий таълимотларини ўрганиш жараёнида масаланинг моҳиятини унутмаслик керак.



Билимлар хазинаси

АДОЛАТ МЕЗОНИ

Куч бўлолмаган қонуннинг ўғитдан фарқи йўқ.

* * *

Ҳар бир халқ ва қалбнинг адолат борасида ўз талқини бор. Лекин улар зўравонликни жиловлашда муштаракдир.

* * *

Ижтимоий адолатни қарор топтиришни унутган халқ ўз келажаги ҳақида ўйламаса ҳам бўлади.

* * *

Адолат — халқ қалбидадир. Адолатни ўрнатмоқчи бўлган қонунлар халқ қалбига қулоқ тутиши зарур.

* * *

Адолат ҳақидаги барча тасаввурлар ҳам ҳақ бўлавермайди. Инсонийликка зид бўлмаган қарашлар адолатлидир.

* * *

Адолат инсоният қалбида ўчмай келаётган ягона маслақдир. Инсониятни ушбу маслақдан маҳрум қилсангиз, у махлуққа айланади.

* * *

Адолат тўлиқ қарор топган жамият бўлганини инсоният билмайди, аммо бу адолатсиз ҳам яшаш мумкин, дегани эмас.

* * *

Қонун — адолат ўрнатиш томон ташланган биринчи қадам.

* * *

Ўзини ва халқини ҳимоя қилолмаган давлатнинг истаган вақтда тарқалиб кетадиган ҳаваскорлар уюшмасидан фарқи йўқ.

* * *

Зўравонлик, ноҳақлик, ўғрилик бор экан, жамиятда қонун ижросига эҳтиёж сақланиб қолаверади.

* * *

Кўрқув бир куни нафратга айланади. Буни қонуншунослар мудом эсида тутиши лозим.

* * *

Шу пайтгача ахлоқий нормалар ҳам, қонунлар ҳам бедодлик, ноҳақлик, шумликни кишилар ҳаёти ва ўйидан сиқиб чиқаролмади. Демак, инсоният ахлоқдан ҳам, қонунлардан ҳам кучли, таъсирчан воситаларни яратиши лозим.

* * *

Қонунларнинг қиммати жамиятда тартиб ва адолатни қарор топтирганидadir. Бироқ жамиятнинг инсонийлиги тартиб ва адолатнинг ўрнатилгани билангина ўлчанмайди.

* * *

Қонунлар кишилар қалбида кўрқув ва нафрат эмас, фахр ва ҳурмат уйғотиши даркор.

* * *

Жамиятни қонунлар билан эмас, ахлоқ, эзгу амаллар ва урф-одатлар билан бошқариш ғоясини илк бор Конфуций илгари сурган. Шундан бери ахлоқшунослар билан қонуншунослар ўртасида баҳс кетади. Менинг фикримча, қонунлар ахлоқни, эзгу амалларни, инсонийликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи лозим.

* * *

Ахлоқ, урф-одатлар ёзилмаган қонунлар сифатида жамиятни бошқариб келганини қонуншунослар ўзига дастур қилиб олиши даркор.

* * *

Меъёрий ҳужжатлар тақиқлаш кучига эмас, балки ташкил этиш кучига эга бўлиши зарур, акс ҳолда улар бир куни қонунларнинг ўзини ҳам тақиқлаб қўяди.

* * *

Адолат мезони қонунлардadir. Бироқ қонунлар адолатни эмас, манфаатларни ҳимоя қилади.



NAJMIDDIN KOMIL MUTOLAA QILADI

**Азизиддин Н а с а ф и й. Китобул
инсонул-комил. Техрон, 1998.**

Шарқ халқлари маънавияти ва тафаккури тарихида XII-XIII асрлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда, бошқа илм соҳалари қатори, калом илми, фалсафа ва тасаввуф ривож топди. Бу соҳаларнинг ҳар бири бўйича етук мутахассис бўлган алломалар билан бирга, мазкур уч йўналишни ҳам пухта эгаллаган буюк Нажмиддин Кубро, Мухйиддин ибн Ал-арабий, Жалолиддин Румий каби улуғ шайхлар, муқтадир шоирлар айнан шу даврда яшаб ижод этдилар. Улар Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Абу Саид Абулхайр, Ибн Сино, Абу Ҳомид Фаззолий сингари илм-маърифат соҳиблари қарашларини янги босқичда ривожлантирди. Шундай буюк мутафаккирлардан бири атоқли ватандошимиз Азизиддин ибн Муҳаммад ан-Насафийдир. (Насаф — ҳозирги Қарши шаҳрининг қадимги арабий номи, араблар истилоцидан олдин бу шаҳар Нахшаб деб аталган).

Шайх Азизиддин Насафийнинг туғилган ва вафот этган йили аниқ маълум эмас. Аммо ёзган асарларидаги қайдлар ва бошқа манбаларнинг гувоҳлик беришича, у XIII аср бошларида туғилган. Насафий дастлабки саводини чиқарганидан кейин ўша замоннинг илм-маърифат марказларидан бири бўлган Бухорои шарифда тахсил олган. Бухорода у фалсафа, шариат илмлари ва тасаввуфдан ташқари тиб илмини ҳам пухта ўрганган.

Аммо мўғул босқини кучайганидан кейин Мовароуннаҳрни тарк этиб, Эронга йўл олади. Эроннинг Баҳрабод, Исфаҳон, Шероз, Абрқўҳ каби шаҳарларида яшайди. Шу ерда Шайх Саъиддин Ҳамавийга (1191-1252) қўл бериб, ундан тариқат одоби ва тасаввуф сирларини ўрганди. Саъиддин Ҳамавий эса Нажмиддин Кубронинг пешқадам халифаларидан бўлган.

Азизиддин Насафий XIV аср бошларида Абрқўҳда вафот этган. Унинг “Кашфул-ҳақойиқ” (Ҳақиқатларнинг очилиши), “Зубдатул-ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар қаймоғи), “Мақсадул ақсо” (Охирги мақсад), “Инсонул-комил”, “Манозилус-соирин” (Сайр этувчилар манзиллари), “Баёнун-танзил” (Нузул баёни), “Усул ва фуруъ” (Асос ва шохалар), “Мабдаъ ва маод” (Чиқиш жойи ва қайтиш жойи) номли рисо-лалари мавжуд.



Азизиддин Насафийнинг номи кўпдан бери шарқу ғарб олимлари диққатини тортиб келади, унинг асарлари турк, олмон, инглиз, рус, француз тилларига таржима қилинган. Жумладан, “Зуб-датул-хақойиқ” асари 1994 йилда ўзбек тилида чоп этилди.

Шайх Азизиддин Насафий комил инсон назариётчиларидан бирidir. Унинг барча рисолаларида инсон хилқати, руҳ ва жисм хусусиятлари, ақли кулл ва ақли жузъ, инсондаги истеъдод манбаи, инсонни камол топтириш масалалари тадқиқ қилинади. Унинг фикрича, инсон коинотнинг, жами илоҳий илмларнинг кичрайтирилган, мужассам нусхаси, инсонда жами моддий ва илоҳий оламлар хислати жамулжам. Бу назария офоқ (осмонлар) ва анфус (руҳлар) таълимотиға бориб тақалади, Насафий буни “Ал-инсонул-комил” асарида кенг тахлил этган. Инсон ўз хилқати ва нафсини таниса, руҳининг жавҳарини поклаб борса, Парвардигор нурига ғарқ бўла олади, деб таъкидлайди олим.

“Ал-инсонул-комил” асари форс тилида ёзилган 22 та рисоладан иборат. Аммо китобнинг муқаддимаси ҳам алоҳида рисола шаклида битилган. Муқаддиманинг ўзи беш фаслдан иборат бўлиб, улар қуйидагича номланади: “Шариат, тариқат ва ҳақиқат баёнида”, “Комил инсон баёнида”, “Озод комил инсон баёнида”, “Сухбат баёнида”, “Сулк — йўл баёнида”.

Комил инсон — эзгу хислатлар мужассам бўлган тимсол.

Олим комил инсонга таъриф берар экан, бундай ёзади: “Билгилки, шариат, тариқат ва ҳақиқатда етуқ бўлган инсон комил инсондир. Ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтмай. Билгилки, қуйидаги тўрт кўрсаткич бўйича камолга етган инсон комилдир: эзгу сўз, эзгу феъл, эзгу ахлоқ ва маориф”.

Аллома яна бир ўринда қуйидагича мурожаат қилади: “Эй дарвеш! Комил инсон оламини эзгуликка тўлдириш, барча ишларни ислоҳ этиш ва халқ орасида ростликни барқарор қилишдан кўра яхшироқ тоатни кўрмайди, унинг нияти ёмон одатлар, расм-русумларни халқ орасидан кўтариш ва одамлар ўртасида яхши қонун-қоидаларни жорий этишдир”.


Китобдаги рисолалар бир-бирини мазмунан тўлдириб боради, олим ҳар бир масала ҳақида фикр юритар экан, аввал шариат аҳли (тақводорлар), кейин ҳикмат аҳли (файласуфлар), сўнгра ваҳдат аҳли (ваҳдатул-вужуд тарафдорлари) қарашларини келтириб, солиштириб чиқади ва охирида ўз қарашларини баён этади. Китобда оламининг ягоналиги, ҳаётнинг асоси бўлган илоҳий амр, тажаллиёт нури, инсон руҳининг нузул ва уружи, тақдир ва тадбир, авлиёлик белгилари, ижтимоий тенгсизликлар сабаблари хусусида ажойиб фикрлар баён этилган. Насафий инсоннинг билиш қобилиятига юксак баҳо беради, унинг яратувчилиги истеъдодини шарафлайди. Унинг назарида, жаннат ва дўзах аввало бу дунёнинг ўзида мавжуд. Яъни, тинч, осойишта ҳаёт, донолар суҳбати жаннатдан нишона бўлса, фитна-фасод кучайган нотинч муҳит, жаҳолат дўзахдан дарак беради.

“Ал-инсонул-комил” асари тасаввуф ва ирфон тарихи, фалсафий қарашлар тарихини билишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Китобни француз шарқшуноси Морижон Мола нашрга тайёрлаган ва каттагина муқаддима ёзиб, Насафийнинг таржимаи ҳоли, асарлари, дунёқараши ҳақида маълумот берган. Бундан ташқари, рисолаларни тўлдирадиган турли қўшимча илмий маълумотлар илова қилинган.

В поисках смысла. М., 2004.

Ўрта асрларда Оврупода юз берган Уйғониш даври Фарбда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида тараққиётни тезлаштириб юборди. Уйғониш даврининг асосий ғоялари, гарчи диний-ахлоқий чекловларга қарши кураш, ҳарбий ва сиёсий қудратни мустаҳкамлаш, илм-фан, ижодкорликка кенг йўл очишга қаратилган бўлса-да, кейинчалик инсон интилишларининг барча томонларини қамраб олди. Ўша вақтларда Фарбий Оврупо мамлакатларининг барчасида ҳам бошқарув масаласида черковнинг таъсири жуда кучли бўлиб, давлат аҳамиятига молик ҳар қандай масала унинг иштирокида





хал этилар эди. Хатто давлат раҳбарларини тайинлаш масаласини ҳам баъзида черков хал қиларди. Бундай тартиб нафақат куйи табақа, балки олий табақа вакиллари ҳам ёқмас, черков ҳуқуқларининг чекланиши улар учун катта имконият очиб берар эди. Ана шу мақсад сари интилиш XVIII-XIX асрларда Фарбий Оврупо давлатларида зодагон табақа вакиллари томондан қўллаб-қувватланган инқилобий ғоя ва ҳаракатларни юзага келтирди. Бу ҳаракатлар жамият ҳаётига таъсир қилиб, аста-секин давлат бошқарувининг черков таъсиридан озод бўлиши, айна вақтда дин вакиллари томондан белгиланадиган инсон ҳуқуқларининг дунёвий ҳокимият идоралари ихтиёрига ўтишига олиб келди.

Дин вакиллари иштрокидаги илгариги бошқарув инсон манфаатлари масаласига илоҳийлаштирилган қонун-қоидалар асосида эътибор қаратар, яъни хал қилиниши керак бўлган масалалар бўйича уларнинг диний ақидаларга қанчалик мос ёки мос эмаслигидан келиб чиққан ҳолда ҳукм чиқарар эди. Шу билан бирга, маънавий қадриятлар, ахлоқ-одоб, дунёқараш борасида ҳам диний қарашлар ҳукмронлик қилар эди. Черков таъсиридан холи бўлиб борган ҳокимият аста-секин аввало давлат, кейинчалик эса инсон манфаатлари устунлиги ҳақидаги ғояларни ўзининг асосий мақсадига айлантира бошлади. Черков ва давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатларга дарз кетиши бошқарув масаласида узоқ вақт давом этган курашларга сабаб бўлди. Охир-оқибатда халққа ён босган давлат ҳокимияти черковдан устун келди. Шундан эътиборан Фарбда феодал жамият барҳам топди. Унинг ўрнига вужудга келган капиталистик тузум ўз манфаатлари йўлида диний ақидалар тақиқлаб келган жуда кўп эркинликларни аста-секин қонунийлаштира бошлади. Демократия йўлидаги оммавий курашлар айнан ана шу даврларда бошланди. Давлатларнинг парламентар шаклга ўтиши, конституциявий қонун-қоидаларнинг жорий этилиши бу курашларни оммавий намоишлар, ҳатто давлат кучлари билан тўқнашувлар даражасига олиб чиқди.

Ҳозирги ривожланган Фарб тамаддунининг асоси инсон манфаатлари масаласи билан боғлиқ ана шу эркинликларни ҳимоя қилиш заминида қарор топди. Шахс эркини қонунлаштириш Фарбнинг маданий жиҳатдан гуллаб-яшнашига сабаб бўлди. Савдо-сотиқ ривожланди, инсоннинг яратувчиллик қобиляти кенг намоён бўлиб, илм-фан тараққий топди.

Албатта, бу тараққиёт ва унинг ривожланиш тезлиги сифат ва салоҳиятда илғорликка интилаётган бошқа минтақа мамлакатларига ҳам таъсир қилмай қолмас эди. Бундан ташқари, XX аср аввалида пайдо бўлиб кейинчалик Биринчи жаҳон урушига сабаб бўлган дунёни қайта тақсимлаш, ерости боғлиқларига эгалик қилиш истаги дунёни фарблаштириш ғоясини янги асосда ривожлантиришни заруратга айлантирди.

Бу масалага чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, Фарбий Оврупо халқлари, гарчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари йўлида машаққатли курашлар олиб борган, бу борада салмоқли ютуқларга эришган бўлса-да, аслида бу натижалар бойлик ва куч-қудратга асосланиши аён бўлади. Бойлик ва куч-қудратга эса — бу ҳеч кимга сир эмас — бошқа халқларни талаш, уларнинг эркинликларини оёқости қилиш, ҳар томонлама ўзига қарам этиш ҳисобига эришилади. Инсонга эрк бериш, бу масалани “биринчи бўлиб кашф этиш” ғоялари бориб-бориб — аёллар эмансипацияси учун кураш жараёнига уланиб кетди ва бу ҳаракат XIX аср охирларига келиб авж нуқтасига етди.

Аммо инсониятнинг неча минг йиллик ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, эркинлик, бир томондан, инсон камолоти учун шароит яратиб, истеъдодларнинг рўёбга чиқиши, илм-фан ва техник тараққиётнинг гуллаб-яшнаши, юксак иқтисодий тараққиётга сабаб бўлди, иккинчи томондан, неча асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларга беписанд қараш, миллий анъаналардан воз кечиш, мисли кўрилмаган ахлоқий инқирозларга олиб келди.

Маълумки, инсон бу ёруғ дунёда яккамахов бўлиб умргузаронлик қила олмайди, аксинча, унинг барча фазилатлари жамият ичида яққол намоён бўлади. Жамият эса муайян урф-одат, ахлоқ-одоб меъёрлари, хатти-ҳаракат қоидалари, ижтимоий тартибларга

бўйсунушни, бурч ва масъулиятни ҳис этишни, оила шаъни, ватан, миллат шарафи учун курашиб яшашни тақозо қилади. Бордию инсон бутунлай моддий эҳтиёжлар кулига айланиб қолса, ҳайвондан фарқи қолмайди.

Ҳамма нарсани моддий бойлик, манфаат билан ўлчаш фалсафаси Фарб халқлари маданияти ва маънавиятида кўплаб бузилишларга сабаб бўлди. Бундай салбий жараён уч юз йил давомида ижтимоий, илмий-техник тараққиётни кўзлаб қонунлаштирилган эркинликлар, куч-қудрат ва ҳар қандай моддий бойликни, ҳатто тана гўзаллигини ҳам, одоб-ахлоқ ва маънавий гўзалликдан кўра устун қўйишни фазилат сифатида намойиш қилиш оқибаотида келиб чиқди. Шу тариқа жисмоний ва ақлий куч, ташқи сифат барча муаммоларни ҳал этиш воситасига айланиб борди. Лекин одоб-ахлоқ, маънавият каби инсон руҳониятига тегишли хусусиятлар эркинликларни қонунлаштириш жараёнида борган сари ўз ўрнини йўқотиб борди. Оқибатда XX асрнинг иккичи ярмида Фарб дунёсида маънавий қадриятлардан бегона авлод вужудга келди. Асосий интилишларини цивилизация, тараққиёт соҳасидаги етакчиликка, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий, технологик устунликка қаратган Оврупо тамаддуни эркинликларнинг маънавий сифатига етарлича эътибор қилмади ва бу ҳолат ҳозир ҳам давом этмоқда. Маънавиятдаги бундай оқсоқлик узоқ йиллар давом этган технократик дунёқараш соясида билинмай келди. Кўп асрлар мобайнида диний анъаналар ва улар белгилаб берган қоидалар асосида яшаб келган Оврупо цивилизацияси ҳақиқий тараққиётни бойлик ва куч-қудратга бўлган эҳтиёжни қондиришда деб билди, инсонга барча шароит ҳамда имкониятларни шу тариқа яратиб беришга қаратилган уринишни “маънавий ваъзлар”дан халос қиладиган воситага айлантириб борди.

Маънавий-ахлоқий қадриятлардан узоқлашиш, аёллар эркинлиги, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини эркакларники билан тенглаштиришга уриниш XX асрнинг 60-70-йилларига келиб Фарбда юксак даражага кўтарилди. Бойлик ва куч-қудратнинг биринчи ўринга чиқиши, чегарасиз, тийиқсиз эркинликлар нафақат аёллар, балки эркаклар маънавиятида ҳам бузилишларни кучайтириб юборди ва бугунги ахлоқ, тўғрироғи, ахлоқсизлик ана шундай манбалардан озиқланиди, дейиш мумкин.

“Маъно ахтариб” китобини ўқиган ҳар қандай одам бугунги Оврупо ҳақида ана шундай ташвишли манзараларни кўз олдида келтиради. Китоб истеъфодаги полковник А.Е.Мачехин томонидан тузилган. Унда турли давр ва халқларнинг 1300 нафар мутафаккир донишманди, шоиру олимларининг фикр-мулоҳазалари жамланган. Таврот, Инжил, Куръон, Талмут ҳикматлари, Будда насихатлари ҳам келтирилади.

Мазкур ҳикматларда инсон ва унинг хилқати, ҳаёт, умр маъноси, одамийлик ҳақиқатлари, тириклик ва ўлим, маънавий юксалиш ва ахлоқий таназзулнинг сабаб-оқибатлари ҳақида мушоҳада юритилади. Қувонарлиси шундаки, китобдан юздан ортиқ Шарқ донишмандлари, жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Лутфий, Машраб, Нодира, Ойбек каби ўзбек алломаларининг фикрлари ҳам ўрин олган. Унда бир-бирини тўлдирадиган бир-бирига зид фикрлар ҳам бор. Олам ва одам муносабати, тақдири азал ҳукми ва унга чап бериш илинжидаги ҳаракатлар, руҳий эркинликни қўмсаш, муҳаббат ва нафрат, фожиа ва бахт келтирадиган ҳодисалар ҳақида кишини чуқур ўйга толдирадиган фикрлар жамланган. Оптимистлар ва пессимистлар, материалистлар ва идеалистлар ҳам, донишманд гуманистлар, ҳатто ахлоқни, маънавиятни рад этадиган олимларнинг қарашлари ҳам ўрин берилган.

Китоб “Минг йилликлар ҳикмати” туркумида чоп этилган. Шу боис уни ўқиганда бамисоли инсониятнинг тафаккур тарихи, дарду ҳасрати, ўзини англаш босқичлари билан танишгандай бўласиз. Унда жамланган фикрлар аслида инсоннинг Инсон учун кураш тарихидир. Абу Аъло, Умар Хайём, Жомий, Навоийнинг ғоялари, Афлотун, Арасту, Л.Толстой, И.Ильиннинг қарашлари билан муштарак, уйғун бўлиб кетади.

Айниқса, XX асрга келиб, инсониятнинг маънавий инқирозга юз тутиши файласуфлар, адиблар, умуман қалби нозик инсонларни қанчалик безовта қилгани ҳам мутолаа жараёнида яққол сезилади. Китобни ўқиганингизда буни чуқур ҳис қилиш баробарида бундай инқироздан кутилиш йўллари ҳақида айтилган умидбахш фикрларга ҳам дуч келасиз.

В. Тихоплав, Т. Тихоплав. Физика веры. С.-Петербург, 2003.

Муҳтарам журналхон, китобнинг номи сизни таажжубга солиши мумкин: физика қаердаю иймон-этиқод қаерда, ахир этиқоднинг ҳам физикаси бўладими? Ахир этиқод — бу яққаю ягона Оллоҳга имон келтириш бўлса, физика — табиат, яъни моддий борлиқ ҳаракатини ўрганадиган фан, улар бир-бири билан қандай қилиб алоқада бўлади?

Ҳамма гап шунда-да!

Материализм фалсафаси ва унга таянган атеистлар айнан физика, кимё, биология каби аниқ фанлар хулосаларига таяниб, динга қарши кураш олиб борди. Уларнинг назарида, аниқ фанларнинг илмий натижалари оламнинг Оллоҳ томонидан яратилгани ва бошқариб турилишини инкор этади. Улар моддий олам ўз-ўзидан мавжуд ва ўз қонуниятлари асосида ҳаракатда, ҳаёт шу ҳаракатнинг ҳосиласи, деб ўқтириб келади.

Китоб муаллифлари аниқ фанлар соҳасида ном қозонган ўнлаб олимларнинг тадқиқотлари, назарий хулосаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, бунинг аксини исботлаган. Яъни, А.Энштейндан бошлаб математика фанларида содир этилган кашфиётлар оламнинг тузилиши, руҳлар оламнинг мавжудлиги ва алоҳида қобилиятга эга инсонлар бу нозик (латиф) олам билан алоқа боғлаши, кароматлар кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги диний қарашлар нақадар тўғри эканини исботламоқда. Олам нихоятда мураккаб тузилган, ҳозирча биз воқиф бўлган ҳодисалар, хусусиятлар чексиз бу олам сирларининг ташқи белгилари, холос. Шу боис оламнинг моҳиятини англашда рационал (ақлий) билимлар билан бирга иррационал (важдий-шуурий) билимлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Профессор В.Н.Волченко бундай таъкидлайди: “Оламни идрок этишимиз ва цивилизацияни маънавий-экологик боши берк кўчадан олиб чиқишимиз учун тўғри йўлни танлашда диний билимлар илмий-рационал билимларга ёрдам беради ва уни тўлдирди. Халлоқи оламни таниш ва Унга интилиш маънавий қадриятларни янада чуқурроқ англашга ва инсониятнинг таназзулдан чиқишига кўмаклашади” (48-бет).

Китобда кўриниб турган моддий оламдан ташқари яна бир неча оламлар мавжудлиги аниқланаётгани ўқтирилади. Чунончи, Латиф руҳлар олами, Энергия олами, “Йўқлик” (Адам) олами, Вакуум олами, Магнит майдони олами, Ахборот олами. Бу оламларнинг ҳар бири алоҳида ва айни вақтда ўзаро боғланган, бир-бирига таъсир этади. Энг ҳайратланарлиси шуки, Инсон мудом ана шу оламлар билан бирга ва унинг руҳи бу оламларни билиб олиши мумкин.

Г.И.Шиповнинг тадқиқотлари оламлар куйидагича табақаланишини исботлайди: мавжуд объектив олам фақат бизнинг сезгиларимиз қабул қиладиган моддий ашёлар билан чекланмайди; ўзгача тарзу тароватга эга бўлган бошқа бир реал олам бор, у моддий оламдан ташқарида. Уни олий ҳақиқий олам дейиш мумкин; биз яшаётган моддий дунё иккинчи даражали, яъни Олий ҳақиқий оламнинг “сояси”, яратилгандир; олий ҳақиқий (реал) олам чексиз, абадий ва ўзгармасдир. Унда макон, замон, ҳаракат, тадрижийлик, туғилиш, ўлиш каби категорияларга ўрин йўқ; бу икки олам биргалиқда Куллият оламини ташкил этади; Куллият (Мутлақият) асосида моддийликдан холи Поклик, алоҳидалик, олий мақомдаги ақлга мансуб хусусиятлар ётади. Бу фақат Парвардигорга хос сифатлар бўлиб, уни фақат набилар ва вали инсонлар идрок этиши мумкин (112-бет).

Китобда яна шу каби Коинотнинг онг майдони, Мутлақ “йўқлик” (Адам олами), Физик вакуум (бўшлик) ҳақида қизиқарли фикрлар баён этилган.

Ушбу тўпламда олий ахборот майдони, коинот онги ва инсон онги орасидаги муносабатлар, Латиф руҳлар олами билан алоқа қиладиган сўфийлар каромати, руҳнинг танадан чиқиб оламлар узра сайр этиши хусусида ҳам ажойиб-фаройиб маълумотлар келтирилади.



**Абдували Қ у т б и д д и н. Бахтли йил. Шеърлар.
Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.**

*Қишдан ўтиб олсак...
Лолалар юртига қараб кетармиз?..
Қишдан ўтиб олсак...
Дунёдан
Гулу райҳон бўлиб ўтармиз...*

Юракдаги ўлмас армон, руҳнинг соғинчи, умидвор нигоҳ, яшаш шавқи акс этган бу сатрларда. Инсонни ҳаёт билан кўринмас инжа заррин иглар орқали боғлаб турувчи туйғу бу. У ўлмайди, жисм ўлганда ҳам у ўлмайди, у авлодлар руҳиятида, талпинишлари — ташвишларида давом этади. Энг кудратли, энг нозик, энг гўзал туйғу бу.

Шеърнинг давоми:

*Санувбар баҳорга етолмасак агар
Ярамизга қўнар болари.
Етти аъзомиздан муаттар
Бўй чиқиб етамиз кўкариб.*

Бу энди инсоннинг Табиатга — Онага — Абадиятга ошуфталиги тасвири. Нақадар роҳатбахш тасвир! Абадиятга кўшилиш — фано бўлишни фақат сўфий шоирлар ана шундай сархуш, фараҳли қилиб тасвирлаганлар. Абдували ҳам, моҳиятан олиб қараганда, адабиётимизга сўфий шоир сифатида кириб келган эди.

Унинг руҳи сўфий руҳи каби эркин парвозда. Ташбеҳлари — тимсоллари ҳам шунга мувофиқ. У ўтган асрнинг иккинчи ярмида адабиёт оламига кириб келиб, шеърят мухлислари қалбидан жой олди. Шеърятимизга янгича романтик ранглар, янгича оҳанг, фавқулодда гўзал истиоралар, образлар тизимини олиб кирди.

*Тахайюл тунида сени эсладим,
Кафтингда бахт қуши, елкангда кафтар.
Пойингда тиз чўкиб мўлтирар маъюс кийиклар.*

Моҳир рассом чизган бир лавҳа дейсиз тасвирни. Аммо бу хаёл ҳам, тасаввурдаги ноаниқ олам ҳам. Айни вақтда соҳибжамол, лекин оддий қиз ҳам. Қизнинг “манглайи ялпиз”, “қароғи ой”, “этагини той тортади”. Бу истиоралар ўқувчи завқини ўн чандон оширади. Қалбингиз аллақандай эртақлар оламига айланади, орзудаги сарвиноз эса ошиққа тутқич бермайди.

Ўнлаб малаклар ўзини кўз-кўз қилади, севги тухфа этади. Аммо ошиқ ўша “ялпиз манглайи” қизга ошуфта, у “кўзига мил тортиб” ўзгаларга қарамайди, фақат “кафтида бахт қуши”, “елкасида кафтар”, пойида кийиклар чўккалаган ўз маҳбубасини қидиради, орзулайди, талпинади.

Севги изтироби ҳақида минглаб шеърлар бор. Аммо Абдували буни тамоман янги бир ранглар тасвири, янги ҳолатлар, кечинмалар мавжида қуйлаб беради.

Абдували инсон руҳиятига хос зиддиятлар, ботиний галаёнларни шеър тили билан қуйлайди. Унинг сатрларида нафрат ҳам, ачиниш ҳам, фараҳ — бахтиёрликдан маст дилнинг зарблари ҳам ўзгача бир маром, ўзга бир ибора — истиоралар тизимида сўзлайди. Айнан сўзлайди, нафрат ва муҳаббат гўё баҳсга қиради, бир-бирини фош этади, инсон деган хилқатнинг адо бўлмас кечинмалари юзага қалқиб чиқиб қичқиради. Руҳнинг тўлғаниши, ҳансираши, нола чекиши бор, масалан, “Эзгу руҳ хусусида фикр” шеърида. Лекин бу фиғонни эшитувчи кимса йўқ.

Абдували Қутбиддин шеърлари, поэмаларини қайта-қайта ўқийман ва ҳар гал янги туйғу, янги бадий гўзаллик оламига шўнғигандай бўламан. Ўзбек шеърляти бугун бағоят ранг-баранг, бағоят кудратли ва жозибали. Ана шу ҳис кўнглимни завққа тўлдиради.



Ziyofī — xalq mash'ali

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида Ўзбекистон зиёлиларининг мустамлакачилик сиёсати кирдирилари, коммунистик мафкура нуқсонларини очиб ташлаш йўлидаги ҳаракати анча кучайди. Бироқ улар устидан ўрнатилган мафкуравий назорат мустақилликка қадар давом этди.

Маънавий-маданий соҳада бу ҳол “вульгар” тус олган эди. “Шарқ юлдузи” журнали бешик, сумак, гўшанга, рух, домла, имом, дорилфунун каби сўзларни ишлатгани учун айбланди. “Ёш гвардия” театрида намойиш этилган “Майсаранинг иши” спектаклида исирик тутатилган лавҳа учун Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев “исирик баҳона динни тарғиб қилган”ликда айбдор деб топилди. Бир ойга чўзилган терговдан сўнг театрда “Дин афюн” мавзуида уч марта спектакль қўйиш ҳамда меҳнат дафтарчасига ҳайфсан ёзиш шарти билан кутулди. Диний расм-рўсумларга амал қилган мансабдор шахслар партия сафидан аёвсиз ўчирилди.

Айниқса, миллий ижодкорлар қаттиқ назорат остига олинди. Кўп асрлик урф-одат ва аъаналар акс эттирилган тарихимизга оид асарлар қаттиқ қораланиб, улардан миллатчилик унсурлари қидирилди. Жумладан, “Юлдузли тунлар” романи учун 3-плениумда “Бобурда типик ўрта асрга хос жиҳатларни кўра олишда Пиримқул Қодировда синфий етуклик етишмайди” дея ёзувчи танқид қилинди. 1987 йили “Гулистон” журналининг 10, 11, 12-сонларида чоп этилган Мирзо Бобур ҳақидаги мақола муаллифлари “тамерланомания” ва “бабураманья”да айбланди.

Ўзбекистон зиёлилари экология, аҳоли саломатлиги, пахта яккаҳоқимлиги, тарих, тил, миллий аънава ва урф-одатлар ҳамда бошқа бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда бебошликларга чек қўйилишини талаб қилишга интилган бўлса, партия ва давлат органлари, Марказдан юборилган “десантчилар” уларнинг овозини бўғиш сиёсатини олиб борди.

Бу вақтда, айниқса, Орол ва экология масаласи шов-шувга сабаб бўлган эди. Фожиа пахта яккаҳоқимлиги оқибати экани ва му-

аммони ҳал этишда давлат идоралари томонидан кескин чоралар кўрилмаётгани ҳақидаги зиёлиларнинг очиқ-ойдин фикрлари республика раҳбариятига маъқул келмади. Ўзбекистон КПМК биринчи котиби Рафиқ Нишонов 1989 йил 2 февраль куни фан ва маданият арбоблари билан бўлган йиғилишда “Орол комитетининг яқинда Ўзбекистон ёзувчилар союзи залида ўтказилган мажлисида оғир экологик вазиятдан чиқиб олиш учун амалий таклифларни ишлаб чиқиш ўрнига ҳукумат шаънига тухматдан иборат хужум ва ҳақорат қилишгача йўл қўйилди. Қайта қуришга қарши хитоблар эшитилди”, дея зиёлиларни очиқ қоралади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бир неча вакилидан Р. Нишонов ва В. Анишчев номига қуйидаги мазмунда телеграмма юборилган: “Мана, бир йилдирки, “Правда Востока” газетаси ўзбек зиёлиларини миллатчи, шанги-бақирок (крикун), рижор, империализм хизматкорлари, дея мунтазам равишда ҳақорат қилиб келмоқда. Маҳаллий матбуотда Сталин давридаги террорга хос бўлган демагоглрча эркин фикрловчи кишиларнинг овозини бўғишга ҳаракат қилинмоқда”. Республиканинг ўша вақтдаги раҳбарияти ижодкорларнинг бу эътирозини эътиборсиз қолдирди. Тил масаласидаги ҳаракатлар “миллатчилик” ва “ўзга тилда сўзлашувчиларга қарши кураш” деб баҳоланди.

Ўзбек зиёлиларига нисбатан компартия олиб борган қатагон ва зўравонлик сиёсатининг моҳияти республикани мустамлакада ушлаб туришдан иборат эди. Зиёлиларга ўтказилган таъқиб, тазйиқлар тарихда ҳеч қачон ўзини оқламаган. Президент Ёслол Каримов таъкидлаганидек: “Қайси бир раҳбар, қайси бир амалдор ўз обрусини тўкмоқчи бўлса, у зиёлилар билан орани бузади. Тарихда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам бунга мисол кўп. Катта-кичик барча амалдорлар кўзларини каттарок очиб, зиёли зотиға эътибор билан қарашни ўзлариға шараф деб билмоқлари керак”.

Муҳаммадjon АЛИХОНОВ,

Наманган Муҳандислик-иқтисодий
институту аспиранти

Ҳуқуқий давлат пойдевори

“Қаердаки қонун кучга эга бўлмаса, давлат тезда ҳалокатга учрайди. Қаердаки, қонун ҳукмрон, ҳокимлар унинг қули бўлса, ўша ерда давлатчилик юксалишга юз буради”, “Қонун ҳукмронлиги бўлмаган жойда давлат тузумининг ҳар қандай шаклига ўрин йўқ”, Афлотун ва Арастуниг бу фикрлари ҳуқуқий давлат ғояларининг антик даврдаёқ шаклланишини кўрсатади.

“Ҳуқуқий давлат” атамаси эса илк бор немис олимлари К.Велькер (1813 й.) ва И.Фрайхер фон Аретин (1824 й.) асарларида қўлланган. Ушбу тушунча ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, илмий адабиётга уларнинг ҳамюрти Роберт Вон Моль томонидан киритилган.

Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги таълимотнинг фалсафий асослари Гегель ва Кант томонидан яратилди. Кант давлатни ҳуқуқий қонунларга бўйсунган инсонлар уюшмаси дея таърифлаган. Унинг фикрича, шахсий эркинлик ҳар бир инсон эркинлигига мувофиқ бўлиши ва умумий қонун билан тартибга солиниши зарур. Бу атама дастлаб ГФР, АҚШ, Франция, Австрия ва бошқа давлатлар конституциялари, БМТ низоми ва бошқа халқаро ҳуқуқий нормаларда акс этди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг салтанатни бошқаришда ҳар бир ишни тўра ва тузуклар асосида бажаргани ҳуқуқий давлат ғоясининг миллий давлатчилигимиз аъналарига хошлигини тасдиқлайди. Президент Ислоҳ Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида таъкидлаганидек, ҳуқуқий демократик давлат бошқарувининг асосий шarti жамиятни демократлаштириш, фуқароларни давлат ва жамият бошқарувида жалб этишдир. Бироқ фуқароларда ўз-ўзини бошқариш, давлат аҳамиятига молик масалалар муҳокамаларида иштирок этиш кўникмаларини шакллантиришга бўлган эътибор ҳозирча суст. Мазкур муаммони бартараф этишни таълим тизимидан бошлаш, яъни ҳуқуқ фанини ўқитишда замонавий услублардан фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда ўрта-маҳсус ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқ соҳасига оид услубий ва ўқув қўлланмалари замон талабларига мос бўлса-да, уларни ўқитишда назарияга кўпроқ ургу берилмаётир, амалий машғулотлар кам.

Ҳуқуқий билимни амалда қўллаш кўникмаларини шакллантиришда “кейс стади” услубидан фойдаланиш, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим ўрин тутуди. Айниқса, пойтахтда бошланган тажрибани давом эттириб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий халқ депутатлари кенгашларида “ёшлар парламенти”ни ташкил этиш ва уларни маҳаллий кенгаш, фуқаролар йиғини фаолиятига жалб қилиш ижобий самара беради. Бу ёшларнинг мактабдан ташқари ҳуқуқий таълим олишлари учун шароит яратиш баробарида давлат органларининг ёшлар манфаатларини ўрғанишлари самарадорлигини ҳам оширади.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда рўй берган террорчилик ҳаракатларига ҳаётий тажрибаси бўлмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган ёшларнинг аралашиб қолгани ҳуқуқий саводхонлик масаласига жиддий ёндашмоқни талаб этади. Бу воқеалар ёшлар бўйича доимий комиссиялар ва жамоатчилик ташкилотларининг ёшлар муаммоларини ўрғаниш борасидаги фаолиятида камчиликлар борлигини кўрсатди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ёшларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларга давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратиш терроризм, диний экстремизм, тўрачилик, боқибегамлик ва бошқа шу каби иллатларнинг олдини олиш билан бир қаторда барқарор ривожланишга, фуқаролик жамиятининг асосий омили бўлган юксак онгли фаол шахсларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Баҳром Жўраев,

*Давлат ва жамият қурилиши
академияси докторанти*

Ta'sirchan kuch

Хотин-қизлар ҳаракати мамлакатимизда жамиятнинг фаол ижтимоий-сиёсий кучларидан бири сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнига муайян таъсир кўрсатаётир. Бу фаоллик уларга яратилган имтиёزلардан фойдаланишда, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. "Йилнинг энг малакали ҳамшираси", "Йил ўқитувчиси", "Тўзаллик танлови", "Зукколар ва чаққонлар", "Зулфия қизлари" каби турли мавзудаги тадбирлар ҳам аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Хозирги кунда аёлларни кичик ва ўрта бизнесга жалб этиш, уларни қўллаб-қувватлаш масаласига бир қанча давлат ва нодавлат ташкилотлар алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг 4 мингдан ортиқ аъзоси бор. Уларнинг 70 фоиздан кўпроғи мустақил равишда муайян тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Бу кўрсаткич салмоғини тасаввур этиш учун 1992 йили мустақил иш юритаётган аёллар уюшмаси аъзоларининг 20 фоизидан ҳам ошмаганини эслаш kifоя.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, унинг вилоят, туман ва ҳўжаликлардаги бўлимлари аёлларга давлат томонидан яратилаётган имтиёз ва қулайликлар, амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини тушунтириш, улар манфаатини ҳимоя қилишга муайян ҳисса кўшиб келаётир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда аёллар ташаббуси билан тузилган нодавлат ташкилотлар ҳам мавжуд. Бу ташкилотлар аёллар ҳуқуқини таъминлаш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ўзларини давлатнинг ҳамкори ва ёрдамчиси ҳисоблайди.

Республикада рўйхатга олинган 412 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан 40 таси аёллар масалалари бўйича фаолият олиб бормоқда. Улар, дастурларига кўра, бир-биридан фарқ қилса-да, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ислохотларга хотин-қизларни кўпроқ жалб этиш, уларни янги иқтисодий шароитларга кўниктириш каби муштарак мақсадларга хизмат қилаётир. Эътироф этиш жоизки, аёллар илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари республика ижтимоий ҳаётининг бир қисмига айланди. Аммо ҳали муҳим воқеалар ривожига таъсир қиладиган даражадаги ижтимоий ҳаракатга айланган эмас.

"Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони мамлакатимизда аёлларга бўлган эътиборнинг тобора ортаётгани исботидир. Фармонда ҳукумат ижроия идораларининг барча бўғинларида аёллар иштирокини кучайтириш кўзда тутилган. Мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда, тегишли ташкилотларда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда аёлларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамиятни янгилашга оид қарашларини ўстириш долзарб вазифалардандир.

Аёллар фаоллиги муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Шу маънода, хотин-қизлар ҳаракатининг кенг ёйилиши, турли уюшмалар сонининг ўсиб бориши, оналар ва болалар саломатлигининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши — халқимизнинг ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларидан биридир.

Севара АХРОРОВА,

Техника университети ўқитувчиси

Shaharsozlik madaniyati va milliylik

Маънавий бойликлар, миллий қадриятлар илдизи бир неча минг йиллик тарихга эга. Шу боис авлодлар маънавиятни янгидан яратмайди, унинг илдизига — аждодлар меросига таянади. Бу меросни янада такомиллаштириб, бойитиб боради.

Шўролар замонида бунга риоя этилмади. Натижада бундан миллий қадриятлар зарар кўрди. Шаҳар маданияти ва миллий қадриятлар борасида ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳам бунни тасдиқлайди. Бу нималарда кўринади? Шаҳарлар

ва шаҳарлашган ҳудудлар “пролетар” руҳда байналмилаллашиб кетди. Сохта байналмилал мафкура таъсирига тушиб қолган турли миллатга мансуб ёшлар ўртасида бир-бирига кўнгли қўйиб турмуш қуриш, кейин характерлари тўғри келмай оилалар бузилиши кучайди. Қайноқ севги, хаёлий фантазиялар ўрнини реал воқелик, турмушнинг аччиқ ҳақиқати эгаллаганида урф-одат, анъаналар бошқа-бошқалиги панд бериб, оила парокандалиги бошланди. Ана шу ҳодисалар сабабли етимлар сони кескин ошиб, ота-оналарини “Қариялар уйи”га топшириш одат тусига кирди. Бунинг оқибатида кексалари ардоқландиган, болажон юртимиз шаҳарларида “Етимхона”лар, “Қариялар уй”лари пайдо бўлди...

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар сони бундан тўрт йил бурун 4050 нафар бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 3193 нафарни ташкил этмоқда. Бу — ижобий кўрсаткич. Аммо ўйлан-тирадиган жиҳати шундаки, биз миллий қадриятларимиздан бир қадар узоқлашдик. Ахир, бизда ота-оналарини, фарзандларини қаровсиз ташлаб қўйиш уят ҳисобланган. Тақдир тақозоси билан етим бўлиб қолган боланинг ғамхўрлик қиладиган қариндошлари йўқ бўлса, уни кўникўшни, маҳалла-кўй биргаликда тарбиялаб вояга етказган.

Шаҳарлардаги зўрма-зўраки байналмилалчилик оқибатида жинсий йўллар орқали юкувчи ва ўлим билан яқунланувчи уятли касалликлар сони ҳам кўпайди. Фоҳишалар шаҳар кўчаларида бемалол маст-аласт ҳолда ўзларига мижоз излаб

юришига биров эътибор бермай қўйди. Хилват жойлардан, ахлат уюмлари орасидан чақалоқлар топилиб, меҳрибонлик уйларига топширилиши каби тубанликка ҳам кўника бошладик.

Бу муаммоларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири — турли миллатдан иборат шаҳар аҳолиси ичида динсизликнинг тарғиб этилиши ва диндан қайтмаганларнинг жазога тортилиши, кўпчилик олдида таҳқирланиши бўлди. Ахир, Худодан кўрқмаган одам ҳаром-ҳаридан қайтмайди-да. Даҳрий шўролар шунчаликка бориб етдики, уларнинг даврида қурилган кўпқаватли уйлар нобоп бир кўринишда лойиҳалаштирилди. Бу уйларнинг қилбаси атайлаб хона бурчаги ёки эшикка қаратилган, ножоиз жойлар эса қилбанинг тўғрисида.

Мустақиллик даврига келиб ҳукумат томонидан шаҳар маданиятига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Давлатимиз раҳбари талаби билан биринчи галда кўпқаватли бир хилдаги эгизак уйлар қурилишига барҳам берилди, хонадонларнинг ички хоналари ўртасида муайян масофа сақланди. Бу одоб-андишали, серфарзанд ўзбекнинг миллий менталитетига мос тушади. Тураржой ва нотураржой бинолар шарқона мейморчилик усулида қурила бошлади. Бу, ўз навбатида, миллий қадриятларнинг тикланиши, маънавиятнинг юксалиши омилidir.

Раҳима ИСОҚОВА,

*Наманган Муҳандислик-педагогика
институтини тадқиқотчиси*

Qutqu soluvchi illat

Мирзакаримбойнинг иш сўраб келган жияни Йўлчивойга қарата “Эр киши ер сотмайди, жиян” деган насиҳатини истиқлол йилларига қадар истеҳзо билан эслардик. Кейинчалик маълум бўлдики, ер одамнинг туганмас ризқи бўлиш билан бирга, авлодларнинг ҳам насибаси экан.

Шу ўринда аҳамиятли бир масалага эътибор қаратиш зарурати сезилади. Уша вақтларда маҳаллий бойлардан кўра рус пулдорларининг технологиялари замонавийроқ эди. Бундан ташқари, улар ҳуқуқий жиҳатдан ҳам катта устунликларга эга бўлган. Уларга солиқлар ва бошқа тўловларда қулай имтиёзлар яратилгани бунинг далилидир. Шунингдек, рус тадбиркорлари Оврупо ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилишда ҳам эркин эди. Маҳаллий бойлар эса

овруполик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхонаси у ёқда турсин, оддийгина тижорат ишини йўлга қўйса ҳам, рус маъмурлари томонидан унга “Оврупонинг айғоқчиси” деган тамға ёпиштирилган ва ҳар бир қадами назорат остига олинган. Бундай тазйиқлар натижасида ўзларини ниҳоятда ожиз сеза бошлаган маҳаллий бойлар шаҳардан чекиниб, қишлоқлардаги ўзларидан-да ночорроқ деҳқонларнинг ерларига эгалик қила бошлаган.

Шаҳарлик сармоядорлар сотиб олган дала-ларидан қандай фойдаланган? Табиийки, бошқа юмушлари бошидан ошиб ётган кишининг ерга ишлов беришга вақт топиши даргумон. Қолаверса, унга ишчи кучи керак. Шунинг учун бойлар, осон йўлини қилиб, ерни ижарага берган. Ижа-

радорлик қадимдан мавжуд бўлса-да, ўтган асрнинг бошларига келиб бойларнинг ночор оилалар ерини мажбуран сотиб олиб, судхўрлик йўли билан камбағалга атайлаб фоизга қарз бериши, кейинчалик, қарзидан қутула олмагач, ерини тортиб олиши авж олди. Ўша тортиб олинган ер деҳқонга ижарага берилган. Бу гирром савдо оқибатида бойлар яна-да бойиган, камбағаллар баттар қашшоқлашган. Шу тариқа ер бир гуруҳ судхўр бойлар ва шаҳар савдо буржуазияси ихтиёрига ўтиб қолган. Натижада коранда ижаракшлиги ва батраклик пайдо бўлди. Ерсиз қолган маҳаллий аҳоли эса эксплуатация қилина бошлади. Ижара шартномалари ҳам аслида шартнома эмас, ижарага ер берувчи манфаатларини ифодаловчи ҳужжат эди, холос. Биргина мисол. 1923 йили Фарғонада ижарачилар ҳосилнинг учдан икки қисмини ер эгасига топширган. Бу деҳқон турмушини мисли кўрилмаган дара-

жада оғирлаштириб юборган. Бойлар эса хўжаликни юриштишда ёлланма махнатдан фойдаланиш ўрнига ижарага бериш ва судхўрлик билан шуғулланиши афзал кўрган. Ерсизлик ва ишсизлик туфайли моддий аҳволи тобора ночорлашиб бораётган маҳаллий аҳоли вакиллари иш излаб турли жойларга тарқаб кетган. Уларнинг аксарияти марказий шаҳарлардан кўним топган.

Хуллас, истилочилар бизнеси маҳаллий бизнесни шаҳардан сиқиб чиқаргани оқибатида бутун ўлка бўйлаб судхўрлик деган иллат ёйилиб кетди, юртдан барака кўтарилди, қашшоқлар сони йилдан йилга ошиб борди, кучли норозилиklar пайдо бўлди. Шўролар айна шундан фойдаланиб оддий халқ ёрдамида ҳокимиятни нисбатан осонроқ эгаллаб олди.

Севара Тўлаганова,

Тошкент Молия институти
катта ўқитувчиси

Etnomadaniyatning yashovchanlik siri

Халқ анъанавий маданияти — ўзбек халқининг турмуш тарзи, менталитети, таълими, дини, фалсафаси, хуллас, тарихий-маданий асосига боғлиқ серқирра воқелиқдир. Халқ маданияти генезисига кўра тарихий, функционал хусусиятларига кўра замонавийдир. Ибтидоий даврлардаёқ ҳар бир халқ ўзининг “тарихий этнографик ва хўжалик-маданий типларини яратган”ки, этномаданият шу асосда шакланган (*Жабборов Исо, Ўзбек халқи этнографияси. Т. “Ўқитувчи”, 1994, 55-бет*). Албатта, турли ҳаётий жараёнлар таъсирида уларда ўзига хос белгилар пайдо бўлган. Бу ўзгаришлар халқ маданиятига динамик хусусият бахш этиб, унинг яшовчанлигини таъминлаган. Масалан, ер, сув, атроф-муҳит, табиатга алоҳида меҳр туйғуси билан қараш, уларни авайлаб-асраш халқимизга хослиги “Авесто”да ҳам учрайди. Бу қадрият халқимизнинг ҳозирги экологик маданиятида ҳам сақланиб қолган. Шунга таъкидлаш жоизки, халқ маданиятини анъанавий ва замонавий кўринишларга кескин ажратиш қийин. Чунки халқ маданияти мудом ўзининг ижтимоий-тарихий негизига таянади ва ундан озик олади.

Маданият соҳасида миллий ва умуминсонийлик масалаларни ўрганиш борасида кейинги йилларда олиб борилган илмий-назарий изланишлардан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, миллий маданиятнинг тараққий этиш шартининг умуминсоний белгиларни ривожлантириганида,

умуминсоний маданиятнинг ривожланиш омили эса миллий маданиятлар ранг-баранглигини сақлаб қолишдадир. Ушбу ўзаро диалектик боғлиқликни таъминлаш инсониятни ҳалокатга олиб келувчи “маданиятлар тўқнашуви”дан (С.Хантингтон) сақлаб қолади.

Халқ маданиятининг яна бир хусусияти — муқимлиги ва инновацияга (янгиликка) мойиллигидир. Агар муқимлиги бўлмаса, халқ маданиятининг ўзига хослиги ҳам, миллий белгилари ҳам бўлмас эди. Ташқи таъсирлар натижасида у кундан-кун ўзгариб илғаш, тушуниш, ўрганиш қийин мавҳум бир нарсага айланарди. Инновация эса халқ маданиятига бошқа бир халқ, миллат эришган ютуқлардан баҳраманд бўлиш, улардан оқилона фойдаланиш имконини беради. Бироқ инновация халқ маданиятидаги муқимликни рад этмайди, балки ундаги илғор тажрибага таянади ва унинг ўзи ҳам келгусида муқим воқеликка, анъанага айланади.

Халқ маданиятининг энг муҳим хусусиятларидан бири оммавийлиги ва индивидуал ижодни ўзига жо этганида кўринади. Агар маълум касбий ижод турларини (оркестр, опера ва балет, хор, компьютер дизайни ва бошқалар) махсус тайёргарлиги бор кишиларгина англасса, халқ маданиятига оид санъат ва ижод турларини барча тушунади. Лекин халқ маданияти индивидуал ижод қилишни инкор этмайди. У бундай ижод

билан шуғулланувчига ўзига хос аънаналарини давом эттиришни шарт қилиб қўяди.

Нарса ва ҳодисаларга кўпфункционаллик ва бирфункционаллик хос. Халқ маданиятидаги кўпфункционаллик унинг турли эҳтиёж ва манфаатларга хизмат қилишида кўзга ташланади. Масалан, халқ маданиятининг кенг тарқалган тури ашулчилик санъатини олайлик. Киши ашула айтиш жараёнида нафақат хиргойи қилишни, балки мусиқани тинглаш, тингловчи билан мулоқотда бўлиш, ўз вақти ва ижодий имкониятларидан тўғри фойдаланишни ҳам ўрганади. Бирор ижод ёки фаолият тури йўқки, кишида иккинчи, учинчи хил кўникма ёки сифатларни шакллантиришга ёрдам бермасин. Ҳамма гап халқ маданиятидаги кўпфункционалликдан тўғри фойдалана олишида.

Бир функционаллик у ёки бу фаолият турини мукаммал, чуқур билишга қаратилган бўладики, бу хусусиятсиз маданиятнинг бирор турини юқори даражада эгаллаш қийин. Бироқ халқ маданиятида ушбу хусусият мудом кўпфункционаллик томон йўналтирилган бўлади. Айнан кўпфункционаллик кишиларга халқ маданиятини чуқурроқ ўрганиш, дилига ва руҳиятига мос ижод тури билан эркин шуғулланиш имконини беради.

Демак, хулоса тариқасида айтиш мумкинки, халқ маданияти узоқ тарихий-маданий ривожланиш жараёнида халқ ва унинг ижодкор вакиллари томонидан яратилган, ранг-баранг ички хусусиятларга эга ижтимоий тизимдир.

Умида ЎТАНОВА,

*Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институту катта ўқитувчиси*

Ҳайот го'заллиги манбаи

Буюк юнон файласуфи Сукротнинг фикрича, шифокор ишидан беморлар, дарғалик санъатидан йўловчилар манфаатдор бўлганидек, раҳбарлик санъати ҳам фуқароларга фойда келтириши зарур. Яъни, давлат ҳокимияти фуқароларга хизмат қилиши керак. Бошқарув санъатининг тақомили, етуқлиги фуқаролар манфаатини кўзлашида — адолатли қонунлар чиқариш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишдагина эмас, балки таъминлаш, адолатни қарор топтиришда намоён бўлади.

Сукротнинг бу фикрига Фрасимах кўшилмайди ва адолат ҳақидаги қарашларини куйидагича баён қилади: “Ақл ўргатиб, адолатга интилган одам доим ютқазади, адолатсиз одам доим ютиб чиқади. Фуқаролар ўзаро келишиб, жамоа бўлиб ишласа ҳам, даромад тақсимолида фойданинг кўп қисми адолатсиз, оз қисми эса адолатли одамга тегади. Давлат билан фуқаролар муносабатида ҳам шундай. Адолатли одам давлатга кўп солиқ тўлайди, адолатсиз кимса буни четлаб ўтишга интилади. Маошни ҳам адолатли одамга нисбатан адолатсиз киши кўпроқ олади. Адолатли одам юқори мансаб эгаси бўлса, вақтини бутунлай давлат хизматида сарфлаб, шахсий иши ҳамда рўзгор ташвишларига ўралашиб қолмайди. У фақат давлат манфаатини ўйлаб, қариндошлари ва таниш-билишларига ёрдам бермагани учун улар олдида ҳурматини йўқотади. Адолатсиз раҳбар эса қариндошлари ва таниш-би-

лишларига кўп ёрдам бергани сабабли бу борда ҳам ютади”.

Фрасимах хулоса қилиб айтадики, ҳокимиятга эга бўлиш адолатсиз одамга жуда кўп имтиёз беради. Адолатсиз раҳбар ҳамма соҳада ғолиб келади. Адолатли раҳбар эса аксар ҳолларда ноҳақлик қурбони бўлади.

Шунингдек, адолатсиз раҳбар пинҳоний тайёргарлик кўриб, кутилмаганда давлат ва ибодатхоналар мол-мулкни ўзиники қилиб олади. У қонуний равишда фуқароларнинг мол-мулкни тортиб олиб, ўзларини кул қилиб ишлатса ҳам иши ўнгидан келади, омади юришади (*Платон. Государство. Сочинения. Том 3, часть 1. "Мысль", 1971, стр. 114*).

Сукрот ва унинг дўстлари Фрасимахнинг бу фикрларига кўшилмайди, аксинча, адолат барчага яхшилик келтириши, адолатсизлик эса ҳатто адолатсиз одамнинг ўзига ҳам катта зарар етказишини айтади.

Фрасимахга эътироз билдирган Сукротнинг фикрича, давлатни адолат билан бошқариш анча мураккаб бўлиб, ҳукмдордан катта масъулият талаб этади. Шу сабабли кўпчилик оқилу билимдон одамлар раҳбарлик ишидан ўзини четга олади. Чунки ҳақиқий раҳбар кўл остидагиларга ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг аҳволини яхшилаш йўлида жон куйдириши зарур эканини тушунади.

Сукротнинг фикрича, раҳбарликдан бош тортганлар амал-мансаб, шон-шухратга қизиқмайди-

ган фозил одамлардир. Лекин улар давлат тепа-сига пасткаш, адолатсиз одам келса, халқ ҳам, ўзи ҳам азият чекишни ўйлаб, раҳбар лавозим-да ишлашга рози бўлади. Бундай раҳбар ўз фой-дасини ўйламайди. Хунармандлар, деҳқонлар, чўпонлар, хуллас, кўл остидаги фуқаролар ман-фаатини ҳимоя қилади.

Мантикий далиллар билан Сукрот ўжар суҳ-батдоши Фрасимахга адолат — донолик, гўзал фазилат, катта куч, адолатсизлик — билимсизлик ва жаҳолат эканини тан олдиради. Адолатсизлик ҳамма вақт одамлар орасида низо, жанжални кел-тириб чиқарса, адолат ҳамжиҳатлик, дўстлик, ҳам-корликни кучайтиради.

Адолатсизлик шундай катта салбий таъсирга эгаки, бир давлат, бир қабила, бир қўшин ичида ҳам норозилик, келишмовчилик, парокандаликни юзага келтиради, давлат ва қўшинда интизом ва жанговарлик йўқолишига сабаб бўлади. Мабодо адолатсиз одамлар бирлашиб, ҳамкорлик қилса ҳам, кейин бир-бирига адолатсизлик қилиб ўзаро кураш бошлаши мумкин. Чунки, бундай одамлар бир-бирини аямай йўқ қилишга уринади. Адолат-ли одамлар ҳаёти адолатсиз кимсалар ҳаётидан минг чандон гўзалдир.

Абдуқаюм ПАРДАЕВ,

*Давлат ва жамият қурилиши
академияси докторанти*

Fitrat — ona tilimiz jonkuyari

Тил — барча замонларда ҳар бир миллат учун энг аҳамиятли ҳодиса саналган. Бинобарин, Авлоний таъбири билан айтганда, “Ҳар бир мил-латнинг дунёда борлигини кўрсатадургон оинаи ҳаёти тил ва адабиётидур”. Жадид боболаримиз-нинг тил масаласига алоҳида эътибор бергани сабаби ҳам шунда. Бу борада Қомусий олим Абдурауф Фитратнинг хизматлари, айниқса, тах-синга лойиқ.

Фитрат тил масаласига оид бир қанча мақо-лалар ҳам ёзган. Бу мақолаларда кўтарилган масалалар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Энг муҳими, у тилимизнинг сарф ва наҳ-вига (морфология ва синтаксисига) оид теран илмий асарлар ҳам ёзди. Шулардан бири “Сарф” асаридир. Асар 1927 йили нашр этилган ва ти-тул варағидаги расмий қайдга кўра “Ўзбекистон жумҳуриятининг маориф комиссарлиги ҳузури-даги билим ўзаги томонидан мактабларда ўқумок учун мувофиқ кўрилган”. Демак, дарслик вазифа-сини бажарган.

“Сарф”нинг муқаддимасида Фитрат тилимиз-нинг ўша даврдаги тараққиёт даражаси анча паст эканидан куйилади. Жумладан, олим бундай ёза-ди: “Бизнинг тил, адабиётимизнинг энг сўнг кун-лари фарғоналик Умархон замонида эди. Тил-адабиётимиз Умархон пайтида бирдан яшнаб кўтарилди-да, ундан кейин секин-секин пасая бош-лади. Бора-бора йиқилишнинг, йўқолишнинг энг оғир, энг қора дақиқаларини ўткарди”.

Фитрат шундан кейин XIX аср охиридаги “та-жаддул” — янгиланиш жараёни ҳақида баҳс юри-тади. Унги мактаблар очилгани, китоблар ёзил-гани, газета-журналлар чиққани, бироқ бу орқа-

ли ҳам “тил, имло масалаларига очик, белгили бир йўл бера олмаганимиз”га таассуф билдира-ди. Тилимизнинг “қатъий қоидаларини ишлаб чи-қиш” заруратини алоҳида таъкидлайди. “Илмий ахтаришлар бўлмагунча, — деб ёзади олим, — бунларнинг биртаси ҳам бўлғуси эмасдур”.

Китобнинг махсус боби “Тилимизнинг тари-хий оқими” деб номланган. Унда Кошғарийнинг “Девони луғотит-турк”идан, Адиб Аҳмаднинг “Хибат ул-ҳақойиқ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билик” асарларигача, улардан Яссавий шеърла-ри, Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё”си тилигача теран илмий назардан ўтказилади. Олимнинг куйидаги фикрлари, айниқса, аҳамиятлидир:

“Ҳижрий 466-да кошғарлик Маҳмуд ибн Ҳусайн томонидан ёзилгон “Девони луғотит-турк”нинг кўрсатишига қарагонда, ҳижрий бешин-чи мўлчарда (асрда) турк тили икки буюк тар-моққа айрилгон... Бу икки тармоқнинг бири “Де-вони луғот”нинг айтганига кўра — ўғуз туркча-си. Бири эса — хоқоний туркчаси... Умумий турк тилини Шарқ туркчаси, Фарб туркчаси деб айир-моқнинг-да асоси “Девони луғот”нинг шу сўзла-рига бориб тираладур”.

Табиийки, тил тарихига оид бундай илмий-таҳлилий қарашлар бугунги кун учун ҳам аҳами-ятли. Гарчи Фитратнинг тилшуносликка оид асарлари муайян даражада ўрганилган бўлса-да, масаланнинг бу жиҳатига етарлиқ эътибор берилмаган.

“Сарф” асарида ўзбек тилининг фонетик, лек-сик ва морфологик хусусиятлари теран таҳлил этилган. Назарий хулосалар исботи учун Наво-ий, Бобур, Машраб, Амирий, Комил Хоразмий,

Муҳаммад Шайбоний каби шоирлар ижодидан мисоллар келтирилган.

Бугун товушларни унли ва ундошга бўламыз. Фитрат унли ва унсиз деб юритади. Феълларни замонни англитишига кўра сўнги замон, буйрук, келгуси феълларга ажратса, хусусиятларига кўра ўтинч, шарт, кўзгатиш феъллари тарзида тасниф этади. Эшитилган феъл, ҳикоя феъли, замонсиз феъллар ҳақидаги назарий фикрлар, феълларнинг бобларга бўлиб ўрганилгани Фитратнинг нечоғлиқ синчков тилшунос эканига далил бўла олади.

“Сарф”даги сўз туркумлари таснифи ҳам ҳозиргисидан фарқ қилади. Асарда мустақил сўз туркумлари олтига эмас, бешга бўлиб ўрганил-

ган. Яъни, равиш сўз туркуми ҳақида фикр юритилмаган. Ёрдамчи сўз туркумларидан эса кўмакчи сўзлар хусусида маълумот берилган. Таҳлиллар ўзига хослиги, назарий масалалар янгича кўзқараш асосида ўрганилгани асарнинг илмий қиймати баланд экани исботидир.

Умуман, “Сарф” асари Абдурауф Фитрат тилимиз тарихининг, назарий тилшунослигимизнинг улкан билимдони бўлиши баробарида она тилимиз тақдири учун чин маънода қайғурган миллатпарвар эканини тасдиқлайди.

Замира МИРЗАКАРИМОВА,

Тошкент вилоят Педагогика институти
катта ўқитувчиси

Soʻzning mukammal ziyinati

Ўзбек тили ифода имкониятининг кенглиги жиҳатидан дунёнинг биронта ҳам тилидан қолишмайди. Айниқса, сўз маъносининг кўчиши орқали биргина сўзнинг ўндан ортик маънода келиши бошқа тилларда кам учрайди. “Бош” сўзини олайлик: бош, ишнинг боши, кўчанинг боши, сўз боши, даланинг боши, тўйбоши, даврабоши...

Маълумки, кўп маъноли, яъни полисемантик сўз билан омоним сўзлар бир-биридан фарқ қилади. Кўп маъноли сўзлар бир сўзнинг кўчма маънода қўлланиши натижасида турлича мазмунни ифодаласа, ўт (ўсимлик), ўт (инсон аъзоси), ўт (буйрук феъли), ўт (олов) каби омонимларнинг ҳар бири бошқасига мутлақо алоқадор бўлмаган алоҳида сўзлардир. Ўзбек тили бу жиҳатдан ҳам дунёнинг энг бой имкониятга эга тилларидандир.

Яна бир муҳим жиҳати, тилимизда маъно кўчишининг ҳам бир-биридан нозик тафовутга эга тўрт тури мавжуд: метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик. Биз шулардан бири — метафора ҳақида тўхталамиз.

Метафора — ўзаро ўхшашлик натижасида бир сўзнинг маъноси бошқасига кўчишидир. Шеърятда метафора истиора бадийи санъатини ҳосил қилади. Бобурнинг куйидаги байти истиоранинг мукамал намунаси:

*Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигингни сарвдек
ҳаргиз,
Оёғинга тушуб барги хазондек қанча
ёлвордим.*

Байтдаги “гул” сўзи аслида “гулга ўхшаган ёр” маъносида. Шоирнинг маҳорати уч сўзда

ифодалаш мумкин бўлган маънони биргина сўзга мужассам эта олганидандир.

Шеърят назарийтчилиси Атоуллоҳ Хусайний истиорани “сўзнинг мукамал зийнати” деб таърифлайди ва бундай изоҳлайди: “Истиора мажознинг бир навъидур ва мажоз ҳақиқатнинг зиддидур. Ҳақиқат лафзни ўз ясоғи, яъни нимани мўлжаллаб ясагон бўлсалар, ўшул маънода қўлламоқтан ибораттур. Мажоз лафзни ўз ясоғидан ўзга маънода қўлламоқ...” (Атоуллоҳ Хусайний. *Бадойиъ-с-санойиъ*. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 219-бет).

Бадий асар сўз билан иш кўради. Сўз қанчалик санъат билан музайян бўлса, таъсир кучи шунчалик баланд бўлади. Шунинг учун ҳам, Атоуллоҳ Хусайний истиоранинг, яъни мажознинг “фасоҳату балоғат арбоби қошида ҳақиқаттин яхшироқ” эканини таъкидлайди.

“Истиораларнинг лирик тўйғулар, ранго-ранг ҳиссий кечинмалар, нозик руҳий ҳолат тасвиридаги муҳим аҳамиятини англаб етган ижодкорлар, — деб ёзади профессор Анвар Ҳожиаҳмедов, — ўз асарларида кўплаб ёрқин ва сержило тимсоллар яратганлар. Зеро, кўчма маънони ифодалаётган сўз ўз маъносидан кўра ўзгачароқ моҳият касб этиб, байт ёки бандни янгича тақин қилишга йўл очади” (Анвар Ҳожиаҳмедов. *Олхий даҳосининг олмос қирралари*. Т., “Мерос” нашриёти, 1999, 23-24-бетлар).

Мумтоз шеърятимизда “дашти фано”, “кўҳи исён”, “сафо базми”, “ҳақиқат жоми”, “иймон гавҳари”, “кўнгул куши”, “адам дашти”, “ишқ барқи”, “оҳим шарори”, “фироқ захри”, “висол шарбати” каби истиорага асосланган бирикмалар кўплаб

ишлатилади. Бундай бирикмалар, биринчидан, тилининг ифода имконияти нечоғлиқ кенг эканини кўрсатса, иккинчидан, бадиий сўзнинг зийнати ўлароқ ўқувчи қалбини ром этади. Унинг шуурига, хиссиётларига кучли таъсир кўрсатади. Бинобарин, сўз зийнати, шеър қудратини белгилувчи мезон ҳам шудир. Мана, биргина мисол:

*То тушти ишқ барқидин дили маҳзунга ўт,
Хар нафас оҳим шароридин тушар гардунга ўт.*

Огаҳийнинг мазкур байтидаги теран мазмун ва гўзал бадииятни таъминлаган асосий восита “ишқ барқи”, “оҳим шарори” истиораларидир.

Умуман, метафора — истиора она тилимизнинг бекиёс имкониятини кўрсатувчи ноёб ҳодисадир. Тилимизнинг бу каби сирли-сеҳрли хусусиятлари ҳали кўплаб тадқиқотларга мавзу бўла олади.

Гулчеҳра ТУРДИАЛИЕВА,

илмий тадқиқотчи

Peyzaj zamiridagi haqiqat

Бадиий образ руҳиятини очиб беришда табиат тасвиридан фойдаланиш энг кўп учрайдиган ҳодиса. Турк адаби Яшар Камол ижодида айни хусусият яққол кўриниб туради. Адиб асарларида инсон ва табиат ўртасидаги муштаракликни талқин этишга алоҳида эътибор қаратилади. Унинг қаҳрамонлари кайфияти ва кечинмалари табиат манзараларига уйғун ҳолда тасвирланади.

Ёзувчининг аксар асарларида Ўртаер денгиздан бошланадиган Тавр тоғининг бетакрор манзаралари қаламга олинган. Яшар Камол бу маконни ўзгача бир меҳр билан тасвирлагани сезилиб туради. Ана шу пейзажлар унинг асарларига миллий руҳ бағишлайди. Шунингдек, Анаварза, Чукурова тоғлари қиёфаси воситасида турк халқининг миллий турмуш тарзи акс эттирилган.

Табиат манзараларини қаҳрамонлар ҳаракат-ҳолати, кечинмалари билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирлаш — адиб асарларининг етакчи хусусияти. Жумладан, “Таянч устун” романида табиатдаги ўзгаришлар қаҳрамон кайфияти, ҳолатини куйидагича ифодалайди: “Куз шамоли эса бошлади. Кулранг тупроқни кузнинг совуқ, баданни жунжиқтирувчи шамоли ялайди. Қушлар бўйинларини қанотлари орасига олганча шамолдан пана жойларда қунишиб туради. Совуқ шамол уларнинг жон-жонидан ўта бошлаган. Какликларнинг ҳам овози эшитилмайди. Арчалар тагида уларнинг излари кўринмай қолди. Чукурова тоғларидан анча пастда бўлгани учун бу ернинг ҳавоси илиқ. Тупроқ ҳам музлаб қолмаган. Худди пахтадай юмшоқ. Товланиб туради. Қадам куйганингда товонинггача ботиб кетасан” (*Yasar Kemal. Ortadirek. Adam yayinlari. Istanbul, 2000. s. 208*).

Ёзувчи Чукурова табиатини синчковлик билан кузатган. Шу боис бу тоғ манзарасини худди

моҳир мусаввир каби аниқ тасвирлайди. Шамолдан қочиб пана жойда қунишиб ўтирган қушлар ҳолатини Али ва Марямжаларнинг ночор турмушига қиёслаш мумкин. Кузнинг совуқ шамоли, бўйинларини қанотлари орасига олган қушлар ҳақидаги тафсилотлар орқали гўё камбағал одамларнинг оғир ҳаётига ишора қилинади.

Ижодкор пейзаждан ижтимоий ҳаёт иллатларини кўрсатишда ҳам фойдаланади. У пейзаж ёрдамида баъзан қутилмаган, кескин воқеаларни ўзаро боғлайди. Шунингдек, унинг асарларида гўзал ва сокин манзаралар ортидан бирданига шафқатсизлик, қотиллик тасвирига ўтилади. Табиатнинг гўзал тасвирига кишилараро носамимий муносабатларнинг қарама-қарши кўйилиши адиб асарларига ўзига хос драматизм бағишлайди.

Яшар Камолнинг “Инжа Мамад”, “Таянч устун”, “Илонни ўлдирсалар” каби асарларида табиат манзараларига алоҳида эътибор қаратилиши, уларнинг қаҳрамонлар кайфият, кечинма, ҳолат, интилиш ва хатти-ҳаракатларига мос ҳолда тасвирланиши уни романтик ижодкор, дейишга асос бўлади. Айни чоғда бу ёзувчи катта реалист санъаткор ҳамдир. Чунки унинг асарларида табиат манзаралари жўшқин, кўтаринки, лирик оҳангда ифода этилгани ҳолда, кишилар турмуши, қаҳрамонлар изтироблари ҳаққоний, ишонарли тасвирланади.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, Яшар Камол ижодида табиат тасвири китобхон кўз ўнгида чинакам ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш билан бирга, қаҳрамонлар характерини очиш, унинг ўзига хос ички дунёсини талқин қилишнинг энг самарали усулидир.

Лола АМИНОВА,

Шарқшунослик институти ўқитувчиси



SUMMARY

At a time when society liberalizes, how should the spiritual face of the modern mayor be as an individual and leader to inspire people to build a great future with their own hands? The Mayor of Kashkadarya Region, Oliy Majlis senator Nuriddin Zayniev and Prof. Nurboy Jabborov discuss the subject in today's "What do you think, my contemporary?" section.

Political scientist Narzulla Joraev in an article entitled "Questions left unanswered" shares his ideas about the niche of political parties and NGOs in today's changing world.

The director of the Ozbekiston Milliy Ensiklopediasi (National Encyclopedia of Uzbekistan) State scientific publishing house, Prof. Nurislom To'khliiev and literary scientist Sul-tonmurod Olim say that a nation that aims to create its own encyclopedia needs to have a wealth of scientific, cultural, literary, socio-political, domestic and other experience. In an article "The national encyclopedia is a reflection of the nation's thought", the two men conclude that Uzbeks are a nation that has a right to compile its own encyclopedias.


"The sinful" is a chapter from a novel by People's writer of Uzbekistan Odil Yoqubov about Kremlin tricks during the era of the Red Empire. It highlights some historical facts that uncover Moscow's unfair policies towards Uzbekistan that cost many Uzbeks their lives.

Prof. Begali Qosimov was a kind of person who fully implemented what he learned in his life. He was the true scholar of his nation and the true leader of jadidism (a progressive and reformist movement of the early 20th century). In an essay "Conscience goes hand in hand with faith" his pupil Nurboy Abdulkhakim narrates the life story of the scholar.

In an article "A problem of the grand castle" a doctor of architects, Pulat Zohidov muses on some reconstruction problems of Ulughbek's astronomichouse.

Asked: "Why did the evil weep?" Mansur Halloj answered: "Why should he not have? He wants to prevent the world from destruction and crisis". "This is a very strange opinion, isn't it," continues in his essay Prof. Ibrohim Haqqul. The scholar writes based on historical and scientific facts that even the evil weeps with fear as he faces some deeds mankind does. What is it that makes man worse than the evil? It is his worldly appetite. The author warns that a human being lives alongside the evil and thus should always be vigilant.

How was a state ruled in the ancient world? Was that by means of laws, traditions or by laws based on traditions? In "The origins of legal habits", legal scholar Nurmat Saburov debates the topic in the example of ancient Chinese statehood. Lao Tsi (576-499 BC) said that "disciplinary norms wreck trust and loyalty, resulting in mass revolts", but Confucius thinks the opposite...



Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 3/2006

